

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
Урта Махсус Таълим Вазирлиги

Бухоро Давлат Университети

"Иктисодиёт назарияси" кафедраси

Ашурова М. Х.

Классик иктисодиёт назарияси фанидан

(маъруза матнлари)

**5340100 « иктисодиёт » (тармоқлар бўйича) ва 5140900
«иктисодиёт» касбий таълим йуналишида таълим олаётган
бакалавр талабалари учун..**

**« иктисодиёт назарияси » кафедраси кенгаширининг 2007 йил
30 августдаги 1-мажлиси қарори билан маъқулланган ва тавсия
этилган.**

Бухоро - 2008

1-мавзу: Классик иқтисодиёт назарияси фанига кириш.

Классик иқтисодиёт назарияси - иқтисодий фанларнинг асоси сифатида.

1. Классик иқтисодиёт назарияси фанининг предмети.
2. Классик иқтисодиёт назарияси фанининг таҳлил услублари

Адабиётлар:

1. Антология экономической классики. В 2 томах. Т., 1, М., Эконов, 1991
2. Бозор иқтисодиёти назарияси. Т., Университет, 1993 й.
3. А. Раззоқов, Ш. Тошматов., Н. Ўрмонов. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Тошкент- «Молия»-2002 й.
4. Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. Москва 1996

Кириш.

Классик иқтисодиёт назарияси - иқтисодий фанларнинг асоси сифатида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзининг мустақил тараққий йўлига асосланган ҳолда бозор иқтисодиётига тўла ишонч билан ўтиб бормоқда.

Мустақилликнинг ўтган қисқа даври ичида иқтисодиёт инқироз ҳолатидан чиқарилди, унинг кўпгина соҳаларида барқарор иқтисодий ўсиш бошланди. Бозор муносабатларининг таркибий қисмлари, инфратузилмалари вужудга келтирилди.

Лекин Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларидан, айниқса Олий Мажлиснинг 2-чақириқ I ва II сессияларида, Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишларда қилган маърузаларидан бизга шу нарса маълум бўлиб турибдики, эришилган ютуқлар билан бир қаторда- бугунги кунда ўз ечимини топмаган муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам мавжуд. Кўпгина корхоналарнинг зарар кўриб ишлаётганлиги; қишлоқларда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш қийинчиликлари, товар хизмат ва капитал экспортига секин ўтаётганлиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Агар олдимизда "Миллий бойликнинг кўпайишини, Республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо этиш" каби буюк вазифа

турганлигини, бундай иқтисодиёт И.Каримов айтганларидек, стратегик мақсадимиз бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг асоси эканлигини эътиборга олсак иқтисодий муаммоларимиз нақадар кўплиги ва мураккаблиги янада аён бўлади.

Ана шу ва бошқа муҳим иқтисодий масалаларни тезроқ ҳал қилиш, уларнинг ечимларини излаб топиш, миллий истиқлол мафкурасининг мазмунини ва хусусиятларини тушуниш кўп жиҳатлар кишиларнинг иқтисодиёт сирларини, айниқса бозор ва бозор иқтисодиёти муносабатларининг мазмунини, уларнинг талаблари ва хусусиятларини, қонун-қоидаларини, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади ва моҳиятини чуқурроқ билишларига боғлиқдир.

Айниқса, ҳозирги даврда иқтисодиёт ҳар бир инсон ҳаётига жўшқинлик билан кириб бормоқда ва одамлар иқтисодиёт тўғрисида имкон борича кўпроқ билишга интиломдалар. Уммон каби кенг иқтисодиёт фанини ўрганишда, ҳозирги даврдаги бозор иқтисодиёти ички сир асрорларини ўзлаштириш жараёнида "Классик иқтисодиёт назарияси" фанининг ўрни бекиёсдир.

Классик иқтисодиёт назарияси бу бозор иқтисодиётига кириб келаётганлигимизни, бу шароитда яшашимиз, фаолият кўрсатишимиз, иқтисодий муносабатда бўлишимизни ҳисобга олиб, бозор иқтисодиёти муаммоларини, унинг сабаб - оқибатларини, қонун-қоидаларини, тушунчаларини, уларнинг бизнинг шароитимизда қай даражада, қай шаклда амал қилаётганлигини батафсил ёритишга имкон яратади.

Советлар тузуми даврида кўпгина фанлар, шу жумладан иқтисодиёт фани синфийлик, партиявийлик мафкураси асосида ўрганилди. Марксизм-Ленинизм ғоялари бирдан-бир тўғри таълимот деб қабул қилинди ва барча масалалар ечилган, тарихга,

классик (мумтоз) назарияларга ҳеч қандай хожат йўқ деган, умумий кайфият юзага келди. Социалистик ва коммунистик жамият қуришда дастури амал бўлган мафкурага муқобил бўлган барча фикрлар танқидга учради, асосий эътибор Марксча-ленинча назарияларни ўрганишга, капитализм, бозор муносабатларининг келажаги йўқлигини зўрма-зўраки "исботлашга" қаратилди.

Аммо бу йўл тарих синовидан ўтмади. Иқтисодиётда синфий, мафкуравий тамойиллар эртаклардаги кўп саройлари каби вайрон

тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида бозор тизимидаги ўзига хос хусусиятларини, кишилар ва гуруҳларнинг бу борадаги хулқ-атворини ўрганади. Ҳар қандай меҳнат, ҳар қандай ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш энг аввало, табиий ашёлари, моддий воситалар, пул маблағлари орқали амалга оширилади ва улардан фойдаланилади. Шунинг учун мавжуд ресурсларга, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга, улардан унумли фойдаланишга бўлган муносабат, ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсирида ўрганилиши лозим, Бошқа тарафдан ҳеч қандай меҳнат ёки ишлаб чиқариш алоҳида олинган киши ёки гуруҳ томонидан, бошқалар билан алоқасиз, муносабатларсиз амалга оширилмайди. Улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бир-бирлари билан албатта муносабатда бўладилар ва шу муносабатга қараб ҳаракат қиладилар, ўз хулқ атворини, ҳатти-муносабатлар, ҳатти-ҳаракатлар ишлаб чиқариш жараёнининг ўзидагина эмас, балки, такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазаларида бозор турмушида узига хос ишлаб чиқариш, пул орқали айрибошлашлар (сотиб олиш, сотиш), тақсимлаш ва фойдаланиш, яъни истемол қилиш жараёнларида содир бўлади.

Классик иқтисодиёт назарияси фанининг предметини аниқлашда шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, иқтисодиётнинг кўпгина томонлари аниқ иқтисодий фанлар томонидан, яъни саноат иқтисодиёти, савдо иқтисодиёти, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, менежмент каби фанлар томонидан ўрганилади.,

Иқтисодиётнинг айрим томонлари эса молия, солиқ, кредит, пул муомаласи, банк иши, божхона иши, эконометрия, ташқи иқтисодий алоқалар, бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти таҳлили каби фанларда ўрганилади.

Классик иқтисодиёт назарияси бу фанлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амал қилади. Улардан айрим аниқ томонларни олади, ўрганади. Лекин бу фан иқтисодий фанларнинг: назарий асоси, яъни пойдевори ҳисобланади, уларга услубий-назарий йўналиш беради, Уларнинг ҳаммаси умумий бўлган илмий тушунчаларни, қонун-қоидаларни иқтисодиётнинг турли тармоқлари, соҳалари, томонлари ўртасидаги алоқадорликни ва ўзаро таъсирни ўрганади ва аниқлаб беради.

Классик иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий муносабатларнинг турли шарт-шароитларида, замон ва маконда шаклан ва мазмунан ўзгарувчанлигини, уларни ифода этувчи илмий тушунчалар, қонун-қоидаларда ҳам ўзгариб туришини, уларнинг доимо

ҳаракатда, ривожланишда бўлишини ўрганади. Бундан ташқари, турли иқтисодий воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг мазмуни ҳамда моҳиятини ўрганибгина қолмай, уларнинг ўзаро алоқадорлигини, бир-бирларига таъсирини ҳам таҳлил қилади.

Ҳар қандай назариянинг фалсафий асослари ҳар бир фанни методологик таҳлилининг мажмуаси сифатига қараб ёндашишни талаб қилади.

А. Онкен айтганидек, "Иқтисодий билимлар тараққиётида юзлаб йиллар давомида методлар борасида кескин келишмовчиликлар мавжуд. Ҳозирга келиб бу борадаги фикрлар келишмовчилиги бироз барқарорроқ бўлиб туюлгани билан улар ҳалигача тўла ҳал этилмагандир".

"Методология" деганда "ҳодисаларни ўрганишнинг умумий йўналиши" тушунилади. Методология бир қанча методлар, усуллардан ташкил топади. Бир катор фанлар алоҳида ўзига хос методларни қўллайди. Масалан, барча иқтисодий фанлар учун иқтисодиётни интенсиф ўрганишнинг асосий воситаларидан бири сифатида отатислика ҳисобланади. Фан методологиясида умумий воситалар қўлланилади. Булар жумласидан мантиқ, диалектика, ва математикани киритиши мумкин. Қадимдан қўлланиб келаётган мантиқ (мас: Аристотель таҳлили) объектларни анализ қилишда фикрлаш фаолиятининг анча оддий воситаларини қўллаш имконини беради, Объектларни анализ қилишда диалектик ёндашув уни сифат жиҳатдан ўрганишни англатади.

Математик ёндашув эса, объектнинг миқдорий таҳлил этиш имконини беради. Иқтисодиётни таҳлил этишда тарихий метод катта роль ўйнайди. У ҳодисаларни тадқиқ қилишда иқтисодий ҳаётнинг тарихий даврлардаги ҳолатини ўрганади. Айни дамда у иқтисодий ҳодисаларни хронологик тизимга тушуради. Тарихий методни сақлаб қолган ҳолда уни генетик, эволюционал, диалектик методларга трансформациялаш керак бўлади.

Бу фанни ўрганиш орқали экономика, иқтисодни концепциялар ҳамда аниқ иқтисодий предметларни ўзлаштириш осонлашади, у ёки инсонларнинг иқтисодий жараёнларга қизиқишлари табиий ва зарурдир. Иқтисодиёт инсонларнинг моддий эҳтиёжларини қондиради. Уни ўрганиш одамлар ҳаётини режалаштиришга, уни таъминлашга ёрдам беради, шу собабли ҳам улар бутун ҳаётлари давомида иқтисодий билимларни ўзлаштириб борадилар, Иқтисодий тарбия ва таълим инсон ҳаётининг барча жиҳатлари ва

қирраларини қамраб олади. Классик иқтисодиёт назарияси умум иқтисодий фундаментал иқтисодий назариядир. У иқтисодий билимларнинг барча қирраларини қамраб олмай, балки фақат иқтисодий фанларнинг бошланғич таълимотларини мужассамлаштиради.

"Классик сиёсий иқтисодиёт" тушунчасини К.Маркс ўйлаб топган. У олимларни "классиклар" ва "вульгар олимлар" гуруҳига ажраган, унинг фикрича "классиклар" таркибида У.Петтидан бошлаб Д.Рикардо давригача ижод қилган иқтисодчи назариётчилар киритилади.

Классиклар даври меркантилистлар даври ўрнига келган босқич деб аташ мумкин. Иқтисодий қарашлар тарихи чуқур ўрганиб чиқилиб, шундай хулосага келинди, иқтисодий фикрлаш тараққиётининг классик босқичи физиократлар, Кантильон ва Юм даврида бошланиб, Джон Мейнард Кейнснинг иқтисодий қарашлари ёрдамида унга чек қўйилди.

Классик иқтисодиёт назарияси фанининг предмети.

Классик иқтисодиёт назарияси фани ижтимоий фан бўлиб, фалсафа, иқтисодиёт назарияси, иқтисодий таълимотлар тарихи ва бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқдир, улардан услубий ва илмий озуқа олади ва айни вақтда уларга ҳам манба бўлиб хизмат қилади. Лекин уларнинг ҳеч бири классик иқтисодиёт назарияси фанининг ўрнини босолмайди, бу фаннинг ўз вазифаси ва предмети бор.

Классик иқтисодиёт назариясининг предмети нима? Бу фан асосан нимани тадқиқ қилиб, одамларга нимани ўргатади?,- деган саволнинг ечими мураккаб бўлиб, бу ҳақида аниқ бир тўхтамга келиш жоиздир.

Бу фан чекланган ресурслар шароитида эҳтиёжларни қондириш мақсадида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, бўла бошлади. Табиатнинг ёмон об-ҳавоси бўлмаганидек, мумтоз назариялар тарихи ҳам бўлиб ўтган яхши ёмон воқеалар учун ҳеч ким олдида тавба-тазарру қилмайди.

Ҳозирги давр олимлари аввалги муаллифлардан кўра кўпроқ биладилар. Бу объектив жараён, аммо шуниси ҳам айни ҳақиқатки, биз улар туфайли ҳам шу нарсаларни биламиз.

Мустақил тараққиёт йўлига ўтган Ўзбекистон олимлари олдида, кўпгина фанлар каби иқтисодиёт фани борасида, шу жумладан янги дастур бўйича амал қила бошлаган “Классик иқтисодиёт” фанлари соҳасида ҳам улкан ишларни амалга ошириш вазифаси турибди. Мумтоз иқтисодиёт инсоният тарихи каби қадимийдир.

Иқтисодиётга оид фикр, ғоя, назария кўп минг йиллик тарихий манбага эга. Бу манбалар, улардаги назариялар, аввало, инсониятнинг муқаддас мулкидир, уни топиш, ўрганиш ва келажак учун сақлаш савобли бўлса, улардаги нодир фикрларни ҳаётга тадбиқ этиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади, катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт байналминал ҳодиса бўлиб, олдида турган вазифалар барча халқлар ва мамлакатлар учун бир хил, аммо у ривожланиш давомида турлича натижаларга эришганлар. Ҳозирги даврда ҳам бозор иқтисодиётининг тамойиллари бир хил бўлишига қарамасдан натижалар турличадир. ХУШ аср охирида мумтоз иқтисодий мактаб вакиллари Адам Смит ва Давид Рикардо объектив, яъни инсон хоҳишига боғлиқ бўлмаган, аммо улар томонидан ўрганилиши мумкин бўлган қонунлар асосида амал қилувчи хўжалик тизими тўғрисидаги назарияларни яратдилар. Уларнинг фикрича давлатнинг иқтисодий сиёсати бу қонунларга хилоф бўлмай, аксинча бу қонунларга суяниши керак, ана шу ишда иқтисодиёт раванқ топади ва аксинча. Демак, бу қонун ва қонуниятларни билиш, улардан амалиётда тўғри фойдаланиш ҳаёт талаби бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам классик иқтисодчиларнинг яратган назариялари долзарб ҳисобланмоқда. Ўтмишдаги ўғитлар, ҳаётий тажрибалар, олимларнинг ғоя ва назариялари ҳозирги кунда акс этмоқда. Уларни ўрганиш ва энг муҳими ҳозирги ҳаётга тадбиқ этиш зарур,

Классик иқтисодиёт назарияси фани ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг Олий ўқув юртларининг кўпчилигида иқтисодий зарур фан сифатида кўрсатилмоқда.

Бу иқтисодий ўзгаришнинг шарт-шароитларини ва оқибатларини таҳлил этишга катта кўмак беради. Масалан: бизга бугун янгидек туюлган бозор иқтисодиёти тўғрисидаги фикрлар А. Смит томонидан 1776 йили чоп этилган "Халқлар боши" асарида асосан тўла таҳлил этиб берилган. Баъзи иқтисодий назариялар эса қадимдан маълум. Уларни ўрганиш ва энг муҳими ҳаётга тадбиқ этиш яхши самара беради, кўп ҳолларда Американи янгидан кашф қилишга ҳожат қолмайди.

Ҳозирги пайтда дунёдаги илғор ғояларни ўрганиш давомида хурфикрлиликка (шпорализмга) кенг ўрин бериш, ҳар қандай назарияни атрофлича таҳлил этиш кераклиги аниқ бўлиб қолди.

Бу фанни чуқурроқ ўрганиш туфайли бир канча ечимини кутаётган назарий масалаларга ойдинлик киритиш имкони туғилади. Масалан, бозор муносабатларининг ибтидои ханузгача аниқ ечимга эга эмас, айрим олимлар бу жараёни хусусий мулк, синфий жамият юзага келиши билан боғласалар, айримлари (Р. Хейлбронер, Л. Туроу) уни капитализм билан, аниқроғи ишлаб чиқариш омилларидан пайдо бўлиши билан изоҳлайдилар (меҳнат, ер ва капитал товарга айлангач, бозор тизими юзага келган экан). Кейинги фикр бўйича бозорнинг ибтидоси ХУШ асрда Англияда бошланди.

Ўз даврида илғор Шарқнинг ортда қолиб, Ғарбнинг илгарилаб кетиши сабаблари, келажак тўғрисидаги прогнозлар ҳам муаммо бўлиб турибди.

Таниқли иқтисодчи олим Ж.К.Гэлбрейт: "Амалда иқтисодий ғоялар ўз даври ва вужудга келиш жойининг маҳсули бўлиб, улар билан чамбарчас боғлангандир; бу ғояларни у туташтириб бераётган дунёдан мустақил равишда ажратиб қараш мумкин эмас, бу дунё эса доимо ўзгаришда бўлади, агар бу ғоялар ўз мақсадларига тўла жавоб беришни кўзламасалар, доимо шунга мос равишда ўзгариб туришлари керак" деб ёзган эди.

Капитализм даврида хўжалик ва ижтимоий ҳаётда байналминаллик (интернационализм) кучайганлиги туфайли, иқтисодий фикрнинг ривожланиши ҳам ягона жаҳон жараёнига айлана бошлади. Оқибатда, классик иқтисодий мактаб асосчилари А.Смит ва Д.Рикардонинг қарашлари, назариялари қисқа вақт ичида бутун жаҳонга маълум бўлди, ваҳоланки, ундан аввалги кўпгина назариялар айрим мамлакатларда кўпчиликка маълум бўлмасдан "ўлик мод" сифатида ётган.

Ғарб мамлакатларида юзага келган "экономикс" ва бошқа тадқиқотлар барчанинг диққат эътиборини жалб қилмоқда.

Бу фан доимо ривожланишда бўлиб, бир-бирини тўлдирувчи эволюцион (мавжуд назарияларнинг янада чуқурроқ такомиллашуви) ва инқилобий (бутунлай янгича концепциялар вужудга келиши) йўллари мавжуд. Инқилобий ўзгаришга инсон сифатида А.Смит ва унинг издошлари ғоялари, маржиналистик тўнтариш, янги классик йўналиш (А.Маршал) Ж.М.Кейнонинг иқтисодий қарашларини келтириш мумкин. Ўтиш даври иқтисодиёти бўйича ғоялар ҳозирги даврнинг муҳим қарашлари мажмуасига киради ва ниҳоятда долзарбдир.

Таниқли давлат арбоби Уилстон Черчилл (1874-1965); "Қаерга боришимизни билиш учун, қаердан чиққан эканлигимизни билиш керак" деб айтган. Бу фикр ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, босиб ўтилган йўлни туғри баҳолаш ва келажак истиқболни кўзлаш ҳақида гап боради.

Иқтисодчиларнинг тадқиқотларидаги асосий бош ғоя-жамият. Инсоният, айрим шахсларнинг бойлиги масаласидир. Мақсад бир, аммо унга элтадиган йўллар турличадир.

Классик иқтисодиёт назариясининг мақсади, энг аввало, илмий билишдан иборатдир, шундан келиб чиқадики, иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни кузатиш, улардаги шакл ва мақсад ўзгаришларини, ички боғланиш ва алоқаларини, зиддиятларни, қонун-қоидаларни, тушунчаларни билиб, биринчи навбатда халққа етказишдан иборат.

Умуман олганда, классик иқтисодиёт назарияси фани бозор тизимидаги иқтисодий жараёнларнинг, воқеа ва ҳодисаларнинг сирини билишда илмий қўлланмадир.

Классик иқтисодиёт назарияси фани кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш вазифасини ҳам бажарадики, бу иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги стратегик мақсадлардан бири ҳисобланади.

Классик иқтисодиёт назарияси фани бозор иқтисодиётига ўтиш даври принципларини, ўтишнинг ўзига хос йўлини, ўзининг иқтисодий қонунларини, йўл-йўриқларини Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорлар асосида мамлакатимиз олдида турган иқтисодий муаммолар ва вазифаларшг чуқур таҳлилини, уни ечиш йўлларини ёритмоғи, ўтиш даври иқтисодиётининг, кўп укладли иқтисодиётнинг, турли шаклдаги мулкчиликнинг вужудга келиш йўллари, усулларини кўрсатиб бермоғи лозим.

Классик иқтисодиёт назариясининг тазслия услублари, Ҳақиқий фаннинг амалда вужудга келиши фақатгина тадқиқот предметининг шаклланиши билан эмас, шу билан бирга унинг билиш усулининг қарор топиши билан ҳам боғлиқдир. Услубият-бу илмий тамойиллари тизими, йўллари, қонун-қоидалари ва аниқ ҳадисларидир. Бу объектив мақбулликни этиш диалектикаси, мантиқий ва назариясини ўз ичига олувчи бир бутун таълимотдир. Услубият умум илмий тавсифга эга, лекин ҳар бир фан ўзининг предметидан келиб чиқиб унинг илмий билиш усулларига эга бўлади. Шунинг учун услубият умуминсоний ва айни вақтда хусусий бўлади.

Диалектик усул қоидалари илмий ботишнинг умумий усули бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиёт назариясида қўлланиладиган бу тамойиллар қуйидагилардир:

-иқтисодиёт бир-бири билан алоқада, чамбарчас боғлиқликда, зиддиятда ўзаро таъсир қилиб турадиган турли бўғинлардан, бўлаклардан иборат, яхлит бир жараёнки, у доимо ҳаракатда, ривожланишда, мазмун ва шакл жиҳатдан ўзгариб турадиган ички ва ташқи ҳодисалар билан боғлиқликда бўлади.

-иқтисодий жараённинг ҳар бир бўлагини алоҳида олиб, унинг ўзига хос хусусиятларини, келиб чиқиш ва йўқ бўлиш сабаблари, оқибатларини, ижобий ва салбий жиҳатларини, ички ва ташқи алоқадорлик, боғлиқлик томонларини замон ва маконда ўрганиш. Бу ерда шу нарсани ҳисобга олмоқ лозимки, бирон бир иқтисодий ҳодиса ўзи бир жараённинг оқибати, натижаси бўлгани ҳолда, бошқа бир иқтисодий жараёнга сабаб ва омил бўлиши мумкин. Масалан: машина, станок, асбоблар, бир ишлаб чиқариш жараёнининг оқибати, натижаси бўлгани ҳолда иккинчи ишлаб чиқариш жараёнининг омили, сабаби бўлиб хизмат қилади, Ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар тақсимот ва истеъмол соҳаларида ўзгариш бўлишига қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар эса саноатда ўзгариш бўлишига турткидир ва ҳ.к.

-иқтисодий жараёнларнинг оддийдан мураккабгача, пастдан юқоригача ривожланишда деб қараш. Бу ерда сон жиҳатидан ўзгаришлар бориб, сифат жиҳатидан ўзгаришга олиб келишини ҳисобга олиш зарур.

Икки қарама-қаршиликлар бирлигига ва уларнинг ўзаро курашида ривожланишнинг манбаи деб ёндашиш.

Иқтисодий фаолиятлар ҳодиса ва жараёнлар табиий, моддий, шахсий, шунингдек, пул маблағлари каби омилларига таянган ҳолда кечади. Бу омиллар ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳамда зиддиятда бўлади ва бир-бирига таъсир кўрсатади, улар доимо сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ўзгариб туради, турли даврларда турлича ижтимоий шаклга эга бўлади, ёки иқтисодий қонунлар, тушунчалар ўрнига янгилари пайдо бўлади. Ана шулар ҳисобга олинса, бу фан учун диалектика қоидаларини қўллашнинг қанчалик зарурлиги ва муҳимлиги дарҳол намоён бўлади. Диалектик дунёқараш-бу қадимги юнон фалсафасидан бошлаб, то ҳозиргача бутун кишилик жамияти маънавий тараққиёти тарихида инсон ақл-идроки эришган буюк ютуқдир. Диалектик услубнинг моҳияти ўрганилаётган жараённинг

ички зиддиятлар туфайли ўз ўзидан ҳаракатда бўлишини тушунтиришдан иборат ва бу нарса ҳар қандай фанга, жумладан, иқтисодиёт назарияси фанига ҳам тааллуқлидир.

Шу билан бирга, иқтисодиёт назарияси фанини ўзига хос тадқиқот усуллари ҳам мавжудки, улардан энг муҳими илмий абстракциядир. Иқтисодий жараёнларнинг моҳияти ўзгаришини ўрганишда микроскоплардан кимёвий лабораториялардан (фойдаланиб бўлмайди, бунда абстракция кучи ишга солинади).

Илмий абстракция усули- таҳлил пайтида бўлиши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ҳодисаларни фикрда четлаштириб, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътибор қаратишдир. Бу усул ёрдамида ўрганилаётган воқеа ва ҳодисанинг ички кўзга кўринмайдиган моҳияти, унинг асл мазмуни бўлиб олинади.

Таҳлил ва синтез усули, таҳлил-бу ўрганилаётган бир алоҳида қисмларга ажратиш ва уларни изчиллик билан таҳлил қилиш. Синтез-бу ўрганилган қисмлардан олинган хулоса натижаларни бир бутун яхлит жараён деб қараб, умумий хулоса чиқаришдир. Мураккаб иқтисодий тизимлар ана шу йўл билан ўрганилади, иқтисодий тизим бутунигача тасвирлаб берилади.

Мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлиги усули, Иқтисодиёт назариясида тарихийлик далили тарихий ривожланиш нуқтаи назаридан тадқиқот олиб бориш зарурлигини тақозо қилади. Чунки, иқтисодий жараёнлар тарихий жараён сифатида ривожланади. Мантиқийлик усулида жараёнлар фақатгина тарихий нуқтаи назардан эмас, шу билан бирга асосий ички зарур қонуний боғланишлар бўйича ҳам таҳлил қилинади.

Фойдаланилаётган усуллар ичида эксперимент маълум ўрин эгаллайди. Иқтисодий ўсишнинг кескин ўзгариши босқичларида, жумладан, иқтисодиётнинг инқироз ва беқарорлик босқичларида экспериментдан кенг фойдаланилади. Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш пайтида эксперимент алоҳида ўринга эга. Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун пухта тайёргарлик қуриш, яъни илмий тажриба. Эксперимент ўтказиш ҳисоб китоб воситасига асосланиш ва илмий йўналишларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Макроиқтисодий ва микроиқтисодий таҳлилни қўшиб олиб бориш. Макроиқтисодий таҳлилда иқтисодиётнинг бошланғич бўғини бўлмиш корхона ва фирмаларнинг ички иқтисодий жараёнлари, алоҳида иқтисодий субъектларнинг ҳатти ҳаракати, хулқи тадқиқ

қилинади. Бу таҳлилда алоҳида олинган товарларнинг харажатлари, капитал ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг, баҳо ташкил топиши иш ҳақи тўлашнинг, талаб ва таклиф таркиб топишининг шакл ва механизмларини ўрганиш марказий ўрин тутади. Макроиктисодий таҳлил макро мутаносибликни таъминлаш асосида миллий иқтисодиётнинг тўлалигича фаолият қилиши тадқиқоти билан шуғулланади. Миллий маҳсулот, баҳонинг умумий даражаси, инфляция, ишчи кучининг иш билан бандлиги масалалари бу таҳлил объекти бўлиб ҳисобланади, микроиктисодиёт ва макроиктисодиёт ўзаро боғланган ва бир-бири билан ўзаро таъсирда бўлади.

Иқтисодий жараёнларни миқдорий жиҳатдан таҳлил қилишда таққослаш, статистик, математик ва график усулларида кенг фойдаланилади. Айниқса, ҳозирги даврда график усулни кенг ўзлаштириш ва қўллаш зарурдир. Графиклар назария моделларини ифодалашда воситачи бўлиб хизмат қилади. Аниқроқ қилганда график усул ўзгарувчи миқдорлар ўртасидаги боғлиқликни кўргазмали қилиб тасвирлайди. Бу усуллар ёрдамида иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг мазмунини, улардаги ўзгаришларни, келиб чиқиш сабаб оқибатларини билиш мумкин бўлади.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли» Тошкент, 1992 йил.
2. И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Тошкент 1995 й.
- 3.Бозор иқтисодиёти назарияси Т.Университет 1993 йил Антология экономической классики, Том 1 VI. ,1991 йил (Петти Смит, Рикардо)
- 4.Тухлиев Н. «Бозорга ўтишни машаққатли йўл». Т.Ўзбекистон 1999.
- 5.Хейлбронер Р.Туроу Л. «Экономика для всех». Новосибирск 1994 г.
- 6.А.Раззоков Ш. Тошматов Н.Ўрмонов «Иқтисодий таълимотлар тарихи». Тошкент.”Молия” 2002 йил.

Асосий тушунча ва иборалар.

Классик (мумтоз) иқтисодиёт назарияси - умумиқтисодий фундаментал иқтисодий назария бўлиб, иқтисодий фанларнинг бошланғич назарияларини мужассамлаштиради.

Классик иқтисодиёт назарияси фани предмети - иқтисодий муносабатларнинг (яъни ишлаб чиқариш, айрибошлаш, тақсимлаш, истеъмол жараёнидаги) турли шарт шароитларида, замон ва маконда ақлан ва мазмунан ўзгарувчанлигини, уларни ифода этувчи илмий

тушунчалар, қонун қоидаларнинг ҳам ўзгариб туришини уларнинг доимо ҳаракатда, ривожланишда бўлишини ўрганади.

Методология деганда ҳодисаларни ўрганишнинг умумий йўналиши тушунилади. Методология бир қанча методлар, усуллардан ташкил топади. Диалектик ёндашув объектларни анализ қилишда уни сифат жиҳатдан ўрганилишини англатади.

Математик ёндашув - объектнинг миқдорий таҳлил этиш имконини беради.

Тарихий метод - иқтисодий ҳодисаларни тадқиқ қилишда иқтисодий ҳатнинг тарихий даврлардаги ҳолатини ўрганади.

Асосий ибора ва тушунчалар.

1. Классик (намунавий) мактаб ишлаб чиқаришнинг янги усули шаклланаётган ва шаклланиётган даврда вужудга келган иқтисодий мактаб бўлиб, капитални бозор тизимини илмий таҳлил қилиш бўйича дастлабки муҳим қадамни қўйди.
2. У.Петтининг тадқиқот предмети ишлаб чиқиш соҳаси муаммосини таҳлил этишдир. Унинг фикрича, бойлик пайдо бўлиши ва кўпайиши фақат моддий неъмат яратиш соҳасида рўй беради, бу жараён савдо ва савдо капиталининг ҳеч қандай иштирокчиси бўлди.
3. «Сиёсий баҳо» вақт ва тасодифий омил таъсирида ўзгариб турувчи бозор баҳоси.
4. «Табиий баҳо» - «Сиёсий баҳо» га қарама-қарши бўлиб у ички бозор баҳосига тенг бўлиши керак.
5. Қиймат назарияси - Петти қийматни икки қисмга бўлади: 1- истеъмол қиймати, 2-алмашув қиймати- маҳсулот алмашишида ёки сотилганда юзага келади.
7. Петтининг рента назарияси уларга, рента маҳсулотлар кўринишида иш ҳақи ва улуғликни ажратгандан кейин қоладиган маҳсулот миқдорига тенг. Демак, рента қўшимча маҳсулотга тенг.
8. П.Буагильбер бозор баҳоси ва «Ҳақиқий баҳо» га таъриф берди. Баҳо меҳнат сарфи билан белгиланади. У ҳақиқий баҳо ишлаб чиқишнинг турли тармоқлари ўртасида меҳнат тақсимотининг тўғри пропорциясини тушунган.

Такрорлаш учун саволлар

1. Классик иқтисодиёт назарияси фанининг жамиятдаги ўрни қандай?
2. Классик иқтисодиёт назарияси фанининг предмети нималардан иборат?

3. Нима учун классик иқтисодчиларнинг яратган назариялари долзарб ҳисобланмоқда?
4. Бозор тизимининг ибтидоси қачон ва қаерда, қандай шароитда вужудга келган?
5. Классик иқтисодиёт назарияси фанининг методологияси.
6. Классик иқтисодиёт назарияси фанининг асосий вазифалари.

2 МАВЗУ: КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ–ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

РЕЖА:

1. Англия ва Францияда классик иқтисодий мактабнинг вужудга келиши.
2. У.Петти-Англия классик иқтисодий мактабининг асосчиси.
3. Пропорционал баҳолар, иқтисодий инқироз, пул муомаласи тўғрисидаги П.Буагильбернинг яратган иқтисодий назариялари. .
4. Хулоса.

Адабиётлар:

1. Антология экономической классики. В 2 томах. Т., 1, М., Эконов, 1991
2. Бозор иқтисодиёти назарияси. Т., Университет, 1993 й.
3. А. Раззоқов, Ш. Тошматов., Н.Ўрмонов.
Иқтисодий таълимотлар тарихи. Тошкент- «Молия»-2002 й.
4. Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. Москва 1996

XVII-XVIII асрларда Ғарбий Европада саноатнинг тез ривожланиши мануфактура даврасидаги (ташқи савдо ривожига тўсиқ) протекционизм сиёсати ва (тадбиркорлик ташаббусини бўғувчи) давлатнинг иқтисодий ҳомийлигига мухтожлик йўқолди. Англиядаги XVII аср ўрталаридаги саноат инқилоби жамоатчилик диққатини савдодан индустрияга жалб этди. Ишлаб чиқариш тадбиркорларни даромад олишнинг асосий манбаи сифатида янада кўпроқ қизиқтира бошлади. Аввалдан маълум инқилобий ғоялар амалий талабларга жавоб бермай қолди. Иқтисодий эркинлаштириш концепцияси янги ғоянинг асоси эди.

Меркантилизм ўрнига классик (лотинча «намунали ҳақиқий») иқтисодий мактаб вужудга келди. Чунки аввалги назариялар саноатлашаётган замон талабларига жавоб бермай қолди. «Классик мактаб» атамаси К.Маркс томонидан берилган. Пайдо бўлаётган янги муаммоларни ҳал этиш янги йўналиш тарафдорлари зиммасига тўғри келди. Унинг намоёндалари ўз илмий тадқиқотларининг асоси қилиб миллийлик ишлаб чиқариш соҳасини олдилар ва капитализмни илмий таҳлил қилиш бўйича дастлабки муҳим қадамини қўйдилар. Классик мактаб ишлаб чиқаришнинг янги усули шаклланаётган ва мустаҳкамланаётган даврда вужудга келди. Капитализм айрим мамлакатларда тарихий шарт-шароитларга мос равишда феодал муносабатларнинг сақланганлик даражасига қараб, турлича ривожланди. Бу жараёнлар дастлаб (XX) асрда Англияда рўй бера бошлади. Феодализм емирилиб унинг заминиди капиталистик, яъни бозор муносабатлари шаклланиб борди. Уй хунармандчилиги ўрнига мануфактуранинг кириб келиши ҳамма асосий ишлар бир одам ёки оила томонидан бажарилган (хом-ашёни тайерлаш, қайта ишлаш, сотиш.), унда аниқ меҳнат тақсимоти йўқ мануфактурада эса меҳнат тақсимоти, кооперация, ёлланма ишчи кучи, демак капиталистик ишлаб чиқаришнинг куртаклари пайдо бўлди.

XVI асрдан бошлаб дастлаб Англияда деҳқонларнинг ердан маҳрум қилиниши (ер йирик лендлорлар қулига ўта бошлади) рўй берди, менлар-деҳқон синфи тугатилди., оқибатда капиталистик фермерчилик юзага келди (улар ерни лендлорлардан узоқ муддатли ижарага олган), кейинчалик маиший-техника янгиликларни кенг қўллаганлар. Аграр инқилоб, ислохот номини олган бу ўзгариш мануфактура саноатининг ривожига билан боғлиқ. Дастлабки пайтларда бу соҳада мато тўқиш асосий эди. У ниҳоятда фойда келтирувчи соҳага айланди, матога талаб ошди уни қондириш учун саноат учун керакли хом ашё базасини яратиш талаб қилинди. Хом-ашё эса жун бўлиб, қўйлардан олинадди, мануфактура ривожига жун керак, бунинг учун қўйлар сонини ошириш талаб этилди, кўп қўй боқиш учун эса янги кенг яйловлар зарур оқибатда чакалакзор, ботқоқ, буз ерлар чегараланиб («ерларни чегаралаш» деган ибора шундан келиб чиққан) яйловга айлантирилди. Деҳқонлар ўз ерларидан ҳайдаб чиқарилдилар, ерлари тортиб олиниб яйловларга айлантирилди. Бу жараённинг муҳим аҳамияти бор:

1. Мануфактура (саноат) учун хом-ашё кўпайди;

2. Саноатга кўп ва арзон ишчи кучи етказиб берилди (ердан маҳрум бўлган иш қидириб шаҳарга борганлар).

Оқибатда саноат тез ўса бошлади, янги синфлар пайдо бўлди. Демак, саноатдагина эмас, қишлоқ хўжалигида ҳам капиталистик муносабатлар ғалаба қозонди. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига йўл очиб берилди.

Англия иқтисодиётида, соҳибкорларнинг пайдо бўлишида мустамлакачилик сиёсати катта ўрин эгаллади. Голландия, кейинчалик Франция устидан денгизда эришилган ғалаба туфайли Англия жаҳондаги энг йирик ва кучли денгиз давлатига айланди. Инқилобгача ва 1830 йилларгача бу ерда протекционизм (савдода четга кўпроқ чиқариб, четдан камроқ киритиш) сиёсати (экспорт импортдан кўп) ўтказилган, бу эса савдонинг (айниқса ўз мустамлакаларига) кескин ўсишига олиб келди. Демак, савдо, товар-пул муносабатлари кескин ошди.

Меркантилистлардан фарқли равишда (улар иқтисодиётнинг фақат муомала соҳасинигина таҳлил этганлар) классик мактаб намояндалари феодализм ўрнига келган нисбатан прогрессив капиталистик муносабатларнинг ички иқтисодий алоқаларини ўргандилар ва ўз тадқиқотларини асосан ишлаб чиқариш соҳасига кўчирдилар.

Классик иқтисодий мактаб деганда У.Петтидан бошланадиган иқтисодий тадқиқотлар тан олинади, бу таълимот ишлаб чиқаришдаги бозор муносабатларининг ички алоқадорлигини ўрганади ва таҳлил этади. У.Петти классик мактаб отаси ва статистиканинг кашфиётчисидир. Англияда У.Петти, Францияда П.Буагильбер ва А.Смит ва Д.Рикардо назариялари билан яқунланади. Бу давр капиталистик муносабатлар ривожига йўл очиб берди. **Р.Хейлбронер ва Проуларнинг** фикрича («Экономика для всех») ишлаб чиқариш омиллари вужудга келди.

Меҳнат, ер ва капитал товарга айлантирилди, бунгача улар товар бўлмаган. Ҳозирги давр тили билан айтганда, бозор тизими, бозор жамияти барпо этила бошланди.

Янги таълимотнинг классик (мумтоз) деб аталишига сабаб аввало шуки, ҳозирги иқтисодиётнинг асосида ётувчи кўпгина назария ва методологик қоидаларнинг

ҳақиқий илмий характери билан изоҳланади. Мана шу мактаб намоёндаларининг хизматлари туфайли иқтисодий назария илмий фан даражасига кўтарилди. Эркин хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти исботлаб берилди. **П.Самульсон** фикрича, янги классик таълимот тўла (**лаза- файё**, яъни тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг мутлақ аралашмаслиги) шароитига ўтишга ва воқеаларнинг бошқача ривожига олиб келади ва фақат XIX асрларда деярли барча мамлакатларда давлат иқтисодий функцияларининг доимий кенгайиши рўй берди. Бу назариялар намоёндалари Англияда У.Петтидан то Д.Рикардогача, Францияда П.Буагильбердан то **С.Сисмондигача** (XIX асрнинг ўрталаригача) янги жамиятнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш муносабатларини тадқиқ этадилар. Уларнинг фикрича, эркин хўжалик фаолиятида шу даврдаги тузум мукамал деб қаралади.

Я.С.Ядгаров классик мактаб ривожланишида (маълум шарт билан) 4-босқични ажратади:

1-босқич-XVII аср охири XVIII аср бошига тўғри келади. Бу босқичда меркантилизм таълимотининг хатолари ёритилиб берилади ва унинг асосчилари У.Петти ва П.Буагильбер бир-биридан беҳабар қийматнинг меҳнат назариясини илгари сурдилар ва ҳар қандай қийматнинг манбаи ҳамда ўлчови сифатида товар маҳсулот ёки бошқа бойликни яратиш учун сарфланган меҳнат миқдори ҳисобланади. Бойлик ва фаровонлик муомала соҳасида эмас, ишлаб чиқариш соҳасида яратилиши кўрсатилади.

Изоҳ:

II босқич XVIII аср охири ва XIX аср бошларига тўғри келиб, А.Смит асарларидаги иқтисодий ғояларда акс эттирилган.

III босқич XIX асрнинг 2 ярмига тўғри келиб, франциялик Ж.Б.Сэй ва **Ф.Бастиа**, инглизлар Д.Рикардо, Т.Мальтус ва **Н.Сениор**, америкалик Г.Кэри ва бошқаларнинг яратган назариялари билан боғлиқ.

IV якунловчи босқич XIX асрнинг 2 ярмига тўғри келади ва **Ж.М.Милль** ғояларида ўз ниҳоясига етади. К.Маркс ҳам шу босқич вакили сифатида қаралади, лекин бу унчалик тўғри эмас.

2. У.Петти —Англия классик иқтисодий мактабининг асосчиси

Уильям Петти (1623-1687 йил) Англия классик иқтисодий мактабининг асосчисидир. Кўпчилик бу олимнинг иқтисодиёт фани соҳасидаги фаолиятига юксак баҳо бериб, **ўқни** буюк ва такрорланмас иқтисодчи-тадқиқотчи деб баҳолаган эди. У.Петти фавқулодда ҳар томонлама ва юксак билимли инсон бўлган. У нусха кўчирадиган (ксерокс) машинани ихтиро қилган, физика доктори илмий даражасига эга бўлган, у денгизчи, врач ҳам йирик ер эгаси ҳам эди.

У тадбиркорлар мулкани, яъни хусусий мулкни «Муқаддас» ва «дахлсиз» деб билди ва турли йўллар билан ҳимоя қилди. Иш ҳақини чеклаш тарафдори сифатида ишчиларга физик жиҳатдан минимум ҳақ тўлаш ва шу билан бирга янги синфнинг бойишига ёрдам беришни қўллади. У меҳнатнинг капитал томонидан эксплуатациясини ёқлаб чиқди. У.Петти **капиталга** солиқ солишга қарши эди, чунки бу ишлаб чиқаришни чеклаши мумкин эди. Шу билан бирга у меҳнаткашларнинг даромадларидан солиқ солиш тарафдори эди. У иқтисодий муаммоларга бағишланган «Солиқлар ва йиғимлар тўғрисида рисола» (1662 й.), «Ирландиянинг сиёсий анатомияси» (1672 й.), «Сиёсий арифметика» (1683 й.) ва бошқа асарларни ёзган.

У.Петтининг тадқиқот предмети сифатида ишлаб чиқиш соҳаси муаммоларини таҳлил этишдир. Унинг фикрича, бойлик пайдо бўлиши ва кўпайиши фақат моддий неъматлар яратиш соҳасида рўй беради, бу жараён савдо ва савдо капиталининг ҳеч қандай иштирокисиз бўлади.

Олимнинг тадқиқот усулида эмпиризм элементлари (унсурлари) бўлишига қарамасдан (бу масалан, ер баҳосини талқин этишда кўринади), давлатнинг иқтисодий фаолиятига аралашувини қисман **қўллайди** (мамлакатдаги савдогарлар сонини қисқартиришни талаб этади), у асосан эркин иқтисодиёт (**лаза-файе**- «арзон ва кичкина давлат») тамойилларини қўллайди ва меркантилистлардан фарқли равишда пул муомаласи ҳамда савдони эркинлаштириш тарафдори бўлган. У ўз тадқиқотларида бир қанча методик (шартли) соддалаштиришлардан фойдаланади:

- муомала соҳасининг ишлаб чиқаришга тескари таъсири инкор этилади;
- пул ва товар бозорларининг ўзаро боғликлиги кўзда тутилмайди;

-товарлар ва хизматлар қиёмати (қиммати) пайдо бўлиш табиатида харажатлар характеристикаси (сабаб-оқибат принципи) қўлланилади;

-иш ҳақини ишчи меҳнати баҳоси сифатида талқин этиш, оқибатда эркин рақобат шароитида иш ҳақининг минимал бўлиши ва бошқалар.

«Пул тўғрисида бир неча оғиз сўз» (1682 й.) китобида у меркантилизмдан бутунлай воз кечди. У бойлик ва қашшоқликка баҳо бериб, бу ҳаётнинг абадий ва ўзгармас, шафқатсиз қонунидир деган хулосага келади, «Баъзи одамларнинг бошқасидан кўпроқ қашшоқлиги доим бўлган ва доим бўлади», деган эди. Иқтисодий жараёнларни тадқиқ қилиш давомида ҳодисаларнинг ички моҳиятига кириб борди, уларни изоҳлашга уринди, иқтисодиётда табиий фан методларини қўллади, айниқса математикани кенг тадбиқ этди, у ўзининг тадқиқотларида айрим одамларнинг фикри, хоҳишига оид барча нарсаларни четда қолдириб, иқтисодий ҳодисаларнинг салбий боғлиқлигини кўрсатишга интилди. Шу йўл билан у иқтисодиётда илмий абстракция методини қўллашда дастлабки қадам қўйди. Шундай қилиб У.Петти иқтисодий таҳлилда статистик метод, янги методологияни қўллай бошлайди. Шуниси диққатга сазоворки, У.Петти иқтисодий масалаларни ёритганда табиий фанлар, айниқса медицина, анатомия (ахир, Петти ўзи врач!) матнлари ва ўхшатмаларидан усталик билан фойдаланган. У масалани ечиш учун тўғри йўлни топиш, «Сиёсий жониворларнинг» соғлиғини таъминлаш учун фақат унинг анатомиясини ўрганиш орқали ҳал этиш мумкинлигини исботлаб берди. У хўжаликнинг асосини ишлаб чиқариш жараёни ҳал этади, жамият бойликлари моддий неъматлар яратиш давомида юзага келади, дейди. Савдогарчиликни унумсиз касблар қаторига қўшади. Петтининг фикрича, улар ҳеч қандай махсулот тайёрламайдилар ва фақат қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат махсулотларини худди ннсондаги вена ва артерияларга ўхшаб жамият танасидаги қонни тўйинтирувчи шарбатларни тақсимлагандек тақсимлайдилар. Ишлаб чиқаришни хўжаликнинг асоси сифатида ўрганиб, баҳонинг табиатини, иш ҳақи ва ер рентаси, ер баҳоси миқдорини белгиловчи сабабларини аниқлашга интилди.

- У.Петтининг пулга бўлган муносабатини кўриб чиқадиган бўлсак, у қимматбаҳо металл ва тошларни бошқа товарларга солиштириб, улар айнамайди, ўзгармайди, ҳар ерда ва ҳар қачон бойлик сифатида сақланади, деган. Шу сабабли бундай товарларни

ишлаб чиқариш ва савдо қилиш керак, чунки бу бошқа ишлаб чиқариш ва савдодан қулайроқдир. Шу билан бирга олим ҳар қандай йўл билан олтин ва қумуш, яъни пул тўлашга қарши эди.

1682 йилда ёзилган «Пул тўғрисида бир неча оғиз сўз» китоби 32 та савол ва жавоб тариқасида Англияда пул ҳақасини қайтадан зарб этиш масаласига бағишланган. Бу аслида кичик 1 парча пул назариясининг устуни эди. У пулни умумий эквивалент вазифасини бажарувчи махсус товар деб ҳисоблайди.

Пулнинг қиймати ҳам бошқа товар каби сарфланган меҳнат миқдори билан аниқланади, алмашув қиймати эса қимматбаҳо металлни қазиб олишга кетган меҳнат сарфлашлари билан белгиланади. Энг муҳим масала бу мамлакатдаги пулнинг миқдори, яъни оборотдаги пул масаласи эди.

Муомаладаги пулнинг миқдори товар-тўлов оборотлари ёки охир оқибатда реализация қилинаётган товарлар, уларнинг баҳоси (тўғри пропорция) ва пулнинг муомала частотаси (тесқари пропорция) билан аниқланадн. Ўша даврда қимматли металллардан қилинадиган чақа пуллар банк томонидан чиқариладиган қоғоз пуллар билан (маълум чегарада) алмаштирилиши мумкин, деган турли хулоса чиқарилади.

Унинг фикрича, пул инсон организмдаги ёғга ўхшайди, чунки ёғнинг ортиғи ҳам, ками ҳам зиёндр, яъни унинг меъёрада бўлгани яхши.

У.Петти давлатнинг иқтисодиётта аралашувига ҳам эътибор берди, бу аралашув ривожланишга ёрдам бериши керак лекин бошқа пайтда давлат иқтисодиётдан узоқ бўлиши керак. Унинг фикрича, врач касални даволаганда иложи борица сунъий дорилардан камроқ фойдалангани, кўпроқ объектив омилларни ишлатгани маъқул (давлат аралашуви зарур ҳолда ва меъёрада бўлиши керак).

У.Петти ўзининг табиий баҳо тўғрисидаги таълимотида қийматнинг меҳнат назариясига асос солди. Бу классик мактабнинг асосий нишонаси сифатида қаралади. У вақт ва тасодиқий омиллар таъсирида ўзгариб турувчи бозор баҳосига («сиёсий баҳо»)га табиий баҳони (қиймат деб билган) қарама-қарши қўяди. Табиий баҳо ички бозор баҳосига тенг бўлиши керак. Чунки у меҳнат миқдори билан ўтмаганди. У нон баҳоси билан қумушни солиштиради ва уларнинг баҳоси сарфланган меҳнат миқдори билан тенглаштирилади. Бу мисолда, яъни нон қумушга алмаштирилганда

алмашув пропорцияси асосида шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат этади, демак қиймат меҳнат билан аниқланади. Ундан ташқари, товарнинг қиймати кумушнн қазиб олишдаги меҳнат унумдорлигига тўғри пропорционалдир, сарф-харажат усули қўлланилади. Шундай қилиб, У.Петт иқтисодиёт назарияси фанида қийматнинг меҳнат назарияси куртакларини таърифлади.

Аммо У.Петти қийматни алмашув қиймати билан қориштириб юборади ва алмашув қийматини алмашув жараёнида қандай шаклда бўлса, шундай, яъни пул шаклида ифода қилади. У қийматнинг бевосита манбаи сифатида фақат конкрет меҳнатнинг аниқ бир кўринишини олтин ва кумуш қазилган меҳнат яъни пул материални кўрган холос. Унингча, тармоқлардаги ишлаб чиқарилган меҳнаг маҳсулотларининг қиймати шу маҳсулотларни нодир металлларга алмашуви натижасида аниқланади. Олимнинг меркантилистик қарашлари бу ерда ҳам сақланган (камчилиги). У абстракт меҳнат билан конкрет меҳнатни фарқламайди. Унда қиймат билан истеъмол қиймати тушунчалари ўртасида аниқ фарқ кўринмайди, айрим ҳолда улар қориштириб юборилади. Конкрет меҳнат истеъмол қийматини яратса, абстракт меҳнат умумий қийматни яратади. Петти меркантилистлардан фарқли равишда бойлик бу пул ҳақида қимматбаҳо металл ва тоифалардангина иборат эмас, балки мамлакатдаги ерлар, уйлар, кемалар, товарлар ҳатто уй жиҳозларини ҳам бойлик деб ҳисоблайди.

Мамлакат бойлигини ошириш учун одамларни қамоқхоналарга ташлаш эмас, пуллик ватанпарвар кўрсатиш керак дейди. Йирик ўғриларни эса «қуллик» ка сотиб, ишлатиш зарур. Шу билан бирга пулнинг жамиятдаги роли тўғри талқин этилмаган (савдогарларни қисқартириш таклиф этилади).

Меҳнат бошининг отаси ва ниятда фаол тамойлидир, ер эса унинг онасидир» деган фикр ҳам У.Петтига тегишлидир. Бу ғоянинг шуниси тўғрики, меҳнат бойликнинг яккаю-ягона манбаи эмас, чунки гап моддий бойлик, истеъмол қийматлари ҳосил қилиш устида борганда фақат меҳнат эмас, балки табиат ҳам иштирок этади, аммо тўғри ҳолда товарнинг қийматига ҳам хато равишда ноўрин қўлланилади. Шундай қилиб, У.Петти ўзининг қийматнинг меҳнат назариясига қарама-қарши

ўлароқ қиймат манбаи сифатида меҳнат билан бирга табиатни ҳам қабул қилишни талаб этади. Бунинг сабаби шуки, у истеъмол қиймати манбаи сифатида ҳам, қиймат манбаи сифатида ҳам бир хил гавдаланган.

Қиймат назарияси билан даромадлар, иш ҳақи ва рента тўғрисидаги назариялар бевосита бир-бирига боғлиқ.. У.Петти бошқа (Д.Рикардо, Т.Мальтус) классик мактаб вакиллари каби, иш кучини эмас, балки меҳнатни товар деб ҳисоблади (аслида иш кучи ҳам товардир).

У.Петти меҳнатни таҳлил этишга киришади. Ҳар бир конкрет меҳнат аниқ нарсани (бахт-саодатни), истеъмол қийматини яратади. Қиймат икки қисмдан иборат: 1) истеъмол қиймати, 2) алмашув қиймата - маҳсулот алмашса ёки сотилса юзага чиқади, Масалан; дехкон меҳнатида шундай умумийлик борки, шунга кўра барча меҳнатларию бир-бири билан солиштириш (чоғиштириш) мумкин, нарсалар (бахт-саодат) — товарларни алмашув қиймати билан, иш вақтини сарфлаш, умуман ишчиларнинг унумли энергия сарфлаши билан аниқлаш мумкин. Бундан абстракт меҳнат тушунчаси келиб чиқади ва буни биринчилардан бўлиб У.Петти тушуна бошлади У меҳнатнинг табиий баҳосини иш ҳақи деб билади ва унинг миқдорини аниқлашни ўзининг вазифаси қилиб қўяди. Ўша даврда Англияда иш ҳақи қонун билан тартибга солинган, унинг энг юқори люготаси ишчиларнинг ҳаёти учун зарур бўлган жисмонан минимум маблағлардан иборат эди (соғлом одамнинг кунлик ўртача овқати). Петти ҳар бир ишчи *«яшаши, меҳнат қилиши ва кўпайиши учун* керакли нарсани олса бас, деган хулосага келади. Бу ҳолатни У.Петти назарий жиҳатдан исботламоқчи бўлди. У ўйладики, агар ишчиларга кўрсатилган минимумдан масалан, икки ҳисса кўп ҳақ тўланса, улар икки марта камроқ маош оладилар.

Тирикчилик учун зарур маблағлар назарияси хато бўлиб, аввало ишчи кучи қийматига кирувчи тарихий ва ахлоқий элементларни ўз ичига олади. Шу билан бирга бу назариянинг ижобий томони ҳам мавжуд бўлиб, ишчилар ўзлари яратган қийматнинг фақат бир қисмини (тириклик учун керакли минимум маблағни) олаётгани маълум бўлиб қолди. Меҳнат туфайли юзага келган қийматнинг бошқа қисми эса қўшимча меҳнат натижаси сифатида намоён бўлади, бу қўшимча қиймат унингча рентадир.

У ишлаб чиқармайдиган аҳолига—диндорлар, адвокат, амалдорларга салбий муносабатда бўлди, худди шунингдек у сотувчилар сонини ҳам кескин камайтириш тарафдори эди. Тадбиркорлар ва ер эгаларининг даромадларини белгилаш учун умумий бўлган «Рента» тушунчаси киритилади.

У.Петти *рента назариясини* ҳам ишлаб чиқди (сиз ҳам рентани бир эсланг). Унинг фикрича, рента маҳсулот (натура) кўринишида иш ҳақи ва уруғликни ажратгандан кейин қоладиган маҳсулот миқдорига тенг бўлиши керак. Демак, бу ҳолда рента кўшимча маҳсулотга тенг. Пул ҳолидага рента кўшимча маҳсулотнинг кумуш миқдорига тенг қийматдир.

У.Петтида фойда тушунчаси алоҳида тоифа шаклида ифодаланган, рента барча кўшимча қийматга тенг миқдор деб баҳоланади. Шу сабабли рента тўғрисидаги назарияда амалда кўшимча қиймат ҳақида гап боради. Қийматни меҳнат сарфлари сифатида қараб, В.Петти бирин-кетин рента (кўшимча қиймат) ни кўшимча меҳнат натижаси эканлигини аниқлайди. Буни фермернинг фойдаси сифатида ҳам қарайди.

Иш ҳақи ва рентани меҳнат асосида юзага келган қийматнинг бир бўлаги сифатида таҳлил этиб, Петти муҳим ҳулоса, шунга кўра иш ҳақи ва рента бир-бирига қарши. Масалан, дейди у, бир бутун (36.4 кг) бирдай 60 пенсдан сотилади, ундан 20 пеней ер рентасига, 40 пеней ер эгасининг иш ҳақи сифатида берилса ва иш ҳақи 1/8 га ёки кунига 8 дан 9 пенега кўгарилса, ер эгасининг 1 бушель буғдойдаги ҳиссаси 40 дан 45 га кўтарилади, ер рентаси эса 20 дан 15 пенсга (яъни 5 пене-га) камайди.

У.Петтига рентанинг келиб чиқиши тўғрисида ҳам муҳим ва қизиқарли фикрларни беради (умуман, рента *абсолют* ва *дифференциал* бўлади). Дифференциал рентанинг келиб чиқишини ер участкаларининг турлича жойлашганлиги билан тушунтиради (биринчи сабаб, яъни бозорга узоқ-яқинлиги, масофа, транспорт сарфлари), У рентанинг иккинчи сабабини ҳам аниқлаб, ернинг табиий унумдорлигининг турлича эканлигини кўрсатган (ззбек халқида ҳам «*Ердан ернинг фарқи бор, етти **тм** хил нархи бор*», деган яхши мақол бор). Олимларнинг фикрича, У.Петти дифференциал рентани Адам Смитдан ҳам яхши баён этган.

Абсолют рента ҳақида гап борганда шуни айтиш керакки, бу рента ерга хусусий мулкчилик бўлганда намоён бўлади. В.Петти ер баҳоси масаласини жуда қизиқ ва ноёб равишда ҳал этишга уринган. Унинг фикрича, ерни сотиб олувчи ҳар йили рента олиш ҳуқуқини қўлга киритган шахсдир. Шу сабабли ернинг баҳоси бир йиллик рентани маълум бир сонга кўпайтириш орқали

аниқланади. Ҳамма масала шундай бўлиб, уни танлаш талаб этилади. Хўш, у нима бўлиши мумкин?

У.Петти бу саволга жавобан шундай дейди: ер сотиб олувчи ўзи ва ўзига яқин авлод-аждодларининг манфаатларини эътиборга олиб иш юритади. Унингча, одатда уч авлод вакиллари бир вақтда ҳамкорликда яшайдилар: бува (50 ёш), ўғил (28 ёш) ва набира (7 ёш). У шу уч авлоднинг ҳамкорлик даврида яшаган йил) яшаш йилидаги баҳоси деб қабул қилади. У Англия учун бундай сон 21 йилга тенг эканлиги аниқлади. Демак, ернинг баҳоси шунча бир йиллик ренталар йиғиндисига тенг, деган хулоса чиқарилади.

У.Петти ерни сотиб олувчи учун ер йиллик даромад манбаи эканлигини тушунган. Шунга мувофиқ у ернинг баҳоси шундай суммага тенг бўлиши керакки бу сумма ҳар йили ошсада рента ҳукукини берадиган бўлиши керак, деб тўғри ҳисоблаган. Амалда ернинг баҳосини капиталлашган рентадек ҳисоблаш орқали ВЛетш масаала мохи яхши тўла ва тўғри тўланган.

Аммо ернинг баҳоси масаласи халқ тўла ҳал этилмади, чунки ернинг баҳоси икки омилга боғлиқ) ер рентасининг миқдори, 2) процент (фоиз) даражаси. У.Петти эса юкорида кайд этишдек, ссуда процентини ер баҳосидан чиқарган. Бу қийин аҳволдан чиқиш учун у ер баҳоси рентанинг 21 га кўпайтирганига тенг деб ҳисоблаган (уч авлод - бува, ота ва невага биргаликда 21 йил яшайдилар ва ердан бирга фойдаланадилар, деган хулосанинг асл баҳоси масаласини бошқа олимлар туфихатларида босилиб чиқди (китоб унинг ўғли лорд Шелберн томонидан нашр этилган). Бунинг сабаби шуки унда Англия ва Францияда чоғиштирувчи маълумотлар бор эди. Бу асар янги фан -статистикага асос солди. Бу даврда ҳали бу тушунчанинг ўзи йўқ, эди («статистика» сузи XVIII аср охирларида пайдо бўлди).

В.Петти биринчилардан бўлиб давлат статистика фанини тузиш зарурлиги масаласини кўтарди ва маълумот тўплашнинг айрим йўналишларини белгилаб берди. Унингча, мамлакатдаги аҳолининг умумий сони, жойлашуви, ёши ва касби ҳамда бошқа маълумотлар муҳимдир. Иқтисодий кўрсаткичлардан асосий товарларнинг кўплаб чекиниши ва истеъмоли, аҳоли даромади, бойлик тақсимооти ҳақидаги маълумотлар керакли ҳисобланган. Петтининг кузатишларича, мамлакатда фақат солиқ ва ташқи савдо бўйича айрим маълумотлар бор эди, холос. Бир масала ҳақида гап очилган экан, Петти аввал ҳисоблаб кўриш керак» деган фикрни

айтишни яхши кўрар эди. Статистика билан шуғулланлиги туфайли маълум маънода «режалаштириш» масалалари ҳам кўтарилган. Масалан, у «инглиз кучи баланси» билан шуғулланиб, мамлакат тунчаврш ва адвокат керак, демак, олий ўқув юртларига йилиги шунча талаба қабул қилиш керак, деган ҳисоб-китобларни келтирган эди. Одатда у Англия ва Франциянинг иқтисодий аҳолини солиштириб, қайси давлат бойроқ эканлигини аниқ фактлар билан кўрсатишга интилан.

«Сиёсий статистика» китобининг муқаддимасида у ўз услубининг янги эканлигини таъкидлаб, қиёсий (озроқ, кўпроқ, яхшироқ, ёмонроқ) кўрсаткичлардан аниқ статистик рақамлар - соф оғирлик билан нпка ўлчовлар тилига ўтиш кераклигини айтади. У миллий даромад, миллий бойлик ҳамиша гапиради ва Англиянинг миллий бойлигини ҳисоблаб чиқади (маълумки, бу кўрсаткичлар ҳозирги вақтда жуда муҳим кўрсаткич ҳисобланади). Масалан, у Англиянинг моддий бойлигини 250 миллион фунт софлиги деб баҳолайди, аммо аҳолининг 417 миллион фунт стерлинг пулини ҳам қўшиш керак, дейди.

В.Петтнинг иқтисодий таълимоти аҳолининг сони ва т^эқнбидан бошланиши ниҳоятда муҳимдир. Унинг ғояси ўзидан кейинги Мальтусдан кескин фарқ қилади, агар Петтнинг фикри бўйича аҳоли - - бойишининг асоси бўлса, Мальтусда аҳолининг тез ўсиши камбағалликнинг асосидир. Ветти Англиянинг маиший даромадини ҳам ҳисоблаб чиқди. Унинг ҳисобига кўра, Англиянинг пул шаклидаги бойлиги барча бойликнинг фақат 3% тенг экан. Худди шундан ҳозирги даврнинг миллий ҳисоб счётлари юзага келди унда ишлаб чиқариш ҳажмини, бу бойликнинг аҳоли ўртасида тақсимотини (истеъмол, экспорт, аҳоли, асосий синфлар, гуруҳлар даромади) ва бошқаларни билиб олиш мумкин. Албатта, ҳозирги кунда) солиштирганда бу ҳисоб-китобларда жиддий услубий хатоликлар бор эди. Масалан, у моддий даромадни аҳолининг истеъмол сифати йиғиндисини деб билган, яъни жамғарма бино, қурилиш, асбоб-ускуна, ерни яхшилашга кетган капитал қўшмалар ҳисобга олинмаса ҳам бўлаверади, деб нотўғри ўйлаган, аммо XVII асрдаги Англия учун бундай йўл анча реалистик эди, чунки жамғарма нормаси паст

бўлган, Англиянинг моддий бойлиги нисбатан секин ўсаётган эди. Сал кейинроқ В.Петтининг бу хатолари унинг издоши Грегори Кипг томо-нидан тўғриланди ва XVII аср охиридаги Англия миллий даромади ниҳоятда тўғри ҳисоблаб чиқилди.

Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, В.Петтининг сўнгги асрда кўпроқ аҳоли, унинг усули, жойлашган ва иш билан бандлиги масалаларига бағишланган. В.Петти замондоши ва дўсти, майда савдогар Жон Граунд билан биргаликда демографик статистика фанига асос солди. 1662 йилдан бошлаб Англия аҳоли сонининг умумий сони, туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш юзага кела бошлади.

Агар Англияда классик иқтисодий ғояларнинг бошланиши В.Петти номи билан боғлиқ бўлса, Францияда П.Буагилбер билан бошланади, бу ғоялар Англияда Рикардо билан интиҳосига етган бўлса, Францияда Сисмонди билан яқунланади.

Франциядаги ижтимоий-иқтисодий муҳит Англияникидан кескин фарқ қилар эди. Францияда феодал муносабатлар ҳали ҳам кучли бўлиб, қироллар (*ва қирол—қуёш Людовик XIV»*) ва унинг атрофидагилар томонидан қаттиқ ҳимоя қилинган. Кольбер томонидан олиб борилган сиёсат мамлакат иқтисодиётининг умумий ривожига олиб келмади. У саноатни, молияни тараққий эттириш тарафдори эди, аммо бу иш қишлоқ хўжалигининг зиёнига ўтказилди, феодал муносабатлар тўла сақлаб турилди (эсланг, Англия буржуа инқилоби XVII асрда бўлиб ўтди, ваҳоланки Францияда бу инқилоб XVIII аср охирида рўй берди), бу эса иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга тўсиқ эди. Мануфактуралар пайдо бўлди, аммо ривож топмади, цех тизими синалган бўлиб» ривожга тўсиқ эди.

Ер масаласи тўла ҳал этилмади, *«Сеньорсиз ер йўқ»* тамойили сақланди, майда ер эгаллиги, деҳқонларнинг турли солиқ ва йиғимларга маҳкум этилганлиги уларни бу тизимда ерни яхшилаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбатлантирмас эди, ваҳоланки аҳолининг 3/4 қисми деҳқонлар бўлиб, улар бу соҳада тушкунликда эди. Шу сабабли бу соҳада ислохотлар ўтказиш зарур бўлган, аммо унга шу даврдаги тазим ҳалақит берарди. Ички бозор тор бўлиб, капиталистик тадбиркорликнинг

ўсишига йўл бермасди. Бу синф асосий солиқ тўловчи синф эди, дворянлар ва диндорлар умуман солиқ тўламаган, шаҳар буржуазияси ҳам нисбатан кам сонли, солиқлардан усталик билан бош тортар эди.

Яна бир муҳим тўсиқ— бу урушлар эди. Франция олиб борган урушлар туфайли маблағларнинг асосий қисми шу урушларга сарфланарди. Қирол саройидаги базми жамшидлар ҳам давлат хазинасига катта фойда келтирар эди.

Демак, Францияда XVII асрнинг иккинчи ярмида феодал муносабатлар ўзининг чўққисига чиқган эди (Англия билан солиштиринг), ваҳоланки Англияда буржуа инқилоби бўлиб, капиталистик муносабатлар тез шакллана бошлади. Францияда юқори табақа барча ернинг эгасига айланди, деҳқонлар шахсан озод бўлсалар ҳам, феодал мажбуриятлар ниҳоятда кўп эди. Хўжаликдаги капиталистик уклад ниҳоятда секин ривожланди, ички бозор ҳийла топар эди, халқ хўжалигида натурал хўжалик асосий бўлиб, саноат ривожини паст булган. Фақат зеб-зийнат буюмлари ва парфюмерия маҳсулотлари тайёрлаш бўйичагина Франция Европада юқори ўринда эди.

Ана шундай шароит Франциянинг XVII аср охири - XVIII аср бошидаги (ижтимоий-иқтисодий аҳволи классик иқтисодиёт **акциядаги** асосчиларидан бири бўлган Пер. **Буагидбер** (1646-1714) нинг иқтисодий қарашларига катта таъсир кўрсатди. *Пер Лепезан* -иқтисодчининг асл фамилияси бўлиб, *де Буагилбер* — бу оила ер поместьесининг номи эди. Лекин тарихда Пьер Буагалбер номи сақланиб келди. **П. Лепезан** де Буагалбер дворян норманд оиласидан чиққан, у яхши маълумот олгач адабиёт билан шуғулланди, кейинчалик Руан округида оилавий касб-хунар судья (хжам) лавозимини эгаллади; деҳқонлар ишини олиб борди; ўз кўзи билан уларнинг ночор аҳволига гувоҳ бўлди; у бу лавозимни умри охиригача сақлаб қолди ва катта ўғлига топширди; у эдни қишлоқ **хўжалигининг адвокати**

Шу сабабли жамиятда пулни кўпайтириш эмас, балки ишлаб чиқаришни ўстириш масаласи иқтисодий фаннинг асосий вазифаси ҳисобланиши керак.

Олимнинг тадқиқот услубига қуйидагилар хос:

- эркин рақобат шароитида иқтисодиётда автоматик мўътадиллик мавжуд бўлади;

товарлар ва хизматлар қиймати (қиммати)ни белгилашда харажатлар қондасига амал қилинади;

миллий иқтисодиёт манфаатлари учун шахсий манфаатнинг жамоат манфаатларидан устунлиги тан олинади;

- хўжалик ҳаётида пулнинг мустақил ҳамда аҳамиятли ролига етарли баҳо берилмайди ва бошқалар.

Буагалбер саноат ва савдони камситиш йўли билан қишлоқ хўжалигининг роли атайлаб мутлақлаштирилган. У Адам Смитдан анча олдин шахсий манфаат (эгоизм)нинг жамият учун аҳамиятини кўра билди.

1691 йилда у Францияни оғир иқтисодий аҳволдан чиқариш тизимини таклиф этди. Дастлабки фикрлари бўйича турли ислохотлар ўтказиб (улар буржуа-демократик характерга эга бўлиши керак эди), 1707 йилда эса унинг ғоялари етилиб, қуйидаги уч қисмдан таркиб топди:

1. Солиқ тизимини ўтказиш. Солиқ тизимининг деҳқонлар меҳнатидан манфаатдорлик тамойилига асосланиши, ундан ташқари солиқ барчага тегишли бўлиши керак эди.

2. Ички савдони ҳар хил чеклашлардан озод қилиш (ички савдо эркинлиги). Бу чора ички бозорни кенгайтириш, меҳнат тақсимотининг ўсишини таъминлаш, товар-пул муомаласини кучайтириши керак эди;

3. Доннинг эркин сотилишига йўл бериш, донга табиий баҳо таъсирини чекламаслик. Гап шундаки, мамлакатда донга сунъий равишда баҳо белгиланган бўлиб, ишлаб **чиқариш** харажатлари кўринмас эди, дон етиштириш ўсмай қўйган эди. **Буагильбернинг** фикрича, иқтисодиёт эркин рақобат шароитида ривожланиши ва товарлар бозорида «ҳақиқий қиймат» га эга бўлиши керак эди. У давлат бу соҳада деҳқонларга ҳомийлик қилиши зарур, деб ҳисоблади.

Бу ислохотлар мамлакат ва халқ фаровонлигини ошириш ва хўжаликни ривожлантиришнинг бошланғич сифатлари бўлиши керак эди. Буагилбер ўз ғоясини реклама қилиш мақсадида бу ислохот бу ойда қиролга керак бўлган сумманн етказиб беради, деган фикрни тарқатди. Вазирлар эса икки соат давомида

керакли қатор қонунни англаши мумкин ва хўжалик «худди ҳозирги турушдаги каби.% тез ўсади, дейди у. У ўз таклифи билан бир неча бор мурожаат қилди. Аммо унинг бу ҳаракатлари зое кетди. У ўз гозцюрини китобларда баён этди ва бу китобларни нашр эттирди. Унинг асосий иқтисодий асар «варақа», унинг айрим асарлари, масалан» 1707 йилда 2 жилдда чиқарилган «Франция айблари» китоби таъқиқланган. Уларда Франциянинг шу даврдага оғир иқтисодий аҳволи тўла ёритиб берилган, айниқса қишлоқ хўжалигининг орқада қолиш сабаблари тўғри берилган. Хаж хўжалиги орқада қолишининг бош сабаби олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг, *Колбер* (молия бошлиғи) ва бошқаларнинг меркангилистьж қарашлари фош этилган. У фақат саноат ривожини бир томонлама қўллаб-қувватлашга қарши чиқди. Қишлоқ хўжалиги манфаатларини ҳимоя қилди дон экспортини чеклашга қарши чиқди, солиқ тизимини ислоҳ қилиш тарафдори бўлди, у эзилган халқ оммасининг аҳволини яхшилаш тарафдори эди (В.Пеппи билан солиштиринг). Ошиб борилаётган иқтисодий сиёсат хўжалик ҳаётига табиий ривожига тескари эди. Буагилбер айтадики, аввалги даврдаги тўкин-сочинликни қайтариш учун мўъжиза қилиш шарт эмас» табиат устидан бўлаётган доимий зуравонликка чек қўйиш етарлидир. Олимнинг фикрича, шундай солиқ ва иқтисодий сиёсат тадбирлари керакки, улар табиатга қарама-қарши бўлиши керак. Бу ғоя шундан иборатки, унга кўра иқтисодиётда шундай қонунлар борки, уларни бемалол, жазосиз бузиш мумкин эмас (экология раҳм шундай).

Шунга мос равишда у табиатнинг талаблари нимадан иборат эканлигини очиб беришга уринган, объектив қонуниятларни ўрганишга киришиб, илмий таҳлил қилиш йўли сари йирик қадам ташлаган. Аммо шу билан бир вақтда у хўжаликдаги ҳодисаларни табиий ва табии бўлмаганларга ажратиб, аввалгисини ҳимоя қилди ва кейингисини қоралади. Буагилбер ўзи таклиф этган сиёсатни амалда исботловчи назарияни яратишга интилди. Унинг иқтисодий қарашлари жиҳатдан ВЛеттнга ўхшаб» мамлакатнинг иқтисодий ўсиши нима билан боғлиқ деган саволга жавоб топиш эди. Буагилберни кўпроқ ва асосан акция иқтисодининг турғунлик ҳолати ва унинг орқага кетиши сабаблари қизиқтирарди. Бундан у умуман назарий масалалар, масалан, халқ. хўжалигида қандай қонуниятлар ҳаракат қилади ва унинг ривожини таъминлайди, деган масалага ўтди.

Буагилбер бу муаммога жавоб беришга бош эътиборни «оптимал баҳо пайдо бўлиши» масаласига қаратди. Унингча иқтисодий барқарорлик ва тараққиётнинг энг муҳим шарти пропорционал ва нормал баҳолар ҳисобланади. Хўш, бу баҳолар нимадан иборат? Аввало, бу баҳолар ўртача ҳар бир соҳадаги ишлаб чиқариш харажатларини қоплашга ёрдам бериши ва маълум кирим, соф фойда келтириши керак. Акс ҳолда ишлаб чиқариш бўмайди, ундан сўнг, бу шундай баҳоларки, унда товарларни реализация қилиш жараёни бекаму-кўст давом этиши ва барқарор истеъмол талаби қондирилиши керак ва ниҳоят, бу шундай баҳоларки, пулларнинг «ўз ўрни бўлиб», улар тўлов оборотини бажариши ва одамлар устидан ҳукмронлик, зўравонлик қила олмаслиги зарур,

Халқ хўжалиги пропорционаллиги ифодаланган баҳоли) қонунини, аслида эса қиймат қонунини тушуниш янги ва илғор ғоя эди. Олимнинг асосий асарлари шу ғоялар билан боғлиқ. Иқтисодиётда «оптимал баҳолар»ни қандай таъминлаш мумкин? Буагилбернинг фикрича, бағфларнинг бундай структураси рақобат эркинлиги шароитида стихияли равишда таркиб топади.

Эркин рақобат шароитининг бўлиши Францияда ўзига максимал аҳолининг уйи эканлигидир, дейди у. Унингча, ўзига эркин баҳолар белгиланса, баҳолар бирмунча ошадн, бу деҳқонларнинг даромадини оширади ва уларнинг саноат товарларига талабини кўтарадн, оқибатда бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ортади ва ҳоказо. Бундай занжирли реакциялар бир вақтнинг ўзида «пропорционал баҳолар» ўрнатилишига ва хўжаликнинг равнақига олиб келади.

Демак, **Буагильбер** иқтисодий эркинлик тарафдори эди ва талабга қарши чиқмасликни таклиф этади. Шу билан бирга, у давлатнинг иқтисодий функциясини инкор этмади: бу ўша давр учун реал ҳаётни тушунган амалиётчи олим учун табиий эди. Унингча, давлат турли солиқ; тизими орқали мамлакатда истеъмол ва талабни юқори даражада таъминлаши мумкин. Агар истеъмол сарфлари оқими пасайса, товарларни сотиш ва ишлаб чиқариш кескин камаяди. Агар камбағаллар кўпрок. ишлаб топсалар, солиқларга кам сарф қилсалар, улар ўз даромадларини тез сарфлашга мойилдирлар. Бойлар эса, аксинча, ўз даромадларини сақлашда ва демак, маҳсулотни сотишда қийинчилик туғдиришига олиб келади.

Буагильбернинг бу мулоҳазалари иқтисодий таълимотларнинг кейинги юз йилликдаги ривожига катта таъсир этди.

Биринчиси бўйича ишлаб чиқаришнинг ўсиши жамғариш ҳажми (яъни жамғарма ва капитал қўйилмалар)га боғлиқ.. Бунда тўловларга талаб автоматик равишда (**ётшияли**) амалга ошади. Бу концепцияга кўра ортиқча ишлаб чиқариш инқирозлари бўлиши инкор этилади.

Иккинчи позиция бўйича истеъмол талаби ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда ўсишини қўллайдиган омил сифатида қаралади. Буагилбер маълум маънода мана шу позиция тарафдори» эди ва у қонуний равишда иқтисодий инқирозлар муаммосини келтириб чиқарган.

Буагильбер инқироз ҳодисасини хўжаликнинг ички қонуниятлари билан эмас, балки ёмон давлат сиёсати билан боғлади. Унингча, яхши меҳнат олиб бориш йули билан талаб даромадини ҳал этиш ва инқирозларни четлаб ўтиш мумкин. Бу масала жуда мураккаб бўлиб, *Сэйга* тегишли (буни кейин қараб чиқамиз) «бозорлар қонун» ига асос бўлган дейиш мумкин, яъни эркин маҳсулотлар алмашуви тизимида маҳсулотларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши мумкин эмас (инқирозлар бўлмайди). Демак *Шумпетернинг* фикрича, Буагильбер истеъмол талабининг етарли эмаслиги ва жамғарма ортиқчалиги сабабли, ўша даврдаги тизим учун иш хавфи бўлиб, тизим барқарорлигига шубҳа билдирган яъни Сэй қонунини олдиндан таъкидланган.

Буагильбер ўзининг «Бойлик, пул ва табиати ҳақида мулоҳаза» асарида иқтисодий инқироз даврида нима рўй беришини ёрқин ва образли ифодалаб беради, унингча, одам фақат етишмовчиликдангина эмас, ортиқча бойликдан ҳам ўлиши мумкин экан. Тасаввур қилингки, дейди у 10-12 одам бир-биридан ажратилиб, занжирбанд қилинган. Бирида озиқ-овқат кўп, аммо бошқа ҳеч нарса йўқ иккинчида эса кийим-кечак сероб, учинчисида ичимликлар кўп ва ҳоказо, аммо улар бу маҳсулотларни алмаша олмайдилар. Занжирлар бу оддий инсонларга тушунарсиз инқирозларни келтириб чиқарувчи иқтисодий кучлардир. Буагилбер инсоният тарихида **XXI** асрда бир неча бор рўй берган йирик иқтисодий инқирозларни олдиндан кўра билгандек (маълумки, ночорлик ва қашшоқлик шароитида сутлар денгизга тўкилган, экин майдонларига қўйилганлиги аниқ).

Меркантилистлардан фарқли равишда у бойликнинг манбаи алмашув соҳаси эмас, балки ишлаб чиқариш деган эди. Алмашувни эса ишлаб чиқариш ривожининг пул сифатидагина қарайди.

Буагилбер В. **етти**дан ҳоли мустақил равишда қийматнинг меҳнат назариясига асос солди, у бозор баҳоси ва «ҳақиқий баҳо»ни фарқлаган, «*ҳақиқий баҳо маҳсулот сарфи билан белгиланади*», деган. У ҳақиқий баҳо деганда, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари ўртасида меҳнат тақсимотининг тўғри пропорциясини тузган. Шундай пропорционал тақсимотнинг зарурий шарт-шароити сифатида ишлаб чиқарувчилар орасидаги эркин рақобат ётади.

У олтин ва кумушни буюк ўзлик деб баҳо дейди, пулга кўра мутаассиблик (фанатизм) билан курашади. Пулнинг ягона яхши томони шундаки, у алмашувни осонлаштиради. Олтин ва кумуш ўрнини қоғоз пул бемалол қоплайди. Кўриниб турибдики, олим пулнинг барча функцияларини тушуниб етмайди. Пул умумий эквивалент бўлиб, унинг ролида қийматга эга бўлган товарларгина хизмат қилиши мумкин. Шу сабабли унингча товар ишлаб чиқарилишини сақлаган ҳолда, пулни йўқ қилиш керак. Шу ерда у иқтисодий муносабатларнинг икки шакли ўртасидаги чамбарчас алоқани тушунмади, унинг бир шаклини (товар) сақлаб, иккинчи (пул) шаклини йўқ қилмоқчи эди.

1. Демак, Буагильбернинг энг буюк хизмати шундаки, у қийматни сарфланган иш вақтига тенглаштирди. Лекин у товар ишлаб чиқаришнинг қулай томонини сақлаган ҳолда унинг салбий томонларини тугатишни орзу қилади. Агар Петтининг иқтисодий таълимотида алмашув қиймати асосий бўлса, Буагильберда истёъмол қиймати бош ролни ўйнади. Аслида уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Буагильбер қарашларидаги чекланганлик (фақат деҳқонларни ҳимоя қилиши, саноат ва савдони етарлича баҳоламаслиги), бизнингча тарихан бўлиб, Франция капитализми ривожининг хусусиятларидан келиб чиқади, назарий жиҳатдан орқага қараш бор. Агар Англияда саноат, савдо ва ҳатто қишлоқ хўжалигида капиталистик муносабатлар тўла ғалаба қозонган бўлса, унинг иқтисодий меҳнат тақсимоти, рақобат» капитал ва ишчи кучларининг фаоллиги билан характерланар эди; Францияда эса бу муносабатлар энди шакллана бошлаган эди, холос.

ХУЛОСА

XVII-XVIII асрларда қулай ижтимоий-иқтисодий шароитларда дастлаб Англияда классик иқтисодий мактаб куртаклари пайдо бўла бошлади. Бу янги иқтисодий ғоялар В.Петти номи билан боғлиқ (буржуа инқилоби, манофактура ва савдонинг ривожланганлиги, аграр ислохот, деҳқонларнинг чегараланиши, мустамлакачилик сиёсати, қулай тархий, табиий ва географик ҳамда иқлимий шароитлар).

Классик иқтисодий маблағ шаклланиши аввалги ғоядан фарқ қилади, вужудга келади деб қараган бўлсада бойлик ишлаб чиқариш соҳасида вужудга келади деб исботлаб берилди. В.Петти янги капиталистик жамияти, орада тадбиркорликни, кашфиётларини химоя қилди, хусусий мулкни «муқаддас» ва «дахлсиз» деб билди. У иқтисодий тадқиқотда табиий фанлар, яъни абстракт усулларни қўллаб ҳар бир масаланинг ички боғлиқлигига асосий эътиборда қараганда, математик ва статистик усуллардан кенг фарқ қилади.

В.Петти «табиий баҳо» (қиймат), «сиёсий баҳо» тушунчаларини киритди, товар қийматининг унга сарфланган меҳнат миқдори билан ўлчаниши ғоясига, яъни қийматнинг меҳнат назариясига асос солди. «Меҳнат бойликнинг отаси, ер эса унинг онасидир» деган фикрни билдирди. Қийматни айнан алмашув қиймати (пул) шаклида тушунди.

Иш ҳақи ишчиларга тирикчилик учун зарур бўлган жисмоний минимум, яъни «яшаш, меҳнат қилиш ва кўпайиш» учун керак даражада тўланса бас, деган ғояни илгари сурди. Капиталистларнинг фойдасини имкони борича оширишни, ишчиларнинг солиқ тўлашларини зарур деб билди.

Пулнинг роли ва унинг мамлакатдаги миқдори масалаларини асосан тўғри ҳал этди, яъни пул миқдори ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдorigа тўғри, пулнинг айланиш оборотига эса тесқари пропорционаллигини аниқлади. меъёрга бўлишини қўллаб-қувватлади. Ер ва рента масалаларини анча пухта ишлаб чиқди. Иш ҳақи ва рентанинг бир-бирига қарама-қаршилигини исботлади (ер баҳосини тўғри ҳал этмади).

Петти «Сиёсий арифметика» ва бошқа асарларида статистика, аниқроғи демографик статистика фанига асос солди. «Аҳоли — бойлик асоси масаласини тўғри қўйди. Миллий даромад масаласини қўйди ва уни қисман ҳал этди.

Франциядаги классик иқтисодий мактабнинг дастлабки вакили П.Буагильбер ҳам муҳим ғояларни орқага сурди. Бу мамлакат аҳволи Англияникидан анча катта фарқ қиларди. Шу сабабли иқтисодий қарашларда ўзига хослик эришилади. Агар Петтига кўпроқ саноат ва савдони қўллаган бўлса, Буагильбер асосан қишлоқ хўжалига соҳасида тадбиқ этди ва ўзининг яхши хулосаларини чиқарди. Қийматни айнан истеъмол қиймати шаклида тушунди. У «Пропорционал баҳолар» тарафдори эди, эркин тадбиркорлик, рақобат ва эркин баҳоларни қўллади. Ортиқча ишлаб чиқариш инқирозини тўғри тушунтириб берди, пулга салбий муносабатда бўлди, олтин ва кумушларни ёвузлик сабаби деб билди. Нотўғри равишда фақат қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлади, саноат ва савдога кам эътибор қилди. Буагильбернинг иқтисодий ислохотлари бўйича таклифи ўзлари учун шикоятда аҳамиятлидир.

Иборалар:

Классик (намунавий) мактаб; меҳнат бошқа манбаи; табиий ва сиёсий баҳолар; пулнинг миқдори; (истеъмол ва алмашинув В.Петтининг иш ҳақи, рента назариялари; баҳоси; статистика; инсон ресурслари; Буагильбер; истеъмол қиймати; ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги; бойлик ва қашшоқлик.

Асосий ибора ва тушунчалар.

1. Классик (намунавий) мактаб ишлаб чиқаришнинг янги усули шаклланаётган ва мустаҳкамланаётган даврда вужудга келган иқтисодий мактаб бўлиб, капитализмни бозор тизимини илмий таҳлил қилиш бўйича дастлабки муҳим қадамни қўйганлар.

2. «Лаза —файе» арзон ва кичкина давлат сиёсати бўлиб тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг аралашмаслиги тамойилидир.

3. В. Петтининг тадқиқот предмети ишлаб чиқариш соҳаси муаммоларини таҳлил этишдир. Унинг фикрича бойлик пайдо бўлиши ва кўпайиши фақат моддий неъматлар яратиш соҳасида рўй беради бу жараён савдо ва савдо капиталининг ҳеч қандай иштирокисиз бўлади.

4. «Сиёсий баҳо» — вақт ва тасодифий омиллар таъсирида ўзгариб турувчи бозор баҳоси.

5. «Табиий баҳо» «сиёсий баҳо» га қарама — қарши бўлиб у ички бозор баҳосига тенг бўлиши керак.

6. Қиймат назарияси. Петти қиймати икки қисмга бўлинади;

1—истеъмол қиймати, 2 —алмашув қиймати маҳсулот алмашишга юзага келади.

7. Петтининг рента назарияси — уларга, рента маҳсулотлар натуралар кўринишида иш ҳақи ва улуғликни ажратгандан кейин қоладиган маҳсулот миқдоригатенг. Демак, рента кўшимча маҳсулотга тенг.

8. П.Буагильбер бозор баҳоси ва «Ҳақиқий баҳо»га таъриф берди. Ҳақиқий баҳо меҳнат сарфи билан белгиланади. У ҳақиқий баҳо деганда, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари ўртасида меҳнат тақсимотининг тўғри пропорциясини тушунган.

ТАКРОРЛАШ САВОЛЛАРИ.

1. Классик иқтисодий мактаб вужуга келишнинг шарт-шароитлари.Бу мактабнинг меркантилизмдан асосий фарқи нимадан иборат?

2. В.Петтининг қиймат, иш ҳақи, пул, рента ҳақидаги назариялари.

3. Буагилбер нима учун қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини қўллаб қувватлади?

4. Пропорционал баҳолар, иқтисодий инқироз тўғрисидаги назариянинг моҳияти.

5. Нима учун П.Буагильбер пулга қарши эди?

Қиймат тушунчасининг талқини.

7. Мўл-кўлчилик даврида ҳам қашшоқлик бўлиши мумкинлигини қандай исботланади?

3-мавзу: Классик иқтисодиёт постулатлари.

Р Е Ж А :

1. Классик мактабда иқтисодий эркинлаштириш концепцияси — янги ғоянинг асоси сифатида.
2. Классик иқтисодиётнинг ривожланиш босқичлари.
3. Классик иқтисодиёт постулатларининг аҳамияти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аникин А.В. Люди науки. М., 1996.
 2. Антология экономической классики. В двух томах. Т.1,2. М., Эконов, 1991.
 3. Исломов А. Эгамов Э.Т. Иқтисодий таълимотлар тарихи. ТМИ, 2001.
 4. Макконел Н.Р. Стенли Л.Брю. “Экономикс” М., “Республика”, 1992.
- Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. Т., Ўзбекистон, 1999.

I режа: Иқтисодий эркинлаштириш концепцияси.

XVII-XVIII асрларда Ғарбий Европада саноатнинг тез ривожланиши мануфактура даврасидаги (ташқи савдо ривожига тўсиқ) протекционизм сиёсати ва (тадбиркорлик ташаббусини бўғувчи) давлатнинг иқтисодий ҳомийлигига муҳтожлик йўқолди. Англиядаги XVIII аср ўрталаридаги саноат инқилоби жамоатчилик диққатини савдодан индустрияга жалб этди. Ишлаб чиқариш тадбиркорларнинг даромад олишнинг асосий манбаи сифатида янада кўпроқ қизиқтира бошлади. Аввалдан маълум инқилобий ғоялар амалий талабларга жавоб берилмай қолди. Иқтисодий эркинлаштириш концепцияси янги ғоянинг асоси эди.

Меркантилизм ўрнига классик (лот. намунали ҳақиқий иқтисодий мактаб вужудга келди. Чунки аввалги таълимот саноатлашайтган соҳибкорлар талабларига жавоб бермай қўйди. (“Классик мактаб”) атамаси К.Маркс томонидан берилган тарафдорлари зиммасига тўғри келди. Унинг намояндалари ўз илмий тадқиқотларининг асоси қилиб кишиликнинг ишлаб чиқариш соҳасини олдилар ва капитализмни илмий таҳлил қилиш бўйича дастлабки муҳим қадамни қўйдилар. Классик мактаб ишлаб чиқаришнинг янги усули шаклланаётган ва мустаҳкамланаётган даврда вужудга келди. Капитализм айрим мамлакатларда

тарихий шарт-шароитларга мос равишда феодал муносабатларнинг сақланганлик даражасига қараб турлича ривожланди.

Бу жараён дастлаб XVI асрда Англияда рўй бера бошлади. Феодализм емирилиб, унинг заминига капиталистик яъни бозор муносабатлари шакллана борди.

Меркантилистлардан фарқли равишда (улар иқтисодиётнинг фақат муомала соҳасинигина таҳлил этганлар), классик мактаб намоёндалари феодализм ўрнига келган нисбатан прогрессив капиталистик муносабатларнинг ички иқтисодий алоқаларини ўргандилар ва ўз тадқиқотларини асосан ишлаб чиқариш соҳасига қўчирдилар. Классик иқтисодий мактаб деганда В.Петтидан бошланадиган иқтисодий тадқиқотлар тан олинади, бу таълимот ишлаб чиқаришдаги бозор муносабатларининг ички алоқадорлигини ўрганади ва таҳлил этади. В.Петти классик мактаб отаси ва статистиканинг кашфиётчисидир. Англияда В.Петти, Францияда П.Буагильбер иш мактабнинг бошловчилари бўлса, Францияда шу мактабнинг бир йўналиши бўлган физиократлар вужудга келган ва у А.Смит, Д.Рикардолар билан яқунланади. Бу давр капиталистик муносабатлар ривожига йўл очиб беради. Р. Хайлбронер ва Л. Туроларнинг фикрича (“Экономика для всех”), ишлаб чиқариш омиллари вужудга келди: меҳнат, ер ва капитал товарга айлантирилди, бунгача улар товар бўлмаган. Ҳозирги давр тили билан айтганда, бозор тизими, бозор жамияти барпо этила бошланди. Шу бозор тизимига хос бўлган концепциялар постулатлар ишлаб чиқилди.

II режа: Классик иқтисодиётнинг ривожланиш босқичлари.

Янги таълимотнинг классик (мумтоз) деб аталишига сабаб аввало шуки, ҳозирги иқтисодиётнинг асосида ётувчи кўпгина назария ва методологик қоидаларнинг ҳақиқий илмий характери билан изоҳланади. Мана шу мактаб намоёндаларининг хизматлари иқтисодий назарий илмий фан даражасида қўтарилди. Эркин хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти исботлаб берилди. П.Самуэлсон фикрича янги таълимот тўла *laissez faire* (янги тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг мутлоқ аралашмаслиги) **широ**атиға ўтишга ва воқеаларнинг бошқача ривожига олиб келади ва фақат XIX охирларида деярли барча

мамлакатларда давлат иқтисодий функцияларнинг доимий кенгайиши рўй беради. Бу таълимот намоёндалари Англияда В.Петтидан то Д.Рикардогача, Францияда П.Буагильбердан, С.Сисмондигача (XIX аср ўрталаригача) янги жамиятнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш муносабатларини тадқиқ этдилар. Уларнинг фикрича, эркин хўжалик фаолиятида шу даврдаги тузум мукаммал деб қаралди. Я.С.Ядгаров классик мактаб ривожланишида (маълум шарт билан) 4 босқич ажратилади. 1-босқич XVII аср охири – XVIII аср бошига тўғри келади. Бу босқичда меркантилизм таълимотининг хатолари ёритиб берилади ва унинг асосчилари В.Петти ва П.Буагильбер бир-биридан беҳабар қийматнинг меҳнат назариясини илгари сурдилар ва ҳар қандан қийматнинг манбаи ҳамда ўлчови сифатида товар маҳсулот ёки бошқа бойликни яратиш учун сарфланган меҳнат миқдори ҳисобланади. Бойлик ва фаровонлик муаммал соўасида эмас, ишлаб чиқариш соўасида яратилиши ккрсатилади.

Бу босқич XVIII ўрталарида ва 2 ярмида Франциялик Ф.Кенэ ва А.Тюрголар томонидан илгари сурилган, Физиократизм билан якунлади. Соф маҳсулот (миллий даромад) манбаини қидириш орқали асосий эътиборини меҳнат билан ерга қаратди. Меркантилизм танқид қилиниб, таҳлилда ишлаб чиқариш асоссиз равишда муомала соҳасидан тўла ажратиб қўйилган.

2-босқич XVIII аср охири ва XIX аср бошига тўғри келиб, А.Смит асарларидаги иқтисодий ғояларида акс этган.

3-босқич XIX асрнинг 1-ярмига тўғри келиб франциялик Ж.Б.Сэй ва Ф.Батсия, инглизлар Д.Рикардо, Т.Мальтус ва Н.Сениор, америкалик Г.Кэри ва бошқалар асарларидаги ғоялар Билан боғлиқ.

4-якунловчи босқич XIX асрнинг 2-ярмига тўғри келади ва Ж.С.Милл ғояларида ўз ниҳоясига етади. К.Маркс ҳам шу босқич вакили сифатида қаралади лекин, бизнинг фикримизча, бу унчалик тўғри эмас. Бу босқичларнинг хусусиятлари тегишли бобларда ёритилади.

1. «Иқтисодий одам» концепцияси. Одам иқтисодий хат нуқтаи назаридан қараб ўрганилади. Унинг ҳаракати ва фаолиятида бир рағбат ёки сабаб мавжуд бўлиб, бу унинг шахсий манфаатдорликка эришишида кўринади. Яъни одам ҳар бир

ҳаракатидан иқтисодий наф фойда кутади. Бунда ҳаёт давомида шахснинг фаолиятида ўз таъсирини ўтказиши мумкин бўлган дин, маданият, урф-одатлар, анъаналар ва бошқа факторлар ҳисобга олинмайди.

2. Келишаётган томонларнинг тенглиги. Ҳар қандай келишувда иштирокчилар ҳамкорларни танлаш, савдони максимал даромадга етгунча давом эттириш имконияти, ўз қизиқишларини тушуниш, ўз имкониятларини билиш, узоқни кўра билиш ва олдиндан тайёрланиш.

3. Тўла ахборотганлик ҳар бир капиталист қаерда юқори ёки паст капиталистни киритишнинг қандай шартлари мавжуд; Хом ашёнинг, тайёр маҳсулотини сотиш вв сотиб олиш нархлари қандайлиги тўғрисида ахборот ва маълумотга эга бўлади. Бу ахборотларни улар айна дамда ва келгусида ҳам олиш имкониятига эга бўладилар.

4. Ресурслар оқими. Меҳнат ва капитал бир вақтнинг ўзида бир соҳадан иккинчи соҳага, бир тармоқдан иккинчисига, умуман бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиш мумкин. Капиталист уларни қаерда қандай ушлаб қолиши мумкинлигини ўзи ҳал қилади.

5. Иш аҳоли миқдорининг эластиклиги иш ҳақи даражаси бўйича бирдан катта ёки бирга тенг бўлади. Бу ибора илмий жиҳатдан шундай изоҳланади. Оддийроқ қилиб айтганда – ишчилар миқдорининг ошиши умумий иш ҳақи фондининг ошиши билан боғлиқдир. Иш ҳақи миқдорининг қандайдир режада ошиши ишчи кучи миқдорининг ошишига олиб келади ва аксинча ишчи кучи миқдорининг камайиши иш ҳақи миқдорининг пасайиши оқибати ҳисобланади. Бу қарашда ҳар доим чақалоқларнинг туғилиши билан унинг ишлай олиши ёшига етиши ўртасидаги вақт узилиши инобатг олинмаган.

ИЗОҲ: А катталиқнинг В га нисбатан эластиклик кўрсаткичи А нинг В дан боғлиқлик даражасини характерлайди. Эластиклик В нинг 1 % га ўзгариши. А нинг неча % га ўзгаришини кўрсатади. У ҳосила ёки нуқта белгиси билан белгиланади. Агар ҳосила 1 дан кичик бўлса, А В га бўйича эластик эмас деб ҳисобланади. Ҳосила қанчалик 1 дан ошса, А нинг В бўйича эластиклиги шунча юқори бўлади.

Классик иқтисодчиларнинг юқоридаги фикри улар фаолият юритган вақтда болалар меҳнатидан ҳатто 6-7 ёшдан ҳам фойдаланганлиги учун ҳам ҳақиқатга яқинлигини таъкидлаш мумкин.

6. Фирманинг мақсади сифатида фойдани абсолютлаштириш. Капиталистга фирманинг ташкилотчиси сифатида қаралади. Фирманинг барча мақсадлари орасида капиталдан олинадиган фойдани максималлаштириш энг асосийси ҳисобланади. Бунда айрим факторлар, жумладан, фирманинг янги савдо бозорини эгаллаш, рақобатда енгиб чиқиш учун хатарнинг кучайиши кабилар оқибатида фойдаланиши маълум бир қисмидан воз кечиш ёки кам фойда билан қаноатланиш мумкинлиги инобатга олинмаган.

7. Иш ҳақи даражасининг юқори ҳаракатчанлик иш ҳақи ўзини худди товарлар нархи каби тутди. У меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф таъсири остида жуда кўтарилиб ва жуда тушиб кетиши мумкин.

8. Асосийси- капитални жамғариш ишлаб чиқаришнинг уч омили мавжуд: ер, капитал, меҳнат. Бу омиллардан ер-такрорланмайдиган, такрор ишлаб чиқарилмайдиган ресурс ҳисобланса, капитал жамғарилган меҳнат, меҳнат эса ишлаб чиқаришнинг энг асосий омили сифатида табиий шароитда Амалий жиҳатдан чекланмаган резерв (захира) ҳисобланади.

Миллий даромаднинг ошиши капитал жамғариши тезлигидан боғлиқ капитал жамғариш тезлиги эса қўлланадиган меҳнат миқдорида боғлиқ бўлади. Бу постулатда классиклар яратиладиган миллий даромад даражаси чекланган ер, капитал, меҳнат омилларини ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида тўғри тақсимлашдан боғлиқ бўлишни инобатга олмаганлар.

9. Ерга ишлаб чиқаришнинг омили сифатида ўзгача муносабат билдириш. Ер табиатнинг инъоми, у ишлаб чиқаришнинг инсон томонидан яратилган омилларга умуман ўхшамайдиган ва чекланган ресурс сифатида ўзига хос факторлар. Ернинг асосий хусусияти қайта ишлаб чиқариб бўлмаслиги, чекланганлиги бўлиб унинг ўзи ишни охирига етказди ва ҳосилдорлик даражасини ўзи белгилайди. Классик иқтисодчилар қўшимча харажатларсиз, капитал ва меҳнатсиз ҳосил ҳам рента ҳам бўлмаслигини таъкидласаларда, рентани ернинг

ижодий самараси – унинг капитал ва меҳнат берадиган самарадан ортиқча қисми деб ҳисоблайдилар.

Натижада икки нарсани аниқлаб оладилар.

Биринчидан, ишлов бериладиган ер саноат жиҳозлари каби буюмлашган меҳнат маҳсули ҳисобланади. Уни киритиш ёки суғориш тизимини тузиш, уни тозалаш ва бойитиш ва ҳоказоларга меҳнат сарфланган.

Иккинчидан, анҳолига нисбатан мукамалроқ машина ўз эгасига рақобатчиларига нисбатан қўшимча юқори даромадни олиб келади. Бу қўшимча даромадни иқтисодчи олимлар рентадек деб номладилар.

10. Иқтисодий либерализм. Адам Смит ҳам давлатини ролини минимум даражага тушириш билан характерланадиган табиий эркинлик ғоясини илгари суриб, исбот ва асослаб берган эди. У давлат жамиятга зарар етказадиган ҳар қандай жиҳатларини йўқотиш лозим деб ҳисоблайди.

XIX асрда аниқланган икки хил ҳолат кўпгина олимларни классикларнинг иқтисодий либерализм ғояларини чеклашга мажбур қилди.

1-ҳолат. Жамият бойликлари ошиши билан ишчи оммаси иқтисодий аҳволи ўртасидаги фарқнинг катталиги бўлса, 2 ҳолат даврий кризисларнинг юз бериши ҳисобланади.

Узоқ вақт давомида иқтисодий либерализм назарий асосга эга бўла олмади. Фақат 1929-1930 йилларда юз берган буюк депрессия номини олган инқироз фонда узилиш бўлганлигини кўрсатди. Шунда Кейнс классикларнинг иқтисодий либерализм дастринасини танқид қилди ва давлат иқтисодиётига жуда қаттиқ аралашуш кераклигини асослаб ёқлаб чиқди.

Иқтисодий билим ўзининг классик давридагига нисбатан кучли ўзгаришга юз тутди. Ҳозирги даврга келиб жуда катта кўп иқтисодий масалалар жуда чуқур ўрганилмоқда. Айримлари эса классикларга нисбатан умуман бошқача талқин этилади. Юқорида тавсифланган пастулатлар бу классик сиёсий иқтисодиёт деб номлайдиган иқтисодий воқеликнинг кўринишидир, акс эттирилишидир.

Айнан классиклар иқтисодий билимларнинг шундай аппаратини яратдиларки уларнинг кейинги авлод иқтисодчилари бу кўринишни янада мустаҳкамлаштирдилар

Айнан классикларнинг эришган ютуқлари ёрдамида навбатдаги иқтисодий билим, иқтисодий фикрлаш ютуқларга эга бўлинди. XX – XXI аср иқтисодчилари классик иқтисодий билимлар фундаментида таянган ҳолда иқтисодиётни янада узоқроқ янада чуқурроқ ва кенгроқ тушуна ва кўра оладилар. Буни эсдан чиқармаслик лозим.

III режа. Классик иқтисодиёт постулатларининг аҳамияти

1. «Иқтисодий одам» концепцияси. Одам иқтисодий хат нуктаи назаридан қараб ўрганилади. Унинг ҳаракати ва фаолиятида бир рағбат ёки сабаб мавжуд бўлиб, бу унинг шахсий манфаатдорликка эришишида кўринади. Яъни одам ҳар бир ҳаракатидан иқтисодий наф фойда кутади. Бунда ҳаёт давомида шахснинг фаолиятида ўз таъсирини ўтказиши мумкин бўлган дин, маданият, урф-одатлар, анъаналар ва бошқа факторлар ҳисобга олинмайди.
2. Келишаётган томонларнинг тенглиги. Ҳар қандай келишувда иштирокчилар ҳамкорларни танлаш, савдони максимал даромадга етгунча давом эттириш имконияти, ўз қизиқишларини тушуниш, ўз имкониятларини билиш, узоқни кўра билиш ва олдиндан тайёрланиш.
3. Тўла ахборотганлик ҳар бир капиталист қаерда юқори ёки паст капиталистни киритишнинг қандай шартлари мавжуд; Хом ашёнинг, тайёр маҳсулотини сотиш вв сотиб олиш нархлари қандайлиги тўғрисида ахборот ва маълумотга эга бўлади. Бу ахборотларни улар айнаи дамда ва келгусида ҳам олиш имкониятига эга бўладилар.
4. Ресурслар оқими. Меҳнат ва капитал бир вақтнинг ўзида бир соҳадан иккинчи соҳага, бир тармоқдан иккинчисига, умуман бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиш мумкин. Капиталист уларни қаерда қандай ушлаб қолиши мумкинлигини ўзи ҳал қилади.

5. Иш аҳолии миқдорининг эластиклиги иш ҳақи даражаси бўйича бирдан катта ёки бирга тенг бўлади. Бу ибора илмий жиҳатдан шундай изоҳланади. Оддийроқ қилиб айтганда – ишчилар миқдорининг ошиши умумий иш ҳақи фондининг ошиши билан боғлиқдир. Иш ҳақи миқдорининг қандайдир режада ошиши ишчи кучи миқдорининг ошишига олиб келади ва аксинча ишчи кучи миқдорининг камайиши иш ҳақи миқдорининг пасайиши оқибати ҳисобланади. Бу қарашда ҳар доим чакалоқларнинг туғилиши билан унинг ишлай олиши ёшига етиши ўртасидаги вақт узилиши инобатга олинмаган.

ИЗОҲ: А катталиқнинг В га нисбатан эластиклик кўрсаткичи А нинг В дан боғлиқлик даражасини характерлайди. Эластиклик В нинг 1 % га ўзгариши. А нинг неча % га ўзгаришини кўрсатади. У ҳосила ёки нуқта белгиси билан белгиланади. Агар ҳосила 1 дан кичик бўлса, А В га бўйича эластик эмас деб ҳисобланади. Ҳосила қанчалик 1 дан ошса, А нинг В бўйича эластиклиги шунча юқори бўлади.

Классик иқтисодчиларнинг юқоридаги фикри улар фаолият юритган вақтда болалар меҳнатидан ҳатто 6-7 ёшдан ҳам фойдаланганлиги учун ҳам ҳақиқатга яқинлигини таъкидлаш мумкин.

6. Фирманинг мақсади сифатида фойдани абсолютлаштириш. Капиталистга фирманинг ташкилотчиси сифатида қаралади. Фирманинг барча мақсадлари орасида капиталдан олинадиган фойдани максималлаштириш энг асосийси ҳисобланади. Бунда айрим факторлар, жумладан, фирманинг янги савдо бозорини эгаллаш, рақобатда енгиб чиқиш учун хатарнинг кучайиши қабилар оқибатида фойдаланиши маълум бир қисмидан воз кечиш ёки кам фойда билан қаноатланиш мумкинлиги инобатга олинмаган.

7. Иш ҳақи даражасининг юқори ҳаракатчанлик иш ҳақи ўзини худди товарлар нархи қоби тутди. У меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф таъсири остида жуда кўтарилиб ва жуда тушиб кетиши мумкин.

8. Асосийси- капитални жамғариш ишлаб чиқаришнинг уч омили мавжуд: ер, капитал, меҳнат. Бу омиллардан ер-такрорланмайдиган, такрор ишлаб чиқарилмайдиган ресурс ҳисобланса, капитал жамғарилган меҳнат, меҳнат эса

ишлаб чиқаришнинг энг асосий омили сифатида табиий шароитда Амалий жиҳатдан чекланмаган резерв (захира) ҳисобланади.

Миллий даромаднинг ошиши капитал жамғариши тезлигидан боғлиқ капитал жамғариш тезлиги эса қўлланадиган меҳнат миқдорида боғлиқ бўлади. Бу постулатда классиклар яратиладиган миллий даромад даражаси чекланган ер, капитал, меҳнат омилларини ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида тўғри тақсимлашдан боғлиқ бўлишни инобатга олмаганлар.

9. Ерга ишлаб чиқаришнинг омили сифатида ўзгача муносабат билдириш. Ер табиатнинг инъоми, у ишлаб чиқаришнинг инсон томонидан яратилган омилларга умуман ўхшамайдиган ва чекланган ресурс сифатида ўзига хос факторлар. Ернинг асосий хусусияти қайта ишлаб чиқариб бўлмаслиги, чекланганлиги бўлиб унинг ўзи ишни охирига етказди ва ҳосилдорлик даражасини ўзи белгилайди. Классик иқтисодчилар қўшимча харажатларсиз, капитал ва меҳнатсиз ҳосил ҳам рента ҳам бўлмаслигини таъкидласаларда, рентани ернинг ижодий самараси – унинг капитал ва меҳнат берадиган самарадан ортиқча қисми деб ҳисоблайдилар.

Натижада икки нарсани аниқлаб оладилар.

Биринчидан, ишлов бериладиган ер саноат жиҳозлари каби буюмлашган меҳнат маҳсули ҳисобланади. Уни киритиш ёки суғориш тизимини тузиш, уни тозалаш ва бойитиш ва ҳоказоларга меҳнат сарфланган.

Иккинчидан, анҳолига нисбатан мукамалроқ машина ўз эгасига рақобатчиларига нисбатан қўшимча юқори даромадни олиб келади. Бу қўшимча даромадни иқтисодчи олимлар рентадек деб номладилар.

10. Иқтисодий либерализм. Адам Смит ҳам давлатини ролини минимум даражага тушириш билан характерланадиган табиий эркинлик ғоясини илгари суриб, исбот ва асослаб берган эди. У давлат жамиятга зарар етказадиган ҳар қандай жиҳатларини йуқотиш лозим деб ҳисоблайди.

XIX асрда аниқланган икки хил ҳолат кўпгина олимларни классикларнинг иқтисодий либерализм ғояларини чеклашга мажбур қилди.

1-ҳолат. Жамият бойликлари ошиши билан ишчи оммаси иқтисодий аҳволи ўртасидаги фарқнинг катталиги бўлса, 2 ҳолат даврий кризисларнинг юз бериши ҳисобланади.

Узоқ вақт давомида иқтисодий либерализм назарий асосга эга бўла олмади. Фақат 1929-1930 йилларда юз берган буюк депрессия номини олган инқироз фонда узилиш бўлганлигини кўрсатди. Шунда Кейнс классикларнинг иқтисодий либерализм дастринасини танқид қилди ва давлат иқтисодиётига жуда каттик аралашиш кераклигини асослаб ёқлаб чиқди.

Иқтисодий билим ўзининг классик давридагига нисбатан кучли ўзгаришга юз тутди. Хозирги даврга келиб жуда катта кўп иқтисодий масалалар жуда чуқур ўрганилмоқда. Айримлари эса классикларга нисбатан умуман бошқача талқин этилади. Юқорида тавсифланган пастулатлар бу классик сиёсий иқтисодиёт деб номлайдиган иқтисодий воқеликнинг кўринишидир, акс эттирилишидир.

Айнан классиклар иқтисодий билимларнинг шундай аппаратини яратдиларки уларнинг кейинги авлод иқтисодчилари бу кўринишни янада мустаҳкамлаштирдилар

Айнан классикларнинг эришган ютуқлари ёрдамида навбатдаги иқтисодий билим, иқтисодий фикрлаш ютуқларга эга бўлинди. XX – XXI аср иқтисодчилари классик иқтисодий билимлар фундаментида таянган ҳолда иқтисодиётни янада узоқроқ янада чуқурроқ ва кенгроқ тушуна ва кўра оладилар. Буни эсдан чиқармаслик лозим.

Асосий иборалар:

“Иқтисодий одам” концепцияси; келишаётган томонлар тенглиги; тўла ахборотланганлик; ресурслар оқими; иш ҳақи миқдорининг эластиклиги; фойдал абсолютлаштириш; иш ҳақи даражасининг юқори ҳаракатчанлиги; капитал жамғариш омиллари; иқтисодий либерализм.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Классик иқтисодий мактабда иқтисодий эркинлаштириш концепциялари вужудга келишининг асосий сабаблари нимада?

2. Классик иқтисодиётнинг ривожланиш босқичларини санаб беринг?
3. “Иқтисодий одам” концепциясининг моҳиятини ёритинг?
4. Тўла ахборотланганлик ва келишаётган томонларнинг тенглиги постулатларининг аҳамияти?
5. Иш ҳақи миқдорининг эластиклиги иш ҳақи даражаси бўйича қандай бўлади?
6. Иш ҳақи даражасининг юқори ҳаракатчанлиги талаб ва таклифга қандай таъсир кўрсатади?
7. “Фойдани максималлаштириш ” концепцияси аҳамияти.
8. Иқтисодий либерализм моҳиятини очиб беринг?

4-Мавзу: Классик мактаб ғояларининг тўла шаклланиш ва А.Смитнинг иқтисодий назариялари.

Режа:

1. Классик иқтисодий мактабнинг тўла шаклланиши.
2. А.Смитнинг иқтисодий қарашларининг ўзига хослиги.
3. Меҳнат тақсимооти ва пул тўғрисидаги назариялар.
4. А.Смит ва ҳозирги замон.

Адабиётлар:

1. Аникин. Аюди науки.
2. М.Эконоф Антология эконофической классики. Том I 1991г.
3. Ш. Тошматов., А. Раззоқов. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., Молия. 2002 йил.
4. С. Макконель, Л. Брю. Экономикс. 14-е издание Мос. «Инфра-м» 2002 г.
5. Е.М. Майбурд. Введение в историю эконофической мысли. От пророков до профессоров. Мос. «Дело» 1996г.

I режа. Классик иқтисодий мактабнинг тўла шаклланиши.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида классик иқтисодий мактаб британиялик олимлар А.Смит ва Д.Рикардо асарларида энг юксак чўққига кўтарилади. Бу ҳол тасодикий эмас эди, чунки бу олимлар яшаб ижод этган даврда Англияда чуқур иқтисодий, социал ва сиёсий ўзгаришлар рўй бергаётганэди.

Англия жаҳонда энг ривожланган ва саноатлашган давлатга айлана бошлади, иқтисодиётда ҳамда ижтимоий ҳаётда капиталистик муносабатлар ҳал қилувчи ўринларни эгаллади. Мамлакатда юксак ривожланган қишлоқ хўжалиги ва тез ўсаётган саноат мавжуд эди, фаол ташқи савдо олиб борилади. Янги жамиятга хос синфий ажралиш яққол бўлиб, ишчилар, соҳибкорлар, ер эгалари – лендлордлар ва фермерлар бор эди.

Капиталнинг дастлабки жамғарилиши натижасида ҳосил бўлган пул капитали(манбалари: паст иш ҳақи, мустамлака сиёсати, айниқса ноэквивалент савдо, кул савдоси, ерларнинг деҳқонлардан тортиб олониши, босқинчилик урушлари ва бошқалар) тобора кўп миқдорда саноат ва қишлоқ хўжалигига қўйила бошлади. Йирик марказлашган мануфактуралар ва капиталистик фермалар тобора муҳим аҳамият касб эта бошлади. Агар XVIII аср бошида мамлакат ҳали аграр ҳолатда бўлса, саноатнинг иқтисодиётдаги ҳиссаси тобора тез ўсиб борди. Англия индустриал аграр давлатга айланди. Мануфактуралар сони ошди, улардаги ишчилар сони кўпайди, ишчиларнинг аҳволи ниҳоятда оғир бўлиб, қаттиқ эксплуатацияга дучор қилинди.

Мануфактуралар сони тез ошиб боргани билан ички ва ташқи бозордаги ўсиб бораётган маҳсулотларга бўлган талаб тўла қондирилмас эди, таклиф эса етарли эмас эди.

Аср ўртасида Англия бошқа мамлакатларга нисбатан мануфактурадан фабрикага ўтишга яқин турар эди. Англия саноат инқилоби арафасида эди.

Шундай қилиб XVIII асрнинг иккинчи ярм ива XIX асрнинг биринчи чорагида Буюк Британияда бошқа давлатларга нисбатан иқтисодий ғояларнинг ривожланиши учун ниҳоятда қулай шароитлар юзага келди, бу ғоялар А.Смит ва Д.Рикардо таълимотларида ўз аксини топди. Бу тадқиқотлар аслида соҳибкорлик мафкурасини ҳимоя қилган бўлса ҳам, бу мафкуранинг апологентлари (кўр-кўрона атайлаб ёқловчилар) эмасдилар, улар ўз асарлари ва яратган таълимотларида бу тузумнинг барча фаолиятини тўла-тўқис маъқулламадилар, уни бўяб кўрсатишга уринмадилар, бу жамиятдаги илғор томонларини кўрсатиш Билан бирга ундаги кўпгина қарама-қаршилик ва нуқсонларни очиб ташладилар, ишчилар синфига, унинг аҳволига ачиниш, Раҳм-шавқат ва хайрихоҳлик муносабатида бўлганлар. Улар томонидан яратилган

таълимот инглиз классик иқтисодиётнинг асоси бўлди ва жаҳон иқтисодиёт фикрига катта таъсир кўрсатди.

Бу олимлар ўзларида аввалги меркантилизм, илк классик мактаб ва физиократизм ғояларини мукаммал ўрганиб, шулар асосида Янги иқтисодий мактабнинг шаклланишини ниҳоясига етказдилар. Аслини олганда улар бозор иқтисодиёти асосини яратдилар. Классик мактабнинг тўла шаклланишида айниқса саноат инқилоби катта рол ўйнайди.

Аввалги барча тизимларда иқтисодий ҳаётни ташкил этиш усулида анъаналар ҳокимияти ва буйруқлар доим устун бўлган.

Бозор тизимида эса барча эркин бозор талаблари доирасида соҳибкорлик билан ихтиёрий шуғулланадилар, анъаналар ёки кимларнингдир буйруғига бўйсунган ҳолда иш юритмадилар. Бу тизимда одамлар иш танлашда тўла эркинликка эга бўлибгина қолмасдан, ишни ҳам ўзлариқидириши керак. Бунга қарам-қарши бўлган жамиятда қуллар ва анъаналар билан чекланган ҳунармандлар олдиндан ўзларининг маълум вазифаларини бажарганлар ва уни ўзгартириш жуда катта қийинчиликларни туғдирган.

Бу тизимда капитал бозори пайдо бўлади ва ишлаб чиқаришда доимо бойлик оқими, яъни банклар ва бошқа молия компаниялари томонидан ташкил этиладиган жамғрама ва инвестициялар оқими вужудга келади, қарз олувчилар бу бойликлардан фойдаланганлиги учун фоиз тўлайдилар.

Капитализмгача ишлаб чиқариш факторлари умуман бўлмаган, деган хулоса чиқарилади. Албатта инсон меҳнати, табиий ресурслар, шунингдек ер ва ишловчилар санъати доим бўлган, аммо меҳнат, ер ва капитал товар эмас эди. Меҳнат крепостной ёки қулларнинг ижтимоий вазифасига айланиб, бу меҳнатга ҳақ тўланмаган. Крепостной деҳқон ундан ташқари ўз хўжайинига ердан ва қурол-яроғдан фойдаланганлиги учун оброк тўлаган. Ер ҳарбий ёки фуқаролик ҳокимиятининг асоси ҳисобланган. Капитал Хазина ёки ҳунармандларнинг асбоб-ускуналари сифатида қаралган ва у бозор баҳосига эга бўлмаган.

Қандай қилиб ҳақ тўланмайдиган меҳна, рента пули келтирмайдиган ер ва шахсий Хазина ишлаб чиқариш факторига айланиб қолди? Бу капиталистик тузумни келтириб чиқарган инқилоб билан боғлиқ. Бу ўзгаришлар тариханузоқ даврни (XV-XVI асрлар) ўз ичига олиб, баъзида аста-секин, баъзан эса тўфон каби ўрта асрларнинг урф-одатларини емириб борди ва жамиятни ҳозир биз биладиган бозор жамиятига олиб келди. Айниқса Англияда бу жараён эртароқ бошланди ва биз юқорида эслатган деҳқонларни шафқатсизлик билан ўз ерларидансиқиб чиқариш йўли билан амалга

оширилади. Асосий мақсад бу ерларни лендлордларга бериш ва яйловга айлантириб, қўй боқиш, унинг жунидан мануфактураларда мато тўқиш эди. Ўз ерларидан маҳрум бўлган ижарачилар шаҳарларга кетишга ва у ерда ўз ишчи кучини ишлаб чиқариш фактории сифатида сотишга мажбур эдилар.

Жамият ишлаб чиқариш аппаратининг абсолют кўрсаткичлари техника таъсири остида кескин ошди. Бу жараён ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асбоб-ускунанинг кўпайиши, асосан темир, кейин пўлатдан ясалган технологиялар ортиши билан бошланди. Темир олувчи оддийгина печлар ўрнига гигант иншоотлар пайдо бўлди, оддий тўқув дастгоҳлари ҳам ката уйларга зўрға жойланадиган механизмлар билан алмаштирилади.

Сиёсий соҳада ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди, демократик, парламентар институтлар юзага кела бошлади. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу инқилобий ўзгаришларни ҳамма ҳам тўла тушуниб етмади. Масалан, А.Смит машина ва фабрикаларни кўргани ҳолда мануфактурани қўллади, Англия келажаги қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ.

II режа. А.Смитнинг иқтисодий қарашларининг ўзига хослиги.

Адам Смит (1723-1790) Шотландиянинг Керколди шаҳрида божхона чиновниги оиласида дунёга келди. Глазго ва Оксфорд университетларида таълим олди, у ерда фалсафа, адабиёт, тарих фанлари билан бирга физика ва математикани ҳам ўрганди. А.Смит 1748 йилда Эдинбургда оммавий лекциялар ўқий бошлади. Глазго университетининг профессори лавозимига сайланди, кейинчалик ижтимоий фанлар кафедрасини бошқаради. А.Смит 1759 йилда ўқиган лекциялари асосида этиканинг фалсафий муаммоларига бағишланган ўзининг биринчи «Ахлоқий ҳиссиёт назарияси» китобини яратди. Унинг иқтисодчи бўлишига Глазгодаги ўзига хос сиёсий иқтисод клубидаги иштироки, қисман философ ва иқтисодчи Давид Юм билан дўст бўлганлиги таъсир этди. Аммо у 1764 йилда университетдаги ишини ташлаб, бир инглиз аристократининг оиласига тарбиячи бўлиб келди (герцог Баклю). Ўз тарбияланувчиси билан Европа бўйлаб саёҳатга чиқди, Швейцарияда Волтер, Францияда Дидро, физиократлар Ф.Кенэ ва А.Тюрго, Д.Аламбер, Гелвций, Голбах ва бошқа таниқли прогрессиволар билан учрашди, уларнинг ишлари билан танишди. Бу учрашувлар олимнинг дунёқарашини шакллантиришга ката таъсир қилди.

А. Смит тадқиқот предмет ива услубиёти.

Жамиятнинг иқтисодий ривожланиши ва унинг моддий-турмуш даражасини ошириш муаммолари А.Смит тадқиқотининг предметини ташкил этади. Қандай шарт-шароитлар ва қандай қилиб инсонлар юқорироқ моддий турмуш даражасига эриша оладилар, деган фикр асарнинг асосий ғоясини акс эттиради. Иқтисодий ўсишнинг пул шаклиинкор этилади ва моддий неъматларяратиш асосий деб қаралади, булар эса фақат ишлаб чиқариш соҳасида юзага келади ва шу сабабли устувор деб ҳисобланади. Аммо қайси (саноат, қишлоқ хўжалиги) соҳа афзаллиги аниқ айтилмайди. Асарнинг 2-китобида дехқончиликка капитал қўйиш яхшироқ самара беради деб уқтирилади. Иқтисодиёт ривожланиши билан саноат товарларни нархи пасайиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи эса ўсиш тенденциясига эга деб ҳисоблайди. Демак, шундай хулоса қилиш мумкинки, аграр соҳа учтун (бу хато).

Олим ўз асарлари ва тадқиқотларида одамлар баъзи бир шундай табиий хусусиятларга эгаки, улар ижтимоий тузумга боҳлиқ эмас, деган хулосага асосланади. Анна шундай хусусиятлардан бири – эгоизм (худбинлик) бўлиб, одамлар ўз хўжалик фаолиятларида унга амал қиладилар. Аммо айрим шахснинггина манфаатлари жамият манфаатларига мос тушади, деб уқтиради у. ҳар бир одам ўз шахсий манфаатини кўзда тутаяди, аммо бу ҳолатда кўп бошқа ҳолатлардаги каби, у «кўринмас қўл» томонидан унинг ниятида ҳам бўлмаган мақсад сари йўналтирилади...

ҳозирги даврда барчага яхши маълум бўлган «кўринмас қўл» ибораси билан бирга «иқтисодий одам» тушунчаси ҳам киритилади. Унга кўра, шахсий манфаатлар туфайли савдо ва алмашув жараёни амалга ошади. «Менга керак бўлган нарсани берсанг, мен сенга керак бўлган нарсани бераман», қабилида, яъни шахсий манфаатларнинг талабини қондириш йўли тутилади, яъни гап кимнингдир САҳийлигида эмас.

Иқтисодий ривожланишнинг шахсий манфаати ва стихияли қонунларнинг ўзаро ниҳоятда самарали ҳаракати шароитларини А.Смит «табиий тартиб» деб атаган. А.Смит ва унинг издошлари бу тушунча бир томондан иқтисодий сиёсатнинг тамойили ва мақсади бўлса, иккинчи томондан бу иқтисодий ҳаракатни ўрганиш учун назарий конструкция ёки моделдир. Демак, жамиятга наф келтирувчи фаолиятни бирор ҳаракат билан чекланмаслик керак, деган хулоса чиқарилади. Бу тамойилга кўра қуйидагилар тақлиф этилади:

1. Ишчи кучининг эркин ҳаракати;

2. Савдода (ер савдосида ҳам) тўла эркинлик;
3. Саноат ва ички савдони ҳукумат томонидан регламентация қилишга қатъий қаршилиқ;
4. Эркин ташқи савдо (протекционизмга қарши).

Олимнинг бу ғоялари кейинчалик тўла амалга ошди.

А.Смит капиталистик жамиятни табиий тузум Билан бир деб тушунган, шунинг учун капиталистик муносабатлар абадий, капиталистик хўжалик намоёндаларининг хусусиятлари одамнинг табиий хусусиятлари кабидир, деб изоҳлайди (бу фикрнинг қанчалик тўғрилигини тарих кўрсатади).

А.Смит иқтисодий ҳақиқатга оид фактларни қандай бўлса шундай ҳолда, бевосита кузатувчига қандай кўринса шундай ўрганиш Билан чекланмасдан, «табиий баҳо», «табиий норма», иш ҳақи ва бошқаларнинг нимага боғлиқ эканлигини аниқлашга уринди. Бунинг учун у мантикий абстракцияёрдамига таяниб иш юритди. У тасодифий воқеалардан ҳОли равишда капиталистик хўжаликнинг айрим хусусиялари тўғрисида қатор муҳим хулосалар чиқарди. Шу Билан бирга у бошқа вазифа – аниқ иқтисодий ҳаётни изоҳлашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У шу мақсадда шундоққина кўриниб турган капиталистик хўжалик воқеаларини изоҳлади ва маълум тизимга солди.

Н.Г.Чернишевский А.Смит усулига аниқ характеристика берган. Иккала методни бир вақтда қўллашнинг афзаллиги Билан бирга, катта камчилиги ҳам бор: олинган натижаларни бевосита солиштириш ҳар доим ҳам мумкин эмас. Илмий таҳлил асосида олинган хулосалар, юзаки умулашмалар Билан бир қаторга қўйилади. Мазмун ва ходиса шакллари доим ҳам ўзаро мос келавермаганидан бу хулосалар баъзида бир-бирига зид ҳам бўлган, аммо А.Смит буни охиригача тушуниб етмади.

III режа. Меҳнат тақсимоти ва пул тўғрисидаги назариялар.

Бевосита масалага ўтишдан аввал бир нарсага диққатни жалб этиш керакки, бу А.Смит яшаган муҳитдир. Муҳит олимнинг тадқиқотларига ката таъсир кўрсатади. Бу давр Англияда мануфактура ниҳоятда ривожланган ва саноат инқилоби арафасидаги ёки бу борадаги дастлабки қадамлар қўйилган пайт эди. Шу сабабли А.Смит мануфактура даврининг умумлаштирувчи иқтисодичеси мафкурчиси бўлиб қолди. Ўз даври учун мос равишда у мануфактурани ишлаб чиқаришнинг энг прогрессив, энг

илғор шакли деб баҳолади, унинг тарихат ўткинчилигини тушунмади, бу албатта шароитнинг таъсиридир. А.Смит ишчилар, капиталистлар ва ер эгаларининг турли синф вакиллари эканлигини яхши тушунган ва иқтисодий ривожланишнинг умуман яхши тушунган ва иқтисодий ривожланишнинг умуман яъши оқибатлари ҳамм учун тегишли, халқ бойлигининг ортишидан эса жамиятнинг ҳамма аъзолари бир хил манфаатдор деб ўйлаган эди. Ўз даврида танқид қилинган ғоя ҳозирги пайтда ҳақиқатга анча яқиндир (Яна тарих кўрсатади).

А.Смит иқтисодий қарашлари асосида шундай ғоя ётадики, унга кўра жамият бойлиги ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат туфайли пайдо бўлади (меркантилистлардан кескин фарқи бор). Эсланг, физиократлар ва илк классик мактаб вакиллари меҳнат фақат қишлоқ хўжалигидагина самарали бўлади, десалар, А.Смит меҳнатни барча соҳаларда (саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари) бойликнинг асоси деб билади.

А.Смит ўз тадқиқотида нинатўғноғич мануфактурасидаги кўпчиликка маълум бўлган меҳнат тақсимотини мисол қилиб келтиради, у ердаги ишчиларнинг ихтисослашуви вამ еҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришни ҳамда меҳнат унумдорлигини кўп марта ошириш имконини беради. Меҳнат тақсимоти бўлмаган ҳолатда ҳар бир ишчи ўртача 20 та тўғноғич ясаши мумкин экан. Ўн киши ишлайдиган устахонада меҳнат тақсимоти ўрнатилади: бири симни тортади, 2-си тўғрилайди, 3-си кесади, 4-си учини ўткирлайди ва ҳоказо. Бу кунига 4800 та тўғноғич ясаш имконини беради, демак, меҳнат унумдорлиги 240 марта ошган. Меҳнат тақсимотининг аҳамияти тхўрисидаги бу мисол классик бўлиб кетган ва ҳамма ерда ишлатилади. Меҳнат унумдорлиги уч усул билан амалга оширилади;

1. Меҳнат тақсимоти туфайли айрим ишчиларнинг чаққонлиги ва моҳирлиги ошади;
2. Бир турдаги ишдан бошқасига ўтиш учун кетадиган вақт иқтисод қилинади (дастгоҳдан дастгоҳга бориш вақти ва Янги турдаги ишга психологик мослашиш учун кетадиган вақт иқтисод қилинади);

3. Меҳнат тақсимоти машиналар ихтиро қилишга имкон туғдиради, яъни такрорланадиган жараёнлар машина қўллашга қулайлик яратади. Ундан ташқари ишчиларнинг бир хил ишни доим такрорлаши туфайли маҳсулотнинг сифати ҳам яхшиланиши керак, бу эса товарнинг баҳоси, рақобат қувватини оширади.

А.Смит асарида меҳнат тақсимотининг салбий тосонлари ҳам берилган. Бир хил операцияни механик равишда такрорлайвериш оқибатида ишчи бефаросат ва нодон бўлиб ҳам қолиши мумкин. Ақлий жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқ одамларнинг табиий кўрсаткичлари билангина аниқланмайди, балки уларнинг ҳаёти ва фаолияти оқибатидадир. Файласуф аравакашдан туғма хусусиятлари Билан эмас, балки бошқа турдаги меҳнат ва ҳаёт тарзи Билан фарқ қилади. Меҳнат тақсимоти қанча мукамал ва бозор қанча кенг бўлса, меҳнат тақсимоти, ихтисослашув учун шунча кенг шароит бўлади, тор бозорда бу имкониятлар чекланган бўлади ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳам қийинлашади.

Ишчи капиталнинг иложсиз қўшимчасига айланиб боради, ишлаб чиқариш воситаларидан, меҳнат объекти ва шароитидан маҳрум бўла боради. Инсоннинг алмашувга мойиллиги унинг психологиясига ҳулқ-атвориغا хос бўлиб, меҳнат тақсимотининг ривожига ҳам таъсир этади. Бундан кейин, меҳнат тақсимотининг ўсиши ва алмашувнинг кенгайиши параллел боради ва улар бир-биринг ривожланишига туртки бўлади. Бу жараёнда пулнинг муҳим роли бор. Смит товар дунёсининг пулнинг стихияли равишда, узок ривожланиш жараёни натижасида ажралиши кўрсатиб беради. А.Смитнинг қарашларидаанча чалкашликлар бўлса ҳам, екин у пул ва кредитни ишлаб чиқариш асосидан чиқарди, уларнинг ишлаб чиқаришга нисбатан тобелигини кўрсатиб берди. А.Смит пел-кредит омилларининг мустақиллигини етарли баҳолай олмади, уларнинг ишлаб чиқаришга тескари таъсирини тушунмади.

IV режа. А.Смит ва ҳозирги замон.


А.Смит эркин рақобат давридаги Буюк Британиядаги иқтисодий сиёсатни асослашга ката эътибор берди. У ишлаб чиқарувчиларга иқтисодий эркинлик таъминлашни, давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашмаслигини талаб қиларди. Аммо мамлакатнинг мудофаа манфаатлари иқтисодиётдан устун ҳам бўлиши мумкин деган фикри ҳам бор, яъни бу баъзи пайтларда давлатнинг иқтисодга аралашуви зарур деганидир. Смит иқтисодиётда давлат секторининг самарасизлигини кўрсатиб, «ҳукумат ҳар доим ва истизносиз буюк исрофгарчидир» дейди. Шу сабабли давлатнинг фақат уч функцияси тан олинади: 1) ҳуқуқ-тартибот; 2) мамлакат хавфсизлигини таъминлаш; 3) жамиятга зарур бўлган (аммо хусусий сектор томонидан тузилмаган) ижтимоий корхона ва муассасаларни таъминлаш.

Умуман тўғри бўлган фикрлар, яъни давлатнинг иқтисодиётга аралашиш чегаралари кейинги пайтда қайта кўриб чиқилмоқда.

Давлат молиявий фаолиятига алоҳида аҳамият берилган. Смит ўз асарининг бешинчи, охириги китобини давлат бюджет ива давлат қарзларига бағишланган. Уфақат бутун жамият манфаатларига мос келадиган давлат харажатларинигина қўллаб-қувватлади, «арзон давлат» иезисини илгари сурди.

Саноатчилар манфаатларини ҳимоя қилган олим лендлордлар, яъни йирик ер эгаларига белгиланган солиқ иммунитетига (имтиёзга) қарши чиқди. Ер рентаси давлат солиғи қўйиладиган энг қулай объектдир. Смит фойдадан олинадиган олиқ самарасиз деган хулоса чиқарди.


Смит меркаттелизмга, шу билан бирга савдодаги протекционизмга (давлат томонидан чеклашлар, солиқ, божхона ва бошқалар), ташқи савдодаги ҳар қандай чеклашларга қарши эди. Олимнинг сиёсати феодализм қолдиқларига ката зарба бўлади. Олимлар Смига баҳо бериб, «илғор буржуазиянинг буюк мафкурасичи» деган эдилар. Лекин у аслида бозор иқтисодиётининг мафкурачиси сифатида ном чиқаради.



Ф.Кенэ бўйича ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш

2-чизма. А.Смит ва Ф.Кенэ бўйича ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш.


3-чизма. Адам Смит ва Ф.Кенэ бўйича ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш.



Смит ночор аҳволга тушиб қолган иқтисодиётни ривожлантириш учун қуйидаги уч омилни кўрсатиб берган эди.: 1) мамлакатда тинчлик, осойишталик бўлиши ва сақлашиши; 2) меъёрдаги енгил солиқлар тизими; 3) давлат иқтисодиёт ишларига ҳадеб аралашавермасликги зарур, иқтисодиёт табиий равишда амалга ошираверади.

Бу қоидалар бизнинг мамлакат ҳўжалигига ҳам бевосита оид фикрлар ҳисобланади.

Қуйида А.Смит мамлакат миллий бойлигини кўпайтириш омиллари чизмаси келтирилган.



4-чизма. Адам Смит бўйича миллий бойликни кўпайтириш омиллари.

А.Смит эркин савдо концепциясини илгари сурди. Халқаро ташқи савдода қайси маҳсулотларни чиқариш ва келтириш масаласи қўйилади.

XVIII аср охири - XIX аср бошларида классик иқтисодий мактаб тўла шаклланади, бу британиялик олим А.Смит томонидан амалга оширилади. Бу тасодикий воқеа бўлмай шу даврда Англияда объектив шарт-шароитлар мавжуд эди: буржуа инқилоби мануфактурадан фабрикага ўтилиши, аграр ислохот, капиталнинг дастлабки жамғарилиши, синфий ва мулкый дифференция ва бошқалар.

Классик мактаб вакиллари инсон хоҳишига боғлиқ бўлмаган объектив иқтисодий қонунларнинг мавжудлигини тан оладилар. Бу қонунлар иқтисодий

тизимда табиий турғунликни таъминлашга, ўз-ўзини бошқаришга қодир эканлиги тан олинади, шу сабабли давларнинг иқтисодийётга аралашуви иложи борида инкор этилади ва эркин савдо-сотиқ қўлланади. «Кўринмас қўл» ёрдамида автоматик иқтисодийёт эркин бозор муносабатлари доимо ривожланиш қобилиятига эгадир.

Биринчи бор эркин бозор иқтисодийёти тараққиётининг асосий тамойиллари аниқлаб берилди. Меҳнат тақсимоти иқтисодий тараққиёт асоси сифатида тўғри кўриб чиқилган.

Иқтисодийётнинг муҳим категориялари бўлган қиймат, пул баҳо, фойда, иш ҳақи, рента, капитал ва бошқаларга асосан тўла ва тўғри таъриф берилган.

Янги жамиятнинг прогрессив томонлари билан бирга бозор иқтисодийётининг бекаму-кўст эмаслиги, унинг бир қанча жиддий камчиликлари борлиги ҳам қайд этилган.

Асосий таянч иборалар.

А.Смит; «Халқлар бойлиги»; меҳнат тақсимоти; «иқтисодий одам»; эгоизм; «кўринмас қўл»; «муомаланинг буюк ғилдираги»; қийматнинг меҳнат назарияси; синфлар; ишлаб чиқариш омиллари ва даромадлап тўғрисидаги назария; унумли ва унумсиз меҳнат; миллий бойлик ва Смит догмаси; иқтисодийётнинг ривожланиш босқичлари; мутлақ афзаллик назарияси.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Классик иқтисодий мактабнинг Англияда вужудга келиши қандай ижтимоий ва иқтисодий шароитларда рўй беради?
2. Саноат тўнтарилиши Билан боғлиқ бўлган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар нималардан иборат?
3. А.Смитнинг бош иқтисодий асари қачон ёзиб тугулланади ва ундаги асосий иқтисодий ғоялар нима? Олимнинг тадқиқот методологияси нимага асосланади?
4. Нима учун А.Смит мануфактура ишлаб чиқаришининг мафкурачиси бўлиб қолади?
5. Меҳнат тақсимотининг устунлик томонлари нима ва камчилиги нимада?
6. А.Смитнинг пул, қиймат, даромадлар, иш ҳақи, капитал ва тақдор ишлаб чиқариш тўғрисидаги таълимотларига қисқача изоҳ Беринг.
7. «Смит догмаси» нима? Унинг камчилиги нима?
8. «laissez faire» ва «кўринмас қўл» тамойиллари нимани англатади?

9. Халқ бойлиги қандай омилларга боғлиқ?
10. Ночор аҳволга тушган иқтисодий ривожлантириш учун нима қилмоқ керак?
11. Мутлақ афзаллик тамойили нимадан иборат?

5-мавзу: А. Смитнинг «Халқлар бойлиги» асаридаги иқтисодий назариялар.

Режа:

1. «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқот» асарининг аҳамияти.
 2. Асарда қиймат ва қўшимча даромад муаммоларининг талқини.
 3. Капитал ва такрор ишлаб чиқариш назариялири.
- Хулоса.**

Адабиётлар:

1. Аникин. Аюди науки.
6. М.Эконов Антология экономической классики. Том I 1991г.
7. Ш. Тошматов., А. Раззоков. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., Молия. 2002 йил.
8. С. Макконель, Л. Брю. Экономикс. 14-е издание Мос. «Инфра-м» 2002 г.
9. Е.М. Майбурд. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. Мос. «Дело» 1996г.

А. Смит 1766 йилда ўз юртига қайтди ва ўзининг бош асари -«Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқот» ни ёзишга

киришди, бу асар 1776 йил мартда Лондонда чоп этилди, асарда инсоният томонидан илгари яратилган иқтисодий билимлар мужассамлаштирилди ва умумий назарий тамойиллар асосида нисбатан батартиб иқтисодий фанлар тизимига айланди.

А. Смитнинг бу асари беш китобдан иборат бўлиб, биринчисида қиймат ва қўшимча даромад муаммолари тадқиқ этилди, иккинчисида - капитал жамғарилишининг шаклланиши даври Европанинг иқтисодий ривожланиши, учинчисида - турли халқларда фаровонлик, капитализм тараққиётининг тарихий шарт-шароитлари, тўртинчисида меркантилизм ва физиократларнинг таълимотига муносабати, бешинчисида эса давлат молия тизими тадқиқ этилган. Бу ажойиб асар А.Смит тириклигидаги даврда тўрт марта, ўлимидан сўнг аср охиригача уч марта такроран нашр этилди. Бу асардаги хулосалар кенг жамоатчиликни фақат Англиядагина эмас, балки чет элларда ҳам қизиқтириб қолди. Россияда бу асарнинг таржимаси биринчи марта 1802-1805 йилларда чоп этилди.

Қиймат назарияси. А.Смит қийматнинг меҳнат назариясини В.Петтига нисбатан анча чуқур ва тўлароқ ишлаб чиқди (шуни таъкидлаб ўтиш керакки, кейинги Ғарб тадқиқотларида қиймат ўрнига қиммат тушунчаси кўпроқ қўлланилмоқда, маржинализм назариясида ҳам шундай). У товарнинг бозор ва табиий ёки ҳақиқий баҳоларини фарқлайди, ҳақиқий баҳони қиймат билан айнан бир деб тушунади. «Қиймат» сўзи унингча икки хил мазмунга эга. Бу сўз билан буюмнинг фойдалилиги (балки қиймати) ҳамда уни бошқа буюмга алмашиш қобилияти белгиланади. Демак, у истеъмол ва алмашув қийматларини фарқлаган. Масалан, сув ва олмосни олиб, бу товарларнинг алмашув қийматини уларнинг фойдалилиги ёки истеъмол қиймати бўлган бемаъни эканлигини кўрсатиб беради. Қийматнинг ягона манбаи ва охириги ўлчови шу товарни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат бўлиб, бу меҳнат сарфлари жами учун зарур ўртача сарфга тенгдир. Смит малакали ва мураккаб меҳнатдан оддийга ўтишга маълум коэффицентлар ёрдамида бажарилишини уқтиради, Алмашув қиймати товарнинг таркибий хусусияти эмас, товарларнинг табиий хусусияти, уларнинг истеъмол қийматлари ҳисобланади. Агар табиий хусусиятларни инкор этсак, товарларда ягона хусусият қолади; товарлар инсон меҳнатининг маҳсулидир.

А.Смит В.Петтидан фарқли равишда (у меҳнат фақат олтин ёки кумуш ишлаб чиқаришда қиймат ҳосил қилади, деган эди) меҳнат барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларида қийматни ҳосил қилади, деган фикрда эди. У иш вақти ва қиймат миқдори орасидаги тўғридан-тўғри алоқадорликни аниқлади, меҳнат қийматнинг ҳақиқий асоси эканлигини исботлашга уринди.

А.Смит меҳнатнинг икки ёклама характерини, яъни абстракт ва конкрет меҳнат борлигини тушунади, қиймат ўз табиатига кўра ижтимоий характерга эга, товар ишлаб чиқарувчиларнинг ижтимоий муносабатларини акс эттиради ва бир товарнинг иккинчисига муносабати алмашув қиймати орқали аниқланади.

Смитнинг фикрича, қийматни сотиб олинadиган меҳнатга қараб аниқлаш шу товарларни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат билан аниқлаш усулига қарама-қарши эмас.

Эквивалентлик товар алмашувининг қонуни: бир хил миқдордаги меҳнат акс этган товарлар алмашади. Шундан Смит товар ишлаб чиқарувчи бир товарни бошқасига алмаштирганда кенг миқдордаги меҳнатни сотиб олади, шу сабабли товар қийатини сарфланган ва сотиб олинган меҳнат билан баббарав аниқлаш мумкин, деган хулоса чиқаради. Бу ҳолда қиймат ўлчови деб шу вақти ўрнига меҳнатнинг алмашув қиймати келтирилади.

Сотиб олинган меҳнат назариясида қиймат тушунчаси шплаб чиқариш фаолиятдан алмашув соҳасига кўчирилган (бу эса хато). Алмашув қиймати эса ўз ҳисобига фақат маълум миқдордаги меҳнатни олиш қобилияти сифатида изоҳланган, холос.

А.СМИТ капиталист ва ишчи ўртасидаги муносабатни таҳлил этиб, бунда эквивалентлик қонунининг бузилганлигини кўрди. Капиталист ишчига иш ҳақи сифатида ишчи меҳнати томонидан яратилган қийматнинг фақат бир қисмини тўлайди. Бу қийматнинг иккинчи қисмини эса, капиталист фойда сифатида ўзлаштиради. Капитализм даврда қиймат қонун бузилаётир, деб эълон қилди ва қийматнинг меҳнат назарияси капитализмгача булган шароитларда қўлланилиши мумкин, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, қиймат фақат «жамиятнинг дастлабки ҳолатда», капиталист ва ёлланма ишчилар бўлмаган, яъни оддий товар ишлаб чиқарлиши шароитларидагина меҳнат билан аниқланади (эквивалентлик тўла мавжуд),

Маълумки, оддий товар ишлаб чиқарувчилар меҳнат махсулотини сотадилар ва сотиб оладилар, ишчи кучи у ерда товар эмас. Тушунарли, у шароитда бегона меҳнат фақат меҳнатнинг моддийлашган шаклида «сотиб олинади». Капитализмда эса ишчилар ишчи кучини товар сифатида, сотувчилар сифатида, капиталистик ишлаб чиқариш воситалари эгаси сифатида бу товарни сотиб олувчилар сифатида иш юритадилар, оқибатда жонли ва моддийлашган меҳнат ўртасида доимий алмашув рўй беради. А.Смит ишчи кучи деган категорияни билмаган, у ишчи ўз меҳнатини сотади деб ўйлаган шу сабабли у капитализмда ҳақ тўланмаган меҳнатнинг ўзлаштирилишини қийматнинг меҳнат назарияси асосида тушунтириб бера олмаган,

А.Смит қийматни даромад билан ҳам тенглаштиришга уринган. У айтадики, иш ҳақи, фойда ва рента ҳар қандай даромаднинг, худди шунингдек ҳар қандай алмашув қийматининг дастлабки уч манбаидир. Демак, Смит капитализмга хос яна бир қиймат-даромад назариясини ўйлаб топди. Бу ерда даромад иш ҳақи даражаси, фойда ва рента билан аниқланади. Қийматни даромадлар асосида тушунтириш олимнинг қийматнинг меҳнат назариясига қарама-қаршидир. Бу ғайри илмий канцепция бошқа сиёсий иқтисод намояндалари томонидан кенг фойдаланишди.

Даромадлар тўғрисида таълимот.

А.Смит капиталистик жамиятнинг синфий тузилмасини баҳолашда физиократларга нисбатан анча илгарилаб кетди. У ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатига кўра уч синфни ажратиб берди: ишчилар, капиталистлар ва ер эгалари. Ҳар бир синф ўзининг асосий даромадини: ишчилар иш ҳақи, капиталистлар фойда, ер эгалари эса рента оладилар. Смит турли қатлам ва оралиқ гуруҳлар мавжудлигини ҳам аниқлади ва асосий синфлар деб аталмиш даромадни оладилар, барча бошқа гуруҳларнинг даромади эса қайта тақсимланган ёки иккиламчидир.

Иш ҳақи яъни ишчининг даромади Смитнинг фикри бўйича меҳнат махсулоти бўлиб, меҳнат учун тўланадиган табиий мукофотдир, оддий такрор ишлаб чиқаришга ҳам меҳнат ҳақи мавжуддир. У оддий ишлаб чиқарувчи билан ёлланма ишчининг даромадларини бир деб билди. Оддий такрор ишлаб чиқаришга «иш ҳақи» ишчининг бутун меҳнат махсулотига тенг.

Смит иш ҳақи масаласини илк классик мактаб вакили ва физиократлардан, яъни Ф.Кене ва В.Петтилардан бошқачароқ ҳал этди. Маълумки, В.Петти тирикчилик учун зарур бўлган минимум харажатлар назариясини илгари сурган, физиократлар ҳам шундай фикрда эдилар. Смит «табиий баҳо» тушунчасини ишлатган ва иш ҳақи тирикчилик учун зарур минимум харажатлардан анча ортиқ бўлиши, болалар ҳаёти ва тарбиясига оид харажатлар ҳам ҳисобга олиниши керак, шу ҳақи миллий бойлик ўсишига бевосита боғлиқ.

Фойда нормасининг текисланиб боришини, ўртача фойда пайдо бўлиши жараёнини сезган олим бу орада юзага келадиган қарама-қаршиликни кўра олмади, агар қўшимча қиймат тўланмаган меҳнат маҳсули бўлса, у капиталга пропорционал бўла олмайди. Смит тарихий ривожланиш тизими «ўзгарувчи капитал- қиймат-қўшимча қиймат» дан «ялпи авансланган капитал-ўртача фойда ишлаб чиқариш баҳоси» тизимига ўтилгалигини инкор этиб, ўртача фойдани қўшимча қиймат билан қориштириб юборди. Оқибатда Смит қийматга капиталнинг унуми натижаси ёки капиталистга унинг фаолияти учун тўланадиган ҳақ сифатида қарайдиган бўлди. Шу фикр билан боғлиқ равишда у фоизни тўлагандан кейин қоладиган фойданинг бир қисми капитални қўллаш билан боғлиқ бўлган меҳнат ва таваккалчилик учун тўланадиган мукофот кўп ҳолларда арзимас мукофот ёки ҳақ деб гапира бошлади.

Смит фойда нормаси ва процентнинг паст даражасини иқтисодий ривожланиш ва «миллатнинг равнақи» кўрсаткичи деб характерлади, аммо фойда нормасининг пасайиб бориш тенденциясини тушунтириб бера олмади. У бой давлатларда капитал ортиқлиги, капиталистлар рақобатини фойда нормасини пасайишига сабаб деб кўрсатди.

Смит соҳибкорларни прогрессив илғор синф деб ҳисоблайди, чунки у капитал жамғарилишига ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имконият яратди. У йирик ер эгалигини қўллаб -қувватламаган, ер рентаси-ер эгасининг даромадини фойда каби ишчининг меҳнат маҳсулотидан чегирилган қисми, деб тушунтирган. Смит рентани ижара ҳақидан ажратган ва рентанинг ерни яхшилаш учун сарфланган капиталга алоқаси йўқ дейди, чунки бу яхшилашни кўпинча ижарачи қоплайди. Аммо ижара шартномаси

янгиланганда ер эгаси рентани оширади, ерни яхшилаш гўёки унинг ҳисоботиға амалға оширилган бўлади. Қийматнинг меҳнат назарияси асосида рентанинг ҳақиқий табиати очиб берилади. Ер капитал каби ўзга мулк сифатида меҳнаткашларға қарши. Турадиган моддий шароит ҳисобланади. Ер хусусий мулкка айлангач, ходим, яъни ишчи ўз меҳнати якунларининг бир қисмини ер эгасиға қайтаришға мажбур. Рента ерға хусусий мулкчилик монополияси пайдо бўлишининг оқибатидир. Ер унуми ва жойлашувининг турли бўлиши ҳам рентаға сабаб бўлиши мумкин, дейди Смит. Аммо абсолют ва дифференциал рента тушунчаси унда бўлмаган (абсолют рента ерға хусусий мулк бўлгандагина пайдо бўлади, дифференциал рента эса ҳар доим мавжуд). Физиократлардаги каби табиатда куч таъсири ҳам эътиборға олинган. Бу вариантда рентани ҳосил қилишда қишлоқ хўжалиги ишлари ва ишчи ҳайвонлари иштирок этади. Деҳқончилик капитал қўйиш учун энг фойдали, самарали соҳа деб ҳисобланган. Смит Англиянинг келажаги шу соҳада, деб нотўғри ўйлаган. Унинг рента тўғрисидаги бошқа бир қанча фикрлари бор, лекин улар масалани ўта чалкаш ва нотўғри талқин этади. Петтининг рентани Смитдан яхшироқ таҳлил этганини ҳаёт исботлади.

Капитал ва такрор ишлаб чиқариш назариялари.

А. Смитнинг капитал ва такрор ишлаб чиқариш тўғрисидаги назариясида анча катта зиддиятлар мавжуд. У баъзида капиталға тўғри баҳо бериб, капитал ёлланма меҳнатни эксплуатация қилиш туфайли фойда кетирувчи қиймат, дейди. Бошқа ҳолларда масалаға тарихдан ташқарида туриб қаралади ва капитал бу ишлаб чиқариш воситалари захираси бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириш учун керакли дейилган. Физиократлар фақат қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган капитални унумли деб атаган бўлсалар, Смит саноат капиталини ҳам унумли деб уқтиради (бу унинг прогрессив томони). У савдо капитали ҳам унумли деб ҳисоблайди, чунки у саноат капиталдан ажралиб қолган эмас, балки моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган қўшимча қиймат - савдо фойдасининг манбаи.

Оддий товар хўжалигида капитал категорияси йўқ. Капитал жамғариш жамият бойлигини оширишнинг бош шарти деб эълон қилинади. Унда асосий роль тежамкорликка қаратилади, ноўрин сарф-харажатлар таҳдид қилинади,

капитални исроф қилиш, яъни бу даромаднинг даромаддан ортиқча бўлишига қарши бўлган (бу ғоялар ҳозирда ҳам ниҳоятда долзарбдир).

Капиталистлар томонидан ёлланма ишчиларнинг қўшимча меҳнат натижаларини ўзиники қилиб олиш ижтимоий ҳодиса бўлиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида фонд яратиш учун зарур деб ҳисобланади, Капиталнинг жамғарилиши доим ва чексиз рўй беради, бу жамият учун фойдали иш деб баҳоланади (бу инвестициялар учун асос бўлиб хизмат қилади).

Смитнинг хатоси шуки, у йиллик маҳсулот қийматини шу йили янгидан ҳосил қилинган қиймат билан айнан бир деб уйлаган. Лекин янгидан ҳосил қилинган қиймат даромадларига ажралади, йиллик маҳсулот қиймати ишлатилган ишлаб чиқариш воситари қиймати, яъни доимий капитални ҳам ўз ичига олади. Бу хатолик Смитнинг қиймат тўғрисидаги таълимотининг камчилиги ва чекланганлигидан келиб чиққан.

Умуман, бу ерда гап кенгайтирилган эмас, балки оддий такрор ишлаб чиқариш тўғрисида фикр юритилади.

Смит меҳнатнинг икки ёқлама характерини тушунмасдан, абстракт меҳнат янги қиймат ҳосил қилишини, конкрет меҳнат эса ишлаб чиқариш воситалари қийматини янги яратилган маҳсулотга ўтказилишини кўрсата олмади. Ижтимоий маҳсулот қийматидан доимий капитал қийматини йўқотиб қўйган Смит капитал жамғарилишини бутун қўшимча қийматнинг қўшимча иш ҳақиға айланиши билан тенг деган хато хулоса чиқарди. У ўйладики, капиталистик ишлаб чиқариш ривожини билан ишчилар ва уларнинг истеъмолига талаб ҳам бир хил суръатда ошади, чунки даромад ва шахсий истеъмол ишлаб чиқариш билан параллел ўсади. А.Смитнинг эркин рақобат давридаги Британиядаги иқтисодий сиёсатни асослашга катта эътибор берди. У ишлаб чиқарувчиларга иқтисодий эркинлик таъминлашни, давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашмаслигини талаб қиларди. Аммо мамлакатнинг мудофаа манфаатлари иқтисодиётдан устун ҳам бўлиши мумкин, деган фикри ҳам бор, яъни бу баъзи пайтларда давлатнинг иқтисодга аралашуви зарур деганидир. Смит иқтисодиётда давлат сектори самарасизлигини кўрсатиб «ҳукумат ҳар доим ва истисносиз буюк

исрофгарчидир» дейди. Шу сабабли давлатнинг фақат уч функцияси тан олинади:

1. Ҳуқуқ тартибот.
2. Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш,
3. Жамиятга зарур бўлган ижтимоий корхона ва муассасаларини таъминлаш.

Умуман тўғри бўлган бу фикрлар, яъни давлатнинг иқтисодиётга аралашиш чегаралари кейинги пайтда қайта кўриб чиқилмоқда.

У цех тартиб қоидалари, эскирган қонунлар, корпорациялар ва савдо монополиялари имтиёзларига қарши чиқди, яъни ҳамма бир хил имкониятни ёқлади. Ҳодисаларнинг стихияли боришини ва рақобатни ҳар қандай чеклаш иқтисодий ривожтанишни албатта секинлаштиради. Аммо Смит давлатнинг айрим функцияларини ижобий баҳолади. Масалан, мамлакат ички тартибини сақлаш, ташқи ҳарбий хавф-хатардан асрашни хўжалик ривожининг зарурий шартлари деб ҳисоблади.

Давлат молиявий фаолиятига алоҳида аҳамият берилган. Смит ўз асарининг бешинчи, охириги китобини давлат бюджети ва давлат қарзларига бағишлаган. У фақат бутун жамият манфаатларига мос келадиган давлат харажатларинигина қўллади, «арзон давлат» тезисини илгари сурди.

Смит замонавий давлатнинг солиқ сиёсатининг назарий асосларини яратди. Солиқлар фуқароларнинг кучи ва имкониятига мос келиши, ишга яроқли ҳар бир кишида алоҳида белгиланиши керак, солиқ имкони борича арзон, унинг шакли ва олинishi вақти эса тўловчи манфаатига мос келиши зарур.

Саноатчилар манфаатларини ҳимоя қилган олим лендлордлар, яъни йирик ер эгаларига белгиланган солиқ иммунитетига қарши чиқди. Ер рентаси давлат солиғи қўйиладиган энг қулай объектдир. Смит фойдадан олинadиган солиқ самарасиз деган хулоса чиқарди. Корхона эгаси фойдани сақлаш учун ўз махсулотига юқори баҳо қўйиш билан солиқ оғирлигини истеймолчи устига юклайди. У иш ҳақидан олинadиган солиқ ҳам махсулотга лойиқ эмас деб ҳисоблайди. Бу солиқни ҳам корхона эгаси тўлайди, чунки тирикчилик минимумини таъминлаши керак. Смит меркантилизмга, шу билан

бирга савдодаги протекционизмга ташқи савдодаги ҳар қандай чеклашларга қарши эди. Олимнинг сиёсати феодализм қолдиқларига катта зарба бўлди.

Олимлар Смитга баҳо бериб, «илғор буржуазиянинг буюк мафкурачиси» деган эдилар. Лекин у аслида бозор иқтисодиётининг мафкурачиси сифатида ном чиқарди.

Хулоса.

XVIII аср охири - XIX аср бошларида классик иқтисодий мактаб тўла шаклланди. Бу Британиялик олим А.Смит томонидан амалга оширилди. Бу тасодифий воқеа бўлмай шу даврда Англия объектив шарт-шароитлар мавжуд эди: буржуа инқилоби мануфактурадан фабрикага ўтилиши, аграр ислохот, капиталнинг дастлабки жамғурилиши, синфий ва мулкый дифференциация ва бошқалар.

Мантикий абстракция услуби асосида иқтисодий воқеа ва жараёнларнинг моҳияти асосан тўғри талқин этиб берилди. Хусусий мулкнинг абадийлиги ва дахлсизлиги қўллаб қувватланди.

Классик мактаб вакиллари инсон хоҳишига боқлиқ бўлмаган объектив иқтисодий қонунларнинг мавжудлигини тан оладилар. Бу қонунлар иқтисодий тизимда табиий турғунликни таъминлашга ўз-ўзини бошқаришга қодир эканлиги тан олинади. Шу сабабли давлатнинг иқтисодиётга аралашуви иложи борича инкор этилади ва эркин савдо сотиқ қўлланади. "Кўринмас қул" ёрдамида автоматик иқтисодиёт эркин бозор муносабатлари доимо ривожланиш қобилиятига эгадир.

Биринчи бор эркин бозор иқтисодиёти тараққиётининг асосий тамойиллари аниқлаб берилди. Меҳнат тақсимоти иқтисодий тараққиёт асоси сифатида тўғри қуриб чиқилган. Меҳнат тақсимоти фақат тармоқлараро эмас, балки мамлакатлар ўртасида ҳам катта наф келтирилшпи исботлаб берилди, мутлақ ва нисбий устунлик тамойиллари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқариш соҳасидан қатъий назар меҳнат жамият бойлигининг асоси эканлиги аниқланди. Жамиятнинг синфий тузулиши асосан тўғри кўриб чиқилди, улар ўртасида кескин қарама-қаршилик йўқлиги кўрсатилган, бу жамиятда иқтисодиёт автоматик бошқарилгани туфайли иқтисодий инқирозлар инкор этилди.

Иқтисодиётнинг муҳим категориялари билан қиймат, пул, баҳо, фойда, иш ҳақи, рента, капитал ва бошқаларга асосан тўла ва тўғри таъриф берилган.

Янги жамиятнинг прогрессив томонлари билан бирга бозор иқтисодиётининг бекаму-кўст эмас унинг бир канча жиддий камчиликлари борлиги ҳам қайд этилган.

Смит таълимотида ишчи кучи деган категория йўқ, у капиталист ва ишчи ўртасидаги муносабатда ишчи меҳнати сотилади деб ҳисоблайди. Аммо иш ҳақининг нормал даражасини аниқлашда амалда ишчи кучининг қийматидан фойдаланган, иш ҳақининг миқдори тўғрисида гап борганда эса тирикчилик харажатлари қиймати ҳисобга олиниши керак дейди. У шунингдек, иш ҳақи миқдори ўзгаришининг механизмини ўрганиб, унинг қуйи чегараси жисмони тирикчилик минимуми бўлиши керак деган хулоса чиқарди. Агар иш ҳақи ундан паст бўлса, ишчиларнинг оммавий киргани рўй беради. Ҳиндистан ва Хитойдаги ишчиларнинг иш ҳақлари иқтисодиётнинг тушкунлик ёки турғунлик ҳолатда жисмоний минимумга яйланди.

Англия ва Шимолий Америкада, яъни ривожланиш меъёрида ёки тез суръатлар билан борган давлатларда иш ҳақи минимумдан юқори бўлади, ундан ташқари иш ҳақи анъана, маданий савия, тарқиб топган истеъмол меъёрига ҳам боғлиқ. Иш ҳақи миқдорининг ўзгариши бозор механизмнинг ҳаракати асосида шаклланади. Унинг ўзгаришининг бевосита сабаби меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг тебраниб туриши ҳисобланади. Смит жамиятнинг уч ҳолатини: юксалаётган-прогресс, стационар-турғун ва таназзул-регрессга учраган ҳолатларини фарқлаган. Биринчисида бошқа кўпаяди ва меҳнатга талаб-эҳтиёж ортади. Стационар ҳолатда ишчиларнинг аҳоли оғир, тушкунликда эса аянчли бўлади.

Смитнинг фикрича, юқори иш ҳақи иқтисодий тараққиёт прогрессга ёрдам беради. Чунки у меҳнат унумдорлигини ошириш учун рағбатлантиради. У иш ҳақини ошириш меҳнатга бўлган лаёқатни камайтиради. Ишчиларни дангаса қилиб қўяди, деган ғояларга қарши эди. (буни В.Петтининг фикрлари билан солиштиринг). Ёлланма ишчилар аҳолининг асосий қисмини ташкил этади ва бирорта жамият,

шубҳасиз агар унинг асосий қисми камбағал ва оғир аҳволда бўлса, бахтли жамият бўла олмайди. Ундан ташқари, оддий мантикий адолат шуни ҳам талаб қилади, бутун халқни боқаётган, қийинтираётган ва биноларни кураётган кишилар ўз меҳнати туфайли яратилган бойликлардан маълум қисмини олиб, дурустгина яшаш учун керак бўлган маблағларга эга бўлиши зарур, бизнингча, бу фикрга ҳамма яхшилаб эътибор бериши керак.

Олимнинг давлат хизматчилари, адвокат, судья, руҳоний ва ўқитувчиларнинг иш ҳақлари тўғрисидаги фикрлари диққатга сазовордир. У айниқса олий ўқув юртларида «натижага қараб ҳақ тўлаш»нинг йўқлигини каттиқ танқид остига олади. Унинг асосий фикри шуки, чекланган. Маош олаётган ўқитувчи ҳеч қачон тўла куч билан ишламайди, чунки у бундан манфаатдор эмас. Лекин кам ҳақ тўлаш қанчалик зиён келтирса, ортиқча кўп маош ҳам жамият учун наф келтирмайди. А.Смит соҳибкорларга ишчилар синфидаги қашшоқлиги унинг манфаатларига қарама-қарши эканлигини уқтиради ва ҳатто фойда камайган ҳолда ҳам иш ҳақи ошиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Жамоатчилик бу фикрга айниқса кейинги пайтларга катта эътибор берди ва Смитнинг ўғитларига қулоқ солди,

Қийматнинг меҳнат назариясидан келиб чиқиб, фойда ёлланма ишчи меҳнатига тўланмаган махсулотдир, деган хулоса чиқади. А. Смит қўшимча қиймат келиб чиқишининг ҳақиқий сабабини аниқлашга яқинлашган, чунки фойда капиталист билан бевосита боғланган, бунда ишчи ўз меҳнат самарасини капиталист билан бўлишишга мажбур бўлади. Бу ҳолатда фойда янги пайдо бўлган қиймат билан иш ҳақининг фарқи айирмасидир; ишчига у ҳосил қилган товарнинг бир қисми тегади, холос. Қолган қисмини капиталист фойда сифатида олади. Амалда фойда қўшимча қийматдир. Физиократлардан фарқли равишда, А.Смит қўшимча махсулот фақат қишлоқ хўжалигида, истеъмол қийматларнинг ортиши ҳисобигагина эмас, балки ходимнинг меҳнати яратган янги қийматдир, деган тўғри хулосага келди (бу ерда ишлаб чиқариш соҳаси яъни бу соҳа саноати ёки аграр соҳаси, хизматми-аҳамияти йўқ). Аммо бошқа ҳолатда у фойдани бошқача тўланади: ер эгасига рентани тўлагандан кейин саноат капиталистида қоладиган даромад, пул капитали эгаси ссуда фоизини тўлагандан сўнг қоладиган даромад. Бу ерда фойда хизматчи капиталистнинг корхона

даромади сифатида амал қилади. Смит бу ҳолдаги фойдани корхонани бошқариш билан боғлиқ бўлган бошқа кўринишдаги иш ҳақи деб эълон қилишга қарши чиқди. У фойда миқдори корхонани бошқаршдаги меҳнатнинг миқдори ва мураккаблигига эмас, балки аванс (бунак) қилинган капиталнинг ҳажмига боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Смит қўшимча қийматга илмий изох бера олмади ва унинг пайдо бўлиш механизмини тушунмади. У фойда барча авансланган капитал Смитнинг капитал ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун захира керак эканлиги тўғрисидаги фойдаси асосий ва айланма капитал ҳақидаги тушунчанинг боши эди, бу атамаларни ҳам у киритган. Физиократлар (Ф.Кенэ) бошланғич ва йиллик ованс тушунчаларини деҳқончилик капиталига қўллаган бўлсалар, Смит асосий ва айланма капиталнинг совғасидан қатъий назар барча амалдаги капиталга хос деб тушунтиради. Аммо у айланма капитал деганда товар ва пул капиталини хато тушунган (бу муомала соҳасига хоқ капитал). Бу капитални ҳосил қилувчи моддий элементларга сотувчилар кўлидаги озиқ-овқат, материаллар ва тайёр буюмлар ҳамда кўрсатилган тақсимлаш ва муомалага киритиш учун керак бўлган пуллар ҳам кирган. Унинг фикрича, айланма капитал доимо муомалада бўлиши керак .

Савдо- саноат мақсадлари учун мўлжалланган машина ва меҳнат қуроллари, ерни яхшилаш (тозалаш, дренаж қилиш, ўғитлаш ва бошқалар) учун ажратилган нарсалар жамият барча аъзоларининг ўзлаштирган ва фойдали қобилиятлари асосий капиталга тегишли деб ҳисобланган. Шундай қилиб, Петтидан кейин Смит ҳам асосий капитал ходимларнинг меҳнат малакаси ва қобилиятини қушди. Бу масалани анча аралаштирди, чунки малака ва қобилият капитал деб эълон қилинди. Унинг эгаси эса, фойда олувчи бўлиб қолади (ишчи ҳар доим ҳам фойда эгаси бўла олмайди, уни капиталист ёки ер эгаси олади). Асосий С ва айланма У капитални солшптириб, улар ўртасидаги фарқ шундаки, дейди Смит, 1 -С бир эгадан иккинчисига ўтмай ва яна айланмай фойда келтиради. 2-У эса, эгаси кўлидан бир шаклда кетиб, бошқа шаклда қайтиб келади ва фойда келтиради. Шундай қилиб асосий капитал умуман айланмайди, айланма капитал эса доимо муомалада бўлади.

Ҳақиқатда асосий ва айланма капитал ишлаб чиқариш капиталининг икки кўринишидир. Улар бир-биридан қийматларнинг айланиш

усуллари билан фарқ қилади. Асосий капиталнинг қиймати конкрет меҳнат билан бўлаклар бўйича ишлаб чиқарувчи товарга кўчирилади, айланма капиталнинг қиймати эса тўлалигича шу товарга ўтади. Ижтимоий капиталнинг доимий ва ўзгарувчан капиталга бўлиш масаласи Смитга номаълум бўлиб қолаверди.

А-Смит капитал жамқаришга катта аҳамият берди, талон-торожлик жамият душмани, тежтукорлик- жамият ҳомийсидир деб эълон қилди. Аммо у капитал жамқарилишини ишчилар томонидан оддий истеъмол қилиш сифатида ифодалайди, қўшимча қийматнинг капиталлашувини эса фақат ўзгарувчи капиталга айланиш деб тушунди. Индивидуал капитал доимий ва ўзгарувчан қисмларга бўлинган. Аммо у ижтимоий капитални бутунлай ўзгарувчан капиталдан иборат деб хато ўйлаган. Яъни капиталнинг унумли меҳнатни таъминлаш учун кетадиган қисмига тенглаштирган. Смит шундай фикр юритади капиталистнинг тежамкорлиги унумли хизматчиларни таъминлаш учун мўлжалланган фондни кўпайтиради. Бу эса ўз навбатида хизматчилар сонини оширади. Ундан сўнг қўшимча меҳнат ҳаракатга келади, оқибатда йиллик маҳсулотга қўшимча қиймат қўшилади.

Смитнинг бутун ижтимоий капитални такрор ишлаб чиқариш назарияси унинг қиймат назариясига асосланган. У ижтимоий маҳсулот қийматининг таркибий қисмлари тўғрисида хато таълимот яратди. Олимлар бунини «Смит догмаси» деб атайдилар. Смитнинг фикрича, ялпи ижтимоий маҳсулотнинг қиймати иш ҳақи, фойда ва рента йиқиндисига тенг, яъни даромадлар суммасидир. Ишлаб чиқариш жараёнида жонли меҳнат билан бирга ишлаб чиқариш воситалари ҳам қўлланилишини тушунган ҳолда, Смит шунга қарамай ишлаб чиқариш воситалари қийматини охир-оқибатда иш ҳақи, фойда ва рента каби даромадларга бўлиш мумкин, деб ўйлаган. Шундай қилиб, у ялпи ижтимоий маҳсулот «қиймати»дан доимий капитал С ни чиқариб ташлаган. Қийматдан унинг таркибий қисми бўлган доимий капитални инкор этиш такрор ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қилиш имконини йўққа чиқаради. Ҳар йили ишлаб чиқарилган маҳсулот гуё ҳар йили тўла истеъмол қилинган бўлиб чиқади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай шароитда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш эмас, ҳатто оддий ишлаб чиқариш мумкин бўлмай қолади (доимий капитал С кўп йиллар иш беради),

Смит такрор ишлаб чиқариш муаммосини ечиш учун йўл кидириб, ўз назариясига ялпи ва соф даромад ўртасидаги фарқни киритади. Муайян мамлакатнинг йиллик барча махсулолти ялпи даромад бўлса, соф даромад ялпи даромаднинг шундай бир қисмики унинг шу мамлакат аҳолиси ўз капиталини сарфламай истеъмол захирасига қўйиши мумкин.

Асосий таянч иборалар:

Адам Смит; моддий турмуш даражасини ошириш; тадқиқот предмети; иқтисодий либерализм; иқтисодий қонунларнинг стихияли ҳаракати; табиий баҳо; табиий норма; изотерик ва экзотерик усуллар; махсулот истемоли омиллари; пул кредит омиллариининг мустақиллиги; абстракт ва конкрет меҳнат; юксалаётган, стационар ва таназзул ҳолатлари; ялпи авансланган капитал; ўзгарувчи капитал қиймат – қўшимча қиймат сифатида.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Адам Смитнинг “Халқлар бойлиги” асарини ёзишга туртки бўлган омилларни санаб беринг?
2. Адам Смитнинг тадқиқот предмети ва услубиётининг ўзига хослиги.
3. Иқтисодий либерализм концепцияси нимага асосланади?
4. А.Смит бўйича иқтисодий ҳолатни ўрганиш учун назарий конструкция ёки модел қандай аталади?
5. “Табиий тартиб” тамойилларига кўра нималар тақлиф этилади?
6. А.Смитнинг пул назарияси ва қиймат назариясига изоҳ беринг?

6 Мавзу: Иқтисодий мактабдаги янги раҳнома -Давид Рикардо.

Режа:

1. Иқтисодий мактабдаги янги раҳнома –Д.Рикардонинг тадқиқот предмети ва усули.
2. Иш ҳақи, рента ва фойда масалаларининг ёритилиши.
3. Нисбий афзаллик ва мутлақ устунлик тамойилларининг моҳияти.

Д.Рикардо ва ҳозирги замон.

Адабиётлар:

1. Аникин “Люди науки”.
10. М.Эконов Антология экономической классики. Том I 1991г.

11. Ш. Тошматов., А. Раззоков. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., Молия. 2002 йил.
12. С. Макконель, Л. Брю. Экономикс. 14-е издание Мос. «Инфра-м» 2002 г.
13. Е.М. Майбурд. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. Мос. «Дело» 1996г.

Атоқли вакилларида бири Давид Рикардо (1772 — 1823) Классик иқтисодий мактабининг Атоқли вакилларида бири ҳисобланади. У биржада йирик иш ютувчи жугут оиласида туғилган. Чунки унинг отаси христиан динидаги қиз билан бўладиган никоҳига қарши эди. Орадан беш йил ўтгач Давид Рикардо биржа ўйнаб йирик бойлик орттиради. Аста секин у биржадан узоқлашади ва ўз кампаниясини анча ишонарли бўлган қимматли қоғозга ва ерга қўя бошлайди. Уша пайтда парламент аъзоси бўлган Давид Рикардо иқтисодий ва сиёсий эркинлик учун курашади. Унинг асосий асари «сиёсий иқтисоднинг бошланиши ва солиқ олиш» (1817) тақсимотининг асосий муамоларига бағишланган. Ингилис классик иқтисодиётининг машхур намоёниси Давид Рикардо у Петти ва Смитнинг иқтисодий ғояларини янада ривожлантирди. 1772 — 1823 йиллар оралиғида яшаб ижод этган. Давид Рикардо Лондонда буржуа домласи оиласига туғилганди. 14 ёшига отасига ёрдамчи бўлади. 2 йил Амстердам савдо мактабида таълим олди. Ёшлигиданок биржадаги қулай операциялар туфайли катта бойлик тўплади (1793 — 1812) ойига, табиий фанлар билан, кейинчалик сиёсий иқтисодиёт билан шуғулланади. У Математика, Физика, химия ва биология фанларини чуқур ўрганади. Давид Рикардо дастлаб биржа домласи кейинчалик математик домласи бўлади, икки марта шериф (полиция бошлиғи) этиб тайинланади. 1819—1823 йилларда англа парламентининг аъзоси эди. Парламент минбарида ўзининг илғор иқтисодий фикрларини тарқатиш мақсадида фойдаланди, эркин савдони талаб этти, протекционизм ва пул муомаласи соҳасидаги давлат сиёсатини танқиб қилди.

Тарихий манбаларга қараганда Давид Рикардо 1799 йилда куротда А.Смитнинг (Халқлар бойлиги ...) асарини кўриб қолди ва унда бу фанга иштиёқ пойдо бўлади. Бу фан билан машғулот унинг учун асосий соҳага айланди.

У ҳаммани қизиқтирган энг асосий муамоларга жавоб беришга ҳаракат қилди. У жамият моддий бойлиги ўсиши учун ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақсимотни қандай шароитлари энг қулай ва отимал деган масалада тўхталади. Давид Рикардо саноат инқилоби натижалари ягона иқтисодий канцепция асосий муамоси ва кредит, халқаро иқтисодий муносабатлар, солиқ, ер рентаси халқаро меҳнат тақсимоти тўғрисида фикрлар берди.

Смитдан кейинроқ яшаган Давид Рикардо саноат инқилоби натижаларини тўлароқ тушунди, унинг фикрлари нисбатдан теран бўлиб, Классик иқтисодни ниҳоясига етказди: у саноат даврининг иқтисодчиси эди.

Давид Рикардонинг ҳаётига оид айрим малумотларда берилишича, у испан яхудийларидан экан. У нинг отаси XVIII асрнинг 60 йилларида Англияга қочиб келди ва шу ерда Давид Рикардо туғилган. Давид Рикардо оиласида 17 киши бўлган ва у 3 —фарзандир. У дигабетал, яъни яхудилик дининг қоидаларига қаттиқ риоя қиладиган эди.

Давид Рикардо 1809—1810 йилларида Лондиннинг молия бозорида энг катта киши эди. У 1 миллион стерлин йиғган ва йирик ер эгасига айланган. У 26 ёшидан кейин иқтисодга қизиқа бошлаган ва иқтисод билан шуғуланишга кириша бошлаган. Давид Рикардо иқтисодга оид бир канча асарларни яратган. Унинг дастлабки «Олтин аждархоси тўғрисида 3 хат» (1809й) ва бошқа асарлари пул ва пул муамоларини таҳлил қилишга бағишланади, 1817 йилда унинг асосий асари бўлган «Сиёсий иқтисод ва солиқ режаси» асари чоп этилди. 1824 йилда ёзилган «илмий банк тизимининг режаси» асари эса унинг вафотидан кейин босилиб чиқди. 1815 йил у «Ноннинг апст баҳоси капиталдан олинадиган фойдага таъсири тўғрисида тажриба» асарини ёзган. У бу асарида синфларнинг иқтисодий муносибатларини ва капитализм ривожлинини назариясини қисқа, аммо лўнда тарзда баён қилган, унинг асосий хулосилари қуйидагилардан иборат: агар иқтисодиёт ривожини ўз ҳолига қўйилса, аҳолининг ўсиши ва кам унумдор ерларга ишлов беришга ўтилиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини баҳоси ўсиб боради. Бунинг барча фойдаси ер эгалари бўлган лендлордларга ўтади. Ваҳоланки, капиталга бўлган фойда нормаси пасаяди. Бундан ишчилар ҳам зиён кўради. Чунки уларнинг меҳнатига талаб пасайиб боради. Хўш, бу тенденциянинг олдини олиш мумкинми? Хусусан хориждан арзон дон импорт қилиш керак демак, бундан «нон қонунлари» ни бекор қилиш керак деган хулоса чиқади. «нон қонунлари» — бу Англияда нон ва донга юқори баҳо қўйган махсус қонундир, бу қонун 1830 йилда тўла бекор қилинди. Давид Рикардо парламент аъзоси сифатида доим эркин савдо учун кураш олиб борган.

Давид Рикардо Смит каби қийматни меҳнат назариясини капиталистик ишлаб чиқариш шароитида қўллашда катта қийинчиликка учради. Қийматнинг ишлаб чиқариш баҳосига айланиш муаммосига эътибор берди ва уни ҳал этишга уринди. Риал ҳаётда капиталдан олинадиган фойда шу капиталнинг миқдори билан аниқланади ёки фойда нормаси мўтадиллашиш тенденциясига эга. У Смит ғояларини қўллаш билан бирга уни кўндирди ва қарши фикрларини ҳам илгари сурди. У капиталистлар ва ишчиларнинг манфаатлари бир бирларига қарама қарши эканлигини очиқ берди. Малумки, Смитда бу манфаатлар бир эди. Давид Рикардо ер эгаларининг манфаати ишчи ва капиталистларникига қарши деб уқтиради. Давид Рикардо бу ўзгаришларга тарихий-иқтисодий ва социал омиллар мавжуд. Улардан энг муҳими шуки, XVIII охири ва XIX аср охири бошларида Англияда саноат тўнтарилиши рўй беради ва бу жараён ниҳоясига етказилди. Оқибатта Англия кўп йиллар давомида «Дунё фабрикаси» номини олди. Саноат айниқса тез уста ишчилар сони орти, шаҳарлар кўпайди, лекин меҳнаткашларнинг қашоқланиши ва эксплуататир синфларининг бойиши кучайди, яъни дифференциация юз берди. Машина саноатининг ривожини туфайли иш куни 12—13 соат гача узайди, меҳнат шароити эса ёмонлашди, ишчилар машинанинг қўшимча қисмига айланди. Халқ оммаси курашга отланди. Луддитлар (машина синдурувчилари)

ҳаракати кучайди, фабрикаларга ўт қўйилди, аммо саноат инқилоби даврида пролетариат хат ягона, уюшган синфга айланмаган эди. Капитализм эса ривожланаётган тузум эди, буржуазия ҳам феодализм қолдиқларига қарши чиқиб, прогрессив рол ўйнагани эди.

Демак Давид Рикардо Англияда саноат инқилоби даври иқтисодчиси сифатида мойдонга чиқди. Давид Рикардо шулар туфайли иқтисодий талимотни жорийроқ поғонага кўтарди.

Давид Рикардо асарлари иқтисодиёт фанинг предмети ва методини аниқлашда, иқтисодий тадқиқот метадалогиясини амалий ишлаб чиқишда муҳим рол ўйнайди.

Унинг фикрича, жамиятнинг синфий тузилиши унинг иқтисодий фаолиятида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. сиёсий иқтисодий вазифаси «ер маҳсулоти» (янги миллий даромад ва миллий бойлик) ни уч асосий синф ўртасидаги тақсимот қонунларини аниқлашдан иборат. Бу тақсимот ишлаб чиқариш шарити ва манфаатларидан келиб чиқиши керак эди ва Давид Рикардо ютуғи эди.

Аммо унинг хатоси шуки у тақсимот усулини моддий неъматларни ишлаб чиқариш усули билан боғлиқ қилиб қўйган. у мантикий абстракция метотидан фойдаланиб, ижтимоий фанларда аниқ фанларнинг усули, айниқса илмий дедукцияни кенг қўллади. У ўз канцетцияси асосига қиймат қонунини, янги товарларнинг қийматини иш вақти билан аниқлашни қўйди. Бошқа иқтисодий катигориялар шу қонунга қанчаллик мос келиш-келмаслигини ўрганди. Давид Рикардо капитализмни жамият ташкил этишнинг яккаю ягона табиий ва абадий шакли деб ўйлаган эди.

Давид Рикардо қиймат қонунини ишлаб чиқишда Смитни хулосаларига, гарчи уларни қисман рад этса-да, суянди ва уларни ривожлантирди. У товарнинг икки фактори: истеъмол ва алмашув қийматларини янада аниқроқ ўрганди. Фойдалилик алмашув қийматининг зарурий шарти, аммо унинг ўлчови бўла олмайди. Барча товарларнинг алмашув қиймати ва уларни ишлаб чиқаришга кетган меҳнат сарфлари ва чиқимлари билан аниқланади. Алмашув қиймати ҳар доим нисбий бўлиб, бошқа товар ёки пулни маълум миқдорида ўз аксини топиши туфайли Давид Рикардо абсалют қиймат ҳам бўлиши керак, деган масалани қўйди. Бу қиймат субстанцияси меҳнатдаги меҳнат миқдоридир. Алмашув қиймати апсолют қиймат рўёбга чиқа оладиган зарурий ва ягона мумкин бўлган шаклдир. Давид Рикардо қиймат нафақат миқдорий текширди, тарихдан ташқарида ўрганди, яни меҳнатни қиймат билан яралувчи маҳсулотнинг табиий хусусияти ва бу жараёни барча ижтимоий тузумларга хос деб ўйлади.

Давид Рикардо иш ҳақи, фойда ва рента масалаларини ечишга катта ҳисса қўшди. У Смит каби асосий 3 синфнинг даслабки даромадлари масаласига эътибор берди. У меҳнатни товар деб ҳисоблаб, меҳнатнинг бозор баҳоси табиий баҳо бўлади ва шу атрофда ўзгаради: табиий баҳо деганда ишчи кучининг қийматини тушунган, Давид Рикардо масалага тарифий анъаналар асосида ёндашишига уринса ҳам меҳнатнинг табиий баҳосини жисмоний минимумга тенглаштиради. Масалан, ноннинг баҳоси ва иш ҳақининг пул миқдори ўртасида бевосита боғлиқлик бор, дейди у, — агар ноннинг баҳоси ошганда иш ҳақи ўзгармаса, ишчилар оч қолади ва ўлимга маҳкум этилади. Давид Рикардо Мальтус каби ишчиларнинг

ҳақлари очлик даражада ушлаб турилиши капитализмга хос қонун эмас, барчасига тегишли табиий қонунлар туфайлидир, дейди. Маълум қулай шароитдагина ишлаб чиқариш кучлари аҳоли ўсишини таъминлай олади ва ишчилар кам ҳақ олганликларидан норози бўлмасликлари керак деган фикр илгари сурилади. Давид Рикардо қўшимча қийматни унинг конкрет шакллари фойда, ссуда, фоизи, рента сифатида таҳлил этилади.

Ишчилар меҳнати билан иш ҳақи сифатида олинган миқдордан кўпроқ қиймат яратиш ўз —ўзидан равшан, дейди у. Аммо уни иш ҳақи ва фойда нисбати, янги ишчининг қанча ва капиталистга қанча қолиши ва капиталист қанча қолиши қизиқтиради. У қиймат структураси ва товар баҳосини аниқлаганда «А.Смит догмаси» даги хатога йўл қўяди, яъни доимий капитал А.Смитнинг янги маҳсулотдаги ҳиссасини инкор этади. Товар қиймати иш ҳақи ва фойдадан иборат бўлганлиги сабабли, фойда иш ҳақиға тесқари пропорционал ва унга боғлиқ фойда амалда қўшимча қиймат сифатида қаралади. Давид Рикардо фойданинг ер рентасини тўлагандан кейинги ҳолатини ўрганди. Ундан ташқари фойда аванс қилинган капитал миқдорига пропорционал деб ҳисоблайди. У фойда нормасининг пасайиш тенденциясига алоҳида эътибор берди. У бунинг бош сабаби капитализмга хос нарсa бўлмай, табиий фактордир, деган. Фойда нормасининг пасайиши охир оқибатда капитал жамқарилишининг ишчиларига иш ҳақи сифатидаги харажатларни тушунган. У капитални натурал ҳолда ва тарихдан ташқари тушунган. Унингча ибтидоий овчи ва балиқчи капитал эгаси бўлган «бу албатта хато фикр».

Давид Рикардо ер рентасини таҳлил қилишда муҳим ютуқларга эришган. У рента назариясини қийматнинг меҳнат назариясига асосланиб текширди. Рентанинг манбаи ернинг қандайдир саҳийлик эмас, балки маълум мулккий муносабатлар шароитида ерга қилинадиган меҳнатдир, деб ҳисобланади. Ер ресурслари чекланган бўлиб, унумдорлиги ва жойлашуви турлича бўлган ерлар ишлатилиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қиймати улкан участкаларидаги меҳнат сарфланиши билан аниқланади. Ундай ер соҳибкорга ўртача фойда беради ва рента бермайди. Нисбатан яхши ерларда фойда ўртача нормадан юқори бўлади, ана шу ортиқча фойда рента сифатида ер эгасидан олинади. Ёмонроқ ерлар хўжалик ҳисобига жалб этилиши орқали ер эгаларининг оладиган рентаси ўз ўзидан ортади. Ваҳоланки, улар бирор иш қилмайди, харажат ҳам қилмайди. Давид Рикардо бу ерда дифференциал рента ҳосил бўлишини кўрсатиб берди. У хусусий мулкчилик шароитида ёмон ерлар ҳам маълум рента келтириши мумкинлигини инкор этди. Лекин шундай рента бор у абсолют рента бўлиб, уни Маркс ва бошқа олимлар атрофлича ўрганганлар.

Давид Рикардо пул ва пул муомаласи масалаларига катта эътибор қилди. У дастлабки асарларда пулни икки қийматга эга бўлган товар деб қаради. Пул қиймати унга сарф қилинган меҳнат билан аниқланган. Давид Рикардо пулнинг хусусияти шуки, у алоҳида товар, бошқа товарларнинг қиймат ўлчови муаммолари воситаси сифатида ҳаракат

килади, дейди. У қоғоз пулларнинг микдорида муомалада бўлган товар массаси қийматига хос бўлиши керак, ортиқча банк томонидан истеъмолдан чиқарилиши зарур дейди. Аммо у ўзининг бошқа асарида бу концепциядан чекинади, аввал пулларнинг ички қиймати бор, деб гапирган бўлса, кейинроқ пулни техник восита деб ҳисоблади ва пулнинг микдорий назариясини ишлаб чиқара бошлади. Унинг фикрича муомаладаги пулнинг микдори турлича ва эркин бўлиши мумкин, пулнинг қиймати эса муомала соҳасида белгиланади. Унинг микдорига боғлиқ бўлади. Давид Рикардо эркин савдо тарафдори бўлган, у меркантилистлардан фарқли равишда товар ишлаб чиқариш товар ортиқ, яъни экспорт кам импорт кўп бўлишидан, мамлакатдан олтин чиқиб кетишидан хавфсирашга хожат йўқ дейди. Чунки импорт автоматик равишда олтин муомаласи ва баҳо ўзгаришини тартибга солади, шунинг иқтисодий танглик таъминланишига ёрдам беришига Давид Рикардонинг ишончи комил эди.

Рикардо Англиянинг ташқи алоқалари иқтисодиётда катта роль ўйнашини алоҳида ўрганди. У биричилардан бўлиб айрим товарларни ишлаб чиқаришдангина эмас, балки мамлакатлар ўртасида ҳам халқаро меҳнат тақсмоти ва ихтисослашувининг фойдалигини исботлаб берди. Бунда нисбий устунлик принципи мавжудлигини ишлаб чиқарди. Бу принципга кўра айрим мамлакатлар маълум товарларни ишлаб чиқаришда айрим қулайликларга эга бўлади ва кам харажат сарф қилади. Бунда табиий ва иқлимий факторлар ҳам катта роль ўйнайди. Маълум товарларни ишлаб чиқариш бу мамлакат учун бошқа мамлакатлардагигина нисбатан қулайроқ бўлиши мумкин. Ихтисослашув ҳатто қоқоқ давлат учун ҳам қулайроқ бўлади, масалан Ўзбекистон учун пахта Бразилия учун қофе.

Эркин савдо аввало инглиз буржуазияси манфаатдарига мос тушса ҳам, у пайтда бу гоё принципиал жиҳатдан ҳам прогностик эди. Бу савдо сиёсати «фринтедерлик» бўлиб, «протекционизм»дан принципиал фарқ қилади. Халқаро савдо белгилловчи омиллар нималардан иборат? Деган, нима учун маълум товарлар экспорт қилинади-ю, бошқалари қилинмайди? Ташқи савдо ишлаб чиқариш ва иқтисодий тараққиёт учун нималар беради? Давид Рикардо деган саволга жавоб берилади. Шотландияда узум виноси қилиш мумкин, аммо меҳнат сарфлари жуда юқори бўлади, бу ерда сули етиштириш қулай, уни эса Португалия виносига алмашган маъқул, чунки винони қилишга у ерда кам харажат қилинади. Албатта, бу энг оддий мисол. Давид Рикардо бу масалага анча принципиал ёндашди. Агар Шотландияда ҳам сули, ҳам вино кам чиқимлар билан ишлаб чиқарилса ҳам, бу мамлакатда сули бўйича винога қараганда устунлик кўпроқ чунки чиқимлар нисбати ва алмашув пропорционалари ҳисобга олинганда бу давлат учун сули етиштириш нисбати қулай, Португалия учун эса вино чиқариш фойдалидир. Бу нисбий чиқимлар нисбий устунлик тамойилидир. У бу тамойилни қийматли меҳнат назариясида ҳам исботлади ва уни рақамлар ёрдамида кўрсатиб берди. Худди шунга ўхшаш мисол мато тўқиш соҳасида Ангия ва Франция мисолида таққосланган. Бу мисолдан шу нарса кўринадики, нисбий устунлик тамойилидир. Бу тамойилнинг қийматнинг меҳнат назариясида, ҳам исботланди ва уни рақамлар ёрдамида кўрсатди. Давид Рикардо бўйича ишлаб чиқарилган товарларни риализация қилиш капиталистик хўжалик учун принципиал муомала бўла олмайди. У ортиқчи ишлаб

чиқариши кризиси эмас. Капиталистик система у жиддий хавф тукдирмайди деган фикрда эди, чунки талаб ва таклиф мос тушади. А.Смит каби Давид Рикардо ҳам капиталистик системани қарама - қаршилигини тушуниб етмади. Чунки бу даврда ҳам инқироз йўқ эди. Фақат 1825 йилда биринчи бор анашундай кризис рўй берди. Давид Рикардо А.Смитнинг ғояларини тўлдирди. Агар А.Смитнинг ғояси бўйича қиймат оддий товар чиқаришда бу қиймат риализайия қилинадиган дароматлардан иборат эди. Давид Рикардо қийматни аниқлашдан сарфлаган меҳнат фойдаланди. Давид Рикардо иш ҳақининг товар қийматига таъсирини рад этди. Масалан дейди, у «агар меҳнат унумдорлигини ошмай туриб иш ҳаққини оширса, бундай товар қиймати ўзгармайди».

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда, Давид Рикардо XVIII — XIX асрларда кузатилган фойда нормасининг пасайиши тенденцияни тушириб беришга ҳаракат қилди. Унингча жамият ревалюцияси меҳнатга бўлган талабнинг кўпайишига олиб келади бу эса аҳолининг ўсишини рағбатлантиради. Аҳолининг ўсиши ёмон ер участкаларини ишлашга мажбур этади ва шу билан бирга бир вақт озиқ —овқат махсулотлари баҳосининг ва ер рентасининг кўпайишини келтириб чиқаради. Шунинг учун тадбиркорлар ер эгаси ва ёлланма ишчиларнинг даромадига ҳисасини кўпайтириши керак. Шунга мувофиқ тадбиркорнинг улуши камаяди. Демак фойда нормасининг пасайиш тенденцияси хўжалик ривожланишининг натижасидир, деган хулосага келади.

Бундай қонунният иқтисодий ўсишнинг абектиф чегараларини келтириб чиқаради: фойда нормасининг пасайиб бориши билан бирга инвестицияга ва ишлаб чиқаришни камайитиришга бўлган қизиқиш камаяди. Иқтисодиёт эртами— кечми ўз ривожини тўхтатади. Бундай прогност Тюмальтуснинг прикун қарашларига ўхшаб кетади. Давид Рикардо «аср стагнацияси» тенденцияси энг зарур бўлган товарлар қийматини пасайитириш туфайли секинлаштириш деб ҳисобланган. Бунда техника тараққиёт ва чет мамлакатлардан эркин равишди дон олиб келиш йўли билан эришилади. Аммо унинг тасдиқлашича, техника тараққиёти ҳам, жаҳон савдоси ривожлаланиши ҳам тараққиётнинг умумий мантиқини буза олмайди.

Давид Рикардо биринчилардан бўлиб айрим товарларни ишлаб чиқаришдагина эмас, балки мамлакатлар ўртасида халқаро меҳнат тақсимооти ва ихтисослашувнинг фойдалилигини исботлаб берди.

Давид Рикардо иқтисод оламида ўз ишлари билан ўчмас из қолдирди унинг иқтисодий ғоялари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва бундан кейин ҳам иқтисод соҳасида кенг қўлланилади.

Инглиз классик иқтисодиётининг машҳур намояндаси Давид Рикардо У Петти ва Смитнинг иқтисодий ғояларини янада ривожлантирди. У 1772-1823 йиллар оралиғида яшаб ижод этган. Рикардо Лондонда буржуа домласи оиласида туғилади, 14 ёшида отасига ёрдамчи бўлади. Икки йил Амстердамда (Голландия) савдо мактабида таълим олди. Ёшлигиданоқ биржадаги қулай операциялар туфайли катта бойлик тўплади (1793-1812). Бойигач, табиий фанлар билан, кейинчалик сиёсий иқтисодиёт билан шуғулланди. У математика, физика, химия ва биологияни мустақил ўрганди. Д.Рикардо дастлаб

биржа домласи кейинчалик математика ўқитувчиси бўлди, икки марта шериф (полиция бошлиғи) этиб сайланди. 1819- 1823 йилларда Англия парламентининг аъзоси эди. Парламент минбарида ўзининг илғор иқтисодий фикрларини тарқатиш мақсадида фойдаланди, эркин савдони талаб этди, протекционизм ва пул муомаласи соҳасидаги давлат сиёсатини танқид қилди.

Тарихий манбаларга қараганда Д.Рикардо 1799 йилда курортда А.Смитнинг «Халқлар бойлиги...» асарини кўриб қолди ва унда бу фанга иштиёқ пайдо бўлади. Бу фан билан машғулот унинг учун асосий соҳага айланади.

У ҳаммани қизиқтирган энг асосий муаммоларга жавоб беришга ҳаракат қилди. У жамият моддий бойлиги ўсиши учун ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг қандай шароитлари энг қулай ва оптимал деган масалада тўхталади. Д. Рикардо ягона иқтисодий концепция асосий пул муаммоси ва кредит, халқаро иқтисодий муносабатлар, солиқ, ер рентаси, халқаро меҳнат тақсмоти тўғрисида фундаментал фикрлар берди.

Смитдан кейинроқ яшаган Д. Риккардо саноат инқилоби натижаларини тўлароқ тушунди, унинг фикрлари нисбатан теран бўлиб, классик иқтисодни ниҳоясига етказди; у саноат даврининг иқтисодчиси эди.

Давид Рекардонинг ҳаётида оид айрим маълумотларда берилишича, у испан яхудийларидан экан. Унинг отаси 18- асрнинг 60- йилларида Англияга қочиб келган ва шу ерда Рикардо туғилган. Д. Рекардонинг оиласида 17 киши бўлган ва у 3 фарзанд бўлган. У дигабетал, яъни яхудийлик динининг қоидаларига қаттиқ риоя қиладиган одам эди.

Давид Рекардо 1809-1810 йилларда Лондоннинг молия бозорида энг ката киши эди. У 1 миллион фунт стерлинг йиғган ва йирик ер эгасига айланган. У 26 ёшидан кейин иқтисодга қизиқиш уйғониб, иқтисод билан шуғуллана бошлади. Давид Рекардо иқтисодга оид бир қанча асарларни яратди. Унинг дастлабки «Олтин аждарҳоси тўғрисида уч хат» (1809й) ва бошқа асарлари пул ва пул муаммоларини таҳлил қилишга бағишланади. 1817 йилда унинг асосий асари бўлган «сиёсий Иқтисод ва солиқ солишнинг бошланиши» чоп этилди. 1824 йилда ёзилган «Миллий банк тизимининг режаси» асари эса унинг вафотидан кейин босилиб чикди. 1815 йил «Ноннинг паст баҳоси капиталдан олинадиган фойдага таъсири тўғрисида тажриба» асарини ёзган. У бу асрида синфларнинг иқтисодий муносабатларини ва капитализм ривожланиш назарияси қисқа, аммо лўнда тарзда баён этилган. Унинг асосий хулосалари қуйидагилардан иборат: агар иқтисодиёт ривожини ўз ҳолига қўйилса, аҳолининг ўсиши ва кам унумдор ерларга ишлов беришга ўтилиши туфайли қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларининг баҳоси ўсиб боради. Бунинг барча фойдаси ер эгалари бўлган лендлордларга ўтади. Ваҳоланки, капиталга бўлган фойда нормаси пасаяди. Бундан эса ишчилар ҳам зиён кўради, чунки уларнинг меҳнатига талаб пасайиб боради. Хўш, бу тенденциянинг олдини олиш мумкинми? Хусусан, хориждан арзон дон импорт қилиш керак, демак, бунда: «Нон қонунлари» ни бекор қилиш керак деган хулоса чиқади. «Нон қонунлари» - бу Англияда нон ва донга юқори баҳо қўйган махсус қонундир, бу қонун 1830 йилда тўла бекор қилинди. Риккардо парламент аъзоси сифатида доим эркин савдо учун кураш олиб борган.

Рикардо Смит каби қийматни меҳнат назариясини капиталистик ишлаб чиқариш шароитида қўллашда катта қийинчиликка учради. Қийматнинг ишлаб чиқариш баҳосига айланиш муаммосига эътибор берди ва уни ҳал

етишга уринди. Реал ҳаётда капиталдан олинадиган фойда шу капиталнинг миқдори билан аниқланади ёки фойда нормаси мўътадиллашиш тенденциясига эга. У Смит ғояларини қўллаш билан бирга уни тўлдирди ва қарши фикрларни ҳам илгари сурди. Капиталистлар ва ишчиларнинг манфаатлари бир-бирларига қарама-қарши эканлигини очиқ берди, маълумки Смитда бу манфаатлар бир эди. Риккардо ер эгаларининг манфаати ишчи ва капиталистларникига қарши деб уқтиради. Риккардо бу ўзгаришларга тарихий, иқтисодий ва социал омиллар мавжуд. Улардан энг муҳими шуки, XVIII аср охири ва XIX асрнинг бошларида Англияда саноат тўнтарилиши рўй беради ва бу жараён асосан ниҳоясига етказилди, оқибатда Англия кўп йиллар давомида «Дунё фабрикаси» номини олди. Саноат айниқса тез ўсди, ишчилар сони ортди, шаҳарлар кўпайди, лекин меҳнаткашларнинг қашшоқланиши ва эксплуататор синфларнинг бойиши кучайди, яъни дифференциация юз берди. Машина саноатининг ривожига туфайли иш куни 12-13 соатгача узайди, меҳнат шароити эса ёмонлашди, ишчилар машинанинг кўшимча қисмга айланди, халқ оммаси курашга отланди. Луддитлар (машина синдирувчилари) ҳаракати кучайди, фабрикаларга ўт қўйилди, аммо, саноат инқилоби даврида пролетариат хат ягона, уюшган синфга айланмаган эди. Капитализм эса ривожланаётган тузум эди, буржуазия ҳам феодализм қолдиқларига қарши чиқиб, прогрессив роль ўйнаган эди.

Демак, Риккардо Англияда саноат инқилоби даврининг иқтисодчиси сифатида майдонга чикди. Риккардо шулар туфайли иқтисодий таълимотни юқорироқ поғонага кўтарди.

Риккардонинг асарлари иқтисодиёт фанининг предмети ва методини аниқлашда, иқтисодий тадқиқот методологиясини амалий ишлаб чиқишда муҳим рол ўйнади. Унинг фикрича, жамиятнинг синфий тузилиши унинг иқтисодий фаолиятида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Сиёсий иқтисоднинг асосий вазифаси «ер маҳсулоти» (яъни миллий даромад ва миллий бойлик)ни уч асосий синф ўртасидаги тақсимоти қонунларини аниқлашдан иборат. Бу тақсимоат ишлаб чиқариш шароити ва манфаатларидан келиб чиқиши керак эди ва бу Риккардонинг ютуғи эди, аммо унинг хатоси шуки, у тақсимоат усулини моддий неъматларни ишлаб чиқариш усули билан боғлиқ қилиб қўйган. У мантикий абстракция методидан фойдаланиб, ижтимоий фанларда аниқ фанларнинг усули, айниқса илмий дедукцияни кенг қўллади. У ўз концепцияси асосига қиймат қонунини, яъни товарларнинг қийматини иш вақти билан аниқлашни қўйди. Бошқа иқтисодий категориялар шу қонунга қанчалик мос келиш- келмаслигини ўрганди. Риккардо капитализмни жамиятни ташкил этишнинг яқкаю- ягона табиий ва абадий шакли деб ўйлаган.

Риккардо қиймат қонунини ишлаб чиқишда Смитнинг ҳулосаларига, гарчи уларни қисман рад этса-да, суянди ва уларни ривожлантирди. У товарнинг икки фактори: истеъмол ва алмашув қийматларини янада аниқроқ ўрганди. Фойдалилик алмашув қийматининг зарурий шарт, аммо унинг ўлчови бўла олмайди. Барча товарларнинг алмашув қиймати ва уларни ишлаб чиқаришга кетган меҳнат сарфлари ва чиқимлари билан аниқланади. Алмашув қиймати ҳар доим нисбий бўлиб, бошқа товар ёки пулнинг маълум миқдорида ўз аксини топиши- туфайли Риккардо абсолют қиймат ҳам бўлиши керак, деган масалани қўйди. Бу қиймат субстанцияси меҳнатдаги меҳнат миқдоридир. Алмашув қиймати абсолют қиймат рўёбга чиқа оладиган зарурий ва ягона мумкин бўлган шаклдир. Лекин Риккардо бу ғояни умрининг охирида тугалламаган асари

«Абсолют ва нисбий қиймат» бобида берган, яъни фикр мантикий охирига етказилмаган. Маркснинг фикрича, Риккардо қийматни фақат миқдорий текширди, тарихдан ташқарида ўрганди, яъни меҳнатни қиймат билан яралувчи маҳсулотнинг табиий хусусияти ва бу жараёни барча ижтимоий тузумларга хос деб ўйлади.

Риккардо иш ҳақи, фойда ва рента масалаларини ечишга катта ҳисса қўшди. У Смит каби асосий уч синфнинг дастлабки даромадлари масаласига эътибор берди. У меҳнатни товар деб ҳисоблаб, меҳнатнинг бозор баҳоси табиий баҳо бўлади ва шу атрофда ўзгаради; табиий баҳо деганда ишчи кучининг қийматини тушунган. Риккардо масалага тарихий анъаналар асосида ёндашишга уринса ҳам меҳнатнинг табиий баҳосини жисмоний минимумга тенглаштиради. Масалан, ноннинг баҳоси ва иш ҳақининг пул миқдори ўртасида бевосита боғлиқлик бор, - дейди у, - агар ноннинг баҳоси ошганда иш ҳақи ўзгармаса, ишчилар оч қолади ва ўлимга маҳкум этилади. Риккардо Мальтус каби ишчиларининг ҳақлари очлик даражасида ушлаб турилиши капитализмга хос қонун эмас, барчасига тегишли табиий қонунлар туфайлидир, дейди. Маълум қулай шароитлардагина ишлаб чиқариш кучлари аҳоли ўсишини таъминлай олади ва ишчилар кам ҳақ олганликларидан норози бўлмасликлари керак, деган фикр илгари сурилади. Риккардо қўшимча қийматни унинг конкрет шакллари- фойда, ссуда, фоизи, рента сифатида таҳлил этилади.

Ишчилар ўз меҳнати билан иш ҳақи сифатида оладиган миқдордан кўпроқ қиймат яратиш ўз-ўзидан равшан, дейди у. Аммо уни иш ҳақи ва фойда нисбати, янги ишчининг қанча олиши ва капиталистга қанча қолиши қизиқтиради. У қиймат структураси ва товар баҳосини аниқлаганда «Смит догмаси» даги хатога йўл қўяди, яъни доимий капитал Смитнинг янги маҳсулотидаги ҳиссасини инкор этади. Товар қиймати иш ҳақи ва фойдадан иборат бўлганлиги сабабли, фойда иш ҳақиға тескари пропорционал ва унга боғлиқ. Фойда амалда қўшимча қиймат сифатида қоралади. Риккардо фойданинг ер рентасини тўлагандан кейинги ҳолатини ўрганди. Ундан ташқари фойда аванс қилинган капитал миқдорига пропорционал деб ҳисоблайди. У фойда нормасининг пасайиш тенденциясига алоҳида эътибор берди. У бунинг бош сабаби капитализмга хос нарса бўлмай, табиий фактордир, деган фойда нормасининг пасайиши охир- оқибатда капитал жамғарилишининг ишчиларга иш ҳақи сифатидаги харажатларни тушунган. У капитални натурал ҳолда ва тарихдан ташқари тушунган. Унингча ибтидоий овчи ва балиқчи капитал эгаси бўлган (бу албатта хато фикр).

Риккардо ер рентасини таҳлил қилишда муҳим ютуқларга эришган. У рента назариясини қийматнинг меҳнат назариясига асосланиб текширди. Рентанинг манбаи асрнинг қандайдир сахийлиги эмас, балки маълум мулкый муносабатлар шароитида ерга қилинадиган меҳнатдир, деб ҳисобланади. Ер ресурслари чекланган бўлиб, унумдорлиги ва жойлашуви турлича бўлган ерлар ишланиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қиймати улкан участкаларидаги меҳнат сарфланади ва аниқланади. Бундай ерлар соҳибкорга ўртача фойда беради ва рента бермайди. Нисбатан яхши ерларда фойда ўртача нормадан юқори бўлади, ана шу ортиқча фойда рента сифатида ер эгаси томонидан олинади. Ёмонроқ ерлар хўжалик ҳисобига жалб этилиши орқали ер эгаларининг оладиган рентаси ўз-ўзидан ортади, ваҳоланки улар бирор иш қилмайди, сарф-харажат ҳам қилмайди.

Рикардо бу ерда дифференциал рента хосил бўлишини кўрсатиб берди. У хусусий мулкчилик шароитида ёмон ерлар ҳам маълум рента келтириши мумкинлигини инкор этди. Лекин шундай рента бор, у абсолют рента бўлиб, уни Маркс ва бошқа олимлар атрофлича ўрганганлар.

Рикардо пул ва пул муомаласи масалаларига катта эътибор қилди. У дастлабки асарларида пулни ички қийматга эга бўлган товар деб қараган. Пул қиймати унга сарф қилинган меҳнат билан аниқланган. Рикардо пулнинг хусусияти шуки, у алоҳида товар, бошқа товарларнинг қиймат ўлчови ва муомала воситаси сифатида ҳаракат қилади, дейди. У қоғоз пулларнинг миқдорида муомалада бўлган товар массаси қийматига мос бўлиши керак, ортиқчаси банк томонидан истеъмолдан чиқарилиши зарур дейди. Аммо у ўзининг бош асарида бу концепциядан чекинади, аввал пулларнинг ички қиймати бор, деб гапирган бўлса, кейинроқ у пулни техник восита деб изоҳлади ва пулнинг миқдорий назариясини ишлаб чиқа бошлади. Унинг фикрича муомаладаги пулнинг миқдори турлича ва эркин бўлиши мумкин, пулнинг қиймати эса муомала соҳасида белгиланади ва унинг миқдorigа боғлиқ бўлади. Рикардо эркин савдо тарафдори бўган. У меркантилистлардан фарқли равишда товар ишлаб чиқариш товар ортиқ, яъни экспорт кам импорт кўп бўлишидан, мамлакатдан олтин чиқиб кетишидан хавфсирашга ҳожат йўқ дейди, чунки эркин импорт автоматик равишда олтин муомаласи ва баҳо ўзгаришини тартибга солади.

Шунинг учун иқтисодий танглик таъминланишига ёрдам беришига Рикардонинг ишончи комил эди.

Рикардо Англиянинг ташқи алоқалари иқтисодиётда катта роль ўйнашини алоҳида ўрганди. У биринчилардан бўлиб айрим товарларни ишлаб чиқаришдангина эмас, балки мамлакатлар ўртасида ҳам халқаро меҳнат тақсимооти ва ихтисослашувининг фойдалилигини исботлаб берди. Бунда нисбий устунлик принципи мавжудлигини ишлаб чиқди. Бу принципга кўра айрим мамлакатлар маълум товарларни ишлаб чиқаришда айрим қулайликларга эга бўлади ва кам харажат сарф қилади. Бунда табиий ва иқлимий факторлар ҳам катта роль ўйнайди. Маълум товарларни ишлаб чиқариш бу мамлакат учун бошқа мамлакатлардагига нисбатан қулайроқ бўлиши мумкин. Ихтисослашув ҳатто қолоқ давлат учун ҳам қулайроқ бўлади, масалан Ўзбекистон учун пахта, Бразилия учун кофе каби.

Эркин савдо аввало инглиз буржуазияси манфаатларига мос тушса ҳам, у пайтда бу ғоя принципаал жиҳатдан ҳам прогрессив эди. Бу савдо сиёсати: «фритредерлик» бўлиб, «протекционизм» дан принципаал фарқ қилади. Халқаро савдони белгиловчи омилар нимадан иборат? деган, нима учун маълум бир товарлар экспорт қилинади-ю, бошқалари импорт қилинади? Ташқи савдо ишлаб чиқариш ва иқтисодий тараққиёт учун нималар беради? деган саволларга жавоб берилади. Шотландияда узум виноси қилиш мумкин, аммо меҳнат сарфлари жуда юқори бўлади. Бу ерда сули етиштириш қулай, уни эса Португалия виносига алмашган маъқул, чунки, винони қилишга у ерда кам харажат сарфланади. Албатта, бу энг оддий мисол. Рикадо бу масалага анча принципаал ёндашди. Агар Шотландияда ҳам сули, ҳам вино кам чиқимлар билан ишлаб чиқарилса ҳам, бу мамлакатда сули бўйича винога қараганда устунлик кўпроқ, Чунки чиқимлар нисбати ва алмашув пропорциялари ҳисобга олинганда бу давлат учун фақат сули етиштириш нисбати қулай. Португалия учун эса виро чикариш фойдалидир. Бу нисбий чикимлар ёки нисбий устунлик

тамойилидир. У бу тамойилни қийматнинг меҳнат назариясида ҳам исботлади ва уни рақамлар ёрдамида кўрсатиб берди. Худди шунга ўхшаш мисол мато тўқиш соҳасида Англия ва Франция мисолида таққосланган. Бу мисолдан шу нарсга кўринадик, нисбий устунлик тамаойилидир. У бу тамаойилни қийматнинг меҳнат назариясида ҳам исботлади ва уни рақамлар ёрдамида кўрсатиб берди. Рикардо бўйича ишлаб чиқарилган товарларни реализация қилиш капиталистик хўжалик учун принципиал муаммо бўла олмайди. У ортиқча ишлаб чиқариш кризиси мумкин эмас, капиталистик система у жиддий хавф туғдирмайди деган фикрда эди. Чунки талаб ва таклиф доимо мос тушади. Смит каби Рикардо ҳам капиталистик системасининг қарама-қаршилигини тушуниб етмади. Чунки бу даврда ҳам инқирозлар йўқ эди. Фақат 1325 йилда биринчи бор анна шундай кризис рўй берди. Рикардо Смитнинг ғояларини тўлдирди. Агар Смитнинг ғояси бўйича қиймат оддий товар ишлаб чиқаришда бу қиймат реализация қилинадиган даромадлардан иборат эди. Рикардо қийматни аниқлашда сарфланган меҳнатдан фойдаланди. Рикардо иш ҳақининг товар қийматига таъсирини рад этди. Масалан, дейди у «Агар меҳнат унумдорлигини ошмай туриб иш ҳақи кўтарилса, бундай товар қиймати ўзгармайди».

Хулоса

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, Д. Рикардо XVIII-XIX асрларда кузатилган фойда нормасининг пасайиши тенденциясини тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Унингча жамият революциясини меҳнатга бўлган талабнинг кўпайиши олиб келади, бу эса аҳолининг ўсишини рағбатлантиради. Аҳолининг ўсиши ёмон ер участкаларини ишлашга мажбур этади ва шу билан бирга бир вақтда озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосининг ва ер рентасининг кўпайишини келтириб чиқаради. Шунинг учун тадбиркорлар ер эгаси ва ёлланма ишчиларнинг даромаддаги хиссасини кўпайтириши керак. Шунга мувофиқ тадбиркорнинг улуши камаяди. Демак, фойда нормасининг пасайиш тенденцияси хўжалик ривожланишининг натижасидир, деган хулосага келади.

Бундай қонуният иқтисодий ўсишининг объектив чегараларини келтириб чиқаради: фойда нормасининг пасайиб бориши билан бирга инвестицияга ва ишлаб чиқаришни камайтиришга бўлган қизиқиш камаяди. Иқтисодиёт эртами - кечми ўз ривожланишини тўхтатади. Бундай прогноз Т. Мальтуснинг прикун қарашларига ўхшаб кетади. Д. Рикардо «аср стагнацияси» тенденцияни энг зарур бўлган товарлар қийматини пасайтириш туфайли секинлаштириш мумкин деб ҳисоблаган. Бунга техника тараққиёт ва чет мамлакатлардан эркин равишда дон олиб келиш йўли билан эришилади. Аммо унинг тасдиқланишича, техника тараққиёти ҳам, жаҳон савдоси ривожланиши ҳам, тараққиётнинг умумий мантигини буза олмайди.

Д. Рикардо биринчилардан бўлиб айрим товарларни ишлаб чиқаришдагина эмас, балки мамлакатлар ўртасида халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувининг фойдалилигини исботлаб берди.

Д. Рикардо иқтисод оламида ўз ишлари билан ўчмас из қолдирди! Унинг иқтисодий ғоялари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва бундан кейин ҳам иқтисод соҳасида кенг қўлланилади.

Асосий таянч иборалар:

Д.Рикардо; мантикий абстракция; табиий тартиб концепцияси; даромадлар тақсимооти; қиймат қонуни; “Абсолют ва нисбий қиймат”; рента; “Нон қонунлари”; Фритредерлик; нисбий афзаллик ва мутлақ устунлик.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Д.Рикардонинг асосий асаридаги иқтисодий ғоялар нимадан иборат?
2. Нима учун Рикардо фабрика даврининг мафкурачиси ҳисобланади?
3. Нисбий афзаллик тамойили нимани англатади?
4. “Протенционизм” ва “Фритедерлик” ўзаро нима билан фарқ қилади?

7 – мавзу: Классик мактаб сўнгги намоёндаларининг иқтисодий қарашлари.

Режа:

- 1.Францияда вужудга келган Ж.Б.Сэйнинг иқтисодий назариялари ва «Сэй қонуни».
- 2.Томас Роберт Мальтус ва унинг «нуфуз» назарияси.
- 3.Н.В.Сенор ва «Тийилиш назарияси».
- 4.Ф.Бастианнинг «Иқтисодий гармониялар назарияси».
- 5.Г.Ч.Кэри ва унинг «Манфаатлар уйғунлиги» назарияси моҳияти.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. ИАКаримов "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон", Т.1994 й.
2. ИАКаримов "Ўзбекистон сиёсий - ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари", "Ўзбекистон", Т.1991Й.
3. Аганова Л.Р , Серёгина "История экономичных учений", Москва 1999 год
4. "История экономических учений", Учебное пособие. Коллектив авторов чёюгъ, гл.1,2 . Москва, "Вьющая школа", 1983г.
5. "Иқтисодий таълимотлар тарихи". Маърузалар матни Т.1997й.
6. Улмасов А., Шарифхўжаев М, "Иқтисодиёт назарияси", "Меҳнат, Т." 1995й.
7. "История ЭКОНОМИЧЕСКИХ учений" Ядгаров , 1999 год. 3 переиздание.
8. Кейнс Дж.М. "Общая теория занятости, процента и денег", М.1979г.
9. "Всемирная история экономической мысли", под ред. В.Н.Черковца.
10. "Общая экономическая теория", учебник под ред. академика В.И.Видяпина.

Франциядаги шу даврдаги иқтисодий ғояларнинг ривожини Жан Батист Сэй номи билан боғлиқ. Булажак олим Леонда савдогар оиласида туғилди ва кейинчалик йирик фабрикантга айланди. У яхши таълим олди, аммо савдо соҳасига анча эрта хизмат қила бошлади. Ўзи ўқиди, у инқилобни қўллади. Наполеон Бонапарт ҳукуматига молия соҳасига ишлади. Унинг биринчи асари «Сиёсий иқтисодий» рисоласи 1853 йилда чиқди ва ҳаёти давомида беш марта қайта нашр қилинди, қайта ишланди ва унинг бош асари сифатида қолди. 1817 йилда «Сиёсий иқтисод» катехезиси, 1828-30 йилларда олти томлик «Сиёсий иқтисодий курси» китоби ҳам чоп этилди. Бу китобларда у санъат буржуазияси тарафдори меркантинизм душмани ва иқтисодий либерализмни қўллаб қувватловчи олим сифатида маълумдир.

Сэй Смит таълимотини тарғиб этиш ва тизимий изоҳлаш баҳонасида унинг илмий жиҳатдан анча бўш ғояларини ривожлантирди ва тартибга солди. Д.Рикардо бу олимнинг илмий меросига юқори баҳо берди ва унинг, «Сэй қонуни» ни тан олган.

Олимнинг тадқиқот предмети сифатида аввало, жамиятни моддий фаровонлик муаммоси қаралади, бойликнинг манбаи эса миллатнинг иқтисодий потенциалига боғлиқдир.

Тадқиқот услубида эса аниқ фанлар тажрибасидан фойдаланиш керак дейди. Услубий жиҳатдан бу универсиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қонун, тоифа ва назариялар тан олинishi зарур деган бир таниш иқтисодчи Ж. К. Гэлбрейт фикрича, «Сэй қонуни» ни тан олиш ёки олмаслик – XX асрнинг 30 — йилларигача иқтисодчиларни аҳмоқлардан ажратиш белгиси сифатида қаралган. Бу қонунда бозор иқтисодиёти шароитида жамият синфлари манфаатларининг уйғунлиги (гармонияси) асосийдир. Лекин унинг фикрларида ўта соддалик ва юзалик аломотлари кўпдир.

Сэй Смитни қўллайди, аммо кўп масалаларда у билан келишмайди. Масалан, унингча қиймат бир қанча омилларга боғлиқ қилиб қўйилади: товарнинг субъектив фойдалилиги унинг ишлаб чиқариш чиқимлари, талаб ва таклиф. Сэйда капиталнинг эксплуатацияси моҳияти бутунлай йўқ ва бу ишлаб чиқариш омиллари назарияси билан алмаштирилади. Аммо у иқтисодий либерализм тамойили, "кичкина ва арзон давлат" ва унинг

иқтисодиётига аралашувини кескин қисқартириш тарафдори сифатида Смит билан ҳамоҳанг. Сэй бу соҳада физиократик акъаналарга якин бўлган. Унинг иқтисодий либерализм тамойили Наполеоннинг иқтисодий сиёсатига тўғри келмас эди (континентал блокада сиёсати Англия билан иқтисодий алоқаларни кескин чеклаган). Бурбонларнинг реставрация қилиниши Сэйнинг обрўси ошишига имкон яратди. Ишлаб чиқаришнинг асосий 3 омили назарияси.

Биринчилардан ишлаб чиқариш омиллари; меҳнат капитал ва ернинг маҳсулот қийматини ҳосил қилишда тенг иштирокини аниқ ифодалайди (бу фикр юқорида эслаб ўтилган). Ҳозирги давр олимлари капитализмнинг тизимини шу 3 омил билан боғлайдилар.

XX асрнинг бошларида шу 3 омилга асосланган ғоялар ривож топди. Меҳнат иш ҳақи, капитал—фойда, ер-ренга: шу 3 ўзаро боғлиқ формула Сэй таълимотида муҳим ўринни эгаллайди. Унинг *қиймат ва даромадлар* тўғрисидаги таълимоти ўзига хос равишда ҳал этилади. Классик мактабдан фарқли равишда товар қиймати уни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат билан эмас, унинг фойдалилиги билан аниқланади, шуидай қилиб *"Фойдалилик назарияси"*га асос солинди. Бу назарияга кўра ишлаб чиқариш фойдалиликни яратади, фойдалилик эса предметларга қиммат беради, "қиммат фойдалилик ўлчовидир" дейди у, Сэйнинг даромадлар назариясида фойданинг изоҳланиши диққатига сазовордир. "Меҳнат" омили ишчилар учун (иш ҳақини, "капитал" омили соҳиб учун фойдани, "ер" омили эса ер эгаси учун рента дароматларини юзага келтиради} Биз биламизки, фойда ссуда фоизи ва тадбиркорлик даромадларидан иборат, унинг биринчиси капитал эгаси сифатида капиталист томонидан, иккинчиси корхона бошлиғи сифатида капиталист томонидан ўзлаштирилади. Сэйнинг фикрича тадбиркорлик фойдасини ёлланма бошқарувчи ҳам олиши мумкин бўлган иш ҳақи туригина эмас Бу махсус ва муҳим жамоат функцияс ини бажарганлик, яъни моҳият — эътиборига кўра ишлаб чиқариш омиллари ини рационал бирлаштирганлиги учун бериладиган мукофотдир. Шундай қилиб тадбиркор ва ишчи ўртасидаги фарқ иш ҳақи даражасида деб кўрсатилади.

Тадбиркор, ишбилармон маошининг юқори бўлиши эса уларнинг юқори вазифалари, таланти, фаолияти ва бошқариш руҳи туфайлидир.

Такрор ишлаб чиқариш назарияси Сэйнинг энг муҳим кашфиётларидан бири "*Сэй қонуни*", "*бозорлар қонуни*" ёки "*сотиш назарияси*" ҳисобланади. Физиократлар меркантилизмни танқид қилганда шу ғоядан фойдаланганлар. Унда шундай фикр келтирилади: "*ҳар бир бир вақтнинг ўзида ҳам сотиб олувчи, ҳам сотувчидир*". Кеэнинг фикрича, ҳамма сотиб олинган нарса сотилган, барча сотиб олинган бўлади. Сэйга асосланиб Ж. М. Кейнс эса "таклиф шунга мос талабни яратади", деган фикрни илгари суради. Бу фикр Сэй ғоясини чиппакка чиқариш учун ўйлаб топилган, чунки у ёки бу товар алоҳида — алоҳида ортиқча ишлаб чиқарилиши мумкин, ваҳоланки барча товарлар ошиқча ишлаб чиқарилиши мумкин эмасдир. Кейнинг фикрича, Сэй қонунини тан олувчи барча муаллифлар классик деб аталиши мумкин экан. Бундан капиталистик жамиятнинг такрор ишлаб чиқаришида "гармония" мавжудлиги ва оқибатда умумий ортиқча ишлаб чиқариш инқирозлари "тамоилда бўлмаслиги" исботланади, яъни таклиф афтоматик равишда талабни вужудга келтиради. Бу қонун Мальтуснинг "*Нуфуз қонуни*" ни эслатади. Агар бартер иқтисодиёти кўзда тутилса, бунда пул фақат ҳисоб бирлиги бўлади, унга барча талаб пулга алмаштирилиши керак бўлган товарлар қийматига тенг бўлади. Бунда эса ҳақиқатдан ортиқча ишлаб чиқариш амалда мумкин бўлмай қолади. Блаугнинг фикрича, "*Маҳсулотлар маҳсулот учун тўланади*" қонидаси ички, худди шунингдек, ташқи савдода қўлланилади бу Сэй қонунининг моҳиятидир. Шундай оддий бир ғоя иқтисодиёт оламида катта шов—шувга сабаб бўлади. Ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг ўзи даромадларини яратади ва» умумий талаб таклифга тенг бўлади, фақат айрим диспропорционалар вужудга келади, яъни айрим товарлар кўпроқ, бошқалари эса камроқ ишлаб чиқарилади. Аммо бу ҳолатдан умумий инқирозларсиз чиқиб кетилади. Барча ишлаб чиқарувчиларнинг асосий манфаати алмашув қийматида бўлса. Истемолчиларда эса бир маҳсулотнинг боқасига алмашувидир. Пул бу жараёнда вақтинча фақат воситачилик ролини ўйнайди. Охир — оқибатда маҳсулотларга маҳсулот билан ҳақ, тўланади. Бундан яна бир хулоса чиқадики, унда ҳар бир ишлаб чиқарувчи барча ишлаб

чиқарувчилар ютуғидан манфаатдордир. Агар аввалги ҳолатда меҳнат ва капитал ўртасидаги қарама қаршиликлар ечилган бўлса, энди "манфаатлар гармонияси" барча капиталистларга, шаҳар ва қишлоқлар ва ҳатто бутун мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга ҳам тегишлидир. Сэйнинг бу қонунида протекционализмга қарши фикр билдирилади, чунки бу сиёғат чет эл маҳсулотларини келтириш, яъни импорт ва ички товарларни сотишга тўсиқдир. Тўла савдо эркинлигини ҳам стихияли тартибга солинувчи капиталистик ишлаб чиқариш Сэйнинг асосий ғоясидир.

Сэйнинг "бозорлар назарияси" кўп мунозараларга сабаб бўлди, ҳақиқатдан ҳам ибтидоий даврда алмашув натурал ҳолда бўлиб борилган, яъни маҳсулот бошқа маҳсулотга маълум нисбатда алмаштирилган, унда харид қилиш ва сотиш жараёнлари албатта, мос келган. Аммо энг оддий товар муомаласида ёки харид қилиш сотишга ҳамонг бўлиши шарт бўлмай қолади, товарни сотган одам дарҳол бошқа товар харид қилмаслиги ҳам мумкин бўлиб қолади. Сотиш ва харид қилиш вақт ва макон жиҳатдан ажралиб туради, шу тўғрисида инқирозларга абстракт имконият тугатади, Капитализм даврида бу имконият ҳақиқатга айланиб қолди. Дастлабки кучли иқтисодий кризис 1825 йилда рўй берди ва доим маълум қонуниятлар асосида такрорланиб турибди.

Ҳозирги даврда ҳам бу масала бўйича иқтисодчилар ўртасида неоклассик йўналиш билан қийинчилик тарафдорлари ўртасида мунозара давом этмоқда.

Сэй қонуни"нинг ижобий томони шундаки, унга кўра капитализм ўз ривожидан давомида ўзига -ўзи бозор яратади, келажакда бор жамият деб қаралади ва Сисмондининг капитализм ривожига қарши фикрини инкор этади. Реализация муаммосини ҳал этишда "Учинчи шахслар"га эҳтиёж қолмайди. Сэй аргументларига асосланиб, буржуазия демократик давлат аппаратини қисқартириш, савдо ва соҳибкорлик эркинликлари тўғрисида прогрессив ғоялар илгари сурилди.

Инглиз иқтисодчиси Томас Роберт Мальтус демография муаммолари тўғрисида биринчилардан бўлиб фикр юритган бўлмаса — да, "Нуфус назарияси"ни илк бор у яратди. Бу муаммо бўйича барча мунозараларда унинг номи биринчилардан тилга олинади. Масалан, Аристотел (м. а.

384—322) "Сиёсат" асарида аҳолиси кам сонли мамлакатни идеал давлат деб ҳисобланган, чунки шундай социал гармония бўладики аҳоли меъёрдан кўп бўлса, ижтимоий зиддият келиб чиқади. У никоҳ тўқрисида қонун таклиф этган, унда эркакларга 37 ёшли аёлларга 18 ёшгача фарзанд кўриш тақиқланган, 3 чи аҳоли кўплиги ер етишмаслиги олиб келади ва у қашшоқликка маҳкум этилади.

Ф. Кенэ (1694-1774) "Аҳоли" (1756 й) мақоласида инсонлар "бойлик" манбаи эканлигини анча яқин фикрларни илгари суради. "Мамлакатнинг буюклиги унинг аҳолиси билан", деган эди у. Аҳоли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, одамлар меҳнатидан фойдаланиш масалалари давлатнинг бош иқтисодий сиёсати объекти бўлиши керак. Бу фикр А. Смит томонидан ривожлантирилди.

Петти ҳам аҳолини айниқса, унинг меҳнат қиладиган қисмини шулуғлаган, бойлик яратувчи деб ҳисоблаган, 1 чи бўлиб "инсоний капитал" тушунчасини киритган.

Т. Р. Мальтус (1766—1834) дворян оиласида туғилди, 1788 йил Кембридж университетини битиргач, қишлоқ, рухонийси сифатида ишлай бошлади, илоҳиёт фанидан илмий даражага эга бўлди. 1807 йилдан бошлаб "Ост — Инд" компанияси коллежида сиёсий иқтисод профессори лавозимида лекциялар ўқиди.

Давлатга сазовор томони шундаки, Мальтус анча кеч, 39 ёшида турмуш қурди, 3 ўғил ва 1 қиз отаси бўлди. Таниқли иқтисодчи Д. Юм ва бошшқалар билан дўст бўлган. Унинг асосий асарлари: "Аҳоли нуфуси қонуни тўғрисидаги тажриба" (1798), "Ер рентасининг табиати ва ўсиши тўғрисидаги тажриба" (1815) "Сиёсий иқтисод принциплари". Бу асар унинг дўсти Д. Рикардонинг "Сиёсий иқтисоднинг бошланиши" асаридан 3 йил кейин чивдан бўлиб, назарий услубий жиҳатдан ундан кескин фарқ қилмайди. Бу асар Мальтус лендлорлар манфаатини ҳимоя қиладди, аммо ер эгалари ва капиталист фабрикантларишг манфаатлари мос келса ва ишчиларига қарши қўйилса, уларнинг иккаласини қўллаб — қувватлади, ҳукмрон синфларни оқлади, омманинг оч—яланючида ва оғир аҳволида уларнинг ҳеч қандай айби йўқлигини исботламоқчи бўлди, Мавжуд

тизимни такомиллаштириш кераклигини у хаёлига ҳам келтирмади, буни ўзига хос утопия деб ҳисоблади.

У *тадқиқот предмети* сифатида аввало, ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш йўли билан жамиятнинг моддий бойлигини янада кўпайтириш масаласи қаралади. Шу билан бирга, 1 чи марта иқтисодий ўсиш муаммоси аҳолининг ўсиш билан боғлашга ҳаракат қилинган. Аввалги тадқиқотларда аҳоли ўсиши ўз —ўзидан миллий хўжалик ривожига олиб келиши масаласи қўйилган бўлса, бу олим ўзига хос равишда ёндашади.

Тадқиқот усулида иқтисодий либерализм кондепциясини тан олган ҳолда, иқтисодий ўсиш суръатлари билан аҳоли сони ўртасида ўзаро алок.адорликни илмий жихатдан исботлашга ўринининг ўзига хос йўллари мавжуддир.

Аҳоли нуфузи назарияси Мальтус тарихий манбаларга асосланиб, инсониятнинг нихоятда тез ўсганлигини исботлашга уринди. Бу ўсиш тирикчилик воситалари, камчиликлар, касалликлар, урушлар, чакалоқларни ўлдириш, тишлишни ихтиёрий тартибга солиш йўли билан секинлаштирилмаганда аҳвол бундан ҳам ёмон бўлар экан.

М, Табиат билан ҳамоҳанг ўсимлик ва ҳайвонларнинг чексиз кўпайиши ва яшаш учун керакли маблағлар ўсиши йўналишларини тадқиқ этади. Агар инсонлар ҳар 25 йилда 2 марта кўпайиб, геометрик прогрессия асосида кўпайиб борса ($1 \rightarrow 2 \rightarrow 4, 8, 16, \dots$), тирикчилик воситалари энг кулай шароитларда ҳам арифметик прогрессия асосидагина кўпайиши мумкин ($1, 2, 3, 4, \dots$).

Бундай шароитда 200 йилдан сўнг аҳоли сонининг тирикчилик воситаларига нисоати $256:9$ 300 йилдан сўнг эса $40096:13$ бўлади. Т. Р Мальтус "Нуфуз қонуни"нинг математик ифодаси.

Аҳолининг ўсиши	Геометрик	1, 2, 4, 16, 32, 64, 128
Тирикчилик воситаларининг	Арифметик прогрессия	1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.
200 йилдан сўнг	Аҳолининг ўсиши	Тирикчилик

300 йилдан сўнг	Аҳолининг ўсиши	Тирикчилик воситалари
	9096 марта	13 марта

Д-Тирикчилик воситаларига нисбатан доимо тезроқ кўпайишга интиқил "аҳолининг нуфуз қонуни"дир, бу қонун жамият пайдо бўлгандан буён мавжуд бўлиб, ва қудратли ҳаракатдир. Аҳолининг зарурат туфайли очлик, яланғочлик ва қирилишга маҳкум этилган. М. нинг фикрича қашшоқликнинг асосий ва доимий сабаби бошқариш тарзи ёки мулкнинг нотекис тақсимланишига ҳеч ҳам боғлиқ эмас; бу жараён "табиий қонунлар ва инсоний ҳирс"табиатнинг ночорлиги ва инсониятнинг фавқулодда тез кўпайиши билан боғлиқдир.

Шу сабабли халқ ўз азоб-уқубатлари учун ўзини ўзи айблаши керак марказий ғояси, яъни аҳоли сони ўсиш суръатларининг фаронлигига таъсифи асосан тўғри ва долзарбдир. Аммо олим томонидан берилган прогнозлар бахтимизга нормал бўлиб чиқади. Ҳар 20 — 25 йилда аҳолининг 2 марта кўпайиши инсониятни тўла маҳкум этиши керак эди.

М. "доктринаси аввало, услубий жиҳатдан хато эди, чунки ҳеч қандай исботсиз табиат қонунлари жамият ҳаётида қўлланилади, ваҳоланки инсонлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фарқли улароқ фақат истеъмол қилмайдилар, балки ўзлари ишлаб чиқарадилар ва тирикчилик воситасини - кўпайтириш имкониятига эгадирлар. Бундан ташқари М. ўзи очган қонунни абадий деб эълон қилади. Аслида эса капитализм даврида ортиқча ишчи ҳисобига аҳолининг нисбий ортиқчалиги юзага келади, бу ерда аҳолининг нисбий ортиқчалиги аҳолининг абсолют ортиқчалиги деб кўрсатилган.

М. Прогрессиялари эса статистик ва Амалий материалларни очикдан очик сохталаштиришдир. Унда берилган маълумотлар АҚШ нинг XVI — XVIII асрларидаги аҳоли ўсишига нисбатан сифатида келтирилади, бу мамлакат аҳолисининг асосан Европа аҳолисининг эмиграцияси ҳисобига кўпайганлиги ҳақидаги "арзимас" факт эса ҳисобга олинмаган.

М. ўз фикрини "исботлаш" учун "тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши" назариясидан фойдаланади. Бу назарияга кўра, ерга сарфланган қўшимча капитал гўёки махсулотни

пропорционал тарзда имкон бермас эмиш, бинобарин одамлар ўзларини озиқ-овкат ва бошқа товарларга бўлган эҳтиёжларини қондирадиган маҳсулотларни тўла олмайдилар. Демак бу "қонун ҳам назария, ҳам амалиёт томонидан инкор қилинади.

"Кўк инқилоб" 1960 йилларнинг охирларида пайдо бўлди, у қишлоқ хўжалиги илмий—техника тарақиётини қўллаш йўли дан унинг маҳсулдорлигини оширишни англатади. Бу жараён 1950 йилларнинг ўрталарида донниг юқори ҳосили гибрид навлари кашф қилиниши билан боғлиқ.

Бир қанча мамлакатлар "кўк инқилоб" дан фойдаланиб анча катта ютуқларни қўлга киритдилар. Масалан, Ҳиндистон 70 йилларнинг охирги ва 80 -йилларнинг бошида ўзини—ўзи дон билан таъминлашга эришди. Бу ерда 1976 йилда 120 миллион тонна дон олинди, 1989 йилда эса 200 миллион тоннага яқин дон олинди, шундан 165 миллион тоннаси гуруч ва буғдойдир. **Қиймат ва** даромад назарияси.

М. иқтисодиётнинг бошқа бир қанча масалалари бўйича ҳам ўз фикрларини беради, унинг айниқса, қиймат, даромад, фойда ва реализация бўйича риоялари диққатга сазовордир. М. бу масалаларни ҳал этишда Д. Рикардонинг ғояларига қарши чиқади ва бунда А. Смитдан фойдаланди. Смитнинг фикрича, товарни сотиб олиш учун сарфланган меҳнат, уни ишлаб чиқариш меҳнатиغا тенгдир. М. фикрича, товарлардаги меҳнат миқдори уни ишлаб чиқариш харажатларидан иборат бўлиб, бу кўрсаткич тирик ва жонсиз меҳнат плюс авансланган капиталга фойдадан жамланади. Бунда қийматнинг ҳосил бўлиши, ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига кўчирилади, истеъмол қиймати эса алмашув қиймати билан қоришиб юборилади. Шундай қилиб, аслида меркантилизм ғояларига қайтиш рўй беради, қийматнинг ҳосил бўлишида меҳнатнинг роли 2 чи даражали қалиб кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари концепциясидан реализация назарияси ҳам келиб чиқади ва унда жамиятда ер эғалиги, руҳоний, чиновник, солдат ва бошқа шахсларнинг борлиги аниқланади. Аслини олганда унда инқирозлар муаммоси изоҳланиб, "3 чи шахслар назарияси юзага келади, ундан шуни тушуниш мумкинки, капиталист ва ишчилар ишлаб чиқарган

хамма товарларни сотиб олишга қодир эмаслар, чунки қийматнинг таърифига кўра жами иш ҳақи ишлаб чиқарилган барча маҳсулотнинг қийматидан фойда миқдорида қамдир.

Ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш чегаралари мавжуд эмас, дейди М. ортиқча ишлаб чиқариш тўғрисида фикр юритиб, бу жараён умумий бўлиши ёки иқтисодийнинг айрим тармоқларида парламент ё вақтинча бўлиши мумкинлигини айтилади. Охир-оқибат шуни айтиш мумкинки, Д.Рекардо ва бошқа классик мактаблардан фарқли равишда, Т. М. бўйича нафақат хусусий, балки умумий инқирозлар бўлиши башорат қилинади. Аммо барча инқирозлар вақтинча бўлиб, улар ўткинчи деб қаралади.

М. ғояларидаги бу илмий чалкашликларга қарамасдан, унда бир қанча ижобий фикрлар мавжуд. Ҳозирги даврда ривожланаётган мамлакатлардаги оғир аҳволни тушунтиришда бу олимнинг қарашлари тўғри келади. Айниқса Корея Республикаси ривожига хусусиятлидир. Агар бу ерда 1950 — 60 йилларда аҳолининг ўсиши 3% ни ташкил этган пайтда иқтисодий ривожланиш паст бўлган бўлса, 90 йилларда аҳолининг ўсиши 1% га тушган пайтга келиб иқтисодий ўсиш кескин ошди.

М. нинг "Нуфуз назарияси" XIX асрда жуда кенг тарқалди ва машҳур бўлиб кетди. Ҳозирги даврда ҳам янги замонавий мальтусчилар Г. Бутул, Чемберлен, П. Эрлих, Фогтлар М. нинг "2 прогрессия" тўғрисидаги дастлабки қарашларини биров ўзгартириб, "аҳолининг қариб бориши", "аҳолининг энг маҳбул миқдори", "қимматли ва арзон" кишилар каби турли - туман ғояларини илгари сурмоқдалар. XXI аср бошида планетамизда 6 млрд. дан ортиқ аҳоли истиқомат Дилмоеда ва бу кўрсаткич тобора ортиб бормоқда. Энг муҳим ва аянчали томони шундаки, қам ривожланган ва қолоқ. Давлатларда ўсиш тез бўлиб, аҳолининг 75 % шу давлатларга тўғри келади. Шунинг учун демография муаммоси ҳозирда ҳам ниҳоятда долзарбдир. Бугунги кунда бу муаммони ҳал қилиш мақсадида ҳатто оилани режалаштириш чора—тадбирлари таклиф қилишмоқда,

XIX асрнинг 40 — 50 йилларида француз ва халқаро ишбилармонлар орасида Ф. Бастианинг (1801 -1850) номи ва унинг қарашлари кенг оммалашди. У бой ишбилармон оиласида туғилди. Б.

40 - йиллар бир канча памфлетлар чиқариб, уларда эркин савдо фойдасига протекционизмни инкор этувчи, вино ишлаб чиқарувчи мафаатини ҳимоя қилувчи, социалистик ғояларга қарши бўлган қарашларни тарғиб этди.

Ф, Б нинг энг асосий ғояси жамиятдаги антагонизмнинг мавжудлигини инкор этишдир. Унингча ўша даврдаги жамият дунёдаги "энг гўзал мукамал, мустаҳкам бутун жаҳон асоциацияларидандир. Барча қонуний манфаатлар уйғунлашгандир". Ф. Бастиа 1850 йилда **"Иқтисодий** гармониялар" китобини чоп этди. Унда у гармониянинг асосини алмашув ва соф, ҳеч нарса билан чекланмаган рақобатда кўради. Ф. Б. ўз ғоясини исботлашда Сэйнинг фикридан фойдаланган бўлиб, хизматлар назарияси бунга мос келади, яъни алмашув, харид—савдо ўзаро тенг "хизматлар"ни алмашиш демакдир. Сэй бўйича бу хизматлар нафақат одамлар, балки буюмлар ва табиат кучлари томонидан кўрсатилса ҳам, Б. жамият ҳаётининг қандай соҳасида бўлмасин, фақат шахсий хизматларни устун қўяди.

«Хизмат» деганда ишлаб чиқариш давомида реал, меҳнат сарфигина эмас, балки шу хизматдан фойда келтирувчи ҳар қандай ҳаракат, фаолият ва куч тушунилади. Бундан шу нарса аниқ бўлиб қоладики, қиммат яратишда ишлаб чиқаришга фақат ишчилар эмас, балки капиталист ва эгалари ҳам катта "хизмат" кўрсатадилар

Меҳнат ва капитал ўртасидаги уйғунлик, яъни гармонияни янада тўлароқ исботлаш мақсадида ўзининг капитал жамғарилиши "қонуни" ни яратди ва унда Рекардонинг фойда ва иш ҳақининг бир —бирига қарама қарши эканлиги тўғрисидаги таълимотни инкор этишга ҳаракат қилди. Ф. Б нинг бу "қонуни" га кўра, меҳнат ва капитал мафаатлари олий даражада ҳамоҳангдир. Оқибатда капиталистнинг фойдаси ва ишчининг маоши бир вақтда ва бир микдорда ошиб боради, ҳатто ишчиларнинг ҳиссаси капиталистларникидан тезроқ ўсар экан, демак, оқибатда капиталистнинг фойдаси нибатан камаяди. У бу фикрни исботлашга уриниб ҳам ўтирмайди. Унинг фойда меъёр ва капиталистларнинг миллий даромадига ҳисса масалаларини қориштириб юборган.

Ф. Б ўзининг бу назарияси ёрдамида капиталистлар ва ер эгалари ўртасидаги қарама —қаршиликларини ҳал этади. У ер рентасини ер эгасининг

ёки унинг ота—боболарининг шу ерни ишлаш ва яхшилаш хизмати учун берилган мукофот деб ҳисоблайди. Бундай изоҳлаш ер рентасининг иқтисодий тоифа сифатидаги хусусиятини инкор этади, унинг фойдадан ҳеч қандай фарқи қолмайди. Ишланмаган ерлардан олинадиган рента умуман бу чизмага мос келмайди.

Демак, Б нинг фикри бўйича ўша даврдаги буржуа жамияти турли синфлар ўртасидаги ўз хизматлари билан алмашиб турувчи "уйғунлашган ҳамкорлик" жамияти тарзида намоён бўлади. Иқтисодий эркинлик бу хизматлар алмашувининг айтади, чунки бу ерларда қишлоқ хўжалиги ва саноат табиий ҳолда уйғунлашган. Шуларни ҳисобга олиб, Кэрри Буюк Британиянинг саноат ва мустамлакачилик монополиясига қатъий қарши чиқди, бошқа давлатларини аграр хом ашё манбаига айлантириш сиёсатини инкор қилади ва шу мақсадда протекционизми кенг қўллаш керак дейди. Шуниси қизиқки, буржуазия мафаатларини ҳимоя қилиб, гоҳида фритредерлик, баъзида протекционизм "уйқунлик" нинг доимий шарти деб эълон қилинаверади. Насриддин Афанди айтганидек : "Хохланг унисини, хохланг бунисини олинг. Классик мактаб ғояларини бойитишга Англияда Н. Сениор Францияда Ф. Бастиа, АҚШ да Г. Кэри Германияда тарихий мактаб намояндалари катта ҳисса қўшдилар. Булар ичида Н.Сениор алоҳида ўрин эгаллайди.

Нассау Вильям Сениор (1790—1864) Лондондаги машҳур Оксфорд университетиянинг сиёсий иқтисод кафедраси профессори, "тийилад" ва "сўнгги соат" назарияларининг муаллифи сифатида машҳур бўлди.

Н. Сениор ғоялари "Сиёсий иқтисод фани очерклари " (1836) ва "Фабрика қонунчилиги тўғрисидаги хатлар" да баён этилган.

У ўзининг қиймат назариясида қийматни баҳо билан бир нарса деб ҳисоблайди ва қиймат талаб билан тақлифга боғлиқ, дейди. У меҳнат билан бир қаторда капиталистнинг «тийилиши» ни ҳам қийматнинг манбаи деб эълон қилади. 1. "Тийилиш назарияси". Бу назарияда Н. с капитални капиталистнинг бераётган қурбони деб ҳисоблади. Унинг таъкидлашича капиталист ўз капиталини ишлаб чиқариш соҳасига қўйганда ўзининг шахсий истеъмолидан гўё маълум давр "тийилиб" туради, меҳнат эса ўз навбатида ишчининг дам олиш ва тинчлик эвазига

қилган "қурбони" деб қабул қилинади. Шунинг учун иш ҳақи ва фойда капиталист ва ишчи берган тегишли "қурбонлар" учун баб- баравар мукофот эмиш. Н. С Рикардонинг қийматни вақти билан белгилашига қарши чиқди, унингча фойда капиталистнинг "меҳнати"дан % эса унинг сабр — қаноатидан ҳосил бўлишини кашф қилди. Н. С нинг яна бир "кашфиёти унинг", "сўнгги соат" назариясидир. Саноат тўнтарилиши ва машиналарнинг кириб келиш ига қарамасдан, ишчилар нинг иш соатлари ниҳоятда юқори бўлиб, шу сабабли XIX асрнинг 30 йилларида Англияда 10 соатлик иш куни учун кураш кучайиб кетди. Н. С эса ўша даврда мавжуд бўлган 11,5 соатлик иш кунунини қисқартиришнинг "иложсизлигини" назарий жиҳатдан асослашга уриниб шу иш кунининг 10,5 соатида сарфланган капиталнинг қиймати янгидан вужудга келади, фақат охириги *бир* соатидагина фойда яратилади, деб уқтирди. Шу сабабли иш кунунини 10 соатгача қисқартириш фойданинг йўқ, бўлиб кетишига, бу билан бирга эса ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳар қандай қизиқишнинг йўқ бўлиб кетишига олиб борган бўлар эди деб даъво қилади. Бу билан у соҳибкорларни очикдан очик ҳимоя қилади. Англияда классик мактабни бошқа тарзда изоҳловчилар орасида Жеймс Милл (1778-1836) муҳим ўринни эгаллайди. Бу олимни *Жон Сьюарт Милл* ўғли билан адаштириб юбормаслик керак, унинг иқтисодий ғоялари ҳам қуйида кўрилади. *"Риккардо мактабнинг таяаззули"*, деб ёзган эди К. Маркс, *манна шу қфимсадан бошланади* ".

Ж. Милл қиймат, иш ҳақи ва фойдани ўзига хос йўл билан талқин этди. У ишчиларнинг иш ҳақини ошириш йўлидаги иқтисодий кураши ўринсизлигини иқтисодий жиҳатдан асосламоқчи бўлади.

Ж. М капиталистнинг фойдаси билан ёлланма ишчининг қаршилиқни рад этиб, ер рентасини танқид қилган Ди.Ж.М ўзининг "Сиёсий иқтисод элементлари" (1821) асарида қийматнинг меҳнат назариясига бутунлай қарши чиқди ва қийматнинг манбаи сифатида фақатгина жонли меҳнатни эмас, балки ишлаб чиқариш воситаларида мавжуд бўлган меҳнатни ҳам ҳисобга олишни талаб қилди.

Лондон дорилфунунининг сиёсий иқтисод профессори Жон Рамсей Мак -Куллох (1789—1864) ҳам классик мактабнинг сўнгги

намояндаларидан ҳисобланади У "Сиёсий иқтисоднинг бошланиши" (1825) китобида қийматнинг меҳнат назарияси расман тан олса ҳам, аммо ишчигина эмас, шамол ҳам, буғ ҳам, кокс ҳам, машина ҳам меҳнат қилади. деган ғояни илгари сурди. Меркантилистлар каби у ҳам фойда айирбошлаш жараёнида вужудга келади, деб даъво қилди.

Агар аввалги иқтисодчилар классик мактабни турлича шарҳлашга интилган бўлсалар, XIX асрнинг 30—50 йилларида иқтисодчилар ўртасида классик мактабдан очикдан -очик алоқани узишга интилиш пайдо бўлди.

Синфий кураш кескин талашаётган шароитда ҳукумрон синфлар учун социалистлар томонидан капитализмни танқид қилиш ва ишчиларнинг ижтимоий талабларини асослаб бериш учун кўпинча фойдаланадиган қийматнинг меҳнат назарияси, Рикардонинг фойда, капиталист ва ишчиларнинг иш ҳақининг қарама - қаршилиги таълимоти ва бошқа ғоялари катта хавф туғдирар эди.

Ж. С. Миллнинг иқтисодий таълимоти.

Инглиз Жон Стюарт Милл (1806-1873) классик мактабнинг сўнги намояндаларидан бири деб қаралади. Унинг отаси Жеймс Милл (1773—1836) ҳам иқтисодчи бўлган ва ўқлининг тарбияси билан жиддий шуғулланган, оқибатда ёшлигидаёқ -дастлабки тадқиқотлари эълон қилинди. Аммо 1848 йил босиб чиқарилган "Сиёсий иқтисод асослари" китоби унга шухрат келтирди. Амалий ҳаётда Милл Ост —Индия компанияси билан боғланган эди. 1865—1868 йиллар парламент аъзоси бўлган Сўнги йилларда Франциянинг Авион шаҳрида яшаб ижод этди.

Тадқиқот предметида Д. Рикардо ғояларига яқин туради ва бирини ўринда "ишлаб чиқариш қонунлари" ни қўяди, бу масалани "Тақсимот қонунлари"га қарама—қарши деб билади.

Тадқиқот усулида пулнинг нейтраллик" концепциясига амал қилади, аммо пулнинг миқдорий назариясини ҳам қўллайди. Бойлик тўғрисида анча содда фикрда бўлиб, бойлик бу бозорларда сотиб олинадиган ва сотиладиган нарсаларнинг суммаси сифатида қаралади. Бу олимнинг услубиятида ишлаб чиқариш қонунларини 2) тақсимот қонунларига қарши қўйиш хусусиятлидир. Биринчилари ўзгармас бўлиб, техник шароитлари билан белгиланади, бу

"физик ҳақиқатлар" кабидир, улар "табiiй фанлар хусусиятлари" тавсифига эга, уларда инсон иродасига боғлиқ ҳеч нарса йўқ. Иккинчилари эса, уларни "инсон интуицияси" бошқаргани сабабли, айрим мамлакатлар ва даврларда жамиятни бошқарадиганларнинг фикри ва хоҳишига боғлиқ бўлиб, ниҳоятда турлича бўлади. "Мазкур жамият қонун ва урф—одатлар" тақсимот қонунларига бевосита таъсир этади ва "жамиятдаги асосий 3 синфлар" ўртасида даромадларнинг тақсимои шахслар ўртасидаги тақсимои белгилаб беради. Олимнинг тадқиқотларида "статиска" ва "динамика" тушунчалари киритилади,

Аммо М. Блаугнинг фикрича, Мил "динамика" тарихий ўзгаришларни таҳлил сифатида қаралади, "статиска" деганда эса ҳозирги статиска таҳлил тушунилади. Миллатнинг *қиймат назариясида* алмашув истеъмол қийматлари", қиймат ва бошқалардан ташқари, қиймат бир вақтда барча товарларда ўсиши мумкин эмас деган хулоса чиқарилади, чунки қиймат нисбий тушунчадир.

Пул тўғрисидаги ғоясида миқдорий масала биринчи ўринга қўйилади, яъни пулнинг кўпайиши ёки камайиш товарларнинг нисбий баҳоси ўзгаришига таъсир этади. Бой модаий неъматлар фақат унумли меҳнат натижасида яратилади. Янгилик шундан иборатки, мулкни қўриқлаш малака орттиришга қаратилган меҳнат ҳам унумли деб ҳисобланиши керак, Унумли меҳнат агар у жамият ишлаб чиқариш кучларини кўпайтиришга олиб келса, унумли истеъмолга олиб келади.

Аҳолининг иқтисодиётидаги роли тўғрисида сўз юритилиб, Англияда 1821 йилдан кейин 40 йил давомида тирикчилик воситалари ишлаб чиқариш суръатлари аҳоли ўсишидан юқори бўлмаган. Бу масала Милл Мальтус билан ҳам фикрдир.

Капитал деганда "аввалги меҳнат билан обрўй тўпланган махсулотлар захира" лари тушунилади. Капитал жамғариш инвестиция учун асосий ҳисобланади ва ишсизликнинг олдини олади. Минимал иш ҳақи ғояси амал қилиб, "ишчи фонди" (доктринаси илгари сурилади, унга кўра, синфий кураш ҳам, касаба қўмиталари ҳам иш ҳақини яшаш минимуми даражасида сақлашнинг олдини ололмайди. Аммо 1869 йил бу доктрина ғояси инкор этилади ва касаба қўмиталари ҳақиқатан ҳам шу

ҳақида таъсир этади. Бу "меҳнат бозоридаги роқобат оқибатлари кабидир. Милл "минимум иш ҳақи" билан "физиологик минимум"ни фарқлайди. 1 чиси 2 чисидан юқиридир. Иш ҳақи манбаи сифатида Аллақандай "капитал захира" келтирилади.

Рента бу ердан фойдаланганлик учун тўланадиган компенсация деб қаралади. Шу билан бирга, ер участкасидан фойдаланиш шаклига қараб бу рента мавжуд бўлади ёки фойдани йўқ қилувчи харажат бўлиши мумкин.

Жамиятдаги иқтисодий ислохотлар, хусусан социализм ва социалистик қурилиш тўғрисида ҳам фикр юритилади. Жамият ижтимоий — иқтисодий ҳаётида давлат ролини фаоллаштириш масалалари қараб чиқилган, бунда давлат марказий банкининг % лари оширишга интилиши мақсадга мувофиқ деб қаралади, чунки бу хориж капиталини мамлакатга кириб келишини рағбатлантиради, миллий валюта курси мустаҳкамланади, оқибатда давлатдан олтин чиқиб кетишининг олди олинади. Давлат харажатларининг кўпайиши танқид этилади.

Эркин савдо муносабатлари қўллаш билан бирга "бозор кучсиз"айрим соҳаларда давлат аралашуви керак деб ҳисобланади.

Милл айниқса, таълим сифатига алоҳида эътибор қилади, хусусий мактаблар тарафдори, давлат имтихоналари тизимида ёмон ўқиганлар учун жарима таклиф этилади.

Бошида айтилгандек бу олим *ишлаб чиқариш қонунларини ўзгартириш* мумкин эмас, балки тақсимот қонунларини ўзгартириш керак деган ақидага амал қилади. Бу -олимнинг катта хатоси бўлиб, ишлаб чиқариш ва тақсимот бир —биридан алоҳида — алоҳида яшай олмайди; улар бир — бириларига ўзаро ва ҳар томонлама боғлиқ. Миллнинг ижтимоий ислохоти 3 позицияни ўз ичига олади:

1. Кооператив ишлаб чиқариш ассоциацияси ёрдамида ёлланма меҳнатни тугатиш;
2. Ер солиғи ёрдамида ер рентасини ижтимоийлаштириш;
3. Меросхўрлик қонунини чеклаш ёрдамида бойликнинг тенгсизлигини чеклаш.

Эквивалентлигининг гарови ҳисобланади, чунки бу эркинлик номутаносиб ҳаракатларининг олдини олади. Протекционизмни чекланмаган эркин рақобат билан алмаштириш эса социалистларнинг жамиятини мукамалроқ иқтисодий жамиятга айлантириш тўғрисидаги чақириқларига қарама—қарши қўйилади.

1775 — 85 йиллардаги мустақиллик учун Шимолий Америка ва Англия ўртасидаги курашда қозонилган ғалаба туфайли АҚШ давлати вужудга келди. АҚШ буржуазияс и инглиз буржуазиясидан анчагина фарқ қилар эди. АҚШ даги ҳукмрон синф 1865 йилгача қуллиқни сақлаб қолди ва инглиз сиёсий иқтисодига зид равишда ўз сиёсий иқтисодини яратишга тайёр эди. Бироқ АҚШ да сиёсий иқтисод классик асосда вужудга келмади. Бунинг сабаби шундаки, XIX асрнинг 20 — 30 йилларида АҚШда капитализмнинг нисбатан тез ривожланиши ишчилар ҳаракатининг вужудга келишига ва тез ўсишига сабаб бўлди.

Айни вақтда иш талашлар бўлиб турди. Сиёсий курашнинг кескинлашуви вульгар сиёсий иқтисод учун замин яратди. Шу сабабли АҚШ да юзага кела бошлаган иқтисодий фикр классик мактабга қарши чиқди. Бу ғоялар Генри Чарльз Кэрри (1793-1879) тадқиқотларида ўз аксини топди. Йирик наширнинг ўғли бўлган Г. Кэри коммерция соҳасида катта ютуқларга эришди. Бойиб олгач, йирик фабрикантга айланди ва иқтисодий тадқиқотларга киришди.

1837 — 40 йилларда унинг **"Сиёсий иқтисод принциплари"** ва 1857 — 59 йилларда **"Ижтимоий фанларнинг асослари"** номли асарлари чоп этилди. Бу асарнинг қисқача варианты 1865 йилда **"Ижтимоий фанлар учун қўлланма"** номи билан чоп этилди.

Г. Ч. Кэри инглиз сиёсий иқтисодига кескин қарши чиқиб, АҚШ капитализмини мадҳ этди. Унинг асари **"Манфаатлар уйғунлиги" (1872)** китобидир- Г. Кэрининг қарашлари Англияга қарши руҳда эди. У Рикардонинг таълимоти ва Мальтус ақидаларини рад қилди,

Г. Кэри ҳамма иқтисодий тоифаларни таърифлаб беришга интилди. У қийматни инсоннинг табиатга ҳукумронлиги ўлчови деб, предметга эга бўлиш учун бартараф қилиш зарур бўлган қарши ҳаракат деб таъриф беради. У нархни предметнинг ўзини айирбошлаш эвазига

пул олиш қобилияти деб ҳисоблади. Капитал одамларнинг табиат кучларини бошқариш имкониятини олишларида ёрдам берадиган буюм ёки курол деб тушунади. Г. К. Д. Р нинг ер рентаси назариясини танқид қилиб, уни кураш назарияси, деб ҳисоблади ва Рикардони "коммунизм отаси" деб, унга хуруж қилди.

Г. К нинг ўзи эса рентани ер эгаларининг меҳнати учун мукофот деб ҳисоблаб, уни % билан айнан бир нарса деб тушунди. Кэрнинг иқтисодий таълимотида буржуа жамиятида "барчанинг ва ҳақиқий манфаатларининг тўла -тўқис уйғунлиги" мавжудлигини исботламоқчи бўлди. Г. Кэри пролетариат билан буржуазия манфаатларининг бир хиллигини гўё капиталистик жамиятда меҳнат унумдорлиги ошиши билан иш ҳақи ҳам ошиб бораверади, шунинг натижасида ишчи билан капиталистик билан иқтисодий аҳволидаги тафовут аста —секин камаяди, деган қоида билан асосламоқчи бўлди.

Г. К капиталистик жамиятда аҳолининг нисбий кўпайиши ва эксплуатация кучайиши фактларини мутлақо инкор қилиб, ишчилар синфи фаровонлигининг ошиб бориши техника таракқиёти билан боғлиқ деди.

XIX асрда К нинг қарашлари, унинг антагонистик жамиятдаги манфаатлар уйғунлиги назарияси кўпчиликка маълум бўлиб, -буржуазия сиёсий иқтисодини вульгарлаштиришга катта таъсир кўрсатди. "Манфаатлар уйғунлиги" назариясининг асосий қоидаларини ҳозирги замон сиёсий иқтисоди қайтадан тикламоқда.

Г. К юқорида биз баён этган капиталистик муносабатларнинг бекаму—кўстлиги, синфий манфаатларининг ҳамоҳанглиги ва бошқа "уйғунликлар" тўғрисида кўп ёзади. Протекционизм сиёсати ҳам ҳимоя қилинди, чунки АҚШ ҳали ёш давлат сифатида саноати пастлиги туфайли унга муҳтож эди, чунки Англия саноати билан очик рақобатда енгиши қийин бўлган. Кэрнинг фикрича, Рикардонинг тизимида душманлик руҳи бўлиб, миллат, синф, ижтимоий гуруҳлар ўртасида уруш келтириб чиқаради.

Кэрнинг "Манфаатлар уйғунлиги назарияси" асосида унинг "таксимот қонуни" ётади, унга кўра меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан

ишчилар ҳиссаси абсолют ва нисбий жиҳатдан ўша капиталистларники эса аксинча пасаяди. Шундай йўл билан меҳнат ва капитал ўртасидаги антогонизм йўқ қилинди.

Г. К нинг ғояси бўйича товарнинг қиймати унинг ишлаб чиқаришга амалий меҳнат миқдори билан эмас, балки маълум шароитда сарфланган - ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади. Бу эса, Г. К бўйича капиталнинг қиймати пасайишига олиб келади. Ишлаб чиқариш воситалари капитал билан бир деб қаралади. Оқибатда % ҳам, капитал эгаси оладиган маҳсулот ҳиссаси ҳам пасаяди, шунга мос равишда меҳнат қиммати ва унинг маҳсулотдаги ҳиссаси олиб боради.

Кэрри капиталист ва ер эгаси "манфаатлари уйғунлиги" ни исботлаб беришга интилни. Бу ҳам у Рикардога қарши чиқди, айниқса, унумдорлиги паст ерларни ишга тушуришга моънелик билдиради, Кэри Бастиа каби рентани аслида капиталга % шакли сифатида қарайди, деҳқончилик хусусиятларини инкор этади.

Кэри "миллатлар уйғунлиги" ҳақида гапириб, жаҳон ишлаб чиқаришини маҳаллий марказларга тақсимлаш зарурлигини А. Смит ва Д. Рикардо Англия классик иқтисодиётининг энг буюк ва энг сўнгги намояндалари эдилар. Уларнинг ғоялари Сэй, Сисмоди Бастиа, Сисмонди Сениор, Кэри ва қисман Мальтус томонидан давом эттирилади, аммо бу ғояларга катта бирор янгилик киритилмади. Агар классик мактаб ғоялари Англия ва Францияда қўллаб — қувватланиб прогрессив рол ўйнаган бўлса, феодал муносабатлари ҳали устун, капиталистик ривожланиш эндигина ривожланаётган давлатларда бу ғоялар таъсири тобора ортиб боради. Маълумотларга кўра Испанияда Смитнинг китоби дастлаб инквизиция томонидан таъқиқланган. Германияда эса реакцион профессрлар уни тан олишни исташмаган. Ундан кейинги иқтисодчилар илмий бўлмаган алологетик мақсадларни қўйдилар. Мантикий абстракция услуби ёрдамида иқтисодий воқеалар ва жараёнлар моҳиятига етиш учун ҳаракт қилинди. Классиклар Классик иқтисодий мактаб учун шу нарса хусусиятлики, унда мулоҳазаларининг асосида инсон хохишига боғлиқ бўлмаган объектив иқтисодий қонунлар мавжудлиги тўғрисидаги тушунчалар ётар эди. Шу

сабабли таълимот аъзолари давлатнинг иқтисодиётини, савдони ҳар қандай чеклашларига доимо қарши бўладилар,

Классик иқтисодиётнинг пойдевори қийматнинг меҳнат назарияси асосига қурилган. Ижтимоий капиталнинг такрор ишлаб чиқариш механизмини тадқиқ қилишда муғим ютуқлар қўлга киритилади. Классиклар асосий иқтисодий муаммо сифатида капитал жамғарилишини илгари сурдилар ва у билан боғлиқ бўлган зиддиятларни етарлича баҳолай олмадилар, умумий ортиқча ишлаб чиқариш инқирозлари бўлиши мумкин эканлигини инкор этадилар. Бу олимлар ҳақида гап борганда уларни одатда сиёсий иқтисод асосчилари деб кўрсатилади. Аммо бу бора Монкретен томонидан 1 чи бор қўлланган (1615) ва сиёсий иқтисодга Кантилоннинг "Эссе" асарида, Ф. Кэне мақолаларида, Тюргоннинг китобларида асос солинганини айтиб ўтиш керак.

А. Смит ўз асарида иқтисодиёт фанини ҳар томонлама тўла -таҳлили этиб, ҳозирги давр тили билан айтилганда, бозор иқтисодиёти ва унинг амал қилиш тамойилларини тўғри кўрсатиб берди.

1. Танлов ва тадбиркорлик эркинлиги;
2. Баҳоларнинг эркинлиги;
3. Эркин рақобат;
4. Мулк шаклларининг турли — туманлиги ва уларнинг қонун олдида барабарлиги, хусусий мулк афзаллиги;
5. Давлатнинг имкони борица иқтисодиёт масалаларига кам аралашуви ва бошқалар.

Уларда бозор тизими капитализмнинг асосий фалсафасига айланиб қолади. Фақат шуни эслатиб ўтмоқчимизки, социалистик ривожланиш ғояларининг муаллифлари социалистик деб аталган давлат классик иқтисодий мактабнинг бир қанча муҳим тамойилларини инкор этиб, катта хатога йўл қўйганликларини тарихда исботланди.

Шуниси хусусиятлики, Смитнинг бош асари ёзилган 1776 йилда АҚШ да "**Мустақиллик** декларацияси" ҳам эълон қилинди. Бу иккала ҳужжатнинг қай бири кўпроқ аҳамиятга эга, деган саволга жавоб бериш кийин, чунки "Декларация" "Ҳаёт, Эркинлик ва Бахтга интилиш" билан

боғлиқ жамиятни барпо қилишга чақириб турса, "Халқлар бойлиги, асари бу жамият қандай ишлаши ва яшаши кераклигини тушунтириб берди, демак, икала хужжат ҳам бир —бирини мантиқан тўлдирди. Смит эркин бозорнинг ижобий томонлари билан бирга унинг айрим нуқсонларини ҳам кўрсатиб берди. "Кўринмас қўл" ҳар доим ҳам бекаму кўст ишлай олмайди, масалан, бозор тизими жамиятга умумий ҳолда сотиладиган ва сотиб олиниши мумкин бўлмаган миллий хавфсизлик ёки қонунийлик жамият осойишталиги ва барқарорлигини таъминлаб беришга қодир эмас. Бозор иқтисодий эркинликнинг энг олий тимсоли бўлгани ҳолда иқтисодиётнинг энг қатъий назоратчиси ҳамдир. Масалан, қаердадир баҳо, иш ҳақи ёки маълум мўътадил даражадан ошиб кетса, рақобат кучи уларни сиқиб чиқаради ёки бшқача қилиб айтганда, қиролдан илтифот ёки марҳамат сўраш мумкин, аммо бозор шавқатсиздир,

«Табиий **эркинлик**». Бозор табиий ривожланиш асосида тобора ўсиб боради, бунда халқнинг фаровонлиги доимо юксалади. Бу ўсишнинг асоси нима? Бунинг бош сабаби рағбатлантирувчи кучлардир, ҳар кимнинг ўз шароитини яхшилашга интилиши, фойда кетидан қувиш, пул қилиш истаги пировард натижа ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз капиталини, корхона бойлигини доимо оширишга интилади, бу эса ҳар бир ишлаб чиқарувчини кўпроқ фойда олиш илинжида товарларни сотиш имкониятларини излашга мажбур қилади.

Ҳозирги даврда классик мактаб асосида неоклассик қарашлар мавжуд бўлиб, ўша даврдаги сиёсий ғоялар сақланган ҳолда уларнинг айрим томонлари замонга мос равишда тўлдирилади.

Хулоса

Классик мактаб ривожининг бу босқичида Д. Рикардо, Ж. Б. Сэй. Т. Мальтус ва бошқаларнинг ғоялари муҳимдир.

Рикардо Смитдан кейин яшаганлиги сабабли фабрика аҳамиятни тўғри тушунди. Классик ғояларни тўла қўллаган ҳолда, унинг ўзига хос фикрлари мавжуд. Масалан, рента назарияси ҳозиргача аҳамиятини йўқотмаган. Унинг меҳнат тақсимооти ва ташқи иқтисодий

алоқалар ғояси нисбий афзаллик тамойилига унумдорлигининг пасайиб бориши " назариясига олиб келади. Ўз ғояларига тескари "3 чи шахслар назарияси вужудга келди, ишлаб чиқармайдиган синфлар равнақ асоси қилиб кўрсатилади. Кўпчилик олимлар протекционизмни инкор этиб, фритредерликни таклиф этишса баъзан бутунлай тескари фикр ҳам билдирилади. Капитализмнинг бекаму — кўстлиги ҳақида кўп қайғурилади, ваҳоланки бу иллатлар шундоқгина кўриниб турибди.

Шу даврда иқтисодиётда математик усуллар ишлаб чиқилди, бу усуллар айниқса, ҳозирги давр иқтисодиётида етакчи рол ўйнамоқда.

Асосий тушунча ва иборалар:

1. Сэй "бозорлар қонуни" ёки "сотиш" назарияси- "маҳсулотлар маҳсулот учун тўланади" қонидасининг ички, худди шунингдек ташқи савдода қўлланилиши— бу Сэй қонунининг моҳиятидир.
2. "Даромадлар назарияси" -фойданинг изоҳланиши, яъни "меҳнат омили "ишчилар учун фойдали, "ер" омили эса ер эгаси учун рента даромадларини юзага келтиради.
3. "Учинчи шахслар" назарияси— капиталист ва ишчилар ишлаб чиқарган ҳамма товарларни сотиб олишга қодир эмаслар, чунки қийматнинг таърифига кўра жами иш ҳақининг ишлаб чиқарган барча маҳсулотнинг қийматидан фойда миқдорида камдир. Бу ҳолатдан чиқиш йўли жамиятда ишлаб чиқармайдиган синфлар яъни шахслар" борлигидир, ортиқча маҳсулотлар улар томонидан сотиб олинади.
4. "Тийилиш назарияси" - бу назарияда капитал капиталистнинг бераётган "қурбони ҳисобланади. Капиталист ўз капиталини ишлаб чиқариш соҳасига қўйганда ўзининг шахсий истеъмолидан маълум давр "тийилиб туради, меҳнат эса ўз навбатида ишчининг дам олиш ва тинчлик эвазига қилган қурбони деб қабул қилинди.
5. Капитал. деганда "аввалги меҳнат билан илгари тўпланган маҳсулотлар захиралари" тушунилади. Капитал жамғариш

инвестиция асос ва бандликни оширади.

6. "Ишчи фонди" доктринаси—минимал иш ғоясига амал қилиниб, унга кўра синфий кураш ҳам, касаба кўмиталари ҳам иш ҳақини минимуми даражасида сақлашнинг олдини ололмайди. Амма 1869 й бу доктрина ҒОЯСИ инкор этилди.

Назорат учун саволлар.

1. Ж. Б. Сэйнинг асосий қонуни нимани билдиради?
2. Сэй фикрича инқирозлар бўлиши мумкинми?
3. Малльтуснинг асосий назарияларини изоҳлаб беринг.
4. Нима учун "учинчи шахслар" вужудга келди?
5. Сениорнинг "тийилиш" ва "сўгати соат" назариялари моҳиятини очиб беринг.
6. Бастиа ва Кэрининг иқтисодий уйғунлик ғояларида қандай умумийлик бор?
7. Ж. Милл қонунлари билан тақсимот қонунларини қандай баҳолайди ?
8. Классик мактаб ва ҳозирги замон назарияларини солиштиринг.

8 – МАВЗУ: КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБНИНГ ЯҚУНЛАНИШИ.

РЕЖА:

1. Мактабнинг ёрқин намояндаси – Ж.С.Милл.
2. ЖСМилл методологияси
3. Қиймат, баҳо ва пул.
4. Капитал ва фойда.
5. Пул, крудит ва савдо инқироzi назариялари.
6. ЖСМилл ва ижтимоий масалалар.
7. Иқтисодий тараққиёт.
8. Осойишталикни бузувчи: К.Маркс.

Фойдаланилган адабиётлар :

11. И.А.Каримов "Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон", Т.1994 й.
12. ИАКаримов "Ўзбекистон сиёсий - ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари", "Ўзбекистон", Т.1991Й.
13. Аганова Л.Р , Серёгина "История экономических учений", Москва 1999 год
14. "История экономических учений", Учебное пособие. Коллектив авторов чёюгъ, гл.1,2 . Москва, "Вьющая школа", 1983г.
15. "Иқтисодий таълимотлар тарихи". Маърузалар матни Т.1997й.
16. Улмасов А., Шарифхўжаев М, "Иқтисодиёт назарияси", "Меҳнат, Т." 1995й.
17. "История ЭКОНОМИЧНЫХ учений" Ядгаров , 1999 год. 3 переиздание.
18. Кейнс Дж.М. "Общая теория занятости, процента и денег", М.1979г.
19. "Всемирная история экономической мысли", под ред. В.Н.Черковца.
20. "Общая экономическая теория", учебник под ред. академика В.И.Видяпина.

Жон Стюард Милл (1806-1873) классик сиёсий иқтисодни яқунловчилардан бири ҳисобланади. Унинг отаси Жеймс Милл иқтисодичи, Д.Рикардонинг яқин оғайниси бўлиб, ўғлининг тарбияси билан жиддий шуғулланган. Шунинг учун Миллга 10 ёшидаёқ жаҳон тарихини, грек ва латин адабиётини кўриб чиқишга тўғри келган. 13 ёшида бир вақтнинг ўзида фалсафа, сиёсий иқтисод ва бошқа фанларни ўрганишни давом эттирган ҳолда Рим тарихини ёзиб чиқган.

Ж.С.Милл ўзининг сиёсий иқтисод бўйича биринчи “Тажриба” сени 23 ёшида, яъни 189 йил нашр этди. 1843 йили унга шухрат келтирган “Мантик тизими” номли фалсафий асари вужудга келди. Асосий асари 5 та китобдан иборат “Сиёсий иқтисоди асослари...” бўлиб, у 1848 йили чоп этилган. Ж.С.Милл бу асарда классик мактабнинг жуда кўп концепцияларини ривожлантирди ва умумлаштирди.

Нарх ўзгаришининг талаб миқдорига бўлган таъсирини (ҳозир бу йўналиш талаб эластикаси назарияси дейилади), бозор мувозанатини ўрнатиш механизмининг, кредит операцияларининг, халқаро савдо муаммоларининг, бозор иқтисодиётида давлатнинг ролини таҳлил қилиши Ж.С.Миллининг асосий илмий хизматларидан ҳисобланади.

Ж.С.Милл сиёсий иқтисодни бйликнинг моҳиятини, ишлаб чиқариш ва тақсимлаш қонунларини тадқиқот қилувчи фан сифатида таърифлайди. Шу билан бирга, унинг фикрича, тақсимот тарихий характерга эга бўлиб, ишлаб чиқариш қонунлари эса абадий ҳисобланади.

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, иқтисодий фаннинг методологиясини такомиллаштириш Ж.С.Миллнинг асосий хизмати ҳисобланади. У назарий хулосалар фақат муайян шароитда тўғри бўлишидан келиб чиққан ҳолда, ҳар қандай назарий схеманинг нисбийлигини доимо таъкидлаган ва кўп омилли таҳлилнинг зарурлигини кўрсатиб берган. Тадқиқот методи Ж.С.Миллнинг тавсиясига кўра, 2 асосий нарсга асосланади: 1) Хулоса ва яқун, одатда, фақат муайян шароитда тўғридир; 2) Улар ҳар томонлама (универсал) бўлиши мумкин эмас. Иқтисодий ҳаётда бирта эмас, балки жуда кўп сабаблар амал қилади. Уларни англаш, асосини ажратиб олиш жуда қийин, лекиншундай бўлса ҳам уларни қўшиш эмас, балки сабаб ва оқибатини бир-биридан ажрата билиш лозим.

Иқтисодий фанни ривожлантириш ва бойитиш – бу хулосаларни доимо алмаштириб туриш ҳамда схема қабул қилишда (расмий тан олинган) қўл

келмаганларини улоктириб ташлаш эмас, балки ўзгариб турувчи шароитларни ва ўзаро алоқаларнинг доимо ҳисоб-китоб (учёт) қилиб туришдир. Бу турли концепция ва қарашларни, ёндашув ва тавсияларни таққослаш, билимларнинг мерос бўлиб қолишлигини сақлаб қолишдир.

Ж.С.Милл сиёсий иқтисодни иқтисодий қонунлар тўғрисидаги фан сифатида тадқиқ этади. У рақобат қонунини, талаб ва таклиф қонунини, дифференциал рента қонунини, халқаро савдо қонунини ва бошқа бир қатор қонунларни ажратиб кўрсатиб берди. Сиёсий иқтисод тайёр қоида ёки тамойиллар йиғиндиси сифатида қаралиши мумкин эмас. Амалий қоидалар ва конкрет тавсиялар назарий қоида ва ҳулосаларга асосланган бўлиши керак улар шароит ва вазият ўзгариши билан ўзгариб турилади.

Ж.С.Милл фикри бўйича, бойик алмашув қийматга эга бўлган неъматлардан ташкил топади. “Эвазига ҳеч нима олиб бўлмайдиган нарса, у қанчалик фойдали ёки зарур бўлмасин, бойлик ҳисобланмайди... Масалан, ҳаво инсон учун мутлақ зурур ҳисоблансада, бозорда ҳеч қандай нархга эга эмас негаки уни текинга олиш мумкин”. Аммо неъматларнинг чекланганлиги ҳис қила бошланса, улар дарҳолалмашув қийматга эга бўлади. Товар қийматининг пулдаг ифодаси унинг баҳоси ҳисобланади.

Пулнинг қиймати унга сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар миқдори билан ўлчанади. “Бошқа барча шароитлар бир хил бўлганда пулнинг қиймати пул миқдорига тескари мутаносибликда ўзгаради: пул миқдорининг ҳар қанақасига кўпайиши унинг қийматини пасайтиради, пулнинг ҳар қанақасига камайиши эса унинг қийматини бир хил мутаносибликда оширади... Бу – пулнинг махсус хусусияти”. Қачонки пул механизми бузилса, фақат шундагина иқтисодиётда пулнинг аҳамияти сезила бошлайди.

Баҳо бевосита рақобат асосида ўрнатилади. Рақобат эса харидор арзон олишга, сотувчи эса қиммат сотишга интилиши сабабли келиб чиқади. Эркин рақобатда бозор баҳоси талаб ва таклиф даражасига қараб ўрнатилади. Аксинча “монополист ўз ихтёрича хоҳлаган юқори баҳони ўрнатиши мумкин, фақат у харидор сотиб олиши ёки хохиши мумкин бўлган баҳодан юқори бўлмаса бас; аммо бунда у фақат таклифни камайтириш йўли билан эришиши мумкин”.

Узоқ давр мобайнида товар баҳоси унинг ишлаб чиқариш харажатларидан паст бўлиши мумкин эмас, негаки ҳеч ким ўз зарарига ишлашни хохламайди. Шунинг учун талаб ва таклиф ўртасидаги барқарор мувозанат “қачонки буюмлар бир-бирига фақат уларнинг ишлаб чиқариш харажатларига мос равишда айрибошлангандагина ўрнатилади”.

Ж.С.Милл жамғариш натижасида вужадга келадиган меҳнат маҳсулотлари захирасини капитал деб атаган. Ишлаб чиқариш фаолияти капитал миқдори билан чегараланади. Капиталнинг ҳар бир кўпайиши ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади. Унинг фикрича, инвестициянинг асоси сифатида капиталнинг ташкил топиши иш билан бандлик доирасини кенгайтириш имкониятини беради ва агар “бойларнинг унумсиз харажатлари” ҳисобга олинмаса ишсизликка барҳам берилиши мумкин.

Аммо, Ж.С.Миллнинг таъкидлашича капиталнинг ривожланшига бошқа чекланишлар хос. Уларнинг бири – капитал даромадларининг камайишидир. Уни Ж.С.Милл капиталнинг меъёрли унумдорлигининг пасайиши сабабли келиб чиқади, деб тушунтиради. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдорини кўпайтириш ушбу миқдор эквивалентига нисбатан кўпроқ меҳнат сарфлаш эвазигагина бўлиши мумкин. Бошқача бўлиши асло мумкин эмас.

Умуман фойда тўғрисидаги саволни тушунтириб беришда Ж.С.Милл Д.Рикардо қарашларига асосланади. Ўртача фойда нормасининг вужудга келиши шунга олиб келадики, яъни фойда ишлатилаётган капиталга мутаносиб бўлади, баҳо эса – харажатларга. “Сарф-харажатлар, яъни ишлаб чиқариш харажатлар бир хил бўлган жойда фойда ҳам бир хил бўлиши учун, нарсалар бир-бирига мутаносиб тарзда ишлаб чиқариш харажатлари бўйича айрибошланиши керак; ишлаб чиқариш харажатлари бир хил бўлган нарсалар бир хил қийматга эга бўлишлари керак, шунинг учун фақатгина бир хил харажатлар бир хил даромад олиб келади”.

Ж.С.Милл ёзишича, рентага ўхшаган, махсус кўринишга эга бўлган фойда амал қилади. Гап амалда нисбатан устунликка эга бўлган ишлаб чиқарувчи ёки савдогар тўғрисида боради. Модомики, унинг рақобатчилари бундай устунликка эга эмас эка, унда “у махсулот қийматини аниқлаб берувчи ишлаб чиқариш харажатларига қараганда кам харажат сарфлаб бозрга товар чиқариши мумкин. Бунда устунликка эга бўлган киши рента олувчига ўхшаб кетади”.

Фойданинг вужудга келш сабабини Ж.С.Милл худди А.Смит ва Д.Рикардога ўхшаб, тушунтиради: “Фойда айрибошлаш натижасида эмас..., балки меҳнатнинг унумдорлик кучи натижасида вужудга келади... Агар мамлакатдаги барча меҳнаткашлар томонидан яратилган махсулот, иш ҳақи кўринишида меҳнаткашда истеъмол қиладиган махсулотдан 20% кўп бўлса, унда баҳонинг қандай бўлишидан қатъий назар, фойда 20 % ни ташкил этади”.

Пулнинг моҳиятини Ж.С.Милл пулнинг миқдорий назарияси ва фоиз назариясидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилади. У бу билан ўзини пулнинг миқдори назарияси тарафдори эканлигини кўрсатади. Бу назарияга мувофиқ пул миқдорининг кўпайиши ёки камайиши товарлар баҳосининг нисбий ўзгаришига таъсир кўрсатади. Аммо, унинг тасдиқлашича, фақат биргина пул миқдорининг кўпайиши баҳонинг ошишига олиб келмайди, агар пул захирада сақланаётган бўлса ёки агар унинг миқдорининг кўпайишига (ёки ялпи даромадга) мувофиқ келса.

Фоиз нормаси ссуда фондига бўлган талаб ва унинг таклифи билан аниқланади. Ссудага бўлган талаб инвестицияга бўлган талабдан, давлат талабидан ва унумсиз истеъмол учун ер эгалари талабидан ташкил топади. Ссуда таклифи жамғармадан, банк билетларидан ва банк депозитларидан ташкил топади. Пулнинг миқдори ўзи фоиз нормасига таъсир кўрсатмайди, аммо пул миқдорининг ўзгариши фоиз нормасининг ўзгаришига олиб келади.

Фойда нормасидан қатъий назар, ссуда фонди талаби ва таклифидаги ўзгаришлар сабабли фоиз нормаси ўзгариб турилади. Аммо мувозанат нуқтасида фоизнинг бозор нормаси капиталдан келадиغان фойда нормасига тенглашиши керак. Шунинг учун пировард натижада фоиз нормаси реал таъсир этувчи кучлар билан аниқланади.

Ж.С.Милл фоиз ставкаси миқдорини мамлакатга олтиннинг кириб келиши ва ундан чиқишини бошқариб турувчи “Юм қонуни” нинг амал қилишига боғлаб тушунтиради. Унинг кўрсатиб беришича, мамлакатга олтиннинг кириб келиши фоиз нормасини пасайтиради, агар у баҳо ошишига олиб келса ҳам. Фоиз нормаиснинг пасайиши биланок, қисқа муддатли капиталлар чет мамлакатларга оқиб ўтади, бу эса валюта курсини тенглаштиради. Шунга мувофиқ Марказий юанк ҳисоб-китоб фоизини ошириб ва бу билан бозор фоизининг ўсишига ёрдам берган ҳолда, ўз захираларини ҳимоя қиилиши мумкин. Фоиз нормасининг ўсиши хорижий капиталларни жалб қилади, ички векселларга бўлган талаб ошади,

уларни олтинга алмаштириш қулай бўлади ва валюта курсида тескари ўзгариш юз беради. Натижада унинг тенглиги келиб чиқади.

Ж.С.Миллнинг фикрича, инфляция фоиз нормасини оширади. Баҳонинг ошиши қарзнинг реал миқдорини пасайтиради ва шунинг учун дебиторларнинг фйдасига в кредиторларнинг зарарига ишлайди.

Сўнгра Ж.С.Милл кредитнинг табиати ва унинг иқтисодийдаги ролини тадқиқот қилишга ўтади. Бу ерда Ж.С.Милл ўзини А.Смит ва Д.Рикардо ғояларини оммавийлаштирувчи оддий истисно эгаси сифатида эмас, балки чуқур ўзига хос тадқиқотчи эканлигини намоён этади: “Кредит мамлакатнинг ишлаб чиқариш ресурсларини кўпайтирмайди, лекин кредит туфайли улар ишлаб чиқариш воситалари захираларсиз бажариб бўлмайди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси ўтган меҳнат, маҳсули ҳисобланади. Агар ишчилар бу нарсаларга эга бўлганда, уларда маҳсулотни бошқа биров билан бўлишига зарурат бўлмас эди. Аммо ишчиларда бу нарсалар бўлмаганлиги учун улар эквивалентнинг бир қанчасини (маҳсулотларнинг бир қисмини-муаллиф) ушбу – нарсаларга эгалик қилувчи кишиларга бериши керак”. Аммо, хусусий мулк доирасидан ер чиқариб ташланиши лозим (чунки у меҳнат маҳсули ҳисобланмайди).

Кўпчиликклассикларнинг концепциясида меҳнатнинг қиймати ишчининг ҳаёт-кечириши учун зарур бўлган нарсаларнинг қиймати билан аниқланади. Иш ҳақи талаб ва таклиф нисбатига боғлиқ ҳолда меҳнат қиймати атрофида тебраниб туради. Бу қонуннинг амал қилиши кишиларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмайди ва шунинг учун ёлланма ишчиларнинг аҳволини яхшилаш учун йўналтирилган ҳар қандай жтимоий чора тадбирлар бефойда. Ишчиларнинг аҳволини яхшилаш иқтисодийда капитал қўйилмасини кенгайтириш (меҳнатга талаб ошади), ёки аҳоли ўсишини камайтириш (меҳнат таклифи қисқаради) билан амалга оширишилиши мумкин. Ж.С.Милл дастлаб ушбу принципни ёклаб чиққан бўлсада, аммо кейинчалик ундан воз кечади.

Социалистлар ғоясининг таъсири ва тақсимот қонунларининг тарихий характерини тан олиши (тарихий бўлганидан уларни ўзгартириш мумкин), инглиз иқтисодчисини классик мактабнинг бир қатор қоидаларидан воз кечишга мажбур этди. У ижтимоий ислохотларнинг кенг дастурини илгари сурди ва ўз таклифларини билдирди. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш йўли билан ёлланма меҳнатни тугатиш. Ёлланиш, Ж.С.Милл фикрича, меҳнатга бўлган қизиқишни йўқотади. Шунинг учун капиталистик нормасини пасайтирувчи капиталнинг ортиқча қисми четга кетади; бу ерда капитал йўқолмайди, балки у янги бозорларни ташкил этиш ва четдан арзон товарларни олиб келиш учун ишлатилади. Капиталнинг бир қисми четга чиқиб кетиши фойдани ва фоиз нормасини ошириб, жамғармага бўлган янги интилишни келтириб чиқаради. Шунингдек, унинг айтишича, фойда нормасининг пасайиш тенденцияси давлат харажатларини оширишга қарши бўлган далилларни кучсизлантиради.

Кўрилатган капитал ҳаракатнинг охириги натижаси бўлиб, иқтисодий ривожланиш, муваффақият қозониш учун кураш тўхтаган пайтдаги, турфанлик ҳолат ҳисобланади. Аммо Ж.С.Милл турғунлик ҳолатга ижобий муносабатда бўлади, агар у ишлаб чиқаришнинг юқори даражасида юзага келган бўлса. “Фақат дунёдаги қолоқ мамлакатларда ишлаб чиқаришни кўпайтириш энг асосий вазифа ҳисобланади. Анча ривожланган мамлакатларда тақсимотни такомиллаштириш иқтисодий заруратга айланди”. Унинг фикрига кўра, ҳеч ким камбағал бўлмаган, ҳеч ким бойликка интилмаган ва бировларнинг олдинга

чикиб олишга қилган ҳаракати туфайли бошқаларнинг орқага суриб ташланиши хавфи бўлмаган вазиятдаги жамият, одамлар учун энг яхши яшайдиган жамият ҳисобланади. Бундай турғунлик даврида маданиятнинг барча шакллари ривожлантириш учун, маънавий ва ижтимоий тараққиёт учун имкониятлар ҳеч чекланмаган бўлади.

Одам ўзи яратмаган нарсаларга, унинг эгалик қилиш ҳуқуқини адолатсизлик, деб ҳисобловчи хусусий мулк танқидига Ж.С.Милл қарши чикди. Масалан, ишчилар фабрикада барча маҳсулотни яратади, лекин унинг кўпчилик қисим бошқа бировга тегади. “Бу эътирозга жавоб шундан иборатки, фабрикада меҳнат товар ишлаб чиқариш учун, зарур бўлган шароитларнинг бири ҳисобланади, холос. Ишни материалларсиз, асбоб-ускуналарсиз ҳамда ишлаб чиқариш пайтида ишчиларни таъминлаш учун олдиндан тайёрланган яшаш талабидан кўра, барча товарларнинг ортиқчаси юзага келади, яъни пул таклифи етишмаслиги келиб чиқади”.

Ж.С.Милл фои ставкасининг ўзгариб туришини батафсил кўриб чиқади. Жонланиш даврида кредит кўпаяди, фоииз эса пасаяди. Пасайиш даврида аксинча фоииз ставкаси ошади. Аммо, қачонки бир нечайил инқирозсиз ўтса, капитал кўйиш учун эса янги соҳалар пайдо бўлмаса, қўлланилиши керак бўлган шу қадар кўп бўш ётган капитал жамғариладики, бу фоииз нормасини анча пасайтиради. Маъсулияти чекланган акционерлик компанияларнинг ташкил топиши, масалан, фоиизни оширади. Эркин капитал эгалари ссуда бозорини тўлдириб турувчи акцияларни сотиб олгач, “фондлардаги капиталнинг бир қисмини жалб қилади ва ўзлари ўша фондларининг қолган қисмини жалб қилади ва ўзлари ўша фондларнинг қолган қисмини олиш учун рақобатчига айланди. Бу табиий равишда фоиизнинг ошишига олиб келади”.

Иқтисодий тараққиёт Ж.С.Милл таълимотига кўра, фан техника тараққиёти, шахснинг ва мулкнинг ривожланиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш ва жамғариш кўпаяди, солиқлар анча эркинлашади, кўпчилик кишиларнинг ишбилармонлиги ошади, кооперация такомиллашиб ва ривожланиб боради. Буларнинг барчаси самарадорликнинг ўсишига олиб келади, яъни ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига ва қийматнинг пасайишига олиб келади (озиқ-овқат ва хом ашё қаймагидан ташқари).

Ж.С.Милл капитал эвалюцияси Д.Рикардо назариясига ўхшаб кетади. Фойда нормаси эпасайиб боради, аста-секин минимум даражага интилади, у ҳали ҳамкапитални жамғаришга ва жамғарилган воситаларидан, унумли фойдаланишга ундайди. Фоииз нормасининг минимум даражасига бўлган интилишни четга капитал чиқариш ва экспортни кўпайтириш билан секинлаштириш мумкин. Бунда фойда оклайдиган даражагача пасаядигандек билинади. Аммо уларнинг пасайиши анча чуқур бўлади, негаки ҳар бир киши зарар кўраётган пайтда, кўпчилик эса банкротликка учраган даврда, ҳатто ишончли ва атоқли фирмалар ўзлари ўрганиб қолган кредитни зўрға олишлари мумкин. Бундай вазият шунинг учун содир бўладики, ҳеч кимда қарзга берган маблағини ўз вақтида қайтариб олишга ишонч бўлмайди. Фавқулодда шароитда бунга ваҳимачилик келиб қўшилади. Пул қисқа муддатга дечрли ҳар қайндай фоииз тўлаш шарти билан қарзга олинади, дарҳол пул тўлаш шарти билан товарларни сотишдан кўриладиган ҳар қандай талофотга эътибор берилмайди. Демак, савдо пасаядики, олдинги инқирозгача бўлган чайқовчилик даври мобайнида оша бошлаган даражадан ҳам паст бўлади. Ўз моҳиятига кўра, бу

иқтисодий фикрлар тарихида биринчи марта иқтисодиётнинг пасайиш динамикасининг пулли жиҳатларининг ифода этилишидир.

Бу ерда Ж.С.Милл С.Сисмонди таклиф қилган иқтисодий пасайиш (инқироз) тушунчасига қўшилмади. Унинг фикрича, инқироз умумий ортиқча ишлаб чиқариш натижаси ҳисобланади дейиш, катта хатодир. “Бу фақат ортиқча чайқовчилик харидининг оқибатидир... унинг бевосита сабаби кредитнинг қисқариши ҳисобланади, бартараф қилиш воситаси эса – таклифни камаййтириш эмас, балки ишончни таклашдир”. Бу маънода Ж.С.Милл Ж.М.Кейснинг ўтишдошидир.

Ж.С.Миллнинг тасдиқлашича, конвертациялашган қоғиоз валюталар шароитида олтиннинг четга чиқиб кетиши юзага келиши сабабли баҳолар узок вақт ошиши мумкин эмас. Бироқ қоғиоз пуллар конвертациялашмаган (уларни олтинга алмаштириши механизми йўқ) баҳоларнинг ошиши чайқовчилик шов-шув(бум)ининг келиб чиқишига ёрдам бериши мумкин. У 1825 йилда инқирозга олиб келади. Аммо кейинги 1847 йилдаги инқироз эса фоиз ставкасининг кескин ўсиши натижаси ҳисобланади. Савдо инқирозлари даврида “пул фаолиятида анча тўлиқ ишлатилади”. Кредит манбаи бўлиб айна чоғда унумли истеъмолда бўлмаган пул шаклидаги капитал ҳисобланади. Фоиз тўлаш эвазига кредит беривчи асосий инструмент сифатида депозитли банклар ташкил топади. Бунда банк кредити баҳога таклифнинг ўсиши қандай таъсир кўрсатса, худди шундай таъсир кўрсатади.

Кредит тўловга қобил талабни кенгайтиргач ва субъектларнинг истакларига таъсир кўрсатгач, савдо конъюктурасини кесихкин ўзгартириб юборади. Қачонки баҳо ошиши кутилса савдогарлар бундан фойда олишга бўлган ўз мойилликларини намойиш этадилар. Агар бунда баҳонинг ошиши юқори бўлса ва узокка чўзилса, унда у бошқа чайқовчиларни ҳам ўзига тортади. Улар товарлар хуридини кучайтирадилар, бу эса бериладиган ссуда миқдорини кўпайтиради, баҳони оширади. Бир оз вақт ўтгандан кейин баҳонинг тўхтайтилиши ва товарларни ўз қўлларида ушлаб турганлар фойдани реализация қилиш вақти келганини ҳис қиладиларва уларни сотишга киришадилар. Баҳо пасайишга бошлайди, товар эгалари катта зарар кўрмаслик учун бозорга шошиладилар, бундай вазиятдаги бозорда харидорлар унчалик кўп бўлмаганлиги сабабли, баҳо олдин ошганига қараганда анча тез пасайиб боради.

Шунга ўхшаган бир оз тебранишлар кредит йўқ пайтда ҳам бўлиб туради. Аммо пул миқдори ўзгармаган чоғда бир хил товарларга бўлган ажиотаж талаб бошқа товарларнинг баҳосини пасайтиради. Лекин кредитдан фойдаланишда иқтисодий субъектлар қўшимча пул манбаига эга бўладилар. Бундай вазиятда чайқовчилик барча товарларни бирданига камраб олиши мумкин. Натижада савдо инқирои келиб чиқади.

Савдо инқирои учун “чайқовчиликнинг жонлангани таъсирида олдин ошган баҳоларнинг тез пасайиб бориши типик ҳол ҳисобланади. Баҳолар қайси нуқтадан ошишига бошлаган бўлса, шу нақтагача пасайиши мумкиндек туюлади ёки истеъмол ва таклиф ўзини корхоналар ўрнига кооператив бирлашмаларни ташкил этиш зарур, унда ишчилар бир вақтнинг ўзида мулк эгаси ҳам ҳисобланади. У касаба уюшмаларининг ривожланиши, капиталистик корхоналарнинг фойдасини тақсимлашда ишчиларнинг иштирок этиши тарафдои бўлган”.

2. Ер рентасини ер солиғи ёрдамида умумлаштириш. Рента ёлланма меҳнат каби иқтисодий эркинлик принципларга зид. Рента ер эгаси эмас, балки жамоага (қишлоқ кооперативларига) ёки барча жамиятга тегишли бўлиши керак.

3. Ж.С.Милл майда ер эгаларини қўллаб қувватлайди. Унинг фикрича, ўз ерида ишловчи кўпчилик деҳқонлар рента тўлашдан озод, улар мустақил ва ташаббускор, шунингдек ёлланма ишчилардан фарқли равишда ҳаддан ташқари ўз оиласини кенгайтиришга мойил эмас.

Ж.С.Милл ўзининг ижтимоий ислохотлар дастурида “амалдаги индивидуал эркинлик билан ер шаридаги табиий бойликларга эгалик қилишнинг умумийлигини ва меҳнат даромадларида барчанинг барабар иштирок этишини бирлаштириш”га ҳаракат қилди. Бунда у гўёки бир-бирига қарши икки йўналишни бирлаштирмоқчи бўлгандек туюлади: иқтисодий эркинлик принципи билан ижтимоий адолат принципини. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тажрибаси бунинг мумкин эканлигини кўрсатиб беради.

Карл Маркс классик сиёсий иқтисодни якунчилардан бири сифатида иқтисодий таълимотлар тарихида ёрқин из қолдирди. Унинг ғоялари кўпинча бевосита иқтисодий маммолар доирасида чиққан ҳолда, фалсафий, социологик ва сиёсий муамолар билан қўшилиб кетади.

К.Маркс 1818 йил 5 майда немисларнинг Трир шаҳрида туғилган. Унинг отаси адвокат, яҳудий бўлиб, 1824 йилда протестантликни қабул қилган. Оиласи давлатманда, мадний оила бўлган. К.Маркс Трир шаҳрида гимназияни тамом қилгандан кейин, дастлаб Бонндаги, сўнгра Берлиндаги университетга кирди, юридик фанларини, ҳаммдан кўпроқ тарих ва фалсафани ўрғади. 1841 йилда Эпикур фалсафаси тўғрисида университет диссертациясини топшириб, курсни битирди.

1842 йили К.Маркс Боннга кўчиб келди ва шу йилнинг октябрида “Рейн Газетаси”нинг бош муҳаррири бўлди ва Бонндан Кёльнга кўчиб ўтди. 1843 йили бирданига бир қанча воқеа содир бўлди: у муҳаррирлик қилган газета ёпилди, немис баронининг қизи Женни Фон Вестфаленга уйланди, Парижга кўчиб ўтди.

Кейинги икки йил (1844-1845) К.Маркс учун иқтисодий назарияни, фалсафани ва социологияни чуқурўрганишнинг бошланиш даври бўлди. У Г.Гейне, П.Прудон, М.Бакунинлар билан танишди, Ф.Энгельс билан дўстлашди.

К.Маркс 1845-1848 йиллари Брюсельда бўлди. Ўша йиллари Ф.Энгельс билан ҳамкорликни давом эттирган ҳолда, унинг билан бирга “Немис идеалогисига” ва “Коммунистик партия Манифести”ни ёзди. У 1848 йили Германияга Кёльн шаҳрига келди ва “Янги Рейн Газетаси”га раҳбарлик қилди. У ўзининг газетасида 1849 йили “Ёлланма меҳнат ва капитал” асарини чоп этди. Шундан сўнг Германиядан сургунқилинди ва бошқа бу ерга қайтиб келмади. К.Маркс аввал Парижга келди, у ерда бир оз вақт тургандан кейин Лондонга бориб умрининг охиригача (1850-1883) шу ерда яшади.

К.Маркснинг иқтисодий назарияси унинг социологик ўз қарашлари билан, айниқса ижтимоий ривожланиш концепцияси билан бевосита боғлиқ. Кейингисининг шаклланиши жараёнидау уч асосий илмий манбага: Смит-Рикардонинг инглиз классик сиёсий иқтисодига, социализмига асосланади. Марксча ижтимоий ривожланиш схемасида марказий ўринда иқтисодий детерминизм (“тарихни материалистик тушунчаси”) туради. К.Маркс ижтимоий ривожланишга ва унинг тарихига тадбиқ этилган детерминизмнинг асосий қоидаларини “Сиёсий иқтисод танқидига доир” асарида қуйидагича аниқ ва тўлиқ ифодалаб беради:

“Кишилар ўз ҳаётларида ижтимоий жиҳатдан ишлаб чиқаришда муайян, зарур ўзларининг ифодаларига боғлиқ бўлмаган муносабатларда ишлаб-чиқариш муносабатларида бўладилар, бу муносабатлар уларнинг моддий ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиётининг муайян босқичига мувофиқ келади. Бу ишлаб чиқариш муносабатларининг йиғиндиси жамиятнинг иқтисодий тузилмасини, реал базасини ташкил этади, юридик ва сиёсий устқурма шу реал базис устига курилади ҳамда ижтимоий онгнинг муайян шакллари шу базисга мувофиқ келади. Моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умуман ҳаётнинг ижтимоий, сиёсий ва руҳий жараёнларига сабабчи бўлади. Кишиларнинг онги уларнинг борлигини белгиламайди, балки, аксинча уларнинг ижтимоий боллиғи уларнинг онгини белгилайди. Жамиятнинг моддий ишлаб чиқарувчи кучлари ўз тараққиёти маълум босқичида мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларига ёки-бунинг юридик ифодасигина бўлган-мулкчилик муносабатларига зид бўлиб қолади; Улар шу пайтгача мазкур муносабатлар бағрида ривожланиб келган эди. Бу муносабатлар ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши шаклларида уларнинг кишанига айланади. Ана шу вақтда социал инқилоб даври бошланади. Иқтисодий асос ўзгариши билан бутун бир ғоят катта устқурмада ҳам озми-кўпми тезлик билан туб ўзгариш юз беради... Айрим одам ҳақида унинг ўзи тўғрисидаги фикрига қараб хулоса чиқариш мумкин бўлмагани сингари, бундай ўзгариш даври тўғрисида ҳам шу даврнинг онгига қараб ҳукм чиқариш мумкин эмас. Аксинча, бу онгнинг сабабини моддий ҳаёт зиддиятларидан, ижтимоий ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида бўладиган ихтилофлардан топмоқ керак... Буржуа ишалаб чиқариш муносабатлари ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг сўнгги антагонистик шакли ҳисобланади, ... лекин буржуа жамиятининг бағрида ривожланаётган ишлаб чиқарувчи кучлари шу билан бирга бу антагонизмни ечиш учун моддий шароит яратади”.

Демак, К.Маркснинг назарий канцепциясида ишлаб чиқариш шакли ўзининг махсус хусусиятига, ўзининг ички мантиғига эга. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан янги муносабатлар келиб чиқади. Ишлаб чиқариш муносабатлари йиғиндиси жамиятнинг моддий базисини ташкил этади, унга жамият устқурмаси: ҳуқуқ, идеология, сиёсат, дин ва бошқалар боғлиқ бўлади. Ҳуқуқ, сиёсат, дин базис томонидан бошқариб турилади. Ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ташкил этади. Индустиал тизими – ишлаб чиқарувчи кучларининг муҳим элементи деб, К.Маркс ишлаб чиқариш воситаларини, энг аввало, меҳнат қуроларини, машина ва асбоб-ускуналарни ҳисоблаган. Жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши (янги ҳозирги замон тушунчасида иқтисодий ўсиш) ишлаб чиқариш муносабатларининг (ёки социал-иқтисодий тузумнинг) такомиллашувини тақозо этади. У ўз навбатида ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишига фаол акс таъсир кўрсатади, иқтисодий ўсишига имкон бериши ёки тўсқинлик қилиши мумкин. Ижтимоий организмнинг икки томони ўртасидаги ўзаро алоқа жуда мураккаб, кўп қиррали ва зиддиятлидир. Иқтисодиёт ягона аниқловчи омил ҳисобланмайди.

Жамиятда амал қилувчи социологик қонунлар ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги ҳамда идеологик ва сиёсий устқурма билан базис ўртасидаги мувофиқлик принципини ифодалаб беради. Бундай мувофиқлик принципининг амал қилиши иқтисодий ўсишга олиб келади, Ишлаб чиқариш муносабатларининг иқтисодий ўсишига тўсқинлик

килиши эса бундай принципнинг бузилганлигини билдиради. Шу боисдан, К.Маркс фикрича, улар ижтимоий тараққиёт диалектикасига мувофиқ ўз ўрнини бошқа прогрессив ишлаб чиқариш муносабатларига бўшатиб бериши керак.

К.Маркснинг асосий илмий ютуқларидан бири шундан иборатки, у ижтимоий-иқтисодий формациялар, уларни ташкил этувчи элементлар, формацияларнинг алмашув сабаблари тўғрисида таълимот яратди. У уч йirik (ижтимоий-иқтисодий формацияни) ижтимоий тараққиёт босқичини кўрсатиб берди.

1. Архаик (бирламчи) формация: синфий жамиятгача бўлган жамоа.

2. Иқтисодий (иккиламчи) формация: синфий жамият; хусусий мулкчиликка асосланган антик, феодал ва капиталистик ишлаб чиқариш усули.

3. Коммунистик формация: кишининг киши томонидан зулм ва эксплуатация қилиниши муаммосини ҳал қилувчи синфсиз жамият.

К.Маркс таълимотига кўра, бир формациядан иккинчисига ўтиш социал инқилоб орқали амалга ошади, яъни “капитализм қобиғи портлайди”, эски ишлаб чиқариш муносабатлари емирилиб, социал тизимнинг янги иқтисодий базиси шаклланади.

Агар индустриал жамиятнинг дастлабки босқичларида капиталистик муносабатлар иқтисодий ўсишни рағбатлантирса, кейинчалик бу муносабатлар иқтисодий ўсишнинг кейинчалик бу муносабатлар иқтисодий ўсишни рағбатлантирса, кейинчалик бу муносабатлар иқтисодий ўсишнинг “кишанига” айланади, заон талабига жавоб бера олмайди. Унинг назариясига кўра капитализм ҳалокатга юз тутди. Чунки у ўзининг ички зиддиятларини ечишга қодир эмас.

Унингча, капитализм ўрнига долзарб муаммоларни еча оладиган саноат цивилизацияси ютуқларидан унумли фойдаланиш имконини берадиган янги, анча такомиллашган жамият келиши керак. К.Маркс ортиқча ишлаб чиқариш, ишсизлик ва камбағалликни стихияли бозор иқтисодиётининг муқаррар ҳамроҳи ҳисобланган бўлса, келажакда бўладиган анча такомиллашган иқтисодиёт эса, ижтимоийлик асосида ташкил этилган бўлиши, ягона режа бўйича ишлаши керак. Унинг тасдиқлашича бундай жаиятда “олдиндан онгли тарзда тузилган режа бўйича ижтимоий ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун имкон туғилади”.

Шу нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, капитализмнинг муқаррар ҳалокати тўғрисидаги К.Маркс далилларида асосий нарса жамиятдаги синфлар ўртасида даромадалар тақсимотининг бозор принципи бузилганлигида эмас, бу тизимнинг тўла иш билан бандликни таъминлай олмаслиги, мустамлақадаги эксплуатацияга ва уришларга бўлган мойиллиги ҳисобланади. У, социализм ва коммунизмнинг ижтимоий жиҳатдан идеал ҳисоблади, уларни ноантогонистик коммунистик жамиятнинг фазалари деб атади. К.Маркс назариясига биноан, коммунизм – ишлаб чиқариш воситалари бир бутун умумхалқ мулки ҳисобланган, жамиятнинг барча аъзолари ижтимоий жиҳатдан батамом тенг бўлган синфи тузум.

Аммо К.Маркснинг синфсиз жамият идеаллари тантанасига бўлган қатъий ишончи, энг аввало, классик иқтисодий мактабнинг синфлар назариясига асосланади. У ўзини классикларнинг давомчиси ҳисобланган ҳолда, ҳақиқатан ҳам иқтисодий ўсиш муаммоси билан, хусусан, фаровонликнинг ва даромадларнинг ўсиши, ҳамда даромадларнинг меҳнат, капитал ва ер эгалари ўртасида, яъни синфлар ўртасида тақсимланиш муаммоси билан шуғулланади.

Лекин унинг синфлар назарясидаги марказий ғоя синфий кураш ҳисобланади. “Ҳзирга қадар ўтган ҳамма ҷамиятлар тарҳи, - деб ёзади К.Маркс, - синфлар кураши тарихидир. Ҳур ва қул, патриций ва плебей, помещчик ва крепостной, уста ва халфа, қисқаси золим ва мазлум ўртасида доим антагонизм бўлиб келди; улар ҳар доим гоҳ яширин., гоҳ очик бир-бирига қарши кураш олиб борди; бу кураш ҳар сафар бутун ҷамиятни инқилоб асосда бошқатдан қуриш билан ёхуд курашувчи синфларнинг умумий ҳалокати билан тугади”. Марксча, ўзининг қучайиб бораётган зиддиятлари билан капиталистик ҷамият ҳам истисно ҳисобланмайди: турмуш даражаси муттасил пасайиб бораётган саноат ишчилари синфи капитализм “гўрковига” айланиб боради. К.Маркнинг башорати тўғри чиқмаганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Капитализм янги реал ҳаётга мослаша билди ва нача юқори иқтисодий ўсишни таъминлай олди.

К.Маркснинг иқтисодий концепциялари асосан унинг машҳур асари “Капиталда” берилган. Унинг бу асари тўрт томдан иборат бўлиб, биринчи том 1867 йили нашр этилди, иккинчи ва учунчи томлар К.Маркс ўлиmidан кейин Ф.Энгельс томонидан (иккинчи том 1885 йил, учинчи том 1896 йил) чоп этилди. Тўртинчи том тугатилмасдан қолиб кетди. Унда К.Маркс сиёсий иқтисод тарихини кўрибчиқчоқчи бўлган. Капитал ишлаб чиқариш жараёни “Капиталнинг” биринчи томининг мазмунини ташкил этади. Учунчи томида бир бутун олинган капиталистик ишлаб чиқариш жараёнигатавсиф берилади. Тўртинчи том (“Қўшимча қиймат назарияси”) иқтисодий таълимотлар тарихига бағишланган.

К.Маркс “Капитал”га ёзган сўз бошида: “Асаримнинг туб мақсади ҳозирги замон ҷамияти”, яъни капиталистик буржуа ҷамияти “ҳаракатининг иқтисодий қонунини очиб беришдир” – дейди. Ушбу тарихий жиҳатдан муайян ҷамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ва бу муносабатларнинг пайдо бўлишини, тараққий қилишини в таназзулга юз тутишини кўрсатиб бериш К.Маркс иқтисодий таълимотнинг мазмунидир. Капиталистик ҷамиятда товар ишлаб чиқариш умумий тус олган, шу сабабли К.Маркснинг тадқиқоти ҳам товарни таҳлил қилишдан бошланади.

Маркс таълимотига биноан, ҳар бир товарнинг қиймати уни ишлаб чиқаришга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат билан ўлчанади. Бир турдаги товарни ишлаб чиқариш учун турли миқдорда меҳнат сарфланади. Бунинг натижасида товарлар ҳар хил индивидуал қийматга эга бўлади. Лекин қиймат ўзида ижтимоий меҳнатни мужассамлаштирганлиги сабабли, унинг миқдори индивидуал меҳнат сарфлари билан эмас, балки ижтимоий зарур меҳнат билан ўлчанади, ижтимоий зарур иш вақти билан белгиланади. “Истеъмол қийматга эга бўлган қийматнинг миқдорини, - деб ёзади К.Маркс уни шилаб чиқариш учун, керак бўлган ижтимоий зарур меҳнат миқдори билангина, яъни ижтимоий зарур иш вақти билангина белгиланади. Ҳар бир айрим товар ўз жинсидан бўлган товарларнинг фақат ўртача нусхуси сифатида аҳамиятга эгадир”. Ижтимоий зарур иш вақти нормал ишлаб чиқариш шароитида ва муайян ҷамиятдаги меҳнат малакаси ва интенсивлигининг даражаси ўртача бўлган шароитда бирон-бир товар тайёрлаш учун сарфланадиган вақтдир. Ушбу тушунчалар ёрдамида қийат қонуни шаклланади: алмашув жараёнида (эквивалент эквивалантга сингари) товарлар ўзининг қиймат бўйича айрибошланади (Улар мужассамлашган ижтимоий зарур иш вақти бўйича). К.Маркснинг тасдиқлашича, ҳар қандай ҷамиятда қиймат қонунига амал қилмаган айрибошлашнинг бўлиши мумкин эмас. Қиймат эса, юқорида қайд

килиб ўтканимиздек, айти жамиятда ўртача меҳнат сарфлари билан ўлчанади. Бу айрбошланадиган товарларни таққослашнинг ягона ўлчови меҳнат эканлигини билдиради. Товарларнинг фойдалилиги бундай умумий ўлчов бўла олмайди, негаки улар миқдор жиҳатидан таққосланмайди.

К.Маркснинг қиймат назариясининг Д.Рикардонинг қиймат назариясидан фарқига эътибор бериш зарур. Д.Рикардонинг товарларнинг нисбий қиймати тўғрисида сўз юритади: А ва Б товарлар бир-бирига айрбошланади, чунки уларни ишлаб чиқариш тахминан бир хил меҳнат сарфларини тақозо этади. К.Марксда эса қиймат товарга хос объектив хусусиятдир.

Қийматни аниқлаб ва қиймат қонунини таърифлаб бергач, К.Маркс қўшимча қийматни таҳлил қилишга ўтди. Бу унинг назариясида марказий тушунча ҳисобланади. Бу ерда асосий савол туғилади: агар “эквивалентли айрбошлаш” принципи бўйича барча маҳсулотлар ўз қийматига олинса ва сотилса, унда қўшича қиймат қандай ҳосил бўлади? Маркс таълимоти бўйича у қуйидагича ишлаб чиқарилади.

Товар ишлаб чиқариш тараққиётининг маълум босқичида пул капиталга айланади. Товар муомаласининг формуласи Т-П-Т (товар-пул-товар), яъни бошқа бир товарни сотиб олиш учун товар сотишдир. Капиталнинг умумий формуласи П-Т-П, яъни сотиш учун товарни сотиб олишдир. Т-П-Т мазмуни: одамлар ўртасида ҳар хил фойдалилик айирбош қилинади. П-Т-П доиравий айланишда мақсад фойда олиш ҳисобланади. Демак, $P > P$ бўлиши керак. Бу ўсиш қаердан келади? (Маркс уни “қўшимча қиймат” деб атади). Қўшимча қиймат товарлар муомаласида пайдо бўлмайди, чунки товар эквивалентли айирбошланади, қўшимча қиймат баҳонинг устига қўшиб сотишдан ҳам келиб чиқмайди, чунки бундай бўлганда харидор ва сотувчиларнинг ўзаро ютуқ ва ютқизиклари бир-бирини қоплаган бўлар эди, ҳолбуки гап айрим ҳодиса устида эмас, балки оммавий, ўртача, ижтимоий ҳодиса устида боради. Қўшимча қиймат олиш учун “пул эгаси бозордан шундай бир товар топиш бахтига эришмоғи керакки, бу товар истеъмол қийматининг ўзи қиймат манбаи бўлишдек оригинал бир хусусиятга эга бўлсин”, у шундай товар бўлиши керакки, бу товарни истеъмол қилиш жараён айти пайтда қиймат яратиш жараёни ҳам бўлсин. Бундай товар – ишчи кучидир. Ишчи кучининг истеъмол қилиниши меҳнатдир, меҳнат эса қиймат яратади. Пул эгаси ишчи кучини унинг ўз қиймати бўйича сотиб олади. Ишчи кучи товарининг қиймати ишчининг ва унинг оиласининг яшаши учун зарур бўлган тирикчилик воситалари қиймати билан белгиланади. Ишчи ўз ишчи кучи қийматидан ортиқча қиймат яратиш хусусиятига эга. Фараз қилайлик, ишчи кучи бўйи 10 соат ишлайди. Ҳолбуки, ишчи 5 соат мобайнида (Маркс атмаси бўйича “зарур иш вақтда”) ўз қийматига тенг қиймат яратади, кейинги 5 соат мобайнида (“қўшимча иш вақтида”) эса қўшимча маҳсулот ёки қўшимча қиймат яратилади. Капиталист бу қўшимча қийматни ҳақ тўламасдан ўзлаштириб олади. К.Маркс бўйича, капиталист томонидан қўшимча қийматнинг ўзлаштириб олиниши меҳнатнинг эксплуатация қилинишидир. К.Маркс ўзи ишлаб чиққан “формула”

Ёрдамида ушбу эксплуатация даражасини, яъни эксплуатация нормасини кўрсатиб берди. Қўшимча қийматнинг ишчи кучи қийматига – ўзгарувчи капиталга бўлган нисбатини (машиналар ва хом ашёда ифодаланган доимий капитал эса ўз қийматини фақат янги маҳсулотга ўтказиши мумкин, лекин қўшимча қиймат яратмайди) у қўшимча қиймат нормаси деб атади. Унинг ёзишич, “қўшимча қиймат нормаси ишчи кучнинг капитал томонидан, ёки

ишчининг капиталист томонидан эксплуатация қилиниш даражасининг аниқ ифодасидир”. Қўшимча қиймат нормаси янгидан яратилган қийматнинг капиталист билан ёлланма меҳнат ўртасида қандай тақсимланишини, шунингдек иш кунинг қанча қисмида ишчи ўзи учун ва қанча қисмида капиталист учун ишлашини кўрсатиб беради.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, ишчи “зарур иш вақти”да ўз ишчи кучи қийматига тенг қиймат яратади, “қўшимча иш вақти”да эса қўшимча қиймат яратади, яъни капиталист қўшимча иш вақтини узайтиришга ҳаракат қилади. Унга эришининг икки йўли мавжуд: иш кунини узайтириш ва зарур иш вақтини қисқартириш. Иш кунини мутлақ узайтириш йўли билан олинадиган қўшимча қийматни К.Маркс “абсолют қўшимча қиймат” деб атади. “Абсолют қўшимча қиймат ҳосил қилиш, - деб ёзади у, - иш кунини ишчи фақат ўз ишчи қийматининг эквивалентини ишлаб чиқара оладиган чегарадан арига узайтиришдан ва бу қўшимча меҳнатни капиталнинг ўзлаштириб олишдан иборат”.

Зарур иш вақтини қисқартириш в шунга мувофиқ қўшимча иш вақтини узайтириш йўли билан олинадиган қўшимча қийматни К.Маркс нисбий қўшимча қиймат деб атади. Бу ерда шу нарсага эътибор бериш керакки, яъни қиймат қонунига ҳилоф иш қилмаслик учун, эквивалентли айрибошлашнинг бузилмаслиги учун капиталист ишчи кучи қийматига нисбатан иш ҳақини камайтириш ҳисобига зарур иш вақтини ташкил этиш ва самамрали техника ва технологини қўллаш туфайли меҳнат унумдорлигини ошириш йўли балн бунга эришиш мумкин.

Капиталист ўз фойдасини кўпайтириш мақсадида фан ва техника ютуқларидан ишлаб чиқаришда кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилади. Айрим капиталистлар томонидан фан-техника тараққиёти натижаларини амалиётда қўллаш ўртача ишлаб чиқариш харажатларини камайтимиришга олиб келади, бу эса унга фойдани кўпайтириш имконини беради. Бу ерда “ортиқча қўшимча қиймат” вужудга келади. Аммо рақобат қонуни асосида бошқа капиталистлар томонидан ҳам янгиликларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши натижасда бозорбахоси пасаяди ва ортиқча қўшимча қиймат йўқ бўлиб кетади. Демак, қўшимча қиймат ишлаб чиқариш тадбирқорларин янги техника ва технологияларни қўллашга ундайди.

“Иқтисодий жадвалга” юқори баҳо берган К.Маркс, ўзининг такрор ишлабчиқариш схемасини ишлаб чиқди. А.Смит, Ж.Б.Сой ижтимоий маҳсулотни даромадларга бўлиб (моддий сарфларни мавҳумлаштирган ҳолда) кўрсатган бўлса К.Марксда эса ижтимоий маҳсулот уч қисмга бўлинади: доимий капиталга (с) – моддий сарфларга (амортизация, хом ашё, ёқилғи ва бошқалар қиймати), ўзгарувчи капиталга (v) – ишчи кучини сотиб олишга бўлган сарфлар ва қўшимча қийматга (m).

Такрор ишлаб чиқариш муаммосини ечиб беришда К.Маркс иқтисодиётни икки бўлинмага бўлади. I бўлинма ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш, II бўлинма истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш. Кейин у оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ўртасидаги фарқни кўрсатиб беради. “Оддий такрор ишлаб чиқариш” ўзгармас бўлиб, унда соф инвестиция нолга тенг. Оддий такрор ишлаб чиқариш бир хил ҳажмда, ўзгармас бўлиб қолиши учун қандай шартлар бўлиши керак? К.Маркс бунинг учун қуйидаги шартларни кўрсатиб беради. Оддий такрор ишлаб чиқаришда I бўлинманинг барча маҳсулоти ҳар иккала бўлинмадаги капитални қоплаш учун сарфланиши керак: I

$(c+v+m) = I_c + I_p$. Шу билан бирга I бўлинма маҳсулоти иш ҳақи фонди мулкдан қиладиган даромадга – соф миллий маҳсулотга тенг (эквивалент) бўлиши керак: $I (c+v+m) = I (v+m) + I (v+m)$. Бу иккала тенгламадан натижада $I (v+m) = I_c$ келиб чиқади, яъни I бўлинманинг соф маҳсулоти I бўлинмада йил давомида истеъмол қилинган капитални қоплаш учун зарур бўлган талаб миқдорига тенг бўлиши керак. Агар $I (v+m) > I_c$ бўлса, унда доимий капитални қоплаш учун инвестиция сарфлари миқдори амортизация ажратмаларидан ошиб кетади, яъни соф инвестиция ижобий бўлади. Лекин амортизация жамғармалари истеъмол қилинган капитални қоплашга ишлатилмаса ишлаб чиқаришнинг пасайиши келиб чиқади. Келтирилган далиллар анча пухта макроиктисодий ўзаро боғлиқлик борлигини тасдиқлайди.

Кейин К.Маркс кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таҳлил қилади. Унинг кенгайрилган такрор ишлаб чиқарш схемасини фан-тарихидаги иқтисодий ўсишнинг биринчи математик модели ҳисоблаш мумкин. Лекин унинг камчиликлари йўқ эмас. Хусусан, у “кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш”нинг бир текисда ривожланиб боришининг шартларини аниқ кўрсатиб бермаган. Бундан ташқари, у суръат ўзгармаган иқтисодий ўсишни таҳлил қилади, бундай вазиятда эса, ўсиш иқтисодий Q (маҳсулот миқдори)да ҳеч қандай ўзгариш бўлишини тақазо этмайди. К.Маркс кўрсатиб берган иқтисодий ўсишнинг зарур бўлган шартлари: I бўлинманинг миллий даромади ушбу бўлинмадаги ишчи ва тадбиркорларнинг эҳтиёжларини қондириш учун I бўлинмадан сотиб олинадиган истеъмол буюмларидан кўп бўлиши керак – миллий даромаднинг бир қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кетади, яъни $I (v+m) = I_p$. Шундай қилиб, I бўлинманинг маҳсулоти йил бошидаги ҳар иккала бўлинманинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талабидан кўп бўлиши керак, яъни $I (c+v+m) > I_c + I_p$. Шунга мувофиқ, жамиятнинг барча миллий даромади истеъмолга сарflanмайди, яъни $I (v+m) + I (v+m) > I (c+v+m)$.

Такрор ишлаб чиқаришнинг бундай талқини айрим масалаларга ойдинлик киритишда қўлланиши мумкин. Лекин умуман олганда у шу қадар чекланишларга асосланганки, бу ундаги барча далилларни кучсизлантиради. Ёпиқ иқтисодиёт; барча маҳсулотлар “нормал баҳода” сотилади; ҳар иккала бўлинмада капитал айланиш тезлиги бир хил; фақат капиталистлар жамғаради; техника тараққиёти йўқ; реал иш ҳақи доимий; бир шчига бўлган реал маҳсулот доимий ва бошқалар. Бундан ташқари икки бўлинмадан иборат бўлган модель ўзгарувчан реал иқтисодиётни таҳлил қилишда ишончли восита ҳисобланмайди. Капитал ҳамда истеъмол буюмларини яратувчи кўпчилик тармоқлар у ёки бу модель категориясига тўла кирмайди. Масалан, тош кўмир қазиб олиш, транспорт, химия. Бунинг устига, бундай тармоқлар ичида капитал ва истеъмол буюмлари категорияларга бўлиниши вақти-вақти билан талаб структурасидаги ўзгаришга қараб алмашиб турилади. Натижада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг марксча шартлари деярли ўз кучини йўқотади. Шундай бўлсада тенглама К.Маркс тизимида алоҳида рол ўйнайди. У иқтисодий ўсиш бир текисда бориши мумкин эмаслиги, ишлаб чиқаришнинг цикли бўлиши тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

К.Маркс тугалланган, яхлит иқтисодий цикллار назариясини яратган эмас. Унингча, инқирозлар – бу “капитализмнинг асосий зиддиятларининг” намоён бўлишидир. Хўжаликдаги анархия ишлаб чиқариш структураси билан истеъмол структураси доимо мос келмаслигини келтириб чиқаради. Ривожланишнинг цикли характерда бўлиши, ортиқча ишлаб чиқариш инқирозининг

муқаррарлиги капиталистик иқтисодиётга хос хислатдир. Марксча иқтисодий цикллار назарияси унинг капитал жамғарилиши таҳлили асосида қўрилган. Циклли жараён. К.Маркс бўйича ,юксалишдан бошланади. Юксалиш даврида меҳнатга бўлган талаб (жамғариш сабабли) унинг таклифидан ошб кетади; ишсизлик тугатилади ва ишчи кучининг нисбатан етишмаслиги иш ҳақининг ошишига олиб келади; натижада фойда камаяди ва жамғариш секинлашади. Капитал жамғарилиши нормасининг пасайини ялпи талабнинг камайишига ва шунга мувофиқ бозор конъюктурасининг пасайишига олиб келади. Бундай инқирозли вазиятда капитал қиймати қадрсизланади, ишсизлик эса қайтадан кўпаяди ва у иш ҳақининг пасайишини келтириб чиқаради. Бу ҳол ишлаб чиқаришнинг фойдалилигини қайта тиклайди, жамғаришни қайтадан бошлаш учун шароит яратиб беради; инқироз бир вақтнинг ўзида ҳам бузади, ҳам тузатади. Инқирозлар “ҳамма вақт мавжуд зиддиятларнинг фақат вақтнчазўрма-зўраки ҳал қилинишидан, зўрма-зўраки портлашлардан иборат бўлиб, улар бузилган мувозанатни бир лаҳзада тиклайди”. Инқироз циклн тугаллайди ва янги навбатдаги цикл бошланади. Бу цикл даври мобайнида инновация ва янги иш жойларини ташкил этиш билан бирга иқтисодиёт таркибини қайта қуриш, жамғариш жараёнида фойда нормасининг пасайиш тенденцияси ва капитал қимматининг қадрсизланиши, ишсизлар армиясининг кўпайиши ва иш ҳақининг пасайиши қайтадан келиб чиққунча ва инқирозли вазият юзага келгунча давом этади.

К.Маркс Сэй қонунини танқид қилади. Бу қонунга мувофиқ товарлар таклифи автоматик тарзда ўзга талабни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, товарларни сотишдан тушган даромад уларни сотиб олиш учун харажатга айланади. К.Маркс товарларни сотиш (Т-П) ва сотиб олиш (П-Т) актлари макон ва замонда мос тушмаслигини кўрсатиб беради (товар қиймати пулда сақланади). “Ҳеч ким зудлик билан сотиб олишга мажбур эмас, чунки унинг ўзи ниманидир сотган”. Демак, ялпи харажатлар ялпи даромадалардан кам бўлганда ортиқча ишлаб чиқариш инқироzi мумкинлиги келиб чиқади, яъни циклли ривожланишга олиб келади.

К.Маркснинг кўрсатиб беришича, иқтисодий цикллارнинг моддий асосий капиталнинг вақти-вақти билан янгиланиб туриши зарурлиги ҳисобланади (хар 5-10 йилда). Бунда техника тараққиёти асосий капиталнинг маънавий эскириши натижасида янгиланиб туриш муддатини қисқартириши мумкин. Техник кашфиётлар ва инновациялар даврийлигининг хўжалик жараёнига бўлган таъсири таҳлили цикллار назариясининг кейинги ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

К.Маркс иш ҳақини, классик сиёсий иқтисод асосчиларига ўхшаб, меҳнат учун тўланадиган ҳақ деб эмас, балки ишчи кучи учун тўланадиган ҳақ деб талқин қилади. Унинг назариясига мувофиқ, иш ҳақи ишчининг ва унинг оиласининг ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган товарлар миқдорига тенг бўлади. Иш ҳақи даражаси меҳнат унумдорлигига боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг механизациялашуви ва технологик жиҳатдан таъминланиши сабабли рўй беради. Бу ҳол пировард натижада иш ҳақининг ўсишига тўсқинлик қилади, негаки техник-иқтисодий тараққиёт ишчи кучининг доимий ортиқчалигини келтириб чиқаради. Ишчи кучининг ортиқчалиги эса, ишчилар билан капиталистлар ўртасидаги муносабатда кейингисига устунлик беради ва ишчи кучи ўз қийматидан паст баҳода сотилади. Иш ҳақи ишчи кучи қийматининг ўзгарган шаклидир.

Демак, К.Маркс бўйича, ишчи меҳнати эмас, ишчи кучини сотар экан, “ҳақ тўламаган меҳнат” нинг (аниқланиш ва ўлчаш мумкин бўлган) иш ҳақи алоқаси бўлмайди, “ҳақ тўламаган ишчи кучи”ни эса аниқлаш мумкин эмас, негаки фойдалиликка бир бутун ишчи кучини айрибошлаш учун “битим” тузилади. Капиталист иш ҳақини “битим” тузилгандан кейин эмас, балки меҳнат жараёни тугагандан кейин тўлайди. Ишчи ўз ишчи кучининг қийматини иш ҳақи шаклида олишдан аввал капиталистга маълум миқдорда меҳнат, шу жумладан қўшимча меҳнат ҳам қилиши керак. Меҳнат сарфи эса, унинг назариясига кўра, иш вақти билан ўлчанади. Бинобарин, ишчи кучининг маълум муддат давомида унумли меҳнат қилиши унинг қийматига ҳақ тўлаш шarti бўлиб қолади.

К.Маркс фикри бўйича, реал иш ҳақи “ҳеч қачон меҳнат унумдорлиги кучининг ошиши билан мутаносиб тарзда ўсмайди” ва ҳатто ишчилар ишонган касба уюшмалари ҳам, эркин рақобатга асосланган иқтисодиётдаги бундай вазиятни кескин ўзгартира олмайдилар. Бунинг устига, “Капитал” муаллифининг тушунтириб беришича, меҳнат унумдорлигининг ошиши туфайли пулда ифодаланган товар хизматлар қимматининг пасайиши ишчилар сотиб оладиган товарлар баҳосининг худди шундай пасайишини келтириб чиқаради ва реал иш ҳақи натижада унчалик ошмайди, бундан ишчиларнинг камбағаллик ва маънавий қашшоқлик келиб чиқади.

К.Маркснинг фойда назариясининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, даромаднинг бу тури, тадбиркорликнинг ҳар қандай даромади сингари, ишчи кучини эксплуатация қилиш натижасида вужудга келадиган қўшимча қийматнинг ташқи, яъни ўзгарган шакли ҳисобланади. Бу ерда, Д.Рикардодан фарқли ўлароқ, гап нафақат фойда нормаси тўғрисида, балки унинг қўшимча қиймат нормасидан фарқли, ўзига хослиги тўғрисида боради. “Авансланган бутун капиталнинг махсули бўлиб кўринган қўшимча қиймат фойданинг ўзгарган шаклига киради”.

“Капитал” I томонинг мазмунига кўра, корхоналарда ёки иқтисодиёт кўп бўлса, қўшимча қиймат миқдори шунча кўп бўлида, лекин капиталнинг узвий тузилиши қанча юқор бўлса, яъни корхоналарнинг механизациялашуви ёки тармоқларнинг машина ва асбоб-ускуналар билан қуролланиш даражаси юқори бўлса, қўшимча қиймат миқдори шунча кам бўлади. “Капитал” III томида эса, К.Маркс “қўшимча қиймат нормаси” ва “фойда нормаси” тушунчаларининг фарқини билишни тавсия этади. Агар биринчиси, унинг томонидан, қўшимча қийматнинг ўзгарувчи капиталга бўлган нисбати сифатида кўрилса, иккинчиси эса (гап қўшимча қийматнинг “ўзгарган шакли” тўғрисида борар экан) қўшимча қийматнинг жами капиталга, яъни ўзгарувчи ва доимий капиталга бўлган нисбати сифатида қаралади.

К.Маркс таълимотига биноан фойда нормаси пасайиш тенденциясига эга. Бундай тенденция унингча, Рикардо-Милл кўрсатиб берганидек, демографик омиллар ва тупроқ унумдорлигининг пасайиши “қонуни” келтириб чиқарадиган ҳаётий зурурий, маҳсулотлар баҳосининг ошиши сабабли эмас, балки капиталнинг узвий тузилишидаги умумий капиталда ўзгарувчи капиталга ҳиссасининг пасайиши туфайли келиб чиқади.

Бундан ташқари “қўшимча қиймат нормаси” ва “фойда нормаси” тушунчаларидан фойдаланган ҳолда, К.Маркс эркин рақобат шароитидаги бозор иқтисодиёти ҳўжалик механизми “сир асрорларини” яхши тушунчалигини намойиш этди. Масалан, қўшимча қиймат назарияси “мантиғи” бўйича, иш куни

канча узун бўлса, қўшимча қиймат массаси ва эксплуатация нормаси шунча юқори бўлиши керак. Лекин “қўшимча иш вақтини” узайтириш йўли билан қўшимча қийматни кўпайтириш усулини К.Маркс яхши ва тўғри усул деб ҳисобламайди. “Абсолют қўшимча қиймат” олиб келувчи бундай усул, бошқа шароитлар ибр хил бўлганда, ортиқча харажатларни келтириб чиқариши, ҳар бир иш соати унумини пасайтириш мумкин, ишчилар норозилигининг муқаррарлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Бунинг устига “Капитал” муаллифи, иш кунининг фақат охириги соатида капиталист учун фойда яратилади деган Н.Сениорнинг “охирги соат назариясини” қаттиқ танқид қилди. Унинг тасдиқлашича, зарурий иш вақтининг қисқаришига қармасдан, меҳнат унумдорлигининг ошиши “нисбий қўшимча қийматни” олиб келгач, бир вақтнинг ўзида қўшимча қиймат нормасининг пасайиш тенденциясини кучайтиради. Шундай бўлсада ҳар бир капиталист интуитив тарзда фойда нормасини кўпайтиришга ишлаб чиқаришни ҳаракатлантирувчи кучдир; фойда олиб ишлаб чиқариш мумкин бўлган нарсагина ишлаб чиқарилади.

Фойда нормаси ҳамиша қўшимча қиймат нормасидан кам бўлади. Бунинг сабаби шундаки, уни ҳасоблаганда фойда бутун капиталга нисбатан олинади, қўшимча қиймат нормасини ҳисоблаганда эса, қўшимча қийматнинг фақат ўзгарувчи капиталга бўлган нисбати олинади. Чунки қўшимча қиймат, К.Маркс таълимотига скўра, фақат ўзгарувчи капиталнинг функцияси ҳисобланади.

“Юқори узвий тузилишдаги” капитал (яъни доимий капиталнинг ўзгарувчи капиталдан кўплиги ўртача ижтимоий меъёрдан ошиқ бўлса) ўртачадан камроқ фойда нормаси беради. “Паст узвий тузилишдаги” капитал эса ўртачадан ошиқроқ фойда нормасини беради. Капитал ўртасидаги рақобат, капиталнинг эркин суратда бир тармоқдан иккинчи тармоққа (кам фойда берадиган тармоқдан юқори фойда берадиган тармоққа) оқиб ўтиши ҳар икки ҳолда ҳам фойда нормасини ўртача қилиб қўяди. Муайян жамиятдаги барча товарлар қиймати миқдори товарлар баҳосининг миқорига тўғри келади. Лекин айрим вазиятларда товарлар рақобат таъсири остида ўз қиймати билан сотилмайди, балки ишлаб чиқариш баҳоси билан сотилади.

“Ишлаб чиқариш баҳоси сарф қилинган капитал плус ўртача фойдани ўз ичига оладиган баҳодир”.

К.Маркс рента тўғрисида назария яратди. Унингча, рента ерга бўлган мулкчиликни реализация қилиш шаклидир. Ер майдони чекланганлиги, унинг ер эгалари қўлида бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш баҳоси ўртача ердаги ишлаб чиқариш харажатларига қараб эмас, балки энг ёмон ердаги ишлаб чиқариш харажатларига қараб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртача шароитга қараб эмас, балки энг ёмон шароитга қараб белгиланади. Бу баҳо билан яхши ердаги (ёк энг яхши шароитдаги) ишлаб чиқариш баҳоси ўртасидаги фарқ дифференциал рентани билдиради. К.Маркс дифференциал рентани таҳлил қилиб, бу рента айрим ер участкаларининг ҳосилдорлиги бир-биридан фарқ қилганда, ерга сарф қилинган капитал миқдори бир-биридан фарқ қилганда ҳосил бўлишини кўрсатиб берди. Дифференциал рента кки шаклда – дифференциал рента I ва дифференциал рента II шаклида мавжуд бўлади. Ижтимоий ишлаб чиқариш баҳосини белгиловчи энг ёмон ердаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш баҳоси билан энг яхши ва ўртача ердаги маҳсулотларнинг индивидуал ишлаб чиқариш баҳоси ўртасидаги тафовут дифференциал ер рента I нинг негизи ҳисобланади. Ерга қўшимча ишлов бериш эвазига олинadиган рента дифференциал рента II ни ташкил этади.

К.Маркс дифференциал рента билан бирга абсолют рентанинг ҳам амал қилишини кўрсатиб беради. У, абсолют рентанинг пайдо бўлишини қишлоқ хўжалигида капитал узвий тузилишининг анча паст бўлиши билан ва ерга бўлган хусусий мулкчилик билан боғлаб тушунтиради. Биринчи омил туфайли, унинг фикрича, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қиммати унинг “ишлаб чиқариш баҳосидан” ҳамиша устун бўлади, иккинчи омил таъсир кучига кўра эса, фойда нормасини ўртача даражага келтирувчи “Капитал оқими” механизми қишлоқ хўжалигида амал қилиш мумкин эмас. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўз ишлаб чиқариш баҳоларидан (қўшимча қийматнинг ўртача фойдадан) ортиқчаси капиталистлар ўртасида тиақсимланмайди (саноатдаги каби) балки деҳқончиликда қолади ва ер эгалари томонидан абсолют рента шаклида ўзлаштирилади. М.Блаугнинг ёзишича, марксча абсолют рента назарияси қимматнинг (қийматнинг) баҳога айланиши келиб чиқадиган унинг қиммат назарияси доирасидан ташқарида ҳеч қандай кучга эга эмас.

Х У Л О С А.

Ж.С.Милл ва К.Маркс ижоди У.Петтидан бошланган классик иқтисодий мактабнинг яқунланганлигини билдиради. Мазкур мактабнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

1. Инсон фақат ўз фойдасига, ўз аҳволини яхшилашга интилувчи “иқтисодий одам” сифатида кўрилади. Ахлоқ, маданият, урф-одат ва шу қабилар назарда тутилмайди.

2. Иқтисодий битимда иштирок этувчи барча томонлар қонун олидида ҳам шунингдек узоқни кўзлаб иш юритишда ҳам эркин ва баробар.

3. Ҳар бир иқтисодий субъект ҳар қандай бозордаги баҳо, фойда, иш ҳақи ва рента тўғрисидаги тўлиқ маълумотга эга.

4. Бзор ресурсларнинг тўла ҳаракатини таъминлайди: меҳнат ва капитал бир зумда керакли жойга оқиб ўтиши мумкин.

5. Иш ҳақи бўйича ишчилар сонининг эластиклаги бирдан кам эмас.

Ошибка!



Асосий таянч иборалар

Ж.С.Милл; ишлаб чиқариш қонунлари ва тақсимот қонунлари; минимум иш ҳақи ва физиологик минимум; Курно, Тюнен; иқтисодиёт ва математик; талабнинг эластиклиги.

Мавзу бўйича саволлар

1. Ж.Миллнинг иқтисодий қарашлари қандай?
2. Ж.Милл ишлаб чиқариш қонунлари билан тақсимот қонунларини қандай баҳолайди?
3. Минимум иш ҳақи ва физиологик минимум нима?
4. Ж.Р.Мак-Куллохнинг асосий ғояларига тушунча беринг.
5. Иқтисодиётда математик услуб ким томонидан киритилди? “Талабнинг эластиклиги” нимани билдиради? Баҳо ва маҳсулот миқдори ўртасида қандай боғланиш бор?
6. Тюненнинг иқтисодий моделини изоҳлаб беринг. Самарали ва самарасиз хўжалик қандай аниқланади?
7. Классик мактаб ва ҳозирги замон.

9 – Мавзу: Кейнсчилик , монетаризм ва институционализм.

Режа:

1. Кейнсчиликнинг пайдо бўлиши. «Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» асаридаги асосий ғоялар.
2. Монетаризм ва ҳозирги замон миқдорий назарияси.
3. Институционализмнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Фойдаланилган адабиётлар :

21. ИАКаримов "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон", Т.1994 й.
22. ИАКаримов "Ўзбекистон сиёсий - ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари", "Ўзбекистон", Т.1991Й.
23. Аганова Л.Р , Серёгина "История экономических учений", Москва 1999 год
24. "История экономических учений", Учебное пособие. Коллектив авторов чёюгъ, гл.1,2 . Москва, "Вьющая школа", 1983г.
25. "Иқтисодий таълимотлар тарихи". Маърузалар матни Т.1997й.
26. Улмасов А., Шарифхўжаев М, "Иқтисодиёт назарияси", "Меҳнат, Т." 1995й.
27. "История ЭКОНОМИЧНЫХ учений" Ядгаров , 1999 год. 3 переиздание.
28. Кейнс Дж.М. "Общая теория занятости, процента и денег", М.1979г.
29. "Всемирная история экономической мьюш", под ред. В.Н.Черковца.
30. "Общая экономическая теория", учебник под ред. академика В.И.Видяпина.

Истеъмол нисбати камайиб боради. Охирида эса "самарали талаб" камаяди, талаб шундай йўл билан ишлаб чиқариш ҳажмларига ва бандлик даражасига таъсир этади. Истеъмол талабининг етарлича ўсмаслиги янги инвестицияларга харажатларнинг ошиш йўли билан қопланиши, яъни ишлаб чиқариш истеъмолининг ишлаб чиқариш воситаларига ошиши йўли билан қопланиши мумкин. Шу сабабли инвестицияларнинг умумий ҳажмини белгилашда ҳал қилувчи рольни ўйнайди. Кейнснинг фикри бўйича инвестициялар ҳажми инвестицияларга бўлган интилишга боғлиқ. Сохибкор инвестицияларни капиталнинг "энг юқори самарадорлиги" фоиз даражасига пасайган пайтгача кенгайтиради қийинчилик шундаки, капиталнинг рентабиллиги пасаяди, фоиз даражаси мўътадил бўлади. Бу ҳолат янги инвестициялар учун имкониятни пасайтиради, демак бандлик ўсиши ҳам камаяди. Капитал "энг юқори самарадорлиги" нинг пасайиши капитал массасининг ўсиши, шунингдек капиталист - тадбиркорларнинг бўлажак даромадларига ишончсизликка мойиллиги билан тушунтирилади. Кейнс

таълимоти бўйича бандликнинг умумий ҳажми уч омилса истеъмолга мойиллик, энг юқори самарадорлик ва фоиз нормасига боғлиқ. Кейнс очган асосий психологик қонун унингча исталган жамият учун қўлланиши мумкин ва истеъмол талабиининг кам омади асрий тенденцияга эга ҳамда барча учун ягона истеъмол қонуни мавжуддир.

Капиталнинг энг юқори самарадорлиги қўшимча капитал бирлиги томонидан вужудга келтириладиган бўлажак фойданинг шу бирликка кетган ишлаб чиқариш чиқимлар нисбатидир. Кейнснинг фикрича даромад, фойда келтирадиган нарсалар капитал ҳисобланади. Унингча, капитал «ноёблиги, яъни чекланганлиги туфайли фойда келтиради. Капиталнинг кўпайиши борасида унинг самарадорлиги ва фойдалилиги камайиб боради. Илмий техника тараққиёти шароитида ва капиталнинг тез жамланиши туфайли бир авлод умри давомида капиталнинг энг юқори самарадорлиги нолга тенглашиши мумкин, дейди у. Кейнс фоизга алоҳида эътибор беради, уни пул қарзи учун берилган ҳақ деб ҳисоблайди. Фоиз унингча муомаладаги пул миқдори ва ликвидлик афзаллигига боғлиқ. Унинг миқдори ликвидлик афзаллигига тўғри ва муомаладаги пул миқдорига тескари пропорционалдир.

Кейнснинг фикрича фоиз нормаси маълум даврга ликвидликдан яъни бойликнинг ликвид, яъни пул шаклидан воз кечиш ҳисобига бериладиган мукофотдир. Бойликнинг пул шакли шу сабабли капиталист, дош, ўз, бойлигини пул шаклида сақлашга ва ундан ажралмасликка интилади, мана шу Кейнс томонидан ликвидлик деб аталади. Бу капиталист ликвид шаклида сақламоқчи бўлган ресурсларнинг миқдори билан ўлчанади.

Инвестицияларнинг кўпайиши билан ишлаб чиқаришнинг қўшимча ишчиларни жалб этишга олиб келади, бу эса бандлик, миллий даромад ва истеъмол усулини таъминлайди. Янги инвестициялар туфайли бандликнинг дастлабки усули яна қўшимча бандликни вужудга келтиради, чунки қўшимча ишчиларнинг талабини қондириш зарурати туғилади. Қўшимча бандликнинг ўсиш коэффиценти Кейнс мултипликатор деб атайти. Бунда инвестицияларнинг ўсиши ва бандлик даромадларининг ўсиши ўртасидаги нисбатни кўрсатади.

К - мултипликатор коффицизнти, У - даромад ўсиши, - инвестиция ўсиши.

Истеъмолга энг юқори мойиллик қанча юқори бўлса мултипликатор ҳам шунчалик катта. Демак , бандлик яхши бўлади. Кейнс бирқанча ҳисоб - китобларга асосланиб, АҚШ нинг мултипликаторини аниқлади. У 2,5 га тенг экан. Бу даромадлар ўсиши инвестициялар ортишидан 2,5 марта ортиқ "дегани, яъни 1 доллар инвестиция 2,5 доллар даромад келтиради. Кейнс капиталистик жамиятда ишсизлик ва инқирозларнинг муқаррарлигини тан олмайди. Аммо капиталистик тизим механизми бу воқеаларни автоматик равишда ҳал этиш имкониятига эга эмас. Кейнс давлат солиқ тизими, фоиз нормасини қисман чеклаш, баъзи бошқа йўллар билан истеъмолга мойилликни оширишга ёрдам бериш керак дейди. Кейнснинг фикрича давр тили билан айтганда бозор иқтисодиётида талаб ва таклиф автоматик равишда мувозанатга келмайди. Тўла бандликни таъминлаш учун фақат инвестицияларни эмас, балки миллий даромадни ҳам тартибга солишни таклиф

этади. Бунини ҳал қилиш воситаси сифатида солиқларга мурожаат қилиш керак дейди. Шу вақтнинг ўзида бойларнинг солиғини оширишга қаршилиқ қилинади. Кейнс ўз таклифини қуйидагича тушунтиради: Меҳнаткашларнинг солиқларини оширишдан мақсадларнинг жамғармаларини камайтириш ва истеъмолни рағбатлантиришдир. Реал иш- ҳақини пасайтириш учун инфляция асосида нарх - навоини ошириш йўли тавсия этилади. Реал иш ҳақини пасайтмасдан тўлиқ бандликни таъминлаш мумкин дейди. Даромадларнинг пасайиб бориши туфайли бандликнинг ортиши илгари банд бўлганларнинг реал даромадлари қисқариши билан боғлиқ. Кейнс ишчиларга мурожаат қилиб, иш ҳақини ошириш учун курашиш керак эмас дейди, чунки бу жами реал иш ҳақининг ишчиларнинг турли гуруҳлари ўртасида катта тақсимланишга олиб келади, унинг ўртача миқдори эса ўзгармайди. Унингча ишчилар реал иш ҳақининг пасайишига чидашлари керак, чунки шу йўл билан ишсизликнинг олди олинади.

Кейнс- ҳозирги даврда ҳаммага яхши таниш ибора бўлиб аралаш иқтисодиётнинг отаси дейиш мумкин, бу иқтисодиётда ҳукумат ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Кейнснинг иқтисодий ғоялари биринчи навбатда буюк инқироз таъсири остида пайдо бўлди. 1929 - 33 йиллардаги бу буюк инқироз Американи ларзага келтирди, ишлаб чиқариш ярмига қисқарди. 17 миллион одам ишсиз қолган эди, 9 миллион омонатчи қўйиб қолди. Ана шундай шароитда иқтисодиётни қутқаришнинг муҳим йўли ҳукумат харажатлари эканлиги кўрсатиб берилди. Кейнс ғоялари унинг издошлари томонидан давом эттирилди ва 3 оқимга ажралди. Биз оқимларни Кейнсчилик деб атаيمиз. Ўнг ва реакцион оқим агрессив монополистларнинг манфаатини "ҳимоя қилади, қуролланиш иқтисодиётни фашистик йўл билан тартибга солишни қўллайди. Иккинчи либерал оқим ҳам монополия оқимларини ҳимоя қилади, аммо қуролланишни инкор этади. Сул кейнсчиликнинг асосий ғояси миллий даромадни тўғрй тақсимлаш йўлидир, чунки бу талаб даражасига самарали таъсир этади.

Германия фашистлари Кейнс ғояларини қўлладилар ва унинг китоби дарҳол немис тилига таржима қилинди. Кейнс таълимоти айниқса АҚШда катта шухрат қозонди. Гарвард университети профессорлари Хансен ва Харесларнинг асарларида бу ғоя ривожлантирилди ва дастлаб янги кейнсчилик, кейинроқ эса ортодоксал кейнсчилик деб аталди ва Хансен томонидан Дагнация назарияси билан тўлдирилди. Янги кейнсчилар самарали талабдан ҳам юқори кескин ўсишни тушунтиришга ҳаракат қилади. Улар мультипликатор принципини аксилерация принципи билан тўлдирдилар. Мультипликатор принципига кўра инвестициянинг қандай ишлатилиши муҳим аҳамиятга эга эмас. У иш билан бандликни таъминлаб даромадини ошириши керак. Янги кейнсчилар эса инвестициянинг қандай ишлатилишига катта эътибор бериб, индустриалашган инвестиция тушунчасини киритадилар. Мультипликатор ва аксилератор ғояларига асосланиб иқтисодиётнинг узлуксиз зўиш схемаси ишлаб чиқлди, унинг асосида давлат капитал қўйилмалари ётади. XX асрнинг 40 - йилларида Кейнс ғоялари Францияда ҳам шухрат қозонди. Кейнс ғояларини тўлалигича ҳам қабул қилганлар бўлди. Француз олимлари императив ва индикатив режалаштиришни ажратишади. Императив режалар директив характерга эга.

Индикатив режаштиришда режа маркази асосий максадларни белгилайди ва турли услублар билан тадбирколарни маълум ҳатти - ҳаракатларга йуналтиради. Улар фақат давлат секторидаги корхоналар учун зарур ҳисобланади.

Кейнс услуби капитализмдаги иқтисодий олдини олишга қаратилган эди, аммо жаҳон урушидан кейини АҚШ ва бошқа мамлакатларда бу инқиррозлар давом этди. Булар Кейнс таълимотини танқид қилиш учун асос бўлди. Хареснинг фикрича Кейнс барча қийинчиликларни ҳисобга олмаган ва ҳоказо. Кейинчалик янги кейнсчилик ўрнига пост кейнсчилик вужудга келди. Улар капиталистик тизимнинг ички турғунлик концепциясини танқид қиладилар. Кейнс бўйича гўёки асосий ғоя капиталистик иқтисодиётнинг ностабиллиги бўлган пост кейнсчиларнинг фикрича яъни тадқиқодларига ижтимоий - иқтисодий институтлар, масалан, касаба уюшмалари ролини ҳам киритадилар. Бу таълимотда ўсиш ва тақсимот муаммолари марказий ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқаришда ўсиш суръатлари МДнинг тақсимотига боғлиқ, даромад ва унинг ўсиши эса жамғармага, умумий жамғарма эса иш ҳақи ва фойдадан жамғарилган жами суммага боғлиқ. Жамғаришга мойиллик ҳар кимда ҳар хил бўлганлиги сабабли тақсимотдаги ўзгаришлар жамғарманинг умумий суммасига таъсир этади. Демак, МДни тақсимлаш ҳам унинг ўсишига таъсир қилади. Ундан ташқари, МДни тақсимлаш капитал жамғарилиши функцияси ҳисобланади. Капиталнинг жамғарилиш суръени фойда нормасини белгилайди. Иш ҳақи ҳиссаси қолдиқ миқдор сифатида қаралади. Аммо ишчилар кураши бу нисбатга маълум ўзгартириш киритиши мумкин.

Посткейнсчилар иқтисодий сиёсатларда капиталистик иқтисодиётни тартибга солиш механизмининг янада такомиллаштириш тарафдори эдилар. Кўпчилик "даромад"лар сиёсатини оқлайдилар, чунки бу йўл билан инфляцияга қарши курашиш мумкин.

2. Монетаризмнинг илдизлари ғарб иқтисодий тафаккурининг узок ўтмишига бориб тақалади. XIX асрнинг 50 - йилларидаёқ К. Маркс пулнинг миқдорий назариясини яратиб, харидлар ва сотувларнинг доимий мувозанати тўғрисидаги фикрларнинг хато эканлигини исботлаб берган эди.

70 - йилларда қатор ғарб давлатларида иқтисодий аҳволнинг ёмонлашиши шуни кўрсатдики, давлат бюджети маблағларининг иқтисодиётга нобарқарорлаштирувчи таъсир кўрсатади.

Фойдали, жонлантирувчи самара берувчи кичик инфляция иқтисодий ўсишнинг беозор йўлдошдан кўрқинчли, издан чиқарувчи омилга, кескин ижтимоий ва макроиқтисодий муаммоларнинг манбаига айланди. 70 -йилларда нарх - навонинг кўтарилиши ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва ишсизликнинг ўсиши билан бирга кечди, шунингдек, аҳолининг кўп қатламлари норозилиги ва ушбу давлатлар ҳукуматларининг хавотири ошди.

Тараққиётнинг тарихий омли ва вақтнинг табиий текширувидан ҳукмрон кейнсчилар концепциясининг қатор камчиликларини кўрсатиб берди, бунда монетар лагерга мансуб олимларга бурилиш даврида монетаризм ғояларининг энг мақбул ва афзал эканлиги маълум бўлди.

Монетаризм иқтисодий назария соҳасида кенг тарқалган машҳур ва нуфузли оқимдир. Бу оқимнинг кўзга кўринган намоёнчаси. Милтон Фридмен ҳисобланади, у Чикаго университетининг профессори, Нобель мукофоти соҳиби. Монетаризм кейнсчилар таълимотига муқобил назария сифатида

юзага келган ва соф бозор иқтисодиёти назарияси ҳисобланади. Унинг бош ғояси иқтисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди, бу механизмнинг асосий воситаси пул деган хулосадан иборат. Монетаризм пулни олқишловчи назариядир. Монетаристлар иқтисодий ўсишнинг энг муҳим шарти инфляцияни даф этиш ва пулни соғломлаштириш, пулни хўжалик муомласига айлантириш деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга аралашishi инфляциянинг кучайиб кетишига сабаб бўлади, шунинг унинг иқтисодий фаолияти пул муомаласини тартибга солиш билан чекланиши керак. Кейнсчилар ва монетаристлар иқтисодни тартиблашда бир - биридан фарқланади. Кейнсчилар барқарорликка бозор механизми орқали эришиб бўлмайди, унга давлатнинг аралашуви зарур деб қарасалар, монетаристлар эса аксинча, бу вазифа бозор механизмининг иши, чунки бозор иқтисодиётига ички барқарорлик бера олади деб ҳисоблайдилар. .

Монетаристлар назарияда илгаридан маълум бўлган пулнинг миқдорий назариясига бориб туташидиган "барқарор пул" назариясини ортга сурадилар. Улар пулнинг барқарорлиги ва иқтисодий фаоллик ўртасида узвий боғланиш борлигини қайд этган ҳолда, иқтисодий кризислар сабабини пул муомаласи бузилишларидан ахтарадилар: пулнинг етишмай қолиши иқтисодий ўсишни сусайтира бориб, турғунлик ҳолатини келтириб чиқаради, сўнгра эса чуқур иқтисодий кризисга олиб келади. Бинобарин, иқтисодий ўсиш пул миқдорига боғлиқ, бу ўз навбатида пул элементи бўлган марказий банк фаолиятига боғлиқ.

Пул - кредит ўзгартириб тангликдан чиқиш ва иқтисодий ўсиш йўлига тушиб олиш мумкин. Монетаристлар иқтисодий оборотдаги бош масала ишлаб чиқариш ва пул массасининг тенглиги бўлиб, шу орқали макроиқтисодий мувозанат ҳосил этиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Улар бундай алоқани айрибошлаш тенгламаси билан ифода этадилар :

$$H_d * I_x = P_m * P_t$$

Бунда, H_d - нарх даражаси

I_x - ишлаб чиқариш чиқариш ҳажми P_m — пул муомаласи

P_t — пул бирлигининг оборот тезлиги

Бу тенглик бозор иқтисодиётидаги энг муҳим мувозанат, унинг бузилиши иқтисодий тангликни ҳосил қилади деб қайд этилади.

Монетаристлар кейнсчилардан фарқлироқ тўла иш билан банд бўлиш иқтисодий ўсишга кучли таъсир этмайди, чунки унинг самараси катта бўлмайди деб ҳисоблайдилар. Монетаризм ривожланган жамиятда истеъмол юқори даражада бўлиб, кишиларнинг эҳтиёжи ҳам тез ўзгармайди деган қоидага асосланиб, инсонларнинг пул сарф харажатлари ҳам олдиндан ҳисоб - китоб қилиниб, нимага ва қанча сарфланиши олдиндан белгилаб қўйилади деб қаралади. Шунга асосланган монетаристлар пул ҳаракати тезлиги ва ишлаб чиқариш ҳажми оз ва секин ўзгаради деган хулосага келадилар.

Монетаристлар нарх пул миқдорига боғлиқ, нарх эса талаб ва таклифни мувофиқлаштириш орқали иқтисодиётни ўз - ўзидан тартиблайди, талаб - таклиф мувозанати бошқа мувозанатларни таъминлайди, демак иқтисодиётни тартиблаш учун муомаладаги пул миқдорини ўзгартириб, уни

нормал ҳолга келтириш зарур, бу ишни эса марказий банк амалга ошириши керак деб боғлиқлигини асослашга интиладилар.

Монетаризм дунёнинг кўпгина минтақалари иқтисодий амалиётида энг муваффақиятли бўлиб унинг экспертлари мамлакатни таназзулдан олиб чиқиш лойиҳаларини ишлаб чиқдилар. Монетаризм принципларини қўллаш натижасида қатор ривожланаётган давлатларда депрессиялар ва тузилмавий қайта қуришлар енгиб ўтилди.

Исроилда пулни соғломлаштириш амалга оширилди, Жануби- Шарқий Осиё ва Шарқий Европанинг бозор йўлларида модернизация бошланди.

АҚШ ва Буюк Британияда изчил монетар сиёсат олиб борилиши натижасида инфляция суръатлари анча қисқарди, бироқ айти пайтда ижтимоий беқарорлик ўсди ва бюджет такчиллиги сақланиб қолди. Натижалар шуни кўрсатдики, монетар сиёсат инфляцияга қарши курашда яхши самара беради ва у қадар чуқур бўлмаган таназзуллар даврида иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади.

Кўпгина назариётчилар бир неча бор монетаризмни идентификациялашга, унга хос бўлган хусусиятларини кўрсатишга уриниб кўрганлар. Бунга турли, бир - бирига зид бўлган таърифлар ва хулосалар берилган.

1956 йилда М. Фридмен монетаризмга хос қуйидаги хусусиятларни кўрсатган:

- 1) Пулга бўлган талаб функциясининг барқарорлиги ва аҳамиятлилиги.
- 2) Пул талаби ва таклифи стилларининг мустақиллиги.
- 3) Талаб функцияси ва йўлдош функциялар шакли

Монетаризмнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида К. Боуннер, Т. Майер, Д. Первис Д. Пейдлер ва бошқа таниқли иқтисодчилар М. Фридменни ижтимоий муассасалар ишсизлик ва банкротликларга эътиборсизликда айбладилар. Илмий нуқтаи назардан, монетаристларнинг бозор иқтисодиётининг анъанавий мезонларига қизиқишини қайд этиш лозим. Монетаризмни соғлом тадбиркорлик ғояси деб аташ мумкин, чунки у ижтимоий муросасизликни ва жамоавий режалаштиришнинг бошқа шансларини қоралайди ва "беш бармоқ баробар эмас" лигини исботлайди. Монетаризмнинг мақсади пул мумаласини соғломлаштириш йўли билан барқарорликни таъминлаш, бозор кучларини тартибга солишдан озод қилиш, инсон иқтисодий мустақилликка эга бўладиган, тадбиркор эса янгиликлар ва таваккалчиликка интиладиган муҳитни яратишдир.

Шуни қайд этиш зарурки, жахониинг кўпгина етакчи давлатларида қўлланган пулни чеклаш барча харажатлар ва салбий оқибатларга қарамасдан муайян самара берди. Муҳим тузилмавий ислохотлар учун замин яратилди, валюталарнинг ташқи позициялари кучайди, кредит молия тизимини қайта қуриш учун қулай шароит пайдо бўлди.

Ўзбекистонда монетаризм ўзига хос хусусиятга эга. Республика Президенти ўтиш даври хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишда қатъий монетаризмга таяниб қолмасдан, асосий тармоқларни ва тузилмавий қувватлашга қаратилган монетар сиёсат олиб бориш лозимлигини бир неча бор таъкидлаган эди. Энг асосийси устуворликларни аниқлаб, бош йўналишни белгилаш ва унга макроиқтисодий сиёсатни боғлашдир. Шунинг учун ҳукумат ва марказий банк давлат харажатларини қисқартириш, кредитлар ва муомаладаги пул массасини чеклаш, фоиз ставкаларини ошириш

ва сўмнинг айрибошлаш курсини режали револзациялашга йўналтирилган тадбирлар анжуманини амалга ошира бошлади.

Бошланишидаёк бозор механизмларини босқичма-босқич ишга тушириш ва айчи пайтда маъмурий ва режалаштириш механизмларини тўхтатиб бориш варианты танланди. Бундай ёндашув 1994 йилда бошланган монетар макроиктисодий барқарорлаштириш сиёсатига асос қилиб олинди. Натижада 1994 йилда давлат бюджетининг тақчиллиги ЯИМ нинг -3,5 % га камайди, инфляция суръатлари 1/7 мартадан кўп пасаяди.

Монетаризм тезда мағлубиятга учраши тўғрисидаги башоратлар ўзини оқламади. Илгари турли давлатларнинг Марказий банклари ноиложликдан, вазият тақозоси билан ва асосан инфляциянинг кескинлашувидан ҳадиксираб ПУЛ массаси ўсиши доимий суръатларининг монетаристик қоидаларини қабул қилган бўлсалар, бугунги кунга келиб кўп давлатлар, жумладан мамлакатимиз ҳам онгли барқарорлаштириш фойдаланмоқда.

Асосий таянч иборалар

Кейнс; давлатнинг иқтисодиётга аралашуви; “Умумий назария...”, аралаш иқтисодиёт; психологик қонун; бандлик, миллий даромад, инвестиция; фоиз, ликвидлик; мультипликатор; кейнсчилик; АҚШдаги кейнсчилик; акселератор; Франция кейнсчилари; индикатив режалаштириш.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Кейнс таълимотида асосий ғояларни тушунтириб беринг.
2. «Психологик қонун»нинг моҳияти нимада?
3. Кейнс таълимотида давлатни бошқаришнинг методларини тушутириб беринг.
4. Монеторизм мактабнинг асосчиси ким?
5. Монеторизмнинг асосий ғояси нимадан иборат.
6. Институционализмнинг асосий йўналишлари.

10-Мавзу: Маржинализм – классик назарияда янги бир босқич сифатида.

РЕЖА:

1. Маржинализмнинг ривожланиш босқичлари.
2. Австрия мактаби. Лондон мактаби. Лозанна мактаб вакиллари.
3. Ҳозирги давр иқтисодиётининг асосий хусусиятлари.

4.Маржинализмнинг ривожланиш босқичлари.

5.Австрия мактаби. Лондон мактаби. Лозанна мактаб вакиллари.

Адабиётлар:

1.Анекин А.В. Люди науки. М. 1996 г.

2.Всемирная история экономических мысли. В шести томах. Т 6. 1989 г. Москва. «Мысль».

3.Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Тошкент, Шарқ.1996

4.Инсоний ривожланиш бўйича ҳисобот. Ўзб. Т., 1995-2000 й.

5.М.Блауг. Экономическая мысль в ретроспективе. М., Дело ЛТД, 1996 г.

6. Общая экономическая теория. Учебник. М., «Промо-медия». 1995

7.Макконел К.Р. СЛ.Брю. Экономикс в двух томах. 14-е издание. М. Инфра М. 2002 г.

19-асрнинг иккинчи ярми 20 –асрнинг бошларида иқтисодий таълимотларнинг ривожланиши капитализм иқтисодиётида унинг сиёсий устқурмасида юз бераётган туб силжишларни акс эттирар эди. 19-асрнинг сўнгги чорагида эркин рақобатнинг монополияга айланиши иқтисодиётдаги энг муҳим ҳодиса бўлди. Бу жараён капитализм зиддиятларининг, айниқса, меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддиятларнинг чуқурлашуви ва кескинлашуви билан ва айна вақтда рўй берди. 19-асрнинг 70-йилларидан бошлаб қиймат назарияси ва уни илмий таҳлил қилишда ҳам чинакам инқилобий ўзгариш юз бериб айнан шу даврда Европанинг бир нечта мамлакатларида турлича назарий мактаблар шаклланди. Ушбу мактаблар яратган иқтисодий таълимот фанда «маржинализм» таълимоти деб номланиб, 20-асрнинг 30-йилларигача ўз мавқеини сақлаб турди.

Маржинализм францўзча маржинал сўзидан олинган бўлиб, «энг юқори» деган маънони билдиради. Бу юқоридаги ўзининг илк фикрларини У.Стенли Жевонс 1862 йилда Британия фанларини ривожлантириш Ассоциациясига қилган «Сиёсий иқтисоднинг

умумий назарияси ҳақида қисқача билдириш» номли маъруъасида баён этган эди. 1871 йилда эса У.Жевонс янги назариясини илмий асослашга бағишланган фундаментал асар бўлган «Сиёсий иқтисод назарияси» номли китобини Англияда нашр қилди. Айнан мана шу йили 1871 йилда Австрияда Карл Менгернинг «Сиёсий иқтисод асослари» номли китоби ҳам эълон қилинди. Бу китобда ҳам худди мана шу «энг юқори фойдалилик» назарияси таҳлил қилиниб, математик формула ва теоремаларсиз илмий жиҳатдан асослаб берилди. 1874 йилда Швецарияда Леон Валраснинг «Соф иқтисодиёт фани элементлари» номли китоби нашрдан чиқди. Бу китобдаги иқтисодий назария тўлиқ равишда математик жиҳатдан ривожлантирилди. Шундай қилиб, янги йўналиш бир вақтда учта олим томонидан турли мамлакатларда инглиз, немис ва францўз тилларида илмий жиҳатдан асослаб берилди. Маржинализм ва унинг ривожланиш даврини икки босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи босқич 19-асрнинг 70-80 йилларини ўз ичига олиб, иқтисодий таҳлилнинг дастлабки маржиналистик ғояларини мужассам қилган дастлабки илмий асарлар яратилди. Бу даврда асосий кечиб уни бу кўриниши инсон психологик хусусияти, яъни унинг ҳиссиёти ва қабул қилиш асосида ўрганилади. Шунинг учун маржинализмнинг бу босқичи иқтисодий таълимотлардаги «субъектив йўналиш» деб аталади.

Иккинчи босқич 19-асрнинг 90-йилларига тўғри келиб, бу даврдан бошлаб маржинализм кўпгина мамлакатларда машҳур ва асосий таълимотга айланди. Маржиналистларнинг бу даврда эришган асосий ютуқлари, субъектив психологик йўналишдан воз кечиб, иқтисодиётнинг асосий мақсади бу иқтисодий ҳаётнинг доимий боришини мавжуд шарт-шароитлар асосида тушунтира билишдир.

Натижада янгича иқтисодий ғоялар намояндалари классик иқтисодий мактабнинг давомчилари сифатида баҳоланиб, уларга неоклассиклар деб ном берилди.

Биринчи. Дастлабки маржиналистлар ўзларининг субъектив оқиларига асосий эътиборни иқтисодий таҳлил жараёнида истеъмолнинг тутгани ўрнини ўрганишга қаратиб, классиклардан фарқли равишда ишлаб чиқаришни иккинчи даражали қилиб қўйдилар. Кейинчалик неоклассиклар ҳар иккалар жараёни биргаликда ўрганиб анча мукамал таълимот яратдилар.

Иккинчи. Биринчи босқич маржиналистлари субъектив йўналиш вакиллари классиклар сингари сабаб оқибатларга асосланган илмий таҳлилни қўлаб уларнинг ғояларини маълум даражада такрорладилар. Лекин биргина ката фарқ субъектив мактаб қўллаган истеъмол ва товарнинг фойдалилиги усули уларни классик мактаб усуллари фарқлади.

Учинчи. Маржинал инқилобнинг биринчи босқичидан фарқ қилиб, иккинчи босқичида функционал илмий услуб билан бирга иқтисодий таҳлилга иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш усули ҳам олиб киритилди. Шу жумладан ҳар иккала босқич назарийчилари «эркин» рақобат ёрдамига иқтисодий ўсишни ҳалигача автоматик равишда қўлаб келинмоқда, деган фикрга келдилар.

Тўртинчи. Неоклассиклар иқтисодий таълимотлар тарихида алоҳида ўрин эгаллаган классиклардан иқтисодий либрелизм тамойилларига содиқ қолишни мерос қилиш билан бирга тадқиқот мавзуини кенгайтириб, унда функционал тадқиқот усулидан ва иқтисодий кўрсаткичларни таққослаш усули ва ниҳоят тизимли математик усулдан кенг фойдаланишини амалга оширдилар.

19-асрнинг 70-йилларида иқтисодий таълимотларнинг нуфўзли мактабларидан бири бўлган Австрия мактаби вужудга келди. Австрия мактабининг субъектив ёки субъектив психологик мактаб деб ҳам атайдилар, унинг мафқонунчилари қўллаган усул муносабати билан унга манна шундай ном берилган. 70-йилларида Австрия мактабининг асосчиси К.Менгер бу ғояни ривожлантириб, унинг субъекти – психологик мактабнинг асосий назариясига айлантирди. Евгений Бён Баверк. Фридрих Визе рва бошқалар ҳам шу назарияни ишлаб чиқдилар.

Австрия мактаби иқтисодчилари асарларида аввало, сиёсий иқтисод предмети, унинг услуби негизлари ва тадқиқот усули тўғрисидаги таълимот янада кенгайтирилди. Менгер ва унинг тарафдорлари ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқаришнинг ривожини тартибга солувчи иқтисодий қонунларни сиёсий иқтисод предметиға киритмас эдилар. Уларнинг концепциясига кўра сиёсий иқтисод хўжалик субъекти тажрибасини бутун хилма-хиллиги билан уни идрок этишни ўрганиш лозим эди. Баверкнинг даъво қилишича, сиёсий иқтисод субъект ҳисларида иқтисодий ҳодисаларни изоҳлайдиган илдизларни излаши керак. Австрия мактабининг назариячилари капитализмни фақат бозор муносабатлари билангина боғланган якка хўжаликларининг механик йиғиндиси деб тасвирлаб, меҳнатнинг ролини инкор этдилар ва капиталистик эксплуатацияни ниқобладилар. Улар иқтисодий жараённи ва унинг омилларини субъектив идеалистик тарзда изоҳладилар. Хўжалик юритувчи субъектларининг психологиясини бу жараённинг асоси деб ҳисобладилар. Австрия мактабининг намояндалари ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётининг объектив хусусиятини ва унга хос қонунларни инкор этиб, хўжалик турмушида иқтисодиётни ривожлантиришда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини

белгиладийган психологик сабаблар ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб даъво қилдилар. Иқтисодий жараёнларни манна шундай субъектив, психологик талқин этиш Австрия мактаби услубиётининг асосини ташкил қилди.

Австрия мактабининг назариётчилари сиёсий иқтисодни ишлаб чиқаришни ўрганишдан «ҳалос» этиб, истеъмолни биринчи ўринга қўйдилар. Улар индивидларнинг моддий неъматларини истеъмол қилиши хўжалик фаолиятини ташкил этувчи асосий омил деб даъво қилишди. Субъективизм, индивидуализм меҳнатнинг ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, ишлаб чиқариш муносабатларининг ролини ҳамда ижтимоий зиддиятлар ва синфий қонуншни марксизмнинг илмий услубиётига, иқтисодий таълимотига қарши қаратилган эди.

Қадрият назарияси Австрия мактабининг концепцияларида марказий ўринни олди. Бу назария энг юқори фойдалилик номини олди. Сиёсий иқтисодда қабул қилинган «товар» ва «қиймат» тоифалари ижтимоий мазмундан маҳрум бўлган неъмат ва қадрият тушунчалари билан алмаштирилди.

К.Менгер, Бем-Баверк ва бошқалар қиймат-ижтимоий зарур меҳнатнинг ифодаси, меҳнат эса унинг бирдан-бир манбаи эканлиги тўғрисидаги қонунни нотўғри деб эълон қилдилар. Улар қиймат тоифасини субъектив мазмун билан тўлдирдилар. Унинг устун омили сифатида истеъмол қиймати ёки моддий неъматларнинг фойдалилиги қабул этилди. Бем –Баверкнинг фикрича, Австрия мактаби истеъмол қийматига мурожаат этиш орқали қадриятни лозим бўлган дарахтдан, илдизнинг ўзидан таҳлил эта бошлади. Ҳақиқатда ҳам Австрия мактаби қийматнинг янгича таърифини ишлаб чиқиш йўлидан борди. Қиймат истеъмол қиймати билан белгиланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги фикрни сиёсий иқтисоднинг классиклари ўртага ташлаган эдилар. Лекин қарий 6200 йил давомида иқтисодиёт фанида

бу ғоя етакчи бўлиши ва шунга қарамай, Австрия мактаби фойдалиликда зўр бериб қадриятнинг субъектив назариясини яратди. Фойдалилик деганда Бём-Баверк моддий неъматларнинг умумий хусусиятини тушунар эди. Бу хусусият моддий неъматларнинг шахслар фаровонлигига эҳтиёжларнинг қондирилишига муносабати билан белгиланади деб ҳисоблар эди. Қиймат, қиммат ва қадрият тушунчаси билан алмаштирилади. Қадриятнинг вужудга келиши меҳнатдан ва ишлаб чиқаришдан ажратиб талқин этилар эди. Неъматнинг фойдалилиги унинг асоси деб ҳисобланар эди. Бём – Баверк фойдалиликнинг икки тўрини: оддий ва малакали тўрини бири-биридан фарқ қилади. Мавҳум фойдалилик мўл-кўл бўлган моддий неъматларга хос бўлган умуман фойдалилик деб таърифланар эди. Бу ҳолатда неъмат бирлигининг фойдалилиги 0 дан иборат деб ҳисобланарди. Захиралари чекланган неъмат малакали фойдалилик деб таърифланар.

Қадриятнинг ҳосил бўлишида Бём –Баверк икки босқични алоҳида кўрсатди, биринчи босқични у субъектив қадриятнинг ҳосил бўлиши билан боғлади. Бунда у неъматнинг шахс эҳтиёжларини қондиришда қандай роль ўйнашига қараб, шу субъект неъматга берадиган шахсий баҳо назарда тутдилар эди. Агар фойдалилик мавҳум бўлса, у ҳолда неъмат баҳо олмайди ва унинг субъектив қадрияти 0 га тенг бўлади. Серсув булоқ ёнида турган киши учун бир стакан сув бунга мисол қилиб кўрсатилади. Аммо сахрога бориб қолган киши учун бир стакан сувнинг ўзи аниқ фойдалилик касб этади. Шахснинг фаровонлигига эмас, унинг ҳаёти ҳам шу сув билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳолатда бир стакан сув субъектив қадриятгэ эга бўлади. Бём –Баверкнинг фикрича, моддий неъматлар туфайли инсонга келтирилган фойданинг миқдори ҳам шу неъматлар кадр-қимматининг ўлчовидир. Қийматни истеъмол қиймати билан

айни бир нарса деб талқин этиш фойдалилик қийматини аниқлаш Австрия мактабидан аввал ҳам сиёсий иқтисодда маълум эди. Австрия мактабининг назариётчилари бу тамойилни математикадан олинган меъёр тушунчаси ишлатила бошланди. Бём –Баверкнинг таъбирича, буюмнинг қадрияти унинг энг юқори фойда миқдори билан ўлчанади. Бунда хўжалик неъматлари муайян туридан олинадиган энг оз наф назарда тутилади. Буни Робинзон етиштирган беш қоп дон мисолида кўриш мумкин, бир қопи озиққа, икки қопи уруғликка, уч қопи ем учун ва ҳоказо. Бём –Баверк бу қонуннинг амал қилинишини беш қоп дон олган шахснинг хўжалиги мисолида кўрсатади. Ҳамма қоплардаги доннинг сифати ва вазни тепа-тенг. Бирок, Бём –Баверкнинг назариясига кўра, бир қоп доннинг субъектив қадрияти камайиб боровчи фойдалилик тамойили асосида белгиланиши керак.

Шундай қилиб, Австрия мактабининг иқтисодчилари илмий назариянинг қиймати товарнинг объектив хусусияти бўлиб, мана шу хусусият бу товарларнинг ички мазмунини белгилайди, деган туб қоидадини рад этди. Шу орқали қиймат ҳосил бўлиш жараёнини янгича талқин этадилар. Улар буни баҳо берувчилик мулохазаларига ва индивидларнинг психологиясига боғлиқ бўлган субъектив тоифага айлантириб қўйдилар. Бу эса навбатдаги Янги назария эди. Бу назарияни яратувчилар қийматни у ҳосил бўладиган шароит ва манбадан ишлаб чиқариш ва меҳнат соҳасидан бутунлай ажратиб қўйдилар. Бём –Баверкнинг ҳамма мулохазалари ҳақиқий жараёни ойдинлаштириладиган Ушбу категорияда ифодаланадиган ишлаб чиқариш муносабатларини кенгайтирадиган фикрлар асосига қурилган эди.

«Энг юқори фойдалилик» назарияси Австрия мактаби ва бошқа иқтисодиёт концепциялари учун асос бўлди, бу концепциялар эса капитализм шароитида иқтисодиётнинг ижтимоий мазмунини

кучсизлантирувчи, унинг синфий хусусиятини инкор этувчи бир нарсадир. Бём –Баверкнинг таъбирича, қадрият тўғрисидаги таълимот даромадни тақсимлаш, шу жумладан, ер рентаси, иш ҳақи, капиталдан олинадиган фойда тўғрисидаги бутун ўз доктринасининг марказий бандидир.

Австрия мактабининг тақсимлаш назарияси бир қанча мавжуд концепцияларини: Ж.Б.Сейнинг ишлаб чиқаришнинг уч омили, тақсимот концепциясини, «энг юқори нафлилик» назариясини ўз ичига олади. Бу ўринда ишлаб чиқариш омиллари унумли неъматлар деб аталган. Уларнинг ҳар бирига олинган истёъмол неъматларининг муайян қисми мувофиқ келади. Тақсимотнинг манна шу ўзига хос концепцияси капиталистик эксплуатацияни ўзгалар меҳнатининг капиталистлар томонидан ўзлаштириб олишни инкор этади.

Австрия мактабининг услубияти ҳам, иқтисодий назариялари ҳам тарихдан ташқари ёндашув асосида яратилгандир. Бу услубият ва назариялар капиталистик товар ҳўжалиги шароитларида жамиятнинг синфий тўзилмасини эътибордан четда қолдириб, ишлаб чиқаришдан истёъмолни устун қўяди. Маржинализм асосчилари қўллагани сабаб-оқибат асосидаги иқтисодий таҳлил оддий мантикий хулосаларнинг юзага келишига сабаб бўлади, бу эса уларнинг реал капитализмдан ўзоқлашишига олиб келади. Бироқ, юқорида қайд этилган хусусиятларни айтиш билан бирга биз бу мактаб намояндаларининг шу услублари натижасиз ва уларнинг концепциялари тўғри илмий хулосалар бермади, демоқчи эмасмиз. Аксинча, капиталистик бозор муаммоларни англашда ва айниқса, иқтисодий фанга эътиборни истёъмол ва талабни тўлароқ қондиришга қаратишда бу мактабнинг хизматлари каттадир.

Бу мактабнинг концепциялари капиталистик ҳўжалик тизимининг энг муқаддас нарсаси хусусий соҳибкорлик, эркин бозор,

рақобат ва шу кабилар посбонлигида турган сиёсий иқтисоднинг бундан кейинги ривожланишига катта таъсир ўтказди. Австрия мактабининг услубияти айниқса, математик мактаб ва умуман ҳозирги замон иқтисодий мактабларининг шаклланишида катта роль ўйнаган. Бу йўналиш Янги классик оқимнинг кенг ривожланишида алоҳида ўринни эгаллади.

Лекин шуни таъкидлаш зарурки, «энг юқори фойдалилик» назарияси янги ташкил бўлаётган назарий мактаблар учун илк манба ролини ўйнади.

Уилям Стенли Жевонс Лондон университетида математика ва химия фанларидан таҳсил олиш билан бирга сиёсий иқтисодни ҳам қизиқиб ўрганган. 1863 йилда Манчестер шаҳридаги коллежга сиёсий иқтисодий мавзудаги унинг асосий асарлари эълон қилинди.

19-асрнинг охиригача У.Жевонс ва унинг асарлари ўзининг кучли математик ифодаси туфайли ўқувчилар томонидан тўлиқ эътибор билан қабул қилинмади. Лекин унинг ғоялари субъективизм асосий илмий асарларида аниқ ўз ўрнини топган эди. Рақобат шароитида ишлаб чиқариш йириклашуви билан нисбий ҳаражатлар ё пасайиб бориши, ёки параллел ўсади, аммо маҳсулот ҳажми ўсиш суръатларидан илгарилаб кетмайди. Кейинчалик мана шу фикрлар асосида микроиқтисодий назария ишлаб чиқариш ва корхона ўлчамларини мақбуллаштириш муаммосини ечиш бўйича анча аниқ услубий ечимларни илгари сурди. Ишлаб чиқариш ҳаражатларини доимий ва ўзгарувчи деб қараб, ўзоқ муддат давомида доимий ҳаражатлар ўзгарувчан бўлиб қолади. Фирма бозорни тарқатишининг асосий сабаби ҳаражатларнинг бозор баҳоси даражасидан юқорилаб кетишидир.

Ж.Б.Кларк маржинализмнинг «Америка мактаби» вакили бўлиб, 19 аср охирида иқтисодий таълимларда неоклассик йўналиш

шаклланишига муҳим ҳисса қўшди. АҚШ да тугилган булажак олим кейинчалик Европа университетларида таълим олди. Карл Книс унинг устози бўлди. АҚШ га қайтгач ўқитувчилик қилди, Т.Веблен унинг қўлида таълим олган эди. Кларк Америка иқтисодий ассоциациясининг ташкилотчиси эди ва 1893-1895 йилларда унинг учинчи президенти буўлган. Унинг асосий асарлари: «Бойлик фалсафаси» (1886) ва «Бойлик тақсимооти» (1899). Бу асарлар иқтисодиёт фанининг уч табиий бўлимлари, «ишлаб чиқариш омилларининг энг юқори унумдорлиги тўғрисидаги қонун» масалаларининг ёритилиши муҳимдир. Кларкнинг ёзишича, иқтисодиёт фанининг предмет жамиятнинг барча даромадларини турли шаклдаги даромадларга ажратишдан иборат, булар ўз навбатида мос равишда «иш бажарганлиги учун», «капитални бериб турганлиги учун» олинади. Бундан шу нарса келиб чиқадики, бу даромадлар «соғ ақл билан» аниқланганда, ишлаб чиқариш билан шугулланган «инсонлар синфи» дан биронта одам бир-бирига даъво кила олмайди. Кларк «энг юқори ишчи», «ишнинг энг юқори хусусияти», «энг юқори нафлик», «чегаравий нафлик», «энг юқори унумдорлик» ва бошқа маржиналистик тоифалар билан иш юритади. У микроиқтисодий таҳлилни тўлалигича устувор тамойил деб қабул килади. Робинзон ҳаётининг иқтисодий тадқиқотларида кулланилиши ўз-ўзидан бўлган эмас, чунки яккаланган шахс хужалигини бошқарувчилар ҳозирги давлат иқтисодиётини бошқаришда давом этмокдалар. Албатта, бу бойлик миқдорий жихатдан инсон фаровонлигини таъминлашдаги манбалари чекланганлиги билан тавсифланади. «Ҳар бир ишлаб чиқариш омили» ижтимоий маҳсулотда ўзи бевосита ишлаб чиқарган бойлик ҳиссасига эга. Кларк иқтисодиётни статика ва динамика қисмларига бўлади.

Биринчи навбатда «ҳозирги замон» тушунчасига аниқлик киритиш керак. Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, 19 аср охирларида вужудга келган иқтисодий ғоя, таълимот ва концепциялар ҳозирги замонники деб тан олинади.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, иқтисодий таълимотларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривож доимо тарихан диалектик равишда рўй бермокда. Тарихнинг гувоҳлик беришича, маълум даврда юзага келган у ёки бу таълимот вақт ва шароит тақозоси билан доим эволюциясида ривожланишда бўлади. Масалан, 28 асрнинг иккинчи ярмида тўла шакланган классик иқтисодий мактаб бозор иқтисодиётининг асосий хусусиятларини таърифлаб берган, аммо бу мактабнинг асосий қоидалари, умумий йўналиши сақланган ҳолда, уларнинг амалда намоён бўлиши турли давр ва давлатларда ниҳоятда хилма-хилдир.

Бём –Баверкнинг қадрият ҳосил бўлишидаги иккинчи босқини объектив қадрият билан боғлайди. У мазкур босқини талаб ва тақлиф хусусидаги мавжуд эски назария асосида изоҳлади. Объектив қадриятнинг ҳосил бўлиши талаб ва тақлифнинг стихияли нисбати давомида бозордаги субъектив баҳолари бараварлаштиришдан иборат қилиб қўйилди, шунинг натижасида Янги, ўртача қадрият пайдо бўлиб, мана шу объектив миқдор деб кўрсатилди.

Шундай қилиб, Австрия мактабининг иқтисодчилари илмий назариянинг кимайти товарларнинг объектив хусусияти бўлиб, мана шу хусусият бу товарларнинг ички мазмунини белгилайди, деган туб қоидасини рад этиш орқали қиймат ҳосил бўлиш жараёнини янгича талқин этадилар. Улар буни баҳо берувчилик мулохазаларига ва индивидларнинг психологиясига боғлиқ бўлган субъектив тоифага айлантириб қўйдилар.

Қадриятнинг ҳосил бўлишида Бём –Баверк икки босқични алоҳида кўрсатди, биринчи босқични у субъектив қадриятнинг ҳосил бўлиши билан боғлади. Бунда у неъматнинг шахс эҳтиёжларини қондиришда қандай роль ўйнашига қараб, шу субъект неъматга берадиган шахсий баҳо назарда тутилар эди. Агар фойдалилик мавҳум булса, у ҳолда неъмат баҳо олмайди ва унинг субъектив қадрияти 0 га тенг бўлади. Бём –Баверкнинг фикрича, моддий неъматлар туфайли инсонга келтирилган фойданинг миқдори ҳам шу неъматлар қадриятининг ўлчовидир.

Австрия мактабининг назариётчилари сиёсий иқтисодни ишлаб чиқаришни ўрганишдан ҳалос этиб, истеъмолни биринчи ўринга қўйдилар. Улар индивидларнинг моддий неъматларини истеъмол қилиш хўжалик фаолиятини ташкил этувчи асосий омил деб даъво қилишди.

Қадрият назарияси Австрия мактабининг концепцияларида марказий ўринни олди. Бу назария энг юқори фойдалилик номини олди. Сиёсий иқтисодда қабул қилинган товар ва қиймат тоифалари ижтимоий мазмундан маҳрум бўлган неъмат ва қадрият тушунчалари билан алмаштирилди.

Австрия мактабининг иқтисодчилари асарларида, аввало сиёсий иқтисод предмети, унинг услуби негизлари ва тадқиқот усули тўғрисидаги таълимот янада кенгайтирилди. Менгер ва унинг тарафдорлари ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқаришнинг ривожини тартибга солувчи иқтисодий қонунларни сиёсий иқтисод предметиға киритмас эдилар. Уларнинг концепциясига қонун сиёсий иқтисод хўжалик субъекти тажрибасини бутун хилма-хиллиги билан уни идрок этишни ўрганиши лозим эди. Тадқиқот усулида классик мактаб ғояларига ворислик мавжуд бўлиб, улар янада ривожланитирилади. А.Маршалл инсонларнинг иқтисодий

фаолиятини «соф» иқтисодий назария позициясида туриб хўжаликнинг идеал моделини мукамал рақобат туфайли бўлиши мумкин бўлган тадқиқ этди. Аммо, бир канча иқтисодиётнинг мўътадиллиги билан боғлиқ маржинал ғоялар орқали у бу фанни «хусусий» хол, яъни фирма соҳа даражасида қарайди. Бундай ёндашув олим яратган «Кембридж мактаби» ва 19 аср охири - 20 аср бошидаги купчилик неоклассиклар учун ҳосдир. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, А. Маршалл ўзидан олдин утган ортодоксал классиклардан фарқли равишда, иқтисодий тоифаларни «Исбот» талаб этувчи у ёки бу асосий чегараланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Олим тадқиқотларида бозорда эркин баҳо шаклланиши муаммоси асосий ўринни эгаллайди. Бунда бозор мувозанати ягона организм сифатида, хўжалик юритувчи субъектлар, чакон ва бир-бири тўғрисида яхши маълумотга эга деб қаралади. Бозор баҳоси энг юқори наф асосида аниқланадиган талаб баҳоси ва энг юқори ҳаражатлар билан топиладиган таклиф баҳосининг келишиш натижаси деб қаралади. Бу «Маршалл хоҳи» деб юритилади, талаб ва таклиф қизикларининг кесишганлигининг қизма шаклидир. Қизиклар кесишган жойда улар орасидаги мувозанат, яъни мувозанатли, мўътадил баҳо ўрнатилади. Шу ерда олимнинг товар қимматининг моҳияти тўғрисидаги ғояси хусусиятлидир. Унинг фикрича, қимматни яратишда нафлик ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари бирдек фаолдир. У қайчини мисол сифатида келтириб, қайчининг қогоз қирққанда қайси тиги асосий ролни ўйнайди деб савол беради. Маршалл томонидан «истеъмол ортиқчалиги» тушунчасини қиритади, бу ҳаридор олиши зарур бўлган иложсиз нарса учун тўланган ва амалда тўлаётган баҳолар уртасидаги фарқдир, яъни ҳаридорнинг қўшимча талабини қондиришнинг иқтисодий ўлчовидир.

Илк маржиналистларнинг баҳо, талаб ва таклиф каби хусусан, баҳо пасайиши билан талаб ортиши, баҳо пасайиши билан пасайишини кўрсатиб берди. Мўътадил баҳо талаб ва таклиф нуқталари кесишган ерда ўрнатилади. Шуларга мос равишда бозорда баҳоларнинг ўзгариши рўй беради. Даромадлар назариясида капиталга фоиз, иш ҳақи маржиналистик ҳал этилади.

Биринчи. Дастлабки маржиналистлар ўзлариининг субъектив оқиларига асосий эътиборни иқтисодий таҳлил жараёнида истеъмолнинг тутган ўрнини ўрганишга қараб, классиклардан фарқли равишда ишлаб чиқаришни иккинчи даражали қилиб қўйдилар.

Кейинчалик неоклассиклар ҳар иккалар жараёни биргаликда ўрганиб анча мукамал таълимот яратдилар.

Иккинчи. Биринчи босқич маржиналистлари субъектив йўналиш вакиллари классиклар сингари сабаб оқибатларга асосланган илмий таҳлилни қўллаб уларнинг ғояларини маълум даражада такрорладилар. Лекин биргина катта фарқ субъектив мактаб қўллаган истеъмол ва товарнинг фойдалилиги усули уларни классик мактаб усуллари фарқлади.

Учинчи. Маржинал инқилобнинг биринчи босқичидан фарқ қилиб, иккинчи босқичида функционал илмий услуб билан бирга иқтисодий таҳлилга иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш усули ҳам олиб киритилди. Шу жумладан ҳар икала босқич назариятчилари «эркин» рақобат ёрдамига иқтисодий ўсишни ҳалигача автоматик равишда қўллаб келинмоқда, деган фикрга келдилар.

Тўртинчи. Неоклассиклар иқтисодий таълимотлар тарихида алоҳида ўрин эгаллаган классиклардан иқтисодий либрелизм тамойилларига содиқ қолишни мерос қилиш билан бирга тадқиқот мавзуини кенгайтириб, унда функционал тадқиқот усулидан ва

иқтисодий кўрсаткичларни таққослаш усули ва ниҳоят тизимли математик усулдан кенг фойдаланишини амалга оширдилар.

Биз юкорида келтирган иқтисодий таълимотлар доиморивожланишида бўлиб, уларнинг ҳеч бири соф ҳолда бирор бир мамлакатда қўлланилмайди. Амалиётда бу мавжуд иқтисодий таълимотлар, уларнинг турли оқимлари, мактабларнинг қоришмалари қўлланилади.

Ҳозирги замон иқтисодий таълимотларнинг асосан уч йўналишини ажратиш мумкин:

- 1.Неоклассик (янги классик).
- 2.Ижтимоий институционал.
- 3.Кейнсчилик.

19-асрнинг иккинчи ярми 20 асрнинг бошларида иқтисодий таълимотларнинг ривожланиши капитализм иқтисодиётида унинг сиёсий усткурмасида юз бераётган туб силжишлари акс эттирар эди. 19-асрнинг сўнгги чорагида эркин рақобатнинг монополияга айланиши иқтисодиётдаги энг муҳим ҳодиса бўлди. Бу жараён капитализм зиддиятларининг, айниқса, меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддиятларнинг чуқурлашуви ва кескинлашуви билан айна бир вақтда рўй берди. 19-асрнинг 70-йилларидан бошлаб қиймат назарияси ва уни илмий таҳлил қилишда ҳам чинакам инқилобий ўзгариш юз бериб айнан шу даврда Европанинг бир нечта мамлакатларида турлича назарий мактаблар шаклланди. Ушбу мактаблар яратган иқтисодий таълимот фанда «маржинализм» таълимоти деб номланиб, 20-асрнинг 30-йилларигача ўз мавқеини сақлаб турди.

Асосий таянч иборалар

Маржинализм; энг юқори (чегаравий) наф; ноёблик; экономика; субъектив-психологик; иқтисодий либерализм; робинзонада усули; субъектив; спекуляция.

Мавзу бўйича саволлар

1. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида вужудга келган иқтисодий таълимотларга хос хусусиятлар нимадан иборат?
2. XIX асрнинг 70-йилларида шаклланган қайси назарий мактабларни биласиз?
3. Бу даврда янгича илмий таҳлилни майдонга ташлаган олимлар кимлар?
4. Австрия мактабининг асосчилари ким?
5. Маржинализмнинг иқтисодиёт фанида тутган ўрни ҳақида айтиб беринг.
6. К.Менгер, Е.Бём-Баверк ва Ф.Визернинг асосий асарлари қайсилар?
7. У.Жевонснинг иқтисодий мавзудаги асосий асарларини айтиб беринг.
8. Л.Вальраснинг иқтисодий ғоясига қандай тушунчалар асос қилиб олинган? Миқдор истеъмолининг камаювчи функциясини изоҳлаб беринг.
9. Бозорнинг иқтисодий мувозанати нимани англатади?
10. Л.Вальрас қонунини изоҳлаб беринг.

11-МАВЗУ: Неклассик йўналишнинг моҳияти ва унинг асосий мактаблари.

Р Е Ж А :

1. Янги классик йўналиш – «Маржиналистик инқилоб» нинг иккинчи босқичидир.
2. А.Маршалл – «Кембридж мактаби» лидери.
3. Х.Б.Кларк – «Америка мактаби» вакили сифатида.
4. В.Парето – «Лозанна мактаби» анъаналарининг давомчиси сифатида.
5. Хулоса.

Адабиётлар:

1. Анекин А.В. Люди науки. М. 1996 г.
2. Всемирная история экономических мысли. В шести томах. Т 6. 1989 г. Москва. «Мысль».
3. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Тошкент, Шарк. 1996
4. Инсоний ривожланиш бўйича ҳисобот. Ўзб. Т., 1995-2000 й.
5. М.Блауг. Экономическая мысль в ретроспективе. М., Дело ЛТД, 1996 г.
6. Общая экономическая теория. Учебник. М., «Промо-медия». 1995
7. Макконел К.Р. СЛ.Брю. Экономикс в двух томах. 14-е издание. М. Инфра М. 2002 г.

19 аср охири 20 аср ўрталарида эса илмий техника инқилоби бошланди, шароит кескин ўзгарди. Кўпгина таълимотлар, масалан, Кейнс таълимоти мўътадил ҳолатдаги иқтисодиётни таҳлил этган бўлса, яъни илмий техника ривожини ва аҳоли сонининг ўсишини инкор қилган бўлса, энди мамлакатларнинг нотекис ривожланиши кучайди. ГФР, Буюк Британия, Япония, Италия ва бошқа мамлакатларда юқори суръатлар сезилди. Буларнинг ҳаммасини тушунтириш, уни маълум ҳаммаси солиш керак эди.

Дастлаб неоклассик йўналиш К.Маркснинг ғояларига қарама-қарши реакция сифатида юзага келди. 20 асрнинг 30-йилларгача ҳукмрон бўлди. Бу орада Кейнс ва кейнсчилик таълимотига эътибор кучайди. 70-80 йилларда давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари кўп аралашуви иқтисодиёт ривожига

акс таъсир эта бошлади. Шунда яна неоклассик таълимот ёрдамга келди. Ғарб иқтисодий адабиётида бу йўналиш «Янги классик экономикс» деб номланмоқда. Ҳозирги вақтдаги «Экономикс» асосида маржиналистик назария ётади ва унда классик сиёсий иқтисодни маржинализм билан синтезлаш ҳаракати мавжуд. Экономикс соф иқтисодиёт ва сиёсий иқтисод оралиғидаги фан бўлиб, қисқача айтганда «қандай қилиб ресурсларни чекланган, танқис бўлган жамиятда нимани, қандай қилиб ва ким учун ишлаб чиқаришни» ўрганади. Бу бобда неоклассиклардан А.Маршалл, Ж.Б.Кларк, В.Парето ғоялари кўриб чиқилади. Бу фаннинг келиб чиқиши таниқли буюк инглиз иқтисодчиси Алфред Маршалл (1842-1924) номи билан боғлиқ, у иқтисодиётни инсониятнинг меъёрий ҳаёт фаолияти тўғрисидаги таълимот, деб баҳолайди. 1902 йилда А.Маршалл «Экономикс» курсини дастлаб Кембридж университетида ўқий бошлади. Бу фан Миллнинг сиёсий иқтисодий курси ўрнига киритилди. Бундан олдинроқ, 1890 йилда А.Маршаллнинг «Экономикс тамойиллари» китоби чоп этилди.

«Экономикс» мактабининг пайдо бўлиши тасодифий бир ҳол эмас эди. Бу, биринчидан ғарбдагиларнинг национализмидан келиб чиққан бўлса, иккинчидан ундан ҳам чуқурроқ сабаблар мавжуд эди. 19 асрнинг охиридаги инқироз ва деярли 20 йиллик депрессия давлатнинг иқтисодиётига аралашуви самарасиз эканлигини кўрсатди. А.Маршалл шуларни таҳлил қилиб, эркин рақобат ва бозор ғоясини яна жонлантирди. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ролини чеклаш кераклигини яхши сизди ва аввалги фандаги биринчи сўзини, яъни «сиёсий» сўзини олиб ташлашни маъқул кўрди.

А.Маршалл иқтисодиётда неоклассик йўналишининг етакчи вакили, маржинализмнинг «Кембридж мактаби» вакили ҳисобланади. Кембридж университетида ўқиди, уни тугатиб шу ерда бутун ҳаёти давомида ўқитувчилик қилди. У сиёсий иқтисод фанидан (1863-1908) 1902 йилдан бошлаб «Янги экономика» фанини киритди ва сиёсий иқтисод фани аста секин чиқиб чиқарилди. Маршалл маржинализм ғоясини мусбат равишда аниқлади. Экономикс тамойиллари Маршаллнинг бош асари бўлиб у 6 жилддан иборат. (1890). Бу китоб доим тўлдирилиб борилди ва олим ҳаёти давомида 8 марта нашр этилган. Китоб бошидаёқ фаннинг предмети тўғрисида фикр юритилади. Бу фан инсон жамиятининг меъёрий ҳаёт фаолияти тадқиқ қилиш билан шуғулланади. Индивидуал ижтимоий жараёнларнинг фаровонлигини моддий

асосларни яратиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган соҳани ўрганади. Машҳур «экономика» китобининг муаллифи П.Самуэльсон бу Фан предмети номи «Иқтисодиёт» бўлиб, иқтисодиёт ёки максимизацияни ўрганади. Унда ишлаб чиқариш ҳажмлари мақбул бўлганда соф фойда максимумга катта эътибор қаратилган.

Тадқиқот усулида классик мактаб ғояларига ворислик мавжуд бўлиб, улар янада ривожлантирилади. А.Маршалл инсонларнинг иқтисодий фаолиятини «соф» иқтисодий назария позициясида туриб ҳўжаликнинг идеал моделини мукамал рақобат туфайли бўлиши мумкин бўлган тадқиқ этди. Аммо, бир қанча иқтисодиётнинг мўътадиллиги билан боғлиқ маржинал ғоялар орқали у бу фанни «хусусий» ҳол, яъни фирма соҳа даражасида қарайди. Бундай ёндашув олим яратган «Кембридж мактаби» ва 19 аср охири - 20 аср бошидаги кўпчилик неоклассиклар учун хосдир. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, А. Маршалл ўзидан олдин ўтган ортодоксал классиклардан фарқли равишда, иқтисодий тоифаларни «Исбот» талаб этувчи у ёки бу асосий чегараланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Олим тадқиқотларида бозорда эркин баҳо шаклланиши муаммоси асосий ўринни эгаллайди. Бунда бозор мувозанати ягона организм сифатида, ҳўжалик юритувчи субъектлар, чаққон ва бир-бири тўғрисида яхши маълумотга эга деб қаралади. Бозор баҳоси энг юқори наф асосида аниқланадиган талаб баҳоси ва энг юқори харажатлар билан топиладиган таклиф баҳосининг келишиш натижаси деб қаралади. Бу «Маршалл хочи» деб юритилади, талаб ва таклиф чизиқларининг кесишганлигининг чизма шаклидир. Чизиқлар кесишган жойда улар орасидаги мувозанат, яъни мувозанатли, мўътадил баҳо ўрнатилади. Шу ерда олимнинг товар қимматининг моҳияти тўғрисидаги ғояси хусусиятлидир. Унинг фикрича, қимматни яратишда нафлик ва ишлаб чиқариш харажатлари бир дек фаолдир. У қайчини мисол сифатида келтириб, қайчининг қоғоз қирққанда қайси типи асосий ролни ўйнайди деб савол беради. Маршалл томонидан «истеъмол ортиқчалиги» тушунчасини киритади, бу харидор олиши зарур бўлган иложсиз нарса учун тўланган ва амалда тўлаётган баҳолар ўртасидаги фарқдир, яъни харидорнинг қўшимча талабини қондиришнинг иқтисодий ўлчовидир.

Илк маржиналистларнинг баҳо, талаб ва таклиф каби хусусан, баҳо пасайиши билан талаб ортиши, баҳо пасайиши билан пасайишини кўрсатиб

берди. Мўътадил баҳо талаб ва таклиф нукталари кесишган ерда ўрнатилади. Шуларга мос равишда бозорда баҳоларнинг ўзгариши рўй беради. Даромадлар назариясида капиталга фоиз, иш ҳақи маржиналистик ҳал этилади. Аввалги классикларнинг товар қиймати сарфланган меҳнат билан ўлчаниши қатъиян рад этилади.

Фоиз ставкаси даражаси тўғрисида фикр юритиб, фоиз камайиши билан инсонлар кам жамғарадилар деган хулоса чиқарилади. Бу қоида кейинчалик унинг шогирди Ж.М.Кене томонидан кенг фойдаланилади.

«Талаб баҳоси» ривожлантирилиб, «товарнинг эластиклиги» концепцияси илгари сурилади. Бу талаб ҳажмининг баҳо ўзгаришига боғлиқлиги кўрсаткичидир. Эластикликнинг турли омилларига қанчалик боғлиқлиги таҳлил этилади. Энг кам эластиклик кенг истеъмол молларига тегишли ҳудди шу ҳолатни зеб-зийнат молларига нисбатан кўриб чиқмаган. Бу боғланиш вақт давомида ўзгариб туриши айтилади. Ўрганилаётган давр қанчалик кичик бўлса, талабнинг баҳога таъсири шунчалик каттадир, давр қанчалик катта бўлсаю, ишлаб чиқариш харажатларининг таъсири асосийдир. Корхонада ишлаб чиқариш харажатлари ўзгариши қонуниятлари аниқланди. Корхона ишлаб чиқариш харажатлари ўзгариши келадиган нафнинг миқдори муаммоси қараб чиқилади. Маршалл хусусан шуни қайд қиладики, одатда рақобатли иқтисодиётда йирик корхона ўз товар маҳсулотига баҳони пасайтиришни таъминлайди, бу эса рақобатчилар олида устунликка олиб келади. Энг муҳими, бундай иқтисодиётдан бутун жамият манфаат кўради.

«Репрезатив форма» тушунчаси киритилади. Унинг ҳажми маълум товарни ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан ортади, бу эса ҳам ички ҳам ташқи фойда келтиради, чунки меҳнат сарфлари ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари пасаяди. Бундан олим иккита иқтисодий қонуни борлиги тўғрисида хулоса чиқаради:

- 1) ўсиб боровчи фойда.
- 2) доимий фойда.

Биринчисига кўра, меҳнат ва капитал сарфлари ҳажми ортиши билан одатда ишлаб чиқаришни ташкил этишни мукаммалаштиришга олиб келади, меҳнат ва капиталдан фойдаланиш самарадорлигини оширади, пропорционал

ўсишига олиб келади. Олим фикрича, асл ҳаётда бу икки тенденция доимо бир-бирига қарама-қарши туради.

Рақобат шароитида ишлаб чиқариш йириклашуви билан нисбий харажатлар ё пасайиб бориши, ёки параллел ўсади, аммо махсулот ҳажми ўсиш суръатларидан илгарилаб кетмайди. Кейинчалик манна шу фикрлар асосида микроиқтисодий назария ишлаб чиқариш ва корхона ўлчамларини мақбуллаштириш муаммосини ечиш бўйича анча аниқ услубий ечимларни илгари сурди. Ишлаб чиқариш харажатларини доимий ва ўзгарувчи деб қараб, ўзок муддат давомида доимий харажатлар ўзгарувчан бўлиб қолади. Фирма бозорни тарк этишининг асосий сабаби харажатларнинг бозор баҳоси даражасидан юқорилаб кетишидир.

Ж.Б.Кларк маржинализмнинг «Америка мактаби» вакили бўлиб, 19 аср охирида иқтисодий таълимотларда неоклассик йўналиш шаклланишига муҳим ҳисса қўшди. АҚШ да тугилган булажак олим кейинчалик Европа университетларида таълим олди. Карл Книс унинг устози бўлди. АҚШ га қайтгач ўқитувчилик қилди, Т.Веблен унинг қўлида таълим олган эди. Кларк Америка иқтисодий ассоциациясининг ташкилотчиси эди ва 1893-1895 йилларда унинг учинчи президенти бўлган. Унинг асосий асарлари: «Бойлик фалсафаси» (1886) ва «Бойлик тақсимоти» (1899). Бу асарлар иқтисодиёт фанининг уч табиий бўлимлари, «ишлаб чиқариш омилларининг энг юқори унумдорлиги тўғрисидаги қонун» масалаларининг ёритилиши муҳимдир. Кларкнинг ёзишича, иқтисодиёт фанининг предмет жамиятнинг барча даромадларини турли шаклдаги даромадларга ажратишдан иборат, булар ўз навбатида мос равишда «иш бажарганлиги учун», «капитални бериб турганлиги учун» олинади. Бундан шу нарсга келиб чиқадики, бу даромадлар «соғ ақл билан» аниқланганда, ишлаб чиқариш билан шуғулланган «инсонлар синфи» дан биронта одам бир-бирига даъво қила олмайди. Кларк «энг юқори ишчи», «ишнинг энг юқори хусусияти», «энг юқори нафлик», «чегаравий нафлик», «энг юқори унумдорлик» ва бошқа маржиналистик тоифалар билан иш юритади. У микроиқтисодий таҳлилни тўлалигича устувор тамойил деб қабул қилади. Робинзон ҳаётининг иқтисодий тадқиқотларида қўлланилиши ўз-ўзидан бўлган эмас, чунки яккаланган шахс хўжалигини бошқарувчилар ҳозирги давлат иқтисодиётини бошқаришда давом этмоқдалар. Албатта, бу бойлик миқдорий жиҳатдан инсон фаровонлигини

таъминлашдаги манбалари чекланганлиги билан тавсифланади. «Ҳар бир ишлаб чиқариш омили» ижтимоий маҳсулотда ўзи бевосита ишлаб чиқарган бойлик ҳиссасига эга. Кларк иқтисодиётни статика ва динамика қисмларига бўлади. Аввалги зиёнсиз бир нечта ортиқча одамларни ишга қабул қилиши мумкин, чунки бу зонада иш ҳақи уларнинг ишлаб чиқариши билан боғлиқ ва бунда ҳеч қандай фойда юзага келмайди. Амалда эса тадбиркор шу зона доирасида, аввалги маош билан жуда кам ходимни ишга жалб этади, чунки зиён келтириш хавфи бўлиб, таваккалчилик минималдир. Бу энг юқори, чегараланган ишчи маоши даражасида иш ҳақи олади. Капиталга фоизнинг шаклланиши О.Бем-Баверкнинг «кутилмалар назарияси» га ўхшаш фикр юритилади. Энг юқори унумдорлик қонунидан шундай хулоса чиқариладики, ишлаб чиқариш омилининг баҳоси унинг нисбий камомадлиги билан боғлиқ. Бу эса, хусусан, «адолатли иш ҳақи» доимо меҳнатнинг энг юқори унумдорлигига мос келади, меҳнат эса, бошқа унумлироқ ишлаб чиқариш омили, яъни капиталга нисбатан паст бўлади.

Вилфредо Парето (*1848-1923) иқтисодий таълимотнинг неоклассик йўналишини давом эттирган йирик италян вакили ҳисобланади. У маржинализмнинг «Лозанна мактаби» аъёналарига содиқ эди. Бу олимни иқтисодиёт билан бирга сиёсат ва социология соҳалари ҳам қизиқтирган, бу унинг ёзган асарларидан маълум. Паретонинг асосий асарлари: икки жилдли «Сиёсий иқтисод курси», «Сиёсий иқтисод таълимоти» ва «Умумий социология бўйича рисола». Паретонинг иқтисодий тадқиқотларида Л.Валрас, О.Курно, Ф.Эджуорт ва бошқа олимларнинг ғоялари таъсири катта бўлган. 1892 йил Л.Валрас Лозанна университетидаги кафедра мудирлигини В.Паретого топширади ва у даргоҳда юқорида кўрсатилган асарлар яратилди. В.Парето, В.Вальрас каби умумий иқтисодий мувозанат муаммолари тадқиқотига ката аҳамият берди. Бунда маржинализмнинг иқтисодий таҳлил ғояларига амал қилинди. Шу билан бирга Парето иқтисодиётда мувозанатнинг шарт-шароитлари ва омилларини ўрганишда сифат жиҳатидан янги тамойилларини илгари суриб, неоклассик ғояларни янги «иккинчи тўлқини» ни бошлаб берди. Булар қуйидагиларда намоён бўлади.

В.Парето функционал ёндашув асосида алмашувнинг бирдан-бир сабаби нафлик деган қоидадан воз кечиб, иқтисодий тизимни бутунлигича изоҳлашга

ўтди, бунда талаб ва таклиф иқтисодиётда мувозанат элементлари сифатида каралади. Шу билан бирга «соф» иқтисодий назарияга асосланиб, даромадлар тенгсизлиги уларни синфлар ўртасида тақсимлаш билан боғлиқлигини инкор этади. Л.Вальраснинг умумий иқтисодий мувозанат моделида шу мувозанатга эришувнинг мезони нафликнинг максимуми деб ҳисобланган бўлса, Паретода бу мезон бошқасига, яъни конкрет индивиднинг афзал кўриш нисбати ўлчови баҳосига алмаштирилади. Парето оптимумида аҳолии даромадларининг тақсимланиш гиперболасининг тенгламаси берилади. Фойдалилик функциясини топиш учун неъматлар тўплами афзаллигини концепцияси Жон фон Нейман томонидан янада ривожлантирилди. У ўйин назариясига асосланиб, индивидумнинг максимум ютуққа интилиши шароитидан келиб чиқиб, истеъмолчининг ўзини тутиш моделини ишлаб чиқди. Бунда неъматлар фойдалилиги концепцияси психологик талабни қондириш факат эркин рақобат иқтисодиётигина таҳлил этилмайди. Турли типдаги онопол бозорлар ҳам қараб чиқилади, бу тадқиқотлар 20 асрнинг ўрталаридагина алоҳида тадқиқот предметига айланади. Улар таҳлилнинг янги икки бошқа йўналиши билан бирлашиб келади: 1) бозор механизми назарияси; 2) фирма ва уй хўжалиги фаолияти таҳлили.

19-асрнинг 70 йилларидан бошлаб, иқтисодий таълимотлар принципиал Янги йўналиши –маржинализм ғоялари устундир, аввалги классик мактаб вакиллариининг фикрлари кескин танқидга учради. Чунки амалий иқтисодиётда ўзгаришлар рўй берди. 20 асрнинг бошларида эса неоклассик ғоялари шакллана бошлади, бу маржинализм ғоялари ривожининг 2-босқичи деб каралаши мумкин. Сиёсий иқтисоддан анча фарқ қилувчи экономика тушунчаси киритилади ва иқтисодиётга ёндашув кескин ўзгаради. Неоклассик йўналишнинг асосий мафкурачиси А.Маршалл ҳисобланади. У Экономика иборасини биринчи бўлиб, муомалага киритди. Иқтисодиёт фанининг асосий вазифасини инсониятнинг меъёрий ҳаёт фаолияти тўғрисидаги таълимот, деб баҳолайди. Классик мактабнинг принципиал ғоялари ҳимоя қилинади, аммо унга маржиналистик қоидалар қўлланилади. Қиммат ва баҳо шаклланиши нихоятда оригинал равишда кўрсатиб берилган, қайчи тиги эффекти муҳимдир. Талаб ва таклиф чизиқларининг кесишган жойида баҳо аниқланиши, «Маршалл хочи» нихоятда ката аҳамиятга эга ва ҳозир бу қоида доимо қўлланилади.

«Истеъмол ортиқчалиги», мўътадил баҳо, талабнинг эластиклиги, репрезентив фирма тўғрисидаги ғоялар фундаментал аҳамиятга эга. Америкалик Ж.Б.Кларкнинг қарашларида фаннинг асосий предмети жамиятнинг барча даромадларини турли шаклдаги даромадларга ажратишдан иборат деб қаралади. Фанни статика ва динамикага ажратади, энг юқори меҳнат унумдорлиги қонунини киритади. Италиялик В.Парето иқтисодиётда умумий мувозанат муаммолар тадқиқотида эътибор беради. Математик аппаратдан унумли фойдаланиб, «бефарқлик эгри чизиги» ни яратди.

Асосий таянч иборалар

Неоклассика; А.Маршалл; “экономикс”; баҳо, талаб, таклиф; талаб эластиклиги; “Маршалл ҳочи”; “истеъмол ортиқчалиги”; “репрезентатив фирма”; Ж.Б.Кларк; “чегаравий нафлик”; “энг юқори унумдорлик”; статика ва динамика; В.Парето; “бефарқлик эгри чизиклари”; “Парето оптимуми”.

Мавзу бўйича саволлар

1. А.Маршалл бўйича бозор баҳоси нима?
2. Баҳо, талаб ва таклиф ўртасидаги боғланиш қандай?
3. Таклиф эластиклиги деганда нмаа тушунилади?
4. “Маршалл ҳочи”нинг мазмунини изоҳлаб беринг?
5. Ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши ва нисбий ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги боғланиш нима?
6. Доимий ва ўзгарувчи харажатларни изоҳланг.
7. Ж.Б.Кларкнинг статик ва динамик иқтисодиёт тўғрисидаги ғоялари нимани англатади?
8. “Энг юқори унумдорлик қонуни”нинг асосий хусусиятлари.
9. В.Паретонинг умумий иқтисодий мувозанат концепцияси моҳияти нимадан иборат?
10. Нафликни максимум қилиш учун нима асос қилиб олинган?

11. В.Паретонинг “бефарқлик эгри чизиклари” нимани билдиради?
12. Парето оптимумини изоҳланг.

12- Мавзу: Ҳозирги замон иқтисодий назариялар эволюцияси.

РЕЖА:

1. Неоклассик синтез концепцияси.

2. П. Самуэльсоннинг «Экономикс» асаридаги назариялар моҳияти.
3. Эконометриканинг ҳозирги замон асосий йўналишлари.
4. Ҳалқаро иқтисодий интеграция. Нисбий афзаллик концепцияси. Савдо-сотиқнинг маржиналистик назариялари
5. Ҳалқаро меҳнат тақсироти татқиқ этишдаги танқидий йўналиш.
6. Вамота муносабатлари таҳлили, жаҳон пулининг янги металл концепцияси. «Сузиб юрувчи курс».
7. Жаҳоншумўл иқтисодий муаммолар. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти тўғрисидаги назариялар.

Адабиётлар:

1. Анекин А.В. Люди науки. М. 1996 г.
2. Всемирная история экономических мысли. В шести томах. Т 6. 1989 г. Москва. «Мысль».
3. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Тошкент, Шарк. 1996
4. Инсоний ривожланиш бўйича ҳисобот. Ўзб. Т., 1995-2000 й.
5. М.Блауг. Экономическая мысль в ретроспективе. М., Дело ЛТД, 1996 г.

6. Общая экономическая теория. Учебник. М., «Промо-медия». 1995
7. Макконел К.Р. СЛ.Брю. Экономикс в двух томах. 14-е издание. М. Инфра М. 2002 г.

1. Иқтисодиётда бир қанча офатлар, хусусан, оммавий ишсизлик ва инфляция ижтимоий-иқтисодий ривожланишда асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Қандай қилиб аҳолининг муътадил ва тўла бандлигини, реал даромадлар ўсишини таъминлаш мумкин деган саволлар ҳаммани, иқтисодиёт фани намоёндоларини ҳам қизиқриб келмоқда. Айниқса инқирозсиз иқтисодий циклнинг сирлари нимани муҳимдир.

Бу ва бошқа масалалар билан неоклассик синтез йўналиши шуғулланиб, унда классик иқтисодий таълимот томонидан илгари аниқланган ҳақиқат ва қоидалар ҳозирги даврдаги даромадлар шаклланиши назариялари билан синтез қилинади. Бу соҳада баракали ижод этган П. Самуэльсон фикрича, «неоклассик синтез» бу аслида ҳозирги некейнс ва иеолиберал қоидава «ҳақиқат» ларпинг илк неоклассик ғоялар билан, шунингдек классик мактабнинг айрим постулатлари ва аввало ҳозирги давридаги даромадлар шаклланиши назариялари билан бирлаштириб қарашидир.

Бу янги ғоянинг пайдо бўлиши билан иқтисодий таҳлилда аралаш шаклдаги қарашлар устундир, иқтисодиётни тартибга солишнинг турли шакллари таклиф этилади. Ҳозирги даврда иқтисодиётни макроиқтисодий тарбибга солишда асосан учта таълимот қарашлари ситбиозм (қаришмаси) иштирок этади. Булар 1) гурли модификациядаги қийинчилик таълимотлари, 2) таклиф иқтисодиёти назариялари ва 3) монетаризм. Кейинчалик қарашларида асосан давлатнинг иқтисодиётга фаол иштироки кенг тарғиб этилади. Бунда конъюнктуранинг ўзгариши билан ишлаб чиқаришнинг юқори даражасини таъминлаш, иш билан бандлик, циклик ривожланишни юмшатиш асос қилиб олинади. Монетаристлар фикрича эса иқтисодий ҳаётга умуман аралашмаслик тамойили қўллаб-қувватланади.

Айрим фикрлар бўйича неоклассик синтез фақат иқтисодий динлат томонидан тартибга солишнигина эмас, балки умумий иқтисодий мувозанатни моделлаштиришни ҳам ўз ичига олади. Айрим олимларнинг айтишича (А.Б. Аникин) П. Самуэльсоннинг неклассик синтези аввало классик микроиқтисодий янги макроиқтисодиёт билан қўшилиши деб қаралади. Юқорида келтирилган қарашларни уч қисмга бўлиш мумкин: уларнинг биринчиси иқтисодиётда тўла бандликни таъминлаш ва бу тамойилини эркин бозор иқтисодиёти элементлари билан биргаликда (иқтисодий либерализм) шунингдек, эркин бозор стихиясини чегароловчи қийинчилик концепцияси элементлари ҳам қўлланилиши мумкин. Айниқса, давлат сиёсатида Фискал ва пул-кредит тизимлари ҳамда «ишсизликнинг табиий нормаси» (М.Фридмен) концепциясидаги антиинфляцион имкопийтлар, ҳамда Эрхард-Рёпкеларнинг «Ижтимоий бозор хўжалиги» принциплари биргаликда ҳаракат қилади. Иккинчи қарашларда XIX асрнинг охирида неоклассиклар томонидан илгари сурилган қиймат (киммат) назариясида эски ва янги қиймат назариялари ётади, ёки ҳарajat назарияси ва энг юқори фойдалилик назарияси ётади. Бу ерда маржиналистларнинг иккинчи тўлқини вакили А.Маршалл илгари сурган ёндашув системаси тўғрисида гал бормоқда. Учинчи қараш бўйича умумий иқтисодий мувозанатнинг ҳозирги модели бир вақтнинг ўзида макро ва микро иқтисодий тадқиқотларга асосланади.

2. Шунинг эслатиб ўтмоқчимизки, 1901 йилдан бошлаб физика, кимё, медицина (биология), адабиёт ва тинчликни сақлаш соҳаларида Нобел мукофоти берилиб келади. 1968 йили Швециядаги Риксбанкнинг 300 йиллиги муносабати билан ва албатта иқтисодиёт фанининг инсоният ҳаётидаги юксак ролини тан олиш ва рағбатлантириш мақсадида иқтисодиёт бўйича (олтинчи) Нобел мукофоти жорий этилди ва 1969 йилдаги буён ҳар йили бериб келинмоқда. Биринчи бўлиб бу мукофот иқтисодчи-математик олимлар голландиялик Ян Тинберген ва норвегиялик Рагнар Фришга «иқтисодий жараёнларни математик таҳлил этишда динамик моделларни ривожлантириш ва қўллаш

бўйича тадқиқотлари учун» берилди (бошқа Нобел мукофоти лауреатлари тўғрисидаги маълумотни А.Раззоковнинг 1998 йилда chop этилган китобидан олиш мумкин).

1970 йилда (иккинчи бўлиб) Нобел мукофоти П. Самуэльсонга «статик ва динамик иқтисодий назарияни ривожлантиргани ва шу билан иқтисодиёт фани таҳлилини янада юқорироқ пағонага кўтаришга ҳисса қўшган илмий иши учун» берилди. Маълумки, ҳозирги замон (XX аср) иқтисодий таълимотларида уч асосий: 1) неоклассик; 2) кейпсчилик ва 3) институционал йўналишлар мавжуд бўлиб, ГТ. Самуэльсон шулардан биринчисининг вакили сифатида ижод этган.

II. Самуэльсон ҳал қилишни мумтоз мактаб бозор ихтиёрига қолдиришни истаган ҳаддан ташқари кўп муаммоларга бозорнинг таъсири унчалик ўтавермаслигини сизди. Қўшимча оқибатлар, соғлиқни сақлаш, таълим, саноатнинг ифлослантиришига талаб ва таклиф ва қонунни таъсир этмайди. Бинобарин, давлат иқтисодиёти учун мақсадларни аниқлашни ўз зиммасига олишни ва бу мақсадларга оришиш учун ўз қучидан фойдаланиши керак. П. Самуэльсон энг кам иш ҳақи тўғрисидаги қонунлар пиллапоясининг энг пастида ишчиларга ёрдам бериш усули деб ҳисоблайди; у давлатнинг уй-жой қурилиш дастурларини молиялаштиришни ва озиқ-овқат ёрдамини қишлоқни камайтириш усули сифатида қўллаб қувватлайди. «Экономикс» асарида тарихий-иқтисодий экскурс мавжуд бўлиб, XVII аср охиридаги Мальтуснинг аҳоли нуфузи назариясига эсланади; А.Смитнинг «Кўринмас қул» ҳақидаги ғоялар таҳлил этилади. Асарда ўтган даврдаги деярли барча доктриналар қараб чиқилади.

П. Самуэльсон Чикаго вакиллари фаолиятига, хусусан, М.Фридменнинг мониторинг тизимида юксак баҳо беради, чунки бу олимларда «Эркин рақобат», «Бозор баҳолари» асосийдир.

Олим иқтисодий тараққиётнинг омилларига баҳо бериб, уни тўртта деб ҳисоблайди:

1. Меҳнат ресурслари (инсон биричи ва асосий)

2. Табiiй ресурслар
3. Капитал
4. Технологиялар.

Олимнинг бу омиллари «Тараққиётнинг тўрт ғилдираги» деб юритилади. Эътибор бериб қаранг, инсон роли энг юксак қўйилган. Ҳақиқатдан ҳам инсон бўлмаса бошқа омиллар ишга тушмайди. Ҳозирги давр иқтисодий назарияларида А.Лафернинг солиқлар ҳажми ва ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги боғланиш таҳлил этилган.

3. Юқорида иқтисодиётдаги математик услублар тўғрисида фикр юритган -)дик (Курио, Тюнен). Унда иқтисодиётни дастлаб математика, статистикадан фойдаланиб таҳлил этиш усуллари берилган. XX асрда бу йўналиш яна юқори кўтарилди. Бу йўналишнинг муҳим хусусияти шуки, унинг памоёндалари иқтисодий таълимотлар ва иқтисодий таҳлидларда математика услубларини кенг қўллайдилар, иқтисодиётга либерал ёндашув мавжуд.

Давр тақозоси туфайли иқтисодиётдаги эконометрика йўналиши ҳам тобора ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Эволюция давомида унинг намоёндалари қўллайдиган тушунчалар ўзгармоқда, бугунги кунга келиб миқдорий таҳлил усуллари ҳам ривожланмоқда, таҳлил соҳаси ҳам ривожланиб бормоқда. Қуйидаги омиллар бу йўналишнинг ривожии зарур қилиб қўйди

1. Таҳлилнинг математик ва статистик услубларининг ривож, аймиқса математик праграммалаш, турли ўйинлар назарияси, математик статистикага оид ишларнинг кўпайиши.
2. Илмий-техника тараққиётининг ривож, фаннинг янги тармоқларнинг пайдо бўлиши, хусусан кибиynetика, электрон-ҳисоблаш техникаси, компьютерлар тизими, иқтисодиёт соҳасидаги информациянинг тобора кўпайиши, бу информацияни тайёрлаш, узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш ҳажмларининг кескин ортиб кетиши.

Умуман ҳозирги даврда ҳаётни, унинг муҳим қисми бўлган иқтисодиётнинг бу йўналишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли эконометрика ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим бўлиб қолди.

XIX аср охири XX аср бошларида Лозанна университети профессори Л.Вальрас капиталистик иқтисодиёт «Умумий иқтисодиёт мувозанат» моделини қурди. Бу йўналиш Вальрас ишипиш давомчиси, итальян олими Вильфредо Парето (1848-1923) томонидан кенг ривожлантирилди. У «энг юқори паф» назариясини ҳал этиш, истеъмол неъматларининг нафи (фойдалилиги)ни ҳисоблаш учун ҳаракат қилди ва математик усуллардан кенг фойдаланди. Парето ўз таҳлили асосида даромад миқдори ва товарлар баҳосини кўйди.

Эконометрика услублари кўпинча экстра поляция тенденцияларига асосланган. Собиқ СССРда бу йўналиш, айниқса кибернетика, электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланишга мафкўравий тус берилди, кибернетика, генетика фанлари буржуа манфаатлари учун хизмат қиладиган соҳа деб қаралди, бу соҳа олимлари тазйиқ остига олинди. Фақат кейинги йилларда бу ҳатолик тўғриланди ва жонометрика фанига эътибор кучайди. Эконометриканинг муҳим хусусияти шуки, у ҳам илмий, айниқса амалий аҳамиятга эга. Кўпгина етакчи мамлакатларда иқтисодий математик услублардан фойдаланиш иқтисодиётнинг маълум соҳалари, тармоқлари бўйича цикл моделлари ишлаб чиқилмоқда ва амалда қўлланилмоқда. Айниқса, ЛКШда бу соҳада муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Л.Клейн ва А.Гольдбергер ЛКШнинг (1929-1952 йиллар) мукаммал моделини тўзиб чикдилар. Квартал, йиллик, беш йиллик ва бошқа моделлар мавжуд. Ҳозирги даврда чоп этилаётган иқтисодиётга оид китоблар, айниқса ғарб асарлари турли туман шакл, жадвал, графиклар билан жиҳозланган, ҳар бир фикр, ғоя, математик ва статистик маълумотлар билан изоҳлаб борилади, бу эса материални яхши ўзлаштириш, уни тўғри ва тез тушунишга ёрдам беради (масалан, «Экономика» китоби).

8. Ҳозирги даврда дунёда 200 дан ортиқ мамлакат мавжуд бўлса, уларнинг

табiiй иқлимiiй шароитлари ниҳоятда турли- туман. Уларнинг аҳолиси хужалик фаолияти турмуш тарзи ҳам хилма-хилдир. Тарихiiй, амбананий шароит тақозоси туфайли ҳар бир мамлакатда ўзига хос хужалик фаолияти, маҳсулот турлари юзага келган. Масалан, бизга яхши таниш бўлган картошка, маккажўхори, помидор, тамаки Америка кашф этилгандан кейин бизга олиб келинди ва ривожланди. Худди шундай йўл билан ўзаро боғланиш, савдо-сотиқ, маданий алоқалар кучайиб бормоқда. Айниқса, халқаро савдо муносабатлари бу борада етакчи ўринни егаллайди ва иқтисодiiй таълимотларда ҳам бу соҳада муҳим ютуқлар мавжуд. Халқаро иқтисодiiй интеграция дастлаб савдо соҳасида кенг тус олган.

Халқаро савдо ривожланиши жараёнлари иқтисодиёти аллақачон миллий давлатлар доирасидан чиққан ва бу борада бир қанча иқтисодiiй таълимотлар ҳам мавжуд. Улар классик, неоклассик ва неокейнсчилик назарияларида ўз аксини топган. Айниқса XIX-XX асрлардаги иқтисодчилар А.Смит, Д. Рикардо, Р. Торренс, Ж. С. Милль, А. Маршалл (юқорида улар билан танилапмиз) Ж. Вайнер, Г. Хаберлер, Г. Жонсон, И. Самуэльсон ва бошқалар бу соҳада баракали ижод қилдилар. А. Смит томонидан афзаллик принципи ишлаб чиқилган, унга кўра, шу кам ҳаражат талаб этувчи товарлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш самаралидир. Классик иқтисодiiй мактаб вакили Д. Рикардо биринчилардан бўлиб меҳнат тақсимооти фақат айрним ишлаб чиқариш соҳасидагина (А.Смит фикри), балки халқаро кўламда ҳам объектив зарурат эканлигини исботлаб берди .Олимнинг фикри шундан иборатки , принципиал жиҳатдан қаралса , ҳар бир давлат ўзига керакли барча нарсани ишлаб чиқариши мумкин , аммо бу иқтисодiiй жиҳатдан қанчалик тўғри деган савол туғилади. Унга жавоб бериб , Рикардо айтадики, ҳар бир давлат маълум бир маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади, меҳнат унумдорлиги бўйича турлича кўрсаткичга, демак, нисбий афзалликка, устунликка эга бўлади Масалан, Шотландия сули, Португалияда фақат вино ишлаб чиқариш самаралироқдир, чунки сарф-

ҳаражатлар миқдори энг кам бўлган соҳани ривожлантириш афзалдир. Бунда албатта, табиий шароит, анъаналар, тарихий тажриба, ер, сув, инсон ресурслари, халқнинг металитети ва бошқалар ҳисобга олиниши керак. Масалан мусулмон давлатларида чўққачиликни ривожлантириш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас ва бошқалар. Солиштирма ҳаражатлар тамойили ҳам барча мамлакатлар учун тегишлидир ва қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш муаммоси ҳал этилганда ҳисобга олиниши шарт. Шу сабабли айрим давлатларда у ёки бу соҳа «мустақиллиги» учун кўраш эълон қилинганда бу омил албатта яхши ўрганиб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Неоклассик, яъни «соф» иқтисодиётми тарғиб этувчилар халқаро меҳнат тақсимотининг ривожини ва савдо шароитларининг ўзгариши сабабларини аниқлашни бош вазифа қилиб қўйганлар, аммо улар савдо алмашувида пул механизми йўлини инкор этадилар.

9. Ҳозирги даврда америкаликлар япон автомобилларини минадилар, шведлар французлар пишлоғини истеъмол қиладилар, канадаликлар корейс компьютерларини сотиб оладилар, италияликлар Ливия нефтидан фойдаланадилар, руслар америкаликлар донидан нон пиширадилар. Бу савдо муносабатида ички савдога нисбатан иккита ўзига хослик мавжуд.

Халқаро савдода иштирок этувчи фирма ва истеъмолчилар турли мамлакатларда яшайдилар. Биринчи пайдо бўладиган савол шундан иборатки, нега ўзи халқаро савдо мавжуд?

Ҳозирги даврда халқаро меҳнат тақсимоти бутун жаҳон йўли билан ишлаб чиқарилади. Кўпинча давлат ҳукуматлари бу савдони тартибга солиш учун таърифлар, яъни импорт қилинаётган товарлар учун солиқлар солинади. Иккинчи муҳим ўзига хослик шуки, савдо қилаётганларнинг ҳар бири бошқа-бошқа валюта (пул) дан фойдаланадилар. Масалан, Америка харидорлари япон автомобилларини долларда сотиб оладилар. Автомобилларни ишлаб чиқараётган япон ишчилари ўз маошларини

центларда олишни истайдилар. Демак, бу сзда ҳалқаро ҳисоб-китоб масаласи кўтарилади.

Ҳозирги даврда ҳалқаро меҳнат тақсимоти бутун жаҳон ҳўжалиги ташкил топиши ва ривожланишининг ҳал қилувчи омилидир. Бунда капитал чиқариш масалалари ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Шу сабабли уларга бағишланган бир қанча назариялар мавжуд. Тарихан биринчи бўлиб неоклассик таълимотлар вужудга келди. Уларнинг асоси Б.Олин (Швеция), К.Иверсон (Дания), Р.Нурксе (Австрия-АҚШ) асарларида ўз аксини топган. Улар ўз таълимотларида маржинализм канцепциясига асосланган ҳолда, капиталнинг ҳаракатчанлиги, капиталнинг энг юқори унуми» (фоиз ставкаси билан ифода қилинади) у ёки бу мамлакат капиталининг мўл-кўллигининг турлича эканлиги билан ишлайдилар. Капиталнинг «мўл-кўллиги» ёки «камлиги» унинг миграция сабаби қилиб кўрсатилади. Бу жараён то капитал унуми бир хил бўлгунча давом этади. Бу эса ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигининг ўсиши, миллий даромаднинг ортиши, бутун мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражасининг текисланишига олиб келади. Капитал чиқаришнинг ноктекисчилик таълимоти 30-50-йилларда шаклланди, Ф.Махлуп, Е.Домар ва Р.Харрот бу назариянинг асосчилари ҳисобланадилар. Уларнинг фикрича, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда савдо, тўлов балансининг ўзгариши туфайли, яъни актив савдо баланси бўлган мамлакатларда капитал ортиқчалиги, пассив балансли мамлакатларда эса аксинча, капитал етишмаслиги сабабди капитал ҳаракати ортиқчалиги мамлакатни иқтисодий депрессия ва ишсизликка олиб борадиган энг муҳим омил деб қаралади. Унга қарши кўраш ёки унинг олдини олиш учун «жамғармалар» ҳисобига қўшимча товар экспоргини молиялаш зарур деб топилади. Аммо бунда импорт ошмаслиги, яъни капитал чиқариш йўли билан ҳал этилиши керак.

Бу йўналиш вакиллари капиталистик тўзумда капитални реализация қилишдаги қарама-қаршиликларни тан оладилар ва буни учун капитал чиқарилади, бу эса ортиқча товарни кўпайтириш ҳисобига руй беради.

10. Иқтисодчи олимлар ҳалқаро валюта муносабатларига алоҳида эътибор берадилар. Валюта бозорида миллий валюта чет эл валютасига (масалан, АҚШ доллари, Мексика песоси, немис маркаси, иена ёки оупт стерлинг) алмаштирилади. Алмашув (валюта) курси бу чет эл валютаси бирлигининг миллий пулдаги ифодасидир. Бу муносабатлар ҳар куни, ҳатто ҳар соатда ўзгариб туриши мумкин. Валюта курсини стабил (турғун) қилиш учун тўлов балансларининг тенглигига эришиш пул таклиф) қилади.

30-йилларгача тўлов балансини тартибга солиш механизмини таҳлил этишда Д.Юм, Ж.Милль томонидан ишлаб чиқилган «классик» назария устун мавқега эга бўлган. Бу ғояга кўра, олтиннинг ҳалқаро ҳаракати ва ҳар бир мамлакатдаги баҳоларнинг ўзгариш автоматик равишда бир-бири билан боғлиқ, оқибатда барча мамлакатларнинг тўлов баланси барқарорликка интилиш тенденциясига Олтин стандартининг тугатилиши билан олимларни кўпчилиги неокейнсчилик позицияларига ўтиб олдилар («Олтин стандарти» XIX асрда ва XX асрнинг маълум даврида амалда бўлган, масалан, Буюк Британияда 1821-31 йиллар олтин стандартидан фойдаланилган, АҚШ да 1934 йил долларни олтинга айлантириш тугатилди.)- Янги шароитда тўлов балансини тартибга солишда асосий эътибор давлатнинг ҳисоб ставкасига таъсири муҳим дсб ҳисобланади. Бошқа тартибга солиш чораси сифатида импортни камайтириш ва экспортни рағбатлантириш, эса меҳнаткашларнинг ички тўлов имкониятлари талабини пасайтириш (дефляция йўли) ёки миллий валютани девальвация қилиш усули таклиф этилади.

60-йиллардаги иқтисодий жараёнлар неокейнсчилик методларидан воз кечишга сабаб бўлди, яна неоклассик йўлга қайтилди, яъни давлатнинг иқтисодий, шу жумладан валюта ишларига аралашуви чекланди, валюталар

курсининг эркин тебранишига имкон берилди, бу) эса ўз навбатида автоматик барқарорлашувига олиб келиши керак эди. Аммо валюта курси ўзгариб туришининг тўлов балансига таъсири меҳнат ҳарактерга эга бўлади (масалан, валютанинг «сузиб юрувчи курси» пайтида бу нарса аниқ бўлиб қолди), чунки тўлов балансининг барқарор)эмаслиги муомала соҳасига эмас, балки ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ. Тўлов баланслари пассиви давлатнинг чет элдаги харажатларига, айниқса турли ҳарбий сиёсий акцияларга боғлиқ бўлади. Валюта курсининг қалқиб туришининг ўзи ҳам ҳалқаро валюта тизимининг барқарорлигини кучайтиради. Сўнгги иш ичида индустриал ривожланган мамлакатлар чегараланган (фиксация қилинган), аммо ҳар ҳолда тартибга солинадиган курсдан эластик валюта курсига ўтиб олдилар. Абсолют эластик валюта курсида алмашув курси валюта бозоридаги тенг кучли валюта баҳосида белгиланади, чекланган курс чоғида эса валюта курси Марказий банк томонидан белгиланади, бунда банк белгиланган курс бўйича хорижий валюта ҳар қанча миқдорда олиш ва мажбуриятини ўзига олади.

Эластик алмашув курси одатда, қисқа вақт давомида турғун бўлмайди, аммо узоқ муддатли режаларда зарурий эластикликка эга бўлади. Аксинча, чегараланган алмашув курслари қисқа муддат учун самарали, аммо узоқ келажак учун ўта ноэластикдир. Бу тизимларнинг ҳеч қайсиси нархлар барқарорлиги ва тўла бандлик бўйича тўла эга эмас.

11. Ҳозирги даврда жаҳонда 200 дан ортиқ давлат мавжуд, уларнинг сони собиқ СССРнинг парчаланиши, Югославиянинг бўлиниши ва бошқалар туфайли кескин ошди. Шундан 188 давлат БМТ аъзосидир. Бу ташкилот тўзилганидан буён (1945 йил 24 октябр) ўзига хос якун ясалди ва қуйидагилар эътироф этилди: БМТ аъзолари сони 51 тадан 188 га ўсди, дунё аҳолиси эса шу давр мобайнида 2,5 миллиарддан 6,1 миллиардга етди, ялпи миллий маҳсулот (ёки ҳалқ бойлиги) 7 триллион АКП.1 долларидан деярли 30 триллион долларга етди, яъни 4 мартадан кўпроқ ўсди. 1995 йилнинг мартада Копенгагенда БМТ

ташаббуси билан ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича халқаро конференция бўлди, унда 150 дан ортиқ давлат (олий мақом) раҳбарлари иштирок этдилар. БМТ бош котиби Б.Бутрос Голий (1997 йилдан БМТ бош котиби тинчлик бўйича Нобель мукофоти лауреати Кофи Анпан) ўз нутқида сўнгги йилларда камбағаллар ва бойлар ўртасидаги тафовут кучайиб, 1960 йилдаги 13:1 дан ҳозирги ун йилликда етди, деб айтди. Ҳозирги даврда бу нисбат 75:1 Сайёрамизнинг 1,5 миллиард аҳолиси (27,3 фоиз) оғир иқтисодий аҳволда кун кечирмоқда, очигини айтганда зса оч-яланғочдир. Бундай дифференциация хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Ундан ташқари, кучайиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш (СПИД ва бошқа юқумли касалликлар), наркотики масалалар тобора авж олмоқда.

Ўзаро иқтисодий ва айниқса савдо муносабатларининг нафи ҳаммага аён бўлишига қарамай, давлатлар ўртасидаги муносабатлар одатда гармония асосида эмас, балки қарама-қаршиликлар асосида ривожланмоқда. Бой ва камбағал мамлакатлар ўртасида савдодан тушадиган даромадларни тақсимлашда келишмовчиликлар кучайиб бормоқда. Лекин кейинги даврда илгари қолоқ бўлган давлатларнинг айримлари олиб борилган тўғри иқтисодий сиёсат туфайли ривожланиш, тараққиёт йўлига кириб олдилар, уларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Уларнинг айримлари Лотин Америкасида (Бразилия, Аргентина, Мексика), кўпи жанубий-шарқий Осиёдадир («тўрт аждарҳо») – Корея Республикаси, Тайвань, Сянган ва Сингапур, булар шахрига Малайзия, Таиланд, Вьетнам, Индонезия ва бошқа мамлакатлар келиб қўшилмоқда. Бу давлатларга хос бўлган хусусият шуки, боёр муносабатлари кенг қўлланилмоқда, саноат (индустрия)нинг ривожига алоҳида эътибор берилмоқда, хорижий инвестициялар (қўшма корхоналар жуда кўп) куп ишлатилмоқда ва оқибатда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари юқори (5-10, ҳатто 14-15 фоиз). Хитой Халқ Республикаси ҳам 1979 йилдаги иқтисодий психологлар туфайли тараққиёт йўлига кирди (айниқса очик иқтисодий ҳудудларга ўсиш катта).

Айрим иқтисодчилар колониализмнинг салбий томонларини ҳам инкор этмаган ҳолда, уни XIX аср охири ва XX асрдаги капиталистик мамлакатлар «деформация»га учради, мустамлака давлатларининг дўстига айланди, демокдалар. «Яхши колониализм» иқтисодий ривожланишни рағбатлантиради, бу давлатларнинг ўз-ўзини бошқаришини таъминлайди.

Асосий таянч иборалар

Неоклассик синтез; Самуэльсон; инқирозсиз иқтисодий цикл; Нобел мукофоти лауреатлари; “Экономикс”; чекланган ресурс; ўсиб боровчи истеъмол; Эконометрика эволюцияси; эконометрика соҳасидаги республикамиз олимлари.

Мавзу бўйича саволлар

1. Неоклассик синтезнинг моҳияти.
2. П.Самуэльсоннинг “Экономикс” асаридаги асосий ғоялар.
3. “Экономикс” асарида қайси олимларнинг фикрлари танқид қилинади?
4. Янги йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Иқтисодиёт бўйича Нобел мукофотлари қачондан бери топширилади? Бир неча машҳур лауреатларига таъриф беринг.
6. Эконометриканинг ҳозирги давлатдаги асосий йўналишлари қандай муаммоларни ҳал этади?
7. Республикамиз олимларининг эконометрика соҳасидаги ишларини изохлаб беринг.

*Дунё савдо билан обод булур.
Амир Темура*

ЖАХОН ХУЖАЛИГИ ТУГРИСИДАГИ ИКТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

Хозиргача биз асосан айрим мамлакатлардаги миллий иктисодиёт, иктисодий жараёнлар тугрисида фикр юритдик. Аммо иктисодиётга хос булган муҳим бир хусусият шуки, у че-гара билмайди, байналмилал хусусиятга эга. Агар бу масалага тарихан ёндашилса, иктисодиётнинг, ҳужаликларнинг яқинлашув жараёни илгаридан маълум. Масалан, эрамиздан ав-валги II асрдаёқ Буюк ипак йули билан Хитой, Япония, Корея моллари Хиндистон, Эрон, урта Осиё орқали Византия ва Италияга олиб келинган, у ердан сотиб олинган моллар бошқа мам-лакатларга олиб борилган. Тарихий фактларга мурожаат этилса, ҳар бир қарвонда қуп сонли одамлар, юк ортилган от, туя, ҳачир ва бошқалар булган, йул бир неча ойлаб давом этган. Бу халқаро савдо йули XIV-XV асрларда Амир Темурнинг олиб борган иктисодий сиёсати туфайли кенг ривожланди (қам бож олинган, қарвон йуллари қароқчилардан ҳимоя қилинган, бир қулик йул охирида қарвонсарой булган, у ерда сув учун қудуқлар, сардоба-лар қурилган, от-улов, ем-хашак ва озик-овқатлари сақланган).

Амир Темур «Дунё савдо билан обод булур» деган фикр билдирган, бу фикрнинг ҳозирги даврда қанчалик долзарблиги ҳаммага аён. Бобур Хиндистонда подшолик қилган даврда ҳам бу соҳада муҳим ишлар қилинган. Аградан Қобулгача булган йул бўйлаб ҳар 15 милъ (1 милъ=1.6 км) масофага 6 тадан от ва унга қарайдиган хизматчилар қуйилиб, улар халққа хизмат қилган (У.Эрскин Бобур Хиндистонда Т., «Чулпон», 111-бет.)

Жаҳон бозорининг вужудга келиши қупинча XV аср охири ва XVI аср боши билан белгиланади. Бу фикрда ҳам жон бор албатта, чунки буюқ географик қашфиётлар туфайли Америка қитъаси, қуплаб янги орол ва мамлакатлар очилди. Улар билан денгиз орқали иктисодий алоқа қучайди, мустамлақачилик ти-зими вужудга келди. Иктисодиётнинг байналмилаллашув жараёни доим ривожланишда булди ва айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин бу жараён мазмун жиҳатдан тобора қучуқлашиб, ҳудуди қенгайиб бормокда. Жаҳон ҳужалиги, унинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва такомиллашув қонуниятлари, тамоийиллари доим олим ва мутахассисларнинг диққат марказида булган.

Халқаро иктисодий интеграция. Нисбий афзаллик концепцияси. Савдо-сотиқнинг маржиналистик назариялари

Хозирги даврда дунёда 200 дан ортиқ мамлакат мавжуд булса, уларнинг табиий иқлимий шароитлари ниярхтда турли-туман. Уларнинг аҳолиси, ҳужалик фаолияти, турмуш тарзи ҳам қилма-қилдир. Тарихий, анъанавий шароит тақозоси ту-файли ҳар бир мамлакатда узига хос ҳужалик фаолияти, маҳсулот турлари юзага келган. Масалан, бизга яқини таниш булган қартошқа, маққажухори, помидор, тамаки Америка қашф этилгандан кейин бизга олиб қелинди ва ривожланди. Ҳудди шундай йул билан узаро боғланиш, савдо-сотиқ, мада-ний алоқалар қучайиб бормокда. Айниқса халқаро савдо му-носабатлари бу борада етакчи

уринни эгаллайди ва иктисодий таълимотларда ҳам бу соҳада муҳим ютуқлар мавжуд. Халқаро иктисодий интеграция дастлаб савдо соҳасида кенг тус олган.

Халқаро савдо ривожланиши жараёнлари иктисодиёти ал-лақачон миллий давлатлар доирасидан чиққан ва бу борада бир канча иктисодий таълимотлар ҳам мавжуд. Улар классик, неоклассик ва неокейнечилик назарияларида уз аксини топган Айникса, XIX-XX асрлардаги иктисодчилар А. Смит, Д.Рикардо, Р.Торренс, Ж.С.Милль, А.Маршалл (юқорида улар билан танишганмиз.) Ж.Вайнер, Г.Хаберлер, Г.Жонсон, П.Самуэльсон ва бошқалар бу соҳада баракали ижод килдилар.

А. Смит томонидан *мутлак афзаллик принципи* ишлаб чиқилган, унга кура, энг кам харажат талаб этувчи товарлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш самаралидир ва аксинча.

Классик иктисодий мактаб вакили Д.Рикардо биринчилар-дан бўлиб меҳнат таксимооти фақат айрим ишлаб чиқариш соҳасидагина эмас (А.Смит фикри), балки халқаро қуламда ҳам объектив зарурат эканлигини исботлаб берди. Олимнинг фикри шундан иборатки, принципиал жихатдан қаралса, ҳар бир давлат узига керакли барча нарсани (товарларни) ишлаб чиқариши мумкин, аммо бу иктисодий жихатдан канчалик

тугри, деган савол тугилади. Унга жавоб бериб, Рикардо айта-дики, ҳар бир давлат маълум бир маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади, меҳнат унумдорлиги бўйича турли-ча қурсатқичга, демак, *нисбий афзалликка*, устунликка эга бўлади. Масалан, Шотландияда сули, Португалияда фақат вино ишлаб чиқариш самаралироқдир, чунки сарф-харажатлар миқдори энг кам бўлган соҳани ривожлантириш афзалдир. Бунда албатта, табиий шароит, анъаналар, тарихий тажриба, ер, сув, инсон ресурслари, халқнинг менталитети ва бошқалар ҳисобга олиниши керак. Масалан, мусулмон давлатларида чучқачиликни ривожлантириш ҳақида суз ҳам бўлиши мумкин эмас ва бошқалар.

Солиштирма харажатлар тамойили ҳам барча мамлакатлар учун тегишлидир ва қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш муаммоси ҳал этилганда ҳисобга олиниши шарт. Шу сабабли айрим давлатларда у ёки бу соҳа «мустақиллиги» учун қураш эълон қилинганда бу омил албатта яхши урганиб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. (Д.Рикардо таълимоти юқори бобларда тула берилган).

Неоклассик, яъни «соф» иктисодиётни тарғиб этувчилар халқаро меҳнат таксимотининг ривожини ва савдо шароитлари-нинг узғариши сабабларини аниқдашни бош вазифа қилиб қуйганлар, аммо улар савдо алмашувида пул механизми йулини инкор этадилар. Р.Харрот, Ф.Махлуп, К.Курихара қаби не-окейнсчилик тарафдорлари эса халқаро савдонинг пул меҳа-низмига алоҳида эътибор берадилар, шу билан бир вақтда халқаро меҳнат таксимооти, байналмилал қиймат, баҳолар нис-бати деярли эътиборга олинмайди.

«Соф» таълимот тарафдорлари фикрича, жаҳон бозорида «муқаммал рақобат» мавжуд; барча контрагентлар халқаро сав-дода бир хил имкониятларга эра; тақлиф доимо талабни вужуд-га келтиради; савдо балансини узини-узи тартибга солиш принципи бор. Экспорт ва импорт баҳолари нисбатини тушунти-ришда улар узок, муддатли режаларда «савдо шароитлари» индустриал давлатлар зиёнига ва аграр мамлакатлар фойдасига узгармоқда, деб уйламоқдалар ва буни ер унумдорлигининг па-

сайиб бориши деган конун билан боғламоқдалар. Улар товар экспорти ва импортининг физик ҳажмлари узишени ҳисобга олмаган ҳолда халқаро савдо ривожини тенденциялари аграр хом ашё йуналишидаги давлатлар иқтисодиёти ташқи савдо позициялари яхшилашувига олиб келмоқда, демоқдалар. Халқаро савдонинг неокейнсчилик таълимоти вакиллариининг фикрича, ҳар бир мамлакат ички бозорда купрок товар ишлаб чиқаришга интиланган сабабли меҳнат ва капитал билан бандликнинг тула эмаслиги туфайли купрок экспорт килишга ва камрок импорт килишга интилади. Шу сабабли ҳам халқаро савдо узини-узи тартибга солувчи жараён була олмайди, аксинча товар экспорти капитал чиқариш билан рағбатлантирилиши керак, импорт эса протекционистик чоралар билан чекланиши зарур. Бу чоралар умуммиллий манфаатларга мос келар эмиш.



Кейинги даврда вужудга келган иқтисодий таълимотларда Э.Хекшер, Б.Олин (Швеция), П.Самуэльсон томонидан яратилган «ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимооти» назарияси (моделли) тирик ҳисобланади. Уларнинг фикрича, ҳар мамлакат иқтисодиёти ишлаб чиқариш омиллари (капитал, меҳнат, табиий ресурслар) билан бир хил таъминланмаганлиги билан, демак, ҳар бир омилнинг турлича баҳога Э.Хекшер эгаллиги (иш хақи, фойиз, рента) билан

таъсирланади. Айрим мамлакатларда меҳнат асосий омил (бошқасидан сон жихатдан куп) булса, унинг нархи капитал ва ерга нисбатан паст баҳоланади; капитал мул булган мамлакатда у бошқа икки ишлаб чиқариш омилга нисбатан арзон булади. Ҳар бир мамлакат узининг устунлигини реализация килишга интилади, жаҳон бозорига ишлаб чиқариш омил нисбатан арзон булган йул билан тайёрланган товарлар купрок чиқарилади. Бундай ишлаб чиқариш ихтисослашувини шунга олиб келадик, барча давлатлар узига қулай ва фойдали булган ҳужалик тармоқларини ривожлантириб, қулай шароит булмаган бошқаларидан воз кечади. Бу назария ишлаб чиқаришнинг чиқимларини мутлақлаштиради ва халқаро ихтисослашувининг ягона мезонига асосланади. Шу сабабли жаҳон савдоси уйғун (гармоник) жараён деб қаралади. Бунда жаҳондаги реал шарт-шароитлар тула ҳисобга олинмайди, масалан уз даврида мустанлак эгаси (метрополия) билан колониялар уртасидаги муносабатларни ҳеч ҳам уйғун деб булмайди. Иқтисоди юксак давлат билан қолоқ мамлакатлар уртасидаги

алоқаларда ҳам гармония булиши амри маҳол. Лекин келажакда идеал шакл сифатида бу ҳодиса руй бериши мумкин.

60-йилларда технологик хусусиятдаги янги халқаро меҳнат тақсимооти концепциялари пайдо булди. Булар орасида энг яхши маълум булгани «товар ҳаётининг цикли» назариясидир, унинг муаллифлари америкалик

иктисодиётчилар Г.Хофбауэр, Р.Верной, М.Познер ва бошқалар ҳисобланади. Унинг асосини қайта ишлаш саноатидаги халқаро меҳнат тақсимоти ташкил этади. Саноатда пайдо буладиган технологик жихатдан ҳар бир янги маҳсулот кириш, экспонент ўсиш, секинлашув ва тугаш циклини ўтадики, бу тартиб ишлаб чиқаришга жорий этиш, кенгайтиш, қамолот ва эскириш жараёнига тўғри келади (жами 5 стадия). Ишлаб чиқаришни жорий этиш фазасида янги маҳсулотни тайёрлаш асосан юқори ривожланган илмий-техник базага ва бозор-да шу маҳсулотнинг рақобатбардошлигини синовчи шароитнинг мавжудлигига боғлиқ. Ўсиш ва кенгайтиш фазаси учун индустриал базанинг қуввати билан белгиланадиган маҳсулотни оммавий ра-вишда ишлаб чиқаришни ташкил этиш хусусиятлидир. Ўтуқлиқ, қамолот фазасида маҳсулот ишлаб чиқариш соддалашиб, оммавий тус олади. Сўнгги (эскириш) фазаси мазкур маҳсулот ўрнини қопловчи янги такомиллашган маҳсулотнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ ўндан ташқари аввалги маҳсулотга талаб ҳам кес-кин қамаяди. Шундай технологик жараён мавжуд намунавий мамла-кат сифатида АҚШ мисол қилиб келтирилади. Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожига эса бошқа мамлакатларнинг Америка



иктисодиётига технологик қарамлиги асосида шаклланиши тасаввур этилади. Илмий-техник прогресс билан боғлиқ. иқтисодий қарашлар инглиз иқтисодчиси **Жон Хикс** (1904-1989) томонидан илгари сурилган. Унинг модели бўйича техника пргресси нейтрал, меҳнатни иқтисод қилувчи ва капитални иқтисод қилувчи гуруҳларга бўлинади. Техника прогресси оқибатида ишлаб чиқариш ва истеъмол халқаро савдога нейтрал, ижобий ва салбий таъсир қурсатиши мумкин.


ЖХикс

Халқаро меҳнат тақсимотини тадқиқ этишдаги танқидий йўналиш

Ҳозирги даврда америкаликлар япон автомобилларини ми-надилар, шведлар французлар пишлогини истеъмол қиладилар, канадаликлар корейс компьютерларини сотиб оладилар, ита-лияликлар Ливия нефтидан фойдаланадилар, руслар америкаликлар донидан нон пиширадилар. Бу савдо муносабатида ички савдога нисбатан иккита ўзига хослик мавжуд. Биринчидан, халқаро савдода иштирок этувчи фирмалар ва истеъмолчилар турли мамлакатларда яшайдилар. Биринчи пайдо буладиган са-вол шундан иборатки, нега ўзи халқаро савдо мавжуд?

Ҳозирги даврда халқаро меҳнат тақсимоти бутун жаҳон йўли билан ишлаб чиқарилади. Қўпинча давлат ҳукуматлари бу савдони тартибга солиш учун тарифлар, яъни импорт қилинаётган товарлар учун солиқлар солинади. Иккинчи

мухим узига хослик шуки, савдо килаётганларнинг хар бири бошка-бошка валюта (пул)дан фойдаланадилар. Масалан, Америка харидорлари япон автомобилларини долларда сотиб оладилар. Автомобилларни ишлаб чиқараётган япон ишчилари уз маошларини иенларда олишни истайдилар. Демак, бу ерда халқаро хисоб-китоб масаласи кутарилади.



Улар

Хозирги даврда халқаро меҳнат тақсимоти бутун жаҳон ҳужалигининг ташкил топиши ва ривожланишининг ҳал қилувчи омилдир. Бунда капитал чиқариш масалалари ҳам етакчи уринни эгаллайди. Шу сабабли уларга бағишланган бир қанча назариялар мавжуд. Тарихан биринчи бўлиб неоклассик таълимотлар вужудга келди. Уларнинг асоси Б.Олин (Швеция), *Ш* К.Иверсон (Дания), Р.Нурксе (Австрия-

АҚШ) асарларида уз аксини топган.

ва таълимотларида маржинализм концепциясига асосланган ҳолда, капиталнинг ҳаракатчанлиги,

«капиталнинг энг юкори унуми» (фоиз ставкаси билан ифода қилинади) у ёки бу мамлакат капиталининг мул-қуллигининг турлича эканлиги билан изоҳлайдилар. Капиталнинг «мул-қуллиги» ёки «қамлиги» унинг миграция сабаби қилиб қурсатилади. Бу жараён то капитал унуми бир хил бўлгунча да-вом этади. Бу эса ишлаб чиқариш омиллари самарадорлиги-нинг усиши, миллий даромаднинг ортиши, бутун мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражасининг текисланишига олиб келади.

Капитал чиқаришнинг неокейнсчилик таълимоти 30-50-йилларда шаклланди, Ф.Махлуп, Е.Домар ва Р.Харрот бу назариянинг асосчилари ҳисобланадилар. Уларнинг фикрича, кен-гайтирилган такрор ишлаб чиқаришда савдо, тулов баланси-нинг узғариши туфайли, яъни актив савдо баланси бўлган мамлакатларда капитал ортиқчалиги (жамғармаларнинг инвестиция-лардан қуплиги), пассив балансли мамлакатларда эса аксинча, капитал етишмаслиги сабабли капитал ҳаракати руй беради. «Жамғармалар»нинг ортиқчалиги мамлакатни иқтисодий депрессия ва ишсизликка олиб борадиган энг муҳим омил деб қаралади. Унга қарши қураш ёки унинг олдини олиш учун «жамғармалар» ҳисобига қушимча товар экспортини молиялаш зарур деб топилади. Аммо бунда импорт ошмаслиги, яъни капитал чиқариш йули билан ҳал этилиши керак.

Бу йуналиш вакиллари капиталистик тузумда капитални реализация қилишдаги қарама-қаршилиқларни тан оладилар ва буни ҳал этиш учун капитал чиқарилади, бу эса ортиқча товар-ни қупайтириш ҳисобига руй беради. Бу назария ривожланаётган мамлакатларга «ёрдам» концепциясини исботлаш учун ҳам асос бўлади.

60-70-йилларда капитал чиқаришнинг «динамик модели» оммалашди, унда Р.Харротнинг иқтисодий динамика назарияси асосида мамлакатлар уртасидаги узаро капитал экспорти сабаблари ва оқибатларини аниқлашга уриниш бор. У капитал экспорти ва импортини ялпи миллий маҳсулот усиши, инвестицион даромад ва

туловлар билан боғлашга интилади. Унда неокейнсчиликнинг халқаро капитал харакати концепциясига асосланадилар, Шу вақтнинг узида иктисодий узишнинг не-оклассик назарияси ҳам ҳисобга олинади. Буларнинг ҳаммаси унлаб узгарувчи параметрларни уз ичига олувчи иктисодий математик моделлар асосида ҳал қилинади. Масалан, америкалик иктисодчилар Ж.Борте ва К.Копекилар тузган ана шундай моделда 20 дан ортиқ; Узгарувчи ва шунча тенглама мавжуд; унда математик аппарат устун бўлиб, у назарий асоснинг бўшлигини компенсациялайди.

Улар капитал ортиқчалиги масаласини тушунтиришда не-окейнсчиларга асосланадилар ва уни жамғармалар ва инвестициялар орасидаги фарқ сифатида эълон қиладилар. Бу фарқ ишчи кучи етишмаслиги ва тез усувчи капитал миқдори уртасидаги техник-иктисодий диспропорциядан келиб чиқади, деб тушунтирилади.

Капитал узиши тулов баланси сальдоси мусбат бўлганда инвестицион даромадлар инвестицион туловлардан ортиқ. ҳолларда рўй беради. Даромади туловлардан юқори бўлган мамлакатлар капитални соф экспорт қиладиган, аксинча, туловлари даромаддан устун бўлганлар эса капитални соф импорт қиладиган мамлакатлардир. Чунки улардаги капитал миқдори мавжуд меҳнат ресурсларидан анча кам бўлади. Бунда чет эл инвестициялари билан соф кредитор ёки дебитор мамлакатлар аҳоли уртасидаги узаро боғланиш таъкидланади.

Бевосита инвестициялар назарияси ҳам 60-70-йилларда ишлаб чиқилган бўлиб, капитал чиқариш ва киритишнинг сабаб ҳамда оқибатларини аниқлаш масалалари асос қилиб олинган. Уларнинг фикрича, капитал чиқариш асосан йирик корпорациялар томонидан амалга оширилади ва бошқа мамлакат компанияларининг чет элдаги иктисодий позициялари билан рақобатга дуч келади. Бунинг сабаби шуки, ҳозирги шароитда рентабел ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосан чет элдаги бозорларни эгаллаш билан боғлиқ. Ё.Х.Чемберлин монополистик конкуренция назариясини ишлаб чиқди, унга кура монополистик конкуренция ишлаб чиқариш ва капитал концентрацияси туфайли эмас, балки фирманинг бозорга, истеъмолчиларнинг шахсий талабларига муваффақиятли мослашиши натижасидир

Бевосита инвестицияларни амалга оширувчи корпорациялар худди ана шундай монополистик устунликларга эга бўлишлари керак. С. Хаймер — Ч. Киндлебергерларнинг «олигополик структуралар» (монополистик устунликлар) моделида бу жараён корпорация-инвесторда «дифференциялашган маҳсулот», махсус бозор билимлари, керакли технология, юқори малакали менежмент мавжудлиги туфайли рўй берад экан.

Кейинги даврда халқаро монополияларнинг янги тури — трансмиллий ва транскорпоратив концернлар ташкил топ-моқда. Бу монополиялар фаолиятини акс эттирувчи бир канча таълимотлар мавжуд. Уларда халқаро монополиялар бир канча миллатлар номидан чиқаётган мушакил корпорация сифатида изоҳланади ва бутун дунёда илмий-техника тараққиёти мева-ларини тарғиб қилувчи ташкилот деб қаралади. Бу монополиялар мисолида иктисодий алоқалар ҳар қандай сиёсат ва мафкурадан ҳоли деган фикр илгари сурилади, яъни у ёки бу корпорация қуп мамлакатларда ишлаб чиқариш ва коммерция опера-цияларини олиб бораётган бўлса, «соф халқаро» корхонага айланади ва ҳеч бир мамлакат манфаатларини ҳимоя қилмайди. Г.Жонсон, Ч.Киндлебергер ва бошқалар халқаро монополияларнинг илмий-

техника янгиликларини тарғиб этиш, тинчликни саклашга оид фаолиятларига кенг урин беришган. Айниқса ривожланаётган мамлакатларда бу трансмиллий корхоналарнинг роли юкори бахоланади, уларнинг илмий-техника соҳасида, инвестициялар қуйиш бўйича фаолияти ижобий деб қаралади.

Халқаро монополиялар ривожига танқидий бўлган назариялар ҳам мавжуд (Р.Барнет -АҚШ, Э.Пенроуз - Англия), бу назарияларда халқаро концернлар давлат иқтисодий сиёсатининг айрим унсурлари, масалан, солиқ, солиш кредит ва инвестицион сиёсат, валютани тартибга солиш ва бошқаларнинг самарасиз бўлиб қолишига олиб келади. Бу корпорациялар узлари иш юритаётган давлатларда бу мамлакат иқтисодиёти ва сиёсатига салбий таъйик утказиш учун бир канча усуллардан фойдаланишлари мумкин. Айниқса бу ҳолат иқтисодий жихатдан қолоқ ривожланаётган мамлакатларда салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлиги айтилади. Шу сабабли улар халқаро корпорациялар фаолиятини шундай қайта ишлаб чиқишни таклиф этадиларки, уларнинг ҳаракатидаги «салбий томонлар»нинг йуқотилиши ва жаҳон бозорини бўлиб олиш «қоидалари»ни регламентациялаш керак.

Интеграцион жараён бўйича ягона алоҳида таълимот йуқ, аммо интеграцияни ишботлаш, қуллаб-қувватлаш борасида бир канча йуналишларнинг баъзи бир умумий томонлари мавжуд, улар қуйидагилардир: капиталистик иқтисодий интеграциянинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни сохталаштирилади; бу жараён умумий қрнуният сифатида қаралади ва XVIII-XIX асрларда вужудга кела бошлаган ички бозор билан бир нарса деб қаралади, Европа ва шимолий Америка мамлакатлари ривожланаётган ва бошқа давлатлар билан олиб бориладиган алоқа сифатида берилади; монополистик капиталнинг капиталистик интеграциянинг ҳаракатлантирувчи қучи сифатидаги роли буяб қурсатилади.

Одатда иқтисодий интеграция тугрисидаги назарияларда ин-теграцияга аъзо мамлакатлар уртасидаги барча тусиқлар ва айниқса савдо, бошқа иқтисодий муносабатларда тула эркинлик берилиши зарурлиги қайд этилади. Шу билан бирга бозорнинг қулами ва иқтисодиётнинг усиш суръатлари уртасида функционал (яъни бевосита) боғланиш бор деган гоё ҳам илгари сурила-ди. Шундай қилиб, иқтисодий интеграция зарурати ташки бозорнинг қайта ишлаб чиқаришга ҳал қилувчи таъсири туфайли юзага келади (яъни аксинча эмас).

Иқтисодий интеграция бўйича таълимотларда асосий эъти-бор «божхона иттифоқи»га берилиб, унда узаро савдо бўйича ҳар қандай чеклашлар бекор қилиниши ва «учинчи мамлакатлар» учун ягона божхона тарифи жорий қилиниши керак бўлади. Бунда айрим иқтисодчилар — Б.Белаш (АҚД1), В.Ребке (Швейцария) ва бошқалар бу жараённи идеал эркин бозор муносабат-ларига қайтиш шаклида қарайдилар ва аввалги давр воқеаларини ҳрзирги монополистик даврга қучирадилар. Бошқалари эса, масалан Ч.П.Киндлебергер (АҚД1), ГТ.Стритен (Англия), А.Маршалл ва Ф.Перру (Франция)лар йирик корпо-оациялар мавжудлигини тан оладилар, уларнинг фикрича, жаҳон бозорини узаро бўлиб олиб, «божхона иттифоқи» қартел-ларга қарши сиёсат туфайли уларнинг фаолиятидаги салбий то-монларни нейтрализация қилади, гуёки халқаро интеграция ан-тимонопол йуналишга эга. Амалиётда бу жараёнлар ҳар доим ҳам назариядагидек эмас, масалан Европа иқтисодий ҳамжамяти (умумий бозор, ҳрзир Европа иттифоқи)да қартел-лаштиришни

такиклаш тугрисида конун булишига карамасдан, бу жараён аксинча тезлашди, бугунги кунда куп тармокли ком-пания-концернлар вужудга келмокда.

Олимларнинг фикрича, иктисодий интеграциянинг асосий ижтимоий-сиёсий окибатлари куйидагилардан иборат булади: ишлаб чиқаришнинг доимо усиши ва иктисодий инкирозларнинг булмаслиги таъминланади; иктисодиётнинг доимо усиши туфайли аҳолининг турмуш даражаси кутарилади; ишчи ва капиталистлар уртасидаги социал шерикликни ривож-лантиради; турли мамлакатлар уртасидаги карама-каршиликлар ва сиёсий нифоклар тугатилади. Демак, иктисодий интеграция капиталистик жамиятга хос булган иллатларни камайтириш воситаси сифатида каралади.

Валюта муносабатлари тахлили, жахон пулининг янги металл концепцияси. «Сузиб юрувчи курс»

Иктисодчи олимлар халқаро валюта муносабатларига алохида эътибор берадилар. Валюта бозорида миллий валюта чет эл валютасига (масалан, АКШ доллари, Мексика песоси, немис маркаси, иена ёки фунт стерлинг) алмаштирилади. Ал-машув (валюта) курси бу чет эл валютаси бирлигининг миллий пулдаги ифодасидир. Бу муносабатлар хар куни, хатто хар со-атда узгариб туриши мумкин. Валюта курсини стабил (тургун) қилиш учун тулов балансларининг тенглигига эришиш йули таклиф этилади.

30-йилларгача тулов балансларини тартибга солиш меҳа-низмини тахлил этишда Д.Юм, Ж.Милль томонидан ишлаб чиқилган «классик» назария устун мавкега эга булган. Бу рояга кура, олтиннинг халқаро харакати ва хар бир мамлакатдаги бахрларнинг узгариши автоматик равишда бир-бири билан боглик, окибатда барча мамлакатларнинг тулов баланси барқарорликка интилиш тенденциясига эга. Олтин стандарти-нинг тугатилиши билан олимларнинг купчилиги неокейнсчи-лик позицияларига утиб олдилар («Олтин стандарти» XIX асрда ва XX асрнинг маълум даврида амалда булган, масалан, Буюк Британияда 1821-31 йиллар олтин стандартидан фойдаланил-ган, АКШда 1934 йил долларни олтинга айлантириш тугатил-ди). Янги шароитда тулов балансини тартибга солишда асосий эътибор давлатнинг хисоб ставкасига таъсири муҳим деб хисобланади. Бошқа тартибга солиш чораси сифатида импорт-ни камайтириш ва экспортни рабатлантириш, бунинг учун эса меҳнаткашларнинг ички тулов имкониятлари талабини пасай-тириш (дефляция йули) ёки миллий валютани девальвация қилиш усули таклиф этилади.

60-йиллардаги иктисодий жараёнлар неокейнсчилик метод-ларидан воз кечишга сабаб булди, яна неоклассик йулга қайтилди, яъни давлатнинг иктисодий, шу жумладан валюта ишларига аралашуви чекланди, валюталар курсининг эркин теб-ранишига имкон берилди, бу эса уз навбатида автоматик барқарорлашувига олиб келиши керак эди. Аммо валюта курси узгариб туришининг тулов балансига таъсири чекланган характера эга булади (масалан, валютанинг «сузиб юрувчи курси» пайтида бу нарса аниқ булиб қолди), чунки тулов балансининг барқарор эмаслиги муомала соҳ.асига эмас, балки ишлаб чиқариш билан бевосита боглик. Тулов баланслари

пассиви дав-латнинг чет элдаги харажатларига, айникса турли харбий-сиёсий акцияларга боглик булади. Валюта курсининг калкиб туришининг узи хам халкаро валюта тизимининг бекорорлигини кучайтиради. Сунгги йигирма йил ичида индустриал ривожлаган мамлакатлар чегараланган (фиксация килинган), аммо хар холда тартибга солинадиган курсдан эластик (кайишкрк) валюта курсига утиб олдилар. Абсолют эластик валюта курсида алмашув курси валюта бозоридаги тенг кучли валюта бахосида белгиланади, чекланган курс чогида эса валюта курси Марказий банк томонидан белгиланади, бунда банк белгиланган курс буйича хорижий валютани хар канча микдорда олиш ва сотиш мажбуриятини узига олади. Валютанинг эластик курс микдори уч омилга боглик:

1. Ички ва ташки нархлар даражаси. Бошка шароитлар тенг булганда ички бахоларнинг усиши валюта курсининг пасайишига олиб келади (харид килиш кобилияти паритети назарияси);

2. Савдо окими билан боглик омиллар; масалан, экспорт бозорининг камайиши ёки йукотилиши, дефицит, яъни валюта арзонлашувини келтириб чикаради.

3. Капитал окиб утиши. Мамлакат ичида фоиз ставкалари-нинг ошиши капитални жалб этади ва бу билан миллий валютанинг кимматлашувини келтириб чикаради.

Чегараланган ва эластик валюта курсларини солиштирганда кайси бири устунлигини аниклаш кийин. Эластик алмашув курси одатда, киска вакт давомида тургун булмайди, аммо узок муддатли режаларда зарурий эластикликка эга булади. Аксин-ча, чегараланган алмашув курслари киска муддат учун самарали, аммо узок келажак учун ута ноэластикдир. Бу тизимларнинг хеч кайсиси нархлар баркарорлиги ва тула бандлик буйича тула устунликка эга эмас. Валюта курсининг сунъий равишда юкори булиши ишсизликка олиб келади, паст булиши эса инфляцияни кучайтиради.

Ликвидлик (харидоргирлик) муаммосини хал этиш борасида иктисодчилар (Ж.М.Кейнс, Р.Триффин ва бошкалар) «юкори ликвидлик бошкариладиган валюта» чикаришни тушунадилар ёки халкаро валюта муносабатларига ички когоз-пул муносабатини тартибга соладиган тамойилларни куллашни таклиф этадилар. Охир-окибатда бу лойихаларнинг мохияти шундаки, тулов баланс сальдоси актив будган давлатлар тулов баланси дефицит (камомад) булган давлатларга кредит беришга мажбур килишга каратилади. Шу максадда халкаро валюта чикариш таклиф этилади. Бу валюта кушимча ликвидли маб-лагни таъминлайди ва пасив тулов балансига эга булган мам-лакатлар бевосита актив сальдога эга булган давлатларга муро-жаат этмасдан, уз пасивларини коплаш имконига эга булади. Бу гоё 1969 йилда амалда реализация килинди.

Жахоншумул иктисодий муаммолар. Ривожланаётган мамлакатлар иктисодиёти тугрисидаги назариялар

Хозирги даврда жахонда 200 дан ортик; давлат мавжуд, уларнинг сони собик СССРнинг парчаланиши, Югославия-нинг булиниши ва бошкalar туфайли

кескин ошди. Шундан 188 давлат БМТ аъзосидир. Бу ташкилот тузилганидан буен (1945 йил 24 октябрь) узига хос якун ясалди ва куйидагилар эътироф этилди: БМТ аъзолари сони 51 тадан 188 га унди, дунё аҳолиси эса шу давр мобайнида 2.5 миллиарддан 6.1 милли-ардга етди (усиш 3, 5 миллиард), ялпи миллий махсулот (еки халк бойлиги) 7 триллион АКШ долларида деярли 30 триллион долларга етди, яъни 4 мартадан кўпроқ унди. 1995 йилнинг мартада Копенгагенда БМТ ташаббуси билан ижтимоий ри-вожланиш масалалари бўйича халқаро конференция бўлди, унда 150 дан ортиқ давлат (олий мақом) раҳбарлари иштирок эдилар. БМТ Бош қотиби Б. Бутрос Ролий (1997 йилдан БМТ Бош қотиби тинчлик бўйича Нобель муқофоти лауреати Кофи Аннан) уз нутқида сўнги йилларда қамбағаллар ва бойлар уртасидаги тафовут қучайиб, 1960 йилдаги нисбат 13:1 дан ҳозирги ун йилликда 60:1 га етди, деб айтди. Ҳозирги даврда бу нисбат 75:1 Сайёраимизнинг 1.5 миллиард аҳолиси (27.3 фоиз) оғир иқтисодий аҳволда қун кечирмоқда, очигини айтганда эса оч-яланғочдир. Бундай дифференциация ҳавфли оқибатларга олиб қилиши мумкин. Ундан ташқари, дунёда экологик муаммо қучайиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш (СПИД ва бошқа юқумли касалликлар), нарқобизнес масалалари тобора авж олмоқда.

Узаро иқтисодий ва айниқса савдо муносабатларининг нафи ҳаммага аён бўлишига қарамай, давлатлар уртасидаги муносабатлар одатда гармония асосида эмас, балки қарама-қаршиликлар асосида ривожланмоқда. Бой ва қамбағал мамлакатлар уртасида савдодан тушадиган даромадларни тақсимлашда қелишмовчиликлар қучайиб бормоқда. Лекин кейинги даврда илгари қолоқ, бўлган давлатларнинг айримлари олиб қорилган туғри иқтисодий сиёсат туғайли ри-вожланиш, таракқиёт йулига қириб олдилар, уларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Уларнинг айримлари Лотин Америка-сида (Бразилия, Аргентина, Мексика), қупи жануби-шарқий Осиёдадир («туғт аждаҳо») — Қорея Республикаси, Тайвань, Сянган ва Сингапур, булар қаторига Малайзия, Таиланд, Вьетнам, Индонезия ва бошқа мамлакатлар қелиб қушилмоқда. Бу давлатларга ҳос бўлган ҳусусият шуки, бозор муносабатлари қенг қулланилмоқда, саноат (индустрия)нинг ривожига алоҳида эътибор қерилмоқда, хорижий инвестициялар (қушма қорхоналар жуда қуп) қуп ишлатилмоқда ва оқибатда иқтисодиётнинг усиш суръатлари юқори (5-10, ҳатто 14-15 фо-из). Хитой Халқ. Республикаси ҳам 1979 йилдаги иқтисодий ислохотлар туғайли таракқиёт йулига қирди (айниқса очик иқтисодий ҳудудларда усиш қатта).

4-жадвалда жаҳондаги мамлакатларда даромадлар тақсимоти қелтирилган (Жаҳон банки маълумотлари).

4-жадвал

Жаҳон мамлакатларида ЯИМнинг жон бошига тақсимланиши (1996)

АКШ \$	Мам. сони	ямм, млн. \$	Аҳоли, млн киши	Жон бошига ЯММ, \$
Паст 785 дан қам	63	1.596.837	3.236	490
Уртачадан паст 786-3115	63	1.962.719	1.125	1.740
Уртачадан юқори 3116-9635	31	2.178.234	473	4.600

Юкори 9636 дан куп	53	23.771.825	919	25.870
Дунё буйича	210	29.509.614	5.754	5.130

Манба: Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. М., 2000, с.35

Шулар туфайли бу соҳада иктисодий таълимотларда ҳам узига хос йуналишлар юзага келди. Хозирги давр иктисодиётчилари У.Ростоу, Р.Эмерсон, П.Самуэльсон ва бошқалар колониализмнинг ижобий томонларини, унинг колок, мамлакатларга «тараккиёт» олиб борганлигини бурттириб

курсатишга интилоқдалар. Гуёки мустанлакалар илгор мамла-катлар ёрдамида уз мустанкиллигини таъминлашга эришганлар. Бу тузум илгор ва колок мамлакатларга бирдек наф келтирган деб хисобланилади. Р.Эмерсон фикрича, колониализм Шарк халклари учун тараккиёт йулидан боришга имконият яратди.

Айрим иктисодчилар колониализмнинг салбий томонларини ҳам инкор этмаган холда, уни XIX аср охири ва XX асрдаги ка-питалистик мамлакатлар «деформация»га учради, мустанлака давлатларининг дустига айланди, демокдалар. «Яхши колониализм» иктисодий ривожланишни рағбатлантиради, бу давлат-ларнинг уз-узини бошқаришини таъминлайди.

Гарбда «ноилож ривожланиш», «ташки туртки» назариялари кенг таркалган (Р.Нурксе, Э.Хаген), унда озодликка эришган давлатлар дастлаб мусибатларга учраши табиий, шу сабабли уларнинг ахволи огир булади, очлик-ялангочликка махкум этилади. Даромаднинг камлиги жамгармалар пайдо булишига тусикдир ва капитал куйилмалар ҳам паст даражада сакданади. Бу эса саноат ривожига ва миллий даромад усишига йул бермайди ҳамда камбағаллик ҳамда ночорликни келтириб чиқаради (Иложсизлик ривожланиши). Бу огир ахволдан чиқишнинг бир-дан-бир йули-ташки «туртки йули» хисобланади. Минимум капитал куйилмаларнинг асосан ташки инвестициялар хисобига аста-секин усишига, ривожига эришилади. Капитал куйилмалар микдори маълум критик даражадан юкори булиши керак, шу билан тургунлик холатидан чиқиб олинади. Бу. тадбиркорлик фаолиятини кучайтиради ва хорижий инвесторлар учун кулай «иклим»ни юзага келтиради. Гарбдаги куп иктисодчилар бу мамлакатларда чукур ижтимоий-иктисодий ислохотлар утказишни дам таклиф этмокдалар. Мустанлака (колония) карам мамлакатлари билан метрополия уртасидаги муносабатлар Хеч вақт тенглик асосида булмаган, ноэквивалент алмашув йули билан кушимча бойлик орттириш имкони булган. Илгари мустанлака булган карам давлатлар мустанкилликка эришгандан кейин ҳам аввалги метрополияга куп вақт давомида куп жихатдан боглик булиб колаверди. Бу даврга оид неоколониализм таълимотлари юзага келди. «Солиштирма чикимлар» назариясининг янги вариантлари Ж.Вайнер, Г.Хаберлер, Ч.Киндлебергер ва бошқалар томонидан хар томонлама ишлаб чиқилган. Бу назария тарафдорларининг фикрича, ривожланаётган давлатларда табиий ресурслар анчагина булганлигини хисобга олиб, озик-овкат ва хом ашё махсулотларига ихтисослашиш маъкул, саноатни ривожлантиришга хожат йук, чунки анъанавий экспорт товарлари хисобига халқаро бозордан керак-ли махсулотларни алмашиб олиш мумкин. Бу фикрга кушилиб

булмайд, чунки бу усул мамлакат ривожига олиб келмайд. Масалан, Малайзия худди шундай йул тутди, факат уз хом ашё-сини тайёр махсулотга айлантиргачгина мухим иктисодий ютукдарга эришди. «Ишлаб чиқариш омиллари» назариясида ҳам нозквивалент алмашув тизими, четга эса факат хом ашё чиқариш таклиф этилади. Чет эл капитали учун кенг имконият-лар яратиш фикри устундир.

Баъзи олимлар ривожланаётган мамлакатларни «индустриаллаштириш» назарияларини илгари сурмоқдалар. Масалан, Н.Калдор, Ж.Мейер ва бошқаларнинг фикрича, шахсий ис-теъмолни ихтиерий кискартириб, иктисодиётни молиялаш учун жамгармалар етарли эмас, давлат солиқ тизими орқали истеъмол-ни мажбурий йул билан кискартириш керак. Айрим ҳолларда «меъёрадаги инфляция»дан фойдаланиш таклиф этилади.

Жамгармаларни ташки молиялаш манбалари буйича турли фикрлар билдирилади. Купчилик муаллифлар айниқса утиш даврида чет эл мамлакатлари (биринчи навбатда ривожланган мамлакатлар) томонидан иктисодий ва техникавий ёрдам зарурий чора сифатида қурсатилади, ундан кейин эса бу ишлар «ху-сусий чет эл инвестициялари» билан алмашади (П.Роузенштейн-Родан, У.Хиллер, Г.Мейер).

Ривожланаётган мамлакатларни индустриаллаштириш стратегияси буйича ҳам турли гоялар мавжуд. Баъзилар (В.Льюис, П.Бауэр) факат кишлок хужалиги соҳаси билан енгил саноатни устун даражада ривожлантиришни таклиф этадилар, бошқалар бошида оддийрок, кейинчалик техника ва технологияси мураккаб бўлган тармоқларга утишни лозим деб ҳисоблайдилар. Кишлок хужалигини ривожлантириш индустриализациянинг ҳал қилувчи шарти сифатида белгиланади. Америка иктисодчилари Х.Лейбенштейн ва В.Раттенлар кишлок хужалигини техник реконструкциялашни энг мухим масала деб қарайди. Бу даврда саноат кишлок хужалиги учун керакли товарларни ишлаб чиқариши кераклигини таъкидлайди. Бу фикрларда жон бор, масалан, «кук инкилоб»ни амалга оширган бир канча давлатлар энг мухим масала — озик-овқат муаммосини асосан ҳал қила олдилар. Лекин шунга қарамадан сайёрамизда озик-овқат ма-саласини ҳал этиш энг мухим муаммодир.

Яна бир энг долзарб масала бу демография муаммосидир. БМТ маълумотларига қура, 1945-95 йиллар давомида жаҳонда аҳоли сони 2.5 миллиарддан 5.5 миллиардга етди (усиш 3 миллиард), яппи ички махсулот (миллий даромад) 7 триллиондан 22 триллион АКШ долларига усди. Лекин аҳолининг асосий қисми энг тез қупаяётган жойларда иктисодий усиш суст, уз даврида Шарль Фурье Ер шаригади максимал аҳоли сони 5 миллиарддан ошмаслиги керак, деган гояни айтган эди. ХХI аср бошида 6 миллиард аҳолининг иктисодий аҳолини уйлаш керак бўлади. Шулар туфайли назария ва концепциялар илгари сурилган.

Шулар ичида давлатнинг иктисодий ривожланишдаги роли масаласи мухимдир, бу ҳақда юқорида фикр юритилган эди, маълумки, классик ва неоклассик таълимот тарафдорлари давлатнинг иштирокини имкони борида чеклашни таклиф этса, Кейнс ва кейнечилар ҳамда неокейнечилик давлатнинг роли фаол булишини тарғиб этади. Бу ҳолатда ҳам ана шундай икки хил қараш хусусиятлидир. Масалан, инглиз иктисодчиси П.Бауэр давлат факат норентабел соҳалар, масалан транспорт, алоқа, коммунал хужалик, техник кадрларни тайёрлаш ва бошқа тармоқлар фаолиятига аралашуви ҳамда уларга давлат сектори-дан ёрдам бериши керак деган

гояни илгари суради. Бошка рен-табелли тармоқдар эса хусусий сектор кулига берилиши ва у ер-да давлатнинг роли минимал булиши керак, дейилади.

Иктисодий ривожлантиришни режалаштириш (план) хусусий секторни куллаш, бозор хужалиги дефектларини тугатиш учун керак дейилади. Америкалик иктисодчи Г.Колм фикрича, кам ривожланган давлатларда планлаштиришнинг максади бозор жараёнини фаоллаштиришга каратилиши керак. Ривожланаётган мамлакатлар иктисодиётининг гарб андозалари асосида олиб бориш ҳам таклиф этилади, бу тарихий жараён асосида руй бериши керак (капитал жамгариш, мануфактура ривож, дехконларни ердан махрум этиш...). У.Ростоу узининг «Иктисодий усиш боскичлари» назариясида шу коидани исбот-лашга уринади. Бошка олимлар ҳам шу коидага амал килиб, ри-вожланаётган мамлакатлар иктисодий тараккиётини сунъий ра-вишда тезлаштиришга уринмасликлари керак, бу давлатлар капиталистик давлатлар босиб утган йулдан боришлари макбул, бошка йул кидиришга хожат йук, деган гояни куллайдилар. «АКШ ташки сиёсатикинг сиёсий иктисоди» коллектив тадқиқотида ривожланаётган давлатлар гарбнинг киска ва узок муддатли манфаатларига мос келувчи сиёсатни олиб боришлари керак деган хулоса чиқарилади.

Бу тадқиқотдаги гоя буйича жахон хужалигидаги муносабат-лар ривож бошка цивилизациялашган муносабатлар сари бо-риши керак ва бу жараён кейинги пайтларда янги халқаро иктисодий тартиб сифатида қаралмоқда. Бунда ҳамма муносабатлар узаро тенгликка асосланган, барча мамлакатлар манфаат-ларини ҳисобга олувчи ва адолат тамойилларига амал қилувчи иктисодий-иҷтимоий алоқалар янги халқаро иктисодий тартиб-нинг асосий мазмунидир.

Бундай гоянинг пайдо булиши аввалги даврларда бу муноса-батларда тенглик булмаганлигини тан олиш билан баробар фик-рдир. И.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензиларнинг таъкидлаши-ча, камбағал мамлакатлар масаласи камбағал жануб билан бой шимол уртасидаги муаммолар сифатида тобора кучайиб бор-моқда. Жануб мамлакатлари уз қийинчиликларини жахон иктисодиётидаги мавжуд аввалги тартибдан деб билмоқдалар, бу тартиб гуёки уларга қарши қаратилгандир. 1974 йилда БМТ Бош Ассамблеяси янги халқаро иктисодий тартиб жорий этишни куллаб-қувватловчи резолюцияни қабул қилди (NIEO).

Қабул қилинган янги тартиб уч коидага асосланади:

1. Халқаро алоқалар маълум тартибга солиб турилади ва бу турли давлатлар томонидан сиёсий йул билан амалга оширилади;
2. Ишлаб чиқарилган товарларнинг давлатлараро тақсимотида ривожланаётган мамлакатлар манфаати ҳам ҳисобга олиниши шарт ва шуни таъминлайдиган йуллар яратилиши керак;
3. Барча иктисодий муносабатлар тизими демократия асоси-да олиб борилиши зарур, ҳар бир давлат уз ички тузумидан қатъи назар шу муносабатларда қатнашишга ҳақлидир.

Жануб биринчи навбатда Шимол томондан ёрдам миқдорини оширишни сурайди. Бой мамлакатлар эса берилган ёрдамдан самарали фойдаланиш зарурлигини қарач қилмоқда.

Кейинги даврда БМТ томонидан «Инсоний ривожланиш концепцияси» илгари сурилди, унга туларок тухталишни лозим топдик, чунки ундаги коидалар республикамиз учун ҳам нихоятда ахамиятлидир. Иктисодий ривожланиш концепцияси даромаднинг купайиши ва инсоний фаровонликнинг яхшила-ниши орасидаги алокани аниклашда муҳим хизматни адо этади. Бундай боғланиш нафакат иктисодий усишнинг микдорига, балки сифати ва кандай таксимланишига ҳам боғлиқдир. Иктисодий усиш ва одамлар ҳаёти орасидаги боғланиш оқил сиёсат — ижтимоий мақсадлар учун туловлар, даромад ва актив-ларни қайта таксимлашга қаратилган фискал сиёсат орқали яра-тилиши керак. Бундай боғланиш қашшоқликни қучайтирувчи автоматик тарзда ишловчи бозор иктисодиёти шароитида мав-жуд бўла олмайдди. Аммо биз эҳтиёт бўлишимиз керак. Даромад купайиши билан инсонлар ҳаётининг яхшиланиши орасидаги автоматик боғлиқликни инкор этиш иктисодий усишни инкор қилиш эмасдир. Иктисодий усиш камбарал жамиятлар учун қашшоқликни қамайтириш ва умуман йукотишда жуда муҳим. Лекин бундай усиш сифатининг ахамияти унинг ҳажмидан муҳимроқ. Доно миллий сиёсат иктисодий усишни одамлар ҳаётини яхшилашга угира олиши керак. Буни кандай қилиб амалга ошириш мумкин? Бу иктисодий ва сиёсий ҳокимиятда қатта структуравий ўзгаришларни талаб қилиши мумкин, бу соҳада инсоний ривожланиш парадигмаси жуда инқилобийдир. У қўп мамлакатларда амалдаги ҳокимият тизимини қайта қуриб чиқишни талаб этади. Иктисодий усиш ва одамлар фаровонлиги орасида боғлиқликнинг қучайиши қўп вақт талаб этувчи ер ре- формаси, солиқларнинг прогрессив тизими, асосий ижтимоий ёрдамнинг қучайтилиши, уни барча муҳтож аҳолига етиб бo-радиган қилиш, одамларнинг иктисодий ва сиёсий фаолиятлари йулидаги тусиқларнинг йукотилиши ҳамда уларнинг бойликка эга бўлиш ҳуқуқини тенглаштириш ва бозор иктисодиёти билан боғлиқ, иктисодий сиёсий саъй-ҳаракатлардан энг қўп озор че-қиши мумкин бўлганларга вақтинчалик ижтимоий ҳавфсизлик тизимини жорий қилиш каби бир қанча чора-тадбирларни талаб этиши мумкин. Бундай сиёсий фаолият фундаментал ва ҳар бир мамлакат учун фарқидир. Аммо баъзи бир хусусиятлар ҳамма мамлакатлар учун умумий.

Биринчидан, инсон муаммолари марказий муаммога айлана-ди. Ривожланиш одамлар фаровонлигининг ошиши нуктаи на-заридан таҳлил қилинади ва тушунилади. Ҳар қандай фаолият унда қанча одам қатнашганлиги ва фойдаланганлиги нуктаи на-заридан таҳлил қилинади. Ривожланиш сиёсатининг муваф-фақиятли бўлишининг бурилиш нуктаси сифатида ишлаб чиқаришнинг қупайиши эмас, балки инсонлар ҳаётининг яхшиланиши олинади.

Иккинчидан, инсоний ривожланиш икки томондан иборат эканлиги назарда тутилади. Биринчиси — яхши соғлиқ, саломат-лик, чуқур билим ва ҳунарлар каби инсоний қобилиятлар маж-муаси бўлса, иккинчиси — иш билан таъминланганлик, ишлаб чиқариш фаолияти, сиёсий фаолият ва ҳордиқ чиқариш каби эришиладиган қобилиятларга эга бўлиш йулидаги одамлар ду-нёқарашини оширишдир. Бу иккала томон меъёрининг инсоний ривожланиш томонидан тартибланмаганлиги инсонлар режала-рининг талафотида ўз аксини топади.

Учинчидан пировард мақсадлар ва уларга эришиш усуллари орасида аниқ фарқ ўтказилиши зарур. Одамлар мақсад сифатида қаралиши керак бўлса-да, унга эришиш

усуллари ёддан чикмаслиги керак. Ялпи миллий махсулотнинг (ЯММ) усиши купгина инсоний фаровонлик курсаткичлари усишининг муҳим омилдир. Аммо иктисодий усишнинг характери ва таксимланиши одамлар ҳаётини бойитишга нисбатан улчаниши зарур.

Туртинчидан, инсоний ривожланиш фақат иктисодиётни эмас, балки бутун жамиятни камраб олади. Сиёсий, маданий ва ижтимоий омилларга иктисодий омилларга каби эътибор берилади.

Бешинчидан, одамлар ривожланишнинг мақсади ва эришиш омили эканлиги тан олинади. Одамлар материалистик машина учун қулай ем эмас, балки ривожланишнинг охириги мақсади эканлиги доим ёдда бўлиши керак. Одамлар товар ишлаб чиқаришнинг «инсоний капитал» никоби остидаги қуроли эмас-лиги қўзда тутилиши керак.

Хуш, мамлакатнинг инсоний ривожланиш даражаси қандай баҳоланади? Бу муаммонинг замонавий ечимларига бир оз тухталамиз. Мамлакатнинг ривожланганлик даражасини баҳолашнинг яқингача ягона усули жон бошига ЯММ бўлганлиги сабабли, мукамалроқ ижтимоий-иктисодий курсаткични қашф қилиш давр талаби эди. Изланишлар натижасида инсоний ривожланиш индекс (ИРИ) курсаткичи қашф этилди. ИРИ инсон ривожланиш даражасини курсатувчи уч асос умрбоқийлик, таълим ва яшаш даражаларидан иборат интеграл курсаткичдир. Узок, умр қуриш қўтилаётган ҳаёт даво-мийлиги орқали улчанади. Таълим даражаси курсаткичнинг 2/3 қисмини ташкил этувчи катта ёшлилар саводхонлиги ва 1/3 қисмини ҳосил қилувчи таълимнинг уртача давомийлиги курсаткичлари орқали ифодаланади. Яшаш ҳаётнинг маҳаллий қиймати (сотиб олиш паритети ёки *PPP* — «*purchasing power parity*») га нисбатан тугриланган жон бошига реал ялпи ички махсулот (ЯИМ) орқали баҳоланади. Нимага фақат уч курсаткич? — деган савол тутилиши табиий. Инсон ҳаётининг ҳамма жабҳаларини акс эттириш аъло булар эди. Аммо маълумотларнинг тулик эмаслиги бир оз чекланишлар тугдиради ва бу маълумотларга эга бўлинганда, балки уларни ҳам ҳисобга олиш айни муддао булар эди. Аммо қупрок курсаткичларни қушиш дар доим дам яхшироқ натижаларга олиб келавермайди. Улар-нинг баъзи бирлари ишлатилаётган курсаткичлар билан корреляция қилинган бўлиши мумкин. Болалар улими даражаси, ма-салан, қўтилаётган ҳаёт давомийлигида уз аксини топган. Узгарувчиларнинг қупрок сонини қушиш умумий манзарани хира-лаштиради ва асосий йўналишлардан қалғитади.

Инсоний ривожланиш тушунчаси сунгги йилларда барқарор ривожланиш гоёси билан тулдирилди. Бунинг маъноси шуки, ҳозирги авлоднинг инсоний ривожланиш жараёни келажак авлод инсоний ривожланиши ҳисобига қўй бермаслиги даркор. Барқарор ривожланиш концепцияси дастлаб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракати томонидан қиритилди, бу ҳаракат на-мояндалари ривожланиш тушунчаси «авлодлар уртасидаги муносабатлар» каби гоёни ҳам уз ичига олишини ҳимоя қилмоқдалар. Табиий ресурсларнинг қамайиб бориши келажак авлодлар ривожланиши муаммоларини қелтириб чиқариши мумкин. «Барқарор ривожланиш» концепциялари атроф-муҳит ва табиий ресурслар доирасидагина

кулланилиши мумкин булмай, балки инсоний имкониятлар, «инсоний капитал»га куйиладиган инвестицияларга ҳам тегишлидир.

Инсоний ривожланиш концепцияси БМТ Тараққиёт Дасту-ри (FNDP) томонидан изчил тарғиб қилиниб келмоқда. Бу соҳадаги изланишлар йиллик «*Инсоний ривожланиш буйича ҳисоботлар*» (*Human Development Report*) чоп этилмоқда. 1988 йилда бошланган ун йиллик БМТ Тараққиёт Дастури томонидан барқарор ижтимоий ривожланиш ун йиллиги деб эълон қилинган. Бу ун йил давомида ижтимоий масалаларнинг қўпгина жабҳаларига тегишли ун та бугунжаҳон анжуманлари утқазилиши мулжалланган. 1995 йил март ойида Копенгагенда утқазилган олий мартабали ижтимоий ривожланиш конференцияси ва 1995 йил сентябрь ойида Пекинда утқазилган аёллар муаммоларига бағишланган конференциялар (1995 йилги «Инсоний ривожланиш буйича ҳисобот» эркак ва аёллар орасида тенгликка эришиш масалаларига бағишланган) ана шулар жумласидандир. Хар иккала анжуманда ута муҳим замонавий масалаларга жавоб топишга ҳаракат қилинди. Хусусан, Копенгаген анжуманида 160 га яқин давлат бошликлари иштирок этди (унда Республикамиз Президенти И.А.Каримов ҳам иштирок этди). Унда Бугунжаҳон Ижтимоий Декларацияси қабул қилинди ва харбий соҳага сарф қилинаётган ҳаражатларни инсоний ривожланиш мақсадларига сафарбар қилиш йўллари муҳокама қилинди.

1995 йилдан бошлаб БМТ Тараққиёт Дастури миллий даражада ҳам «Инсоний ривожланиш буйича ҳисобот»ларни нашр қилишда янги мустақил мамлакатларга қумак бера бошлади. 1995 йил учун ана шундай ҳисоботнинг Ўзбекистонда чоп этилиши бу саъй-ҳаракатларнинг муваффақиятли тугаганидан далолат беради. Эслатиб утилган бу ҳисобот ўзбекистон мустақилликка эришган-дан буен инсоний ривожланиш борасида эришилган ютуқлар ва йўқотилиши керак бўлган камчиликлар ҳақидадир. Келажакда шундай ҳисоботларни доимий асосда чоп этиш мулжалланмоқда. Бу эзгу йўлда БМТ Тараққиёт Дастурининг курсатаётган ёрдами бекиёсдир (Ўзбекистонда 2000 йилги дастур ҳам эълон қилинди).

Бундай ҳисоботлар ўзбекистонлик мутахассислар ва БМТ экспертларининг биргаликдаги меҳнатининг меvasидир. Бу ҳисоботлар кенг дунё оммасига тақдим этилади ва ўзбекистонда инсоний ривожланиш қай ҳолда эканлигини дунёга билдиради.

Ўзбекистондаги ижтимоий ривожланиш концепциясининг асосини айнан инсон ва унинг манфаатлари ташкил этади. У инсонни пировард мақсад ва ривожланиш асоси деб қарайди. Ҳозирги даврдаги мавжуд концепциялар ҳоҳ марказлаштирилган иқтисодиётда моддий маҳсулотнинг ёки бозор иқтисодиётида ички маҳсулотнинг усиши бўлсин, товар ишлаб чиқаришни энг асосий мақсад деб билган. Ундан тацқари, бу асосий мақсад, яъни жон бошига товар ишлаб чиқаришнинг усиши, жисмоний капитални жамғариш ҳисобига эришилган. Яъни эскича фикр-лаш доирасида қўшимча усиш пировард мақсад бўлса, инвести-циялар эса унга эришиш воситаси ҳисобланган.

Хар қандай жамиятларнинг ривожланишида уларнинг бир ҳолатдан бошқасига утиш даврлари энг мушкул, огир бўлиб ҳисобланади. Бу бир ҳаёт тарзининг бузилиши ва янгисининг яратилишини давомида вужудга кёладиган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаракатлардаги мураккабликлар билан боғлиқдир.

Жамиятни бундай тубдан узгартириш беозор утиши мумкин эмас. Бу усиш истар-истамас юзлаб ва минглаб одамлар, оила-лар, миллий ва жамоат гурухлари, бутун давлатнинг ижтимоий ахволи, моддий фаровонлиги, тақдирларига дахлдор булади.

Ўзбекистон ҳукумати ислохотларининг инсонлар ҳаёти ва фаровонлигига салбий таъсирини имкони борича камайтириш мақсадида янги иқтисодий ва ижтимоий тизимга босқичма-босқич утиш йулини танлади.

Ўзбекистан учун ҳозирги босқичда биринчи ва муҳим вазифа бу бозор ислохотларини утқизишда жадаллаштиришга асос булган, макроэкономик барқарорликни таъминлашдир. Чунки бу аҳоли турмуш даражасини етарли таъминлашнинг табиий асосини ташкил этувчи келгуси иқтисодий усиш заминидир. Масаланинг мураккаблиги шундаки, макроэкономик сиёсатнинг кучайтирилиши шароитида ижтимоий эҳтиёжларга харажатларни кескин ка-майтиришга йул қуйилмаслиги керак, чунки инсоний ресурсларга қуйилган маблағлар уларнинг келажакда барқарор ривожланиш асосигина булиб қолмасдан, ҳозирги даврда осойишта ижтимоий шароитнинг қанолатлигини ҳам таъминлайди. Ўзбекистон учун бу жуда муҳимдир, чунки у қушни мамлакатларда ҳарбий тўқнашувлар давом этаётган минтақада жойлашган. Давлат утиш даврининг мураккабликларини ҳисобга олган ҳолда ўз олдига аҳолининг истеъмол даражасининг кескин пасайиб қетишига йул қуймаслик, мавжуд таълим тизимини қўллаб-қувватлаш, аҳолини соғлиқни сақлаш хизматлари билан таъминлаш, янги бозор муносабатлари шароитларига мослашиши қийинроқ булган аҳоли_ қатламларини қушимча ижтимоий ёрдам билан таъминлаш, мамлакатнинг ҳар бир меҳнатга лаёқатли фуқароси ўз ижобий қучла-рини намоён этиши, мустакил равишда ўзи ва оиласи учун яхши ҳаётни таъминлаши учун шароит яратиш вазифаси қуйилган.

Ўтишнинг дастлабки бир неча йилида талай қийинчиликлар қайд этилди, аммо Ҳукумат иқтисодий ва ижтимоий сиёсат юр-ғизиш йули билан аҳолини тушқунлик шароитида шак-шубҳасиз рўй берадиган асосий ларзалардан ҳимоя қила олди.

Мамлакат, шунингдек, бой табиий ресурслардан фойдаланишнинг пухта ўйланган ёндашуви асосида қаттагина маб-лағларни жалб қилишга эришди. Натижада ишлаб чиқаришнинг тасайиши МДХ мамлакатларига нисбатан анча қам булди, 1996 йилдан усиш бошланди. Ундан ташқари давлат ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайишига қарамай, аҳолини иш билан таъминлашнинг юқори даражасига эришиш учун барча тадбирларни қўлади. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва инфляциянинг қутарилиши туфайли реал иш ҳақи кескин пасайди, аммо республика ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг кенг қамровли ҳукумат дастури йули билан аҳолининг истеъмол даражасини қўлади.

Албатта аҳолини қўловчи кенг қамровли дастурни узок, вақт мобайнида таъминлаш қийин масала ҳисобланади. Аммо ис-лохотнинг дастлабки босқичида бу мадад келажакда ислохотларнинг амалга ошириши учун сиёсий ва иқтисодий барқарорликни сақлаш ва миллий бирдамликка эришишда ниҳоятда муҳимдир. Республика амалда муҳим устунликларга эга ва оқилона иқтисодий, сиёсат амал-га оширилганда утишни муваффақиятли яқунлаши аниқ.

Жахон хужалиги, жахон бозори ва интеграцион жараёнлар-нинг узок, тарихи бор. Айникса, Буюк ипак йули (м.а. II асрда) даврида аник намоён булган бу жараён XVI асрда буюк географик кашфиётлар туфайли кучайди. II Жахон урушидан кейинги дав-рда эса бу халкаро иктисодий муносабатлар махсус ташкилотлар оркали амалга оширилиб, хозирги даврни уларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. «Бенилюкс» (1944 й.), Умумий бозор (1957й.), Европа иттифоки, ОПЕК (1960й.), НАФТА, ЭКО, Халкаро валюта фонди, Жахон банки ва бошка халкаро иктисодий ташкилотлар бу алокаларни маълум тартибга солиб келмокдалар.

А. Смит меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришда тараққиёт асоси эканлигини исботлаб берган булса, Д.Рикардо бу меҳнат тақсимоти фақат маълум мамлакат доирасидагина эмас, балки дунё миқёсида булиши керак, деган гоёни илгари сурди. Чунки ҳар бир давлат маълум соҳада нисбий устунликка эга булади. «Нисбий устунлик», «солиштирма чиқимлар» назарияси халкаро меҳнат тақсимотининг объектив зарурлигини исботлаб берди.

Бу борада бир канча иктисодий таълимот, назария ва кон-цепциялар илгари сурилди.

Халкаро иктисодий алокалар буйича неоклассик (соф таълимот) ва неокейнсчилик назариялари кенг тарқалган. «Соф» таълимот тарафдорлари фикрича, иктисодий алокалар халкаро майдонда ҳам эркин бозор тамойиллари асосида ривожланиши-ни куллайдилар (эркин рақобат, ҳамма учун бир хил имконият, тақлиф доимо талабни вужудга келтиради, савдо баланси уз-узини тартибга солади ва бошкалар).

Неокейнсчилик таълимоти вакиллари бу жараёндаги бозор му-носабатларига давлатнинг фаол иштирокини маъқул курадилар.

Мустамлакачилик мамлакатлари билан халкаро муносабатлар буйича турли назариялар мавжуд, уларнинг купчилиги метрополия колониялари учун ижобий рол уйнаганлигини химоя қилади. Бевосита инвестициялар назарияси мустамлакачиликда ҳам булиб, мустақил ривожланиш йулига утган мамлакатларда иктисодиётни кутқаришдаги асосий йул деб ҳисобланади.

Халкаро иктисодий муносабатлар ривожини билан бирга бир канча муаммолар мавжуд, бу одатда бой ва нисбатан қолок мамлакатлар уртасидаги муносабатлардир. 70-йилларда янги халкаро иктисодий тартиб қабул қилинди. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун БМТ томонидан «инсоний ривожланиш» концепцияси тақлиф этилган.

Асосий тушунча ва иборалар

Жахон хужалиги; меҳнат тақсимоти; ихтисослашув; интеграция; муғлак афзаллик; нисбий, солиштрима афзаллик; Хекшер-Олин-Самуэльсон модели; инвестиция; капитал ҳаракати; ри-вожланаётган мамлакатлар; инсоний ривожланиш концепция-лаш қуввати; халкаро иктисодий иттифоклар.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Жахон хужалиги деганда нимани тушунамиз ва у қачон вужудга кела

бошлаган?

2. Халқаро иқтисодий интеграция нима, унинг объектив зарурати нимага асосланади?

3. Солиштирма афзаллик концепцияси, солиштирма хара-жатлар принципи нимани англатади?

4. «Ишлаб чиқариш омиллари нинг халқаро тақсимоти» на-зариясининг асослари нима?

5. Капитал чиқаришнинг неокейнсчилик таълимоти қачон шаклланди ва унинг моҳияти нима?

6. Халқаро монополиялар (транснационал корпорациялар) нима? Улар тугрисида қандай таълимотлар мавжуд?

7. Иқтисодий интеграция тугрисидаги назарияларга таъриф беринг.

8. Валюта муносабатларининг моҳияти нима, валютанинг эластик курси қайси омиللарга боғлиқ?

9. Жаҳондаги асосий иқтисодий ва ижтимоий муаммолар нималардан иборат? Мамлакатлар ривожланишидаги нотеқис-лик сабаблари нима?

10. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий аҳоли ва уни яхшилашга оид назарияларни таърифлаб беринг.

11. Янги халқаро иқтисодий тартибнинг моҳияти нима, унга қачондан утила бошланди? Бу тартиб қандай қоидаларга асосланади?

12. «Инсоний ривожланиш концепцияси»нинг моҳияти нималардан иборат.

ХОТИМА

Мана, тўрт минг йилдан ортиқроқ даврни қамраб олган иқтисодий фикр, гоя, қарашлар, назария, концепция ва таъли-мотлар тарихига «саёҳат» қилдик. Албатта, энг оддий тушунча-лар ҳосил бўлишидан муқаммал иқтисодий таълимот, қонун вужудга келишига қадар босиб утилган йўлда турли-туман гояларнинг диалектик ўзгаришлари ва ривожланиш омили — қарама-қаршиликлар қураши ва бирлигининг гувоҳи бўлдик. Охири-оқибатда иқтисодиётнинг принципиал (асосий) масалалари бўйича аниқ, бир ҳулосаларга келинди. Аммо амалда айнан бир масала бўйича турлича қарашларнинг мавжудлиги ўзига ҳос бир мўъжизадир. Масалан, бозор иқтисодиётининг ҳаётий зарурлиги мунозарадан ҳоли, аммо бу муносабатларнинг охириги оқибатлари турли мамлакатларда турлича, чунки унинг асосий ўнсурлари бир хил бўлишига қарамай, ҳар бир ўнсурнинг амалий қўлланиши турлича ва оқибат-натижа ҳам бутунлай ўзгача. Бозор иқтисодиёти йўлидан ривожланаётган давлатларнинг турлича иқтисодий яқунлари бўнга яқин мисол бўла олади.

Таникли иқтисодчи олим Марк Блаугнинг таъкидлашича, иқтисодиёт фани ва таълимотларининг тарихи ўзига ҳос лабо-раториядир. Ҳар бир иқтисодчи бундан тушунган ва тушунмаган ҳолда бу лабораторияни ўзи билан бирга олиб юради (Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе, с.659). Бу лаборатория доим ҳаракатда, доим изланишда бўлиб, ўтмишдошлар томонидан қўлдирилган интеллектуал меросни билиш муҳимдир.

Оддий тушунчалардан бошланган иктисодий гоёлар тарихи давомида бир нечта муҳим йўналишларни ажратиш мумкин. Булар бойликнинг асоси муомала соҳасида деган ақидага асосланган меркантилизм иктисодий таълимотигача бўлган давр, *меркантилизмнинг* узи, *классик иктисодий мактаб*, *социалистик йўналиш* ва *маржинализмдир*. Ҳозирги давр иктисодий таълимотларида вужудга келган уч асосий йўналиш таъмоиллари турли мамлакатларнинг иктисодий сиёсатларига асос қилиб олинган.

Социалистик деб аталган йўлдан борган 28 давлат 90-йиллар бошида бозор иктисодиётига қайтишни ёки утишни маъқул деб ҳисоблайдилар. Бу давлатларнинг бозор муносабатларига утиши узига хос бўлиб, «*утиш даври иктисодиёти*» си-фатида қаралади. Албатта, бу утиш классик мамлакатлар (Англия, Франция, АКШ, Германия ва бошқалар) ривожланишидан анча фарқ қилади, чунки бу ерда гап маъмурий-буйруқбозликдан эркин бозор муносабатларига утиш тугрисида боради. Қўчилик мамлакатларда утишнинг дастлабки қийинчиликлари бартараф этилиб, меъёрий ривожланиш даври бошланган. Шу билан бирга қўп йиллардан буён бозор муносабатларида яшайтган, аммо қўққлик ва қашшўқликдан қика ол-маётган давлатлар ҳам қўплигини алоҳида таъқидлаш қерак. Де-мақ, гап самарали бозор иктисодиёти тугрисида бориши зарур.

Бозор иктисодиётининг муҳим афзаллик томони шундаки, у қарча тадбирқорлар (сохибқор)лар учун тенг эркин имқони-ятлар беради, ҳусусий мулк асосий уринни эгаллагани учун яратувчанликка рағбат (иштиёқ)га шароит яратилади, боқимандалик (илғариги социалистик жамиятдаги) қайфияти-ни инқор этади. Қекланган моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиб, тобора ошиб бораётган талабларни тулароқ қондириш имқони яратилади.

Қуришиб турибдики, бозор муносабатлари ривожланиш учун бир восита, ундан унумли фойдаланиб ютукда эришайтган мамлакатлар талайгина, аммо шу йўлдан бораётган, лекин қўққ. Давлатлар ҳам қўп. Гап бу ерда шундаки, худди табиатдаги қабии умумий ва ҳусусий ҳолатларнинг бирлигида деб қараш уринлидир. Масалан, бизга оқ бўлиб қуриган ранг призмада еттита бошқа-бошқа ранга ажралади, ундан эса минглаб бошқа ранглар ҳосил бўлади. Музиқада еттигагина нота мавжуд, аммо ундан минглаб, миллионлаб оханглар вужудга келади.

Ҳозирги замон иктисодий ривожланишидаги муҳим ҳусуси-ят шуки, социалистик деб аталган мамлакатлар режалаштирилган иктисоддан эркин бозор иктисодиётига утиш даврини уз бошидан қечирмоқдалар. Бунда ҳам турли иктисодий йўналишлар асос қилиб олинган, ваҳоланки бу давлатлар ва улар аҳолисининг мақсади бир — фаровон ва демократик жа-мият яратишдир. Шунии алоҳида таъқидлаб утиш қеракки, бозор иктисодиёти ақидалари ҳеч қандай қегара билмасалар-да, уларнинг. оқибати ҳар доим ҳам қутилган натижаларни бера-вермайди. Бунга тарихда мисоллар қўп.

30-40-йиллардаги Германия ва Италиядаги фашистик иктисодиётни олиб қурайлик: уша йилларда бу давлатларда бо-зор муносабатларига асосланган иктисодиёт оқибатлари ҳаммага аён. Худди шунингдек, уз даврида социалистик йўлдан борган Югославия иктисодиётини ҳам олиб қуриш мумкин. Шу туфайли қонвергенция гипотезасининг вужудга қелиши тасо-дифий эмас. **Фишер, Дорнбуш,**

Шмалензиларнинг фикрича, («Экономика», с.767) турли мамлакатлар аста-секин вақт утиши билан бир-бирларига ухшаш бўлиб бормокдалар. Аммо бу гоёнинг канчалик ҳақиқат эканлиги яқин келажакда исботланиши кийин. Купгина Гарб мамлакатларида иқтисодиётда давлатнинг роли камайтирилиб, бозор ориентацияси кенгайтирилмокда (80-йиллардаги рейганомика ва тетчеризм). Уларни ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, агар конвергенция амалга ошса ҳам, куп мамлакатларда бу бозор ориентацияси кучайиши йули билан амалга ошади. Социалистик деб аталган давлатларнинг деярли барчасида бу ҳаракат амалга оширилмокда.

Шу билан бирга индустриал ривожланган бир канча мамлакатларда ресурслар таксимоти ва бошқа соҳаларда давлат етакчи уринни эгаллайди. Франция, Скандинавия мамлакатларида ҳукумат томонидан индикатив иқтисодий режалар ишлаб чиқилади (катъий императив режалаштириш бозорга зид) ва унга амал қилинади. Масалан, Францияда турт йилга мулжалланган режалаштириш мавжуд, улар индикатив деб ата-лади, чунки бу режалар давлат сектори учун мажбурий бўлса, хусусий сектор учун ривожланишнинг турт йилига исталган йуналишни белгилаб беради. Махсус режа комиссияси хусусий сектор ва кизикдан тарафлар билан бамаслаҳат иш юритади. Германия иқтисодиётида ҳам давлатнинг роли юкори. Давлат томонидан ялпи миллий маҳсулотнинг 40 фоизи турли со-ликлар қуринишида олинади. Корпорация директорлари кен-гашида ишчи вакиллари ҳам иштирок этади. Режалаштириш тизими Япония, Корея Республикаси, Малайзия, Миср, Хиндистон ва бошқа мамлакатларда кенг қулланилади. Аммо шуни ҳам таъкидлаб утиш керакки, бу режалаштириш тамой-иллари собик. СССР ва бошқа «социалистик» деб аталган дав-латларникидан анча фарк қилади (катъий ва ёппасига эмас).

Айниқса, Сянган, Корея Республикаси ва Сингапурда давлатнинг иқтисодиётдаги роли ниҳоятда кучли ҳамда уларнинг тараккиёт суръатлари ниҳоятда юкоридир. Айрим Африка ва Осиё мамлакатларидаги иқтисодий қолоқлик ва тушқунлик давлатнинг иқтисодиётга меъёридан купрок аралашуви туфайли деб топилмокда.

Ёозор тизими ҳозирги давр иқтисодиётининг энг самарали усулидир, аммо бу тизим бекаму-кустми, деган савол тугалади. Р.Хейлбронер ва Л.Туроуларнинг фикрича, («Экономика для всех», с.296-298), бозорнинг учта нозик жойи, муаммоси мавжуд.

Биринчидан, бозор ҳатто энг бой жамиятни ҳам нархи бел-гилаб қуйилган ёрликлари йук товар ва хизматлар, масалан, таълим, маҳаллий маъмурият, жамоат, соғлигини сақлаш хизма-ти қабила билан таъминлашда самарасиз восита ҳисобланади. Бозор жамияти бу товарларни сотиб олиш учун солиқ тушум-ларининг бир қисмини йуналтиради, аммо жамият аъзолари бу соликларни мажбурий йигимлар сифатида қабул қилади ва эр-кин харид қилинадиган товарлардан кескин фарк этади. Шу сабабли соф бозор жамияти таълим, соғлигини сақлаш, муниципалитет, рекреация (экология) ва бошқа соҳаларга кам маб-лаг ажратишга интилади.

Иккинчидан, бозор инсоннинг истак ва талабларини қондиришда катъий иқтисодий ҳисоб-китобларга амал қилади. Бозор бойларнинг жонқуяр хизматқори, аммо кашшокларга нисбатан бефарқ қарайди. Бу иқтисодий ютқизиш бўлиб

колмасдан, балки ахлокий ютказиш ҳамдир. Фойда кетидан кувишни куллаймиз, аммо миллионлаб кашшокларнинг ахволини сезмасликка интиламиз. Айникса, глобализация дав-рида бойлар бойимокда, камбагаллар янада кашшоклашмоқда. Бу ижтимоий хавфдир.

Учинчидан, бозор тизими амалиёти давомида микро ва мак-ро касалликларга дучор булиб туради. Бу даврий ёки сурунка-сига булиб турадиган инфляция, ишсизлик, камбагаллик ҳамда атроф-мухитнинг ифлосланиши ва бошқаларни уз ичига олади. Бозор инсоният учун хавфли булган, аммо катта фойда келти-радиган фаолият билан шугулланишга мойил (масалан, наркобизнес, курол сотиш ва бошқалар).

Албатта, мамлакатдаги исталган ижтимоий касалликларни иктисодий тузум билан бевосита боғлаш керак эмас, аммо улар уртасидаги алоқаларни инкор этиш ҳам хавфлидир. Аммо ка-питалистик бозор иктисодиётининг муҳим хусусияти шундаки, у булаётган узгаришларга тез мослашади (адаптация), ривож-ланишни таъминлашга мойиллик мавжуд. Масалан, 1929-33 йиллардаги буюк депрессия туфайли АКШ ва бир канча дав-латлар уз иктисодий сиёсатини кескин узгартирди ва хоказо.

Собик социалистах мамлакатлар деб аталган давлатларнинг иктисодий сиёсати адаптацияга мойил булмади. Бозор иктисодиётига зид (хусусий мулк тугатилиб, давлат мулки хал килувчи булди, бахрлар эркинлиги бузилди, катъий режалаш-тириш жорий этилди, эркин ракобат инкор этилди, якка пар-тиявийлик ва бошқалар) сиёсат бу мамлакатлар инкирозини кучайтирди. Бунинг оқибати эса барчата маълум. ХХР ва ВСР уз иктисодиётини ислох килишда муҳим ютуқларга эришмоқда. Юкоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, иктисодий таълимотларга баҳо берганда «буниси яхши, униси ёмон», кабилидаги фикрлар унчалик тугри келавермайди. Ай-никса, иктисодий сиёсатни ишлаб чиқишда яккаю-ягона назария ёки таълимотга соф холда асосланиш кийин. Амалда бир канча назария ва таълимотларнинг қоришмасидан фойдалани-лади. Шунинг учун ҳам мавжуд иктисодий таълимотларни син-чиклаб урганиш ва уларни маълум тарихий, миллий, анъана-вий, ижтимоий ва бошқа шароитларни ҳисобга олган холда куллаш самарали натижа беради.

Хар қандай назария, таълимотнинг асосий мезони амалий ҳаётдир!

МУХИМ САНА, ТУШУНЧА ВА ИВОХЛАР

- Милоддан авва лги (м.а.) IV минг йиллик** — Шарқдаги дастлаб-ки кулдорлик давлатлари пайдо булди, илк иктисодий карашлар шаклланди.
- Хаммурапи** (м.а. 1792-1750 йй.) — Бобил (Вавилон) подшоси тошга уйиб ёзилган уз конунларида кулдорлик тузумининг хусусиятли белгиларини акс эттирган (282 та). Бу ёдгорлик Парижда Лувр музейида сакланмокда.
- Зардуштийлик** (Зороастризм, оташпарастилик) — исломгача Урта Осиё, Озарбайжон ва Эрон халкларининг дини. Бунда ай-никса табиатни ва хайвонот дунёсини асраш ҳамда бошка иктисодий масалаларга алохида ургу берилган.
- «Авесто»** — Зардуштийликнинг мукаддас туплами, оромий ёзу-вида битилган. м.а. VII асрда Марказий Осиёда кадимги даврдаги иктисодий хаёт акс этган. Мехнатга, чорвачилик-ка алохида эътибор берилган. Куп кисми йук булган, тулик эмас. Рус ва Узбек тилларига таржима килинган. Бу китоб 2700 йил аввал ёзилган булиб, унда «эзгу фикр, эзгу суз ва эзгу амал» тамойиллари илгари сурилади.
- «Артхашастра»** - м.а. IV-III асрларда Хиндистондаги сиёсий ва иктисодий хаётни акс эттирган. Иш хаки тушунчаси иш вакти билан ифодаланган.
- Конфуций** (Кун-Цзи, м.а. 551-479 йй.) - Хитойдаги конфуций-чилик иктисодий таълимотининг асосчиси. «Лунъю» сухбатлар ва мулохазалар тупламини яратган. «Халklar ота-си» иборасининг муаллифи. Оз истеъмол килиб, купрок ишлашни тартиб этган. Одат буйича бошкариш тарафдори (ота-бола; подшо-халк, оила каби булиши керак).
- Легистлар** — Хитойдаги (м.а. VI-III асрлар) иктисодий оким. Конфуцийликка карши. Бошкарув конунлар асосида булиши тарафдори. Дон масаласини хал килиш бош вази-фа деб каралади. Дехдонларни руйхат килиш, солик тизи-мини тартибга солиш тарафдорлари.
- «Гуан-Цзи»** (м.а. IV аср) — Хитойдаги ижтимоий-иктисодий асар, унда хужаликни давлат томонидан тартибга солиш тизимлари мукамал берилган.
- М.а. II минг йиллик** - Гарбда (Кадимги Греция-Юнонистон ва Италияда) кулдорлик тузуми юзага келди. Кулдорлик классик шаклда амалга ошди.
- Гомер** (м.а. XII-VII асрлар оралиги) — «Илиада» ва «Одиссея» асарларида натурал хужалик концепцияларини илгари сур-, ган.
- Солон** (тахм. м.а. 640/635-559) — Юнонистон сиёсий арбоби, ислохотлар утказган. Кулларни карзга беришни ман этган (чет эллиklar бундан мустасно).
- Перикл** (м.а. 490-429) — кадимги юнон сиёсий арбоби. Кул эксплуатациясини кенг куллаган, лекин савдо ва пул хужалигини ҳам ривожлантирган. Афина энг ривожланган даврда уни бошкарган.

Ксенофонт (м.а. 430-335/354) — юнон ёзувчиси ва тарихчиси. Кулдорликни куллаб-кувватлаган. «Дехдончилик барча санъатларнинг онаси ва бокувчиси», деган иборанинг му-аллифи. «Экономия» (уй хужалиги) сузини биринчи булиб ишлатган. Мехнат таксимотига алохида ургу берган ва уни бозор кулами билан боглаган. Пулнинг алмащув ва жамгариш (икки) функцияларини тан олган.

Платон (Афлотун, м.а. 428/427-348/347) - «Давлат» ва «Конунлар» асарларининг муаллифи. Жамиятни иш курули — натурал ишлаб чиқариш деб қараган, натурал хужаликни куллаган, пулни жамиятдаги душманликнинг бош сабабчиси деб билган.

Аристотел (Арасту, м.а. 384-322) — йирик юнон олими, «Нико-махов ахлоки» ва «Сиёсат» асарларини ёзган. Афлотундан таълим олган. Александр Македонскийга тарбиячилик қилган. Кулчиликнинг қатъий тарафдори бўлган. Кул — жонли (гапирувчи) курул, кул — тирик мулк, деган фикрда бўлган. Қийматнинг дастлабки шаклини тахлил этган: бу-юмдан маълум талабни қондириш ва алмашиш учун фой-даланиш мумкин, деган, натурал хужалик (Т-Т), товар (Т-П-Т) ва пулнинг капитал шаклидаги айланишини (П-Т-П) тахлил этган. Товар ишлаб чиқариш учун кулланиладиган ҳаракатни куллаб-кувватлаган. П-Т-П, П-П шаклини ин-кор этади.

Хрематистика (хрема — мулк, эғалик) — мулк орттириш санъа-ти, яъни фойда ва бойликни, пул шаклида туплашга йуналтирилган фаолият. Капитал қуйиш ва жамгариш санъатидир. Амалиётда кам кулланилади. Аристотел томо-иидан қиритилган.

Катов Старшим («м.а. 234-149) Қадимги Римдаги асарида қишлоқ хужалигига қупрок эътибор беришни тақлиф этади, қупрок сотиш ва қам олишни маъқуллайди. Куллар меҳнатидан рационал фойдаланишнинг тақлиф этади (Вилла хужалиги). Яхши ишлаган кулнинг шароитини яхшилаш керак, дейди, — лекин гуноҳкор қаттиқ жазоланиши лозим;

Варрон (м.а. 116-27) ва Люций Колумелла (милодий I аср) — Рим агрономлари. Кул хужалигини самарали ташкил этишга аҳамият бердилар, деҳқончилик ва қорвачиликни ҳам ривожлантиришни зарур деб билганлар. Кул меҳнатининг самарасиз, эканлигини тушунган - ва деҳқончиликни эркин колонларга беришни тақлиф этганлар

Ака-ука Гракхлар, Тиберий (м.а.162-133) Гай (153-121) -Рим давлатида ер ислохотининг режасини тузганлар Дар бир ер эғасидан 125 та (500 югер)дан ортиқ ерлар тортиб олиниб (оилага 1000 югер — 250 га), бошқаларга 30 югердан

булиб бериш таклиф этилгай. Майда дехкон манфаатлари химоя килинган. Ислохотлар натижа берган. Аммо ака-укаларнинг улимидан кейин бу ислохотлар бекор килинди:

Латифундия- йирик ер эгалиги (поместье). Дастлаб Кадимги Римда м.а. II асрда пайдо булди, милодий I асрда кенг таркалди. Феодализм даврида авж олди. Пруссия ва АКШда ривож топди. Инкилоблар туфайли тугатилди.

Спартак (м.а.71 халок булди) -куллар кузголониға (м.а.73-71) рахбарлик килди. Кузголон енгилди. Аммо кулчилик тузумиға зарба берилди.

Христианлик (насоролик) — жахондаги кенг таркалган уч дин-дан бири, буддизм ва ислом биган бир каторда милонинг I асрида Рим империясининг шаркий провинцияси (Фала-стин)да мазлумлар ва эзилганлар дини сифатида пайдо булган, мукаддас китоби Инжилда «Ишламаган тишламас» тамойили илгари сурилган (хаворий апостол Павелнинг фикри). 325 йилдан Рим империясининг давлат дини, унда мулк, иктисодий тенглик, хамкорлик ва бошка гоёлар илгари сурилади.

V асрда Гарбий Европада (Рим империясининг кулаши) куллик тугатилиб, феодалистик муносабатлар таркиб топди (V-XVI-XVII асрлар). Шарк мамлакатларида феодализмнинг шаклланиши III-VII асрларда руй берди. Бу даврдаги иктисодий гоёлар товар-пул муносабатларининг ривожини би-лан боғлиқ.

Ислом - VII асрда (хижрий 622 йил) дастлаб Арабистонда таркалган сунгги мукаддас дин. Исломнинг мукаддас ки-тоби *Қуръони Каримда* (арабчада *укши, кироат* дегани) Ал-лох таоло тарафидан шахсий мулк мукаддас деб эълон кил7инган, унга куз олайтириш катта гунох дейилган ва судхурлик харом килинган, ортикча сарф-харажатлар кораланган, айникса, «енглар, ичинглар, хадя килинглар, лекин исроф килманг», деган оятлар бугунги кун учун хам ахамиятлидир.

Форобий Абу Наср ибн Мухаммад (870-950) — комусий олим, Арастуниг издоши (Арастудан кейин иккинчи муаллим номини олган), хаёлий социализмнинг асосчиларидан, 160 дан ортик асар ёзган, донишманд (айни вақтда диний жа-моанинг бошлиги булган), хукмдор, тасарруф этувчи, «саховатли юрт» хакидаги таълимотни ривожлантирди (фо-зил давлат тарафдори).

Абу Али ибн Сино (980-1037) — комусий олим, 280 дан ортик асар ёзган, «Уй хужалиги», «Рухшунослик» ва бошка ки-тобларда иктисодий карашлари акс этган.

Беруний Абу Райхон Мухаммад ибн Ахмад (973-1048) — комусий олим, 150 дан ортик асарлари мавжуд, лекин иктисодий карашлари тулик

урганилмаган. Мехнат бой-ликнинг асоси эканлиги тугрисидаги фикрлари мавжуд.

Юсуф Хос Хожиб Боласоғунӣ (1016-1018-) — турк тилидаги илк «*Ўтадоу билиг*» («*Саодатга йўловчи билим*», 1069-70) асарида ажойиб иқтисодий гоёларни баён этган (1990 йил-да чоп этилди). Айниқса, хунар-касб урганиш, савдо-сотикнинг аҳамиятига эътибор берилган. Китобда «санъат, хунар — кишига чирой, турли-туман хунарларни

- урганмаслик тубанлик белгиси» (64-бет) эканлиги ҳақида фикрлар ва меҳнат таксимоти гоёлари бор. Давлат ва иқтисодиёт масалаларидаги борланишни яхши тушунган.

Низомулмулк (1018-1092) — Салжукийлар давлати вазири сифатида «Сиёсатнома» асарини ёзди, унда солиқ, давлат маблағларнинг ҳисоб-китоби иктой (чек ёр) тугрисида кимматли гоёлар берилган.

Ибн Халдун Абу Рацион Абу Зайд (1332-1406) — араб олими, «Ибратли мисоллар китоби» (1370)да иқтисодий гоёлари жамланган. Унинг фикрича, «жамиyat моддий кийматлар ишлаб чиқарувчилар» жамоасидан иборат. Асарларида моддий зарурат тарихни ҳаракатлантирувчи асосий куч, меҳнат унумдорлиги, зарурий ва қушимча меҳнат, киймат тушунчалари келтирилган. 1401 йилда Амир Темур билан учрашган. «Ижтимоий фикр» журналининг 1998 йил, 1-сонида лавҳа берилган.

Амир Темур (1336-1405) — Марказий Осиёда марказлашган давлат асосчиси, унинг олиб борган тугри иқтисодий сиёсати туфайли мамлакат обод бўлди, илм-фан раванг топди. «Темур тузуклари» китобида бир канча муҳим ижтимоий-иқтисодий гоёлари берилган. Масалан, солиқ, маош, бюджет тугрисида кимматли фикрлари бор. Янги ерлар очган деҳдон уч йилгача солиқдан озод қилинган, угрилик, қаллоблик, товламачилик қаттиқ қазоланган. Унинг даврида Буюк Ипак йули ривож топган, савдогарлар қарокчилардан ҳимоя қилинган, қарвонсаройлар қурилган. «Қам егин, қам ухла, қам гапир», ақидасига амал қилган.

Улугбек Муҳаммад Тарагай (1394-1449) — А.Темурнинг набираси, Шохрухнинг угли, 1409-49 йиллар Мовароуннаҳрда подшо-лик қилди, илм-фан, маданият ривожига, мамлакатнинг иқтисодий раванкига қатта ҳисса қўшди, 1428 йил Фулусий пуллар ислохотини уқказиб, қақа пуллар қадрини мус-тахқамлади, «Тамға» божига алоҳида эътибор берди, унинг подшолик даврида мамлакатда ички ва ташқи савдо уқди.

Алишер Навоий (1441-1501) — темурийлардан, шоир, давлат ар-боби сифатида иқтисодиёт масалаларига қатта эътибор берган. «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида деҳдон, хунарманд ва савдогарлар фаолиятига алоҳида баҳо беради, унинг фикр-ларида алмашув зарурати қурсатилган, капитал тушунчасининг элементлари бор.

Захириддин Мухаммад Бобур (1483-1530) — Андижон, Кобул ва Хиндистон хукмдори, «Бобурнома», «Мубаййин» асарларида солиқ сиёсати, масалан, зақот тугрисида қимматли гоёлари берилган. Энг муҳими, даромад ошган сари солиқнинг камайиб боришининг аҳамияти тушунтирилади.

Савдо ва айниқса, ташқи муносабатларга катта эътибор берган.

Томас Мор (1478-1535) - инглиз олими. «Утопия» (1516) аса-рида ҳаёлий социализм гоёлари берилган, «қўйлар одам-ларни еб қўйди», иборасининг муаллифи (деҳқонларнинг уз ерларидан маҳрум қилиниши). «Утопия» сузи юнонча «у-» /йук/ ва «*топос*» /жой/ сузларидан ташкил топган, яъни бу сузнинг маъноси «узи йук жой»дир.

Томмазо Кампанелла (1568-1639) — италян иқтисодчиси, Ита-лиядаги огир иқтисодий аҳволни қурган. «Офтоб шаҳри» (1602 йилда ёзилиб, 1632 йилда чоп этилган) китобида умумий мулкчилик, меҳнат асосида ҳаёлий социализм гоёлари ривожлантирилган.

Меркантилизм — италянча суз бўлиб, савдогар дегани, феодализмнинг емирилиши ва илк капитализм давридаги даст-лабқи бозор иқтисодий мактаби; илк меркантилизм (монетаризм) ва ривожланган меркантилизм даврларига бўлинади; бойликнинг асоси муомала (савдо)да юзага келади, деган гоё илгари сурилган.

Антуан Монкретен (1565-1621) — франциялик иқтисодчи, би-ринчи бўлиб «сиёсий иқтисод» тушунчасини қиритган, меркантилизмни, савдо ривожини қўллаган, дворянлар-нинг зеб-зийнатга берилишини қоралаган.

Жан Батист Колбер (1619-1683) — Франция қироли Людовик XIV даврида молия вазири бўлган, меркантилизмни жон-жаҳди билан қўллаган, унинг даврида аграр соҳага эътибор қайтаган, колбертизм сиёсатининг муаллифи. Банк, сано-ат ва савдо ривожига ҳисса қўшган.

Камералистика — меркантилизмнинг Германиядаги шакли. Бу гоё тарафдорлари йирик феодаллар ҳужалиқларини бошқариш масаласини юқори қўядилар ва буни идора доирасида ҳал қиладилар.

Жон Лоу (1671-1729) - асли шотландиялик, аммо қупрок Францияда ижод этган. Меркантилизмнинг бир оқимини, яъни қорхоналар ва савдо ҳақиқий бойликдир, деган гоёни илгари сурган. Банк, акция, облигация ва қимматли қозғалар сотиш йулини тутган. Ҳозирги «пирамида» усу-лининг муаллифи. Охир-оқибатда инқирозга учради (Мо-сквадаги «МММ» ва бошқа шу қаби акционер жамиятла-рининг ибтидоси), Банкларнинг ижобий томонини қўра билди.

XVII асрнинг урталарида (1640-1660) Англияда буржуа инкилоби бўлиб утди, феодалистик муносабатлар синиб, капиталистик муносабатлар шакллана бошлади.

Мануфактура — италянча «кул махсулоти» дегани, меҳнат таксимооти, кул хунармандчилиги ва ёлланма меҳнатга асосланган оддий капиталистик кооперациядан кейинги иккинчи боскич. XVI асрнинг урталарида пайдо булди, са-ноат тунтарилишига, яъни фабрикага замин тайёрлади. А.Смит томонидан энг мукаммал корхона тури деб ҳисобланган.

Петти Вилям (1623-1687) — Англия классик иқтисодий мактаб-бининг асосчиси, меркантилизмни инкор этган, бойлик-нинг асоси ишлаб чиқаришда, деган фикрни илгари сур-ган, «меҳнат бойликнинг отаси, ер эса унинг онасидир», деган иборани куллаган. Капиталистик тузумни табиий ва абадий деб ҳисоблаган. Товарнинг алмашув қийматини тан олган. Статистика («Сиёсий арифметика») фанига, асос солган. Аҳолига бойлик яратувчи сифатида қарали.

Буагилбер Пьер (1646-1714)- Франция классик иқтисодий мактабининг асосчиси. Аграр соҳанинг ривожига эътибор берди, колбертизмга қарши қурашди, солиқ тизимни ислох қилишни таклиф этди. Пулта «буюк ёвузлик», деб қаради. Қийматнинг истеъмол шаклини тан олди, савдо ва саноатни тугри баҳоламади. Эркин савдо, пропорционал баҳолар тарафдори булди ва эркин рақобатни куллаб-қувватлади.

Физиократлар-юнонча «табиат» ва «ҳокимият» сузларидан ташкил топган бўлиб, Франциядаги классик сиёсий иқтисод намояндалари Ф.Кенэ, А.Р.Тюрго ва бошқалар физиократизмга асос солдилар. Тадқиқот мавзуини муома-ла соҳасидан (меркантилизм) ишлаб чиқариш соҳаеига қучирдилар; эркин савдо тарафдорлари эдилар. Фермер-лар, қишлоқ ҳужалиги мамлакат раванқининг асоси, деб ҳисобланади.

Кенэ **Франсуа (1694-1774)** — франциялик физиократизм оқимининг асосчиси, «Табиий тартиб концепцияси», «Соф махсулот» «Унумли меҳнат» тугрисидаги таълимотни ярат-ди. Узининг «Иқтисодий жадвал»ида такрор ишлаб чиқаришни ва синфларни таҳлил этди, капиталга (доимий ва айланма) изоҳ берди. Алмашув эквивалентлиги таъли-мотини илгари сурди, унда бойлик яратилмаслигини исботлади. Бойлик яратишда табиатнинг иштирокини тан олди.

Фермер, фермер ҳужалига — хусусий ёки ижарага (лендлордан) олинган ерда олиб бориладиган соҳибқорлик туридаги ҳужалик. Капиталистик фермерчиликда ёлланма меҳнатни жалб этиш, оилавий шакли эса аксарият ҳужалик эгаси-- нинг (фермер ва унинг оиласи) қучи билан олиб борилади. Дастлаб Англияда XVII асрда вужудга келди. Ҳозир

деярли барча мамлакатларда мавжуд. Физиократлар куллаб-кувватлаган хужалик тури. Эркин савдо, хусусий мулк ва мавжуд тузум табиий деб бахрланади.

Тюрго Анн Робер Жак (1727-1781) — франциялик, физиокра-тизм гоясини ривожлантирди. Соф бозор иктисодиёти та-рафдори. Минимал иш хакини куллаган, жамиятда (капиталист ва ишчиларни кушган холда) бешта синф (Кенэда эса учта) борлигини айтди;

Смит Адам (1723-1790) -Англия классик иктисодий мактабининг буюк назарийчиси, мануфактура даврининг иктисодчиси. Асосий асари «Халклар бойлигининг табиати ва сабаблари туррисидаги тадқиқот» (1776) булиб, унда ҳозирги тил билан айтганда эркин бозор муносабатлари уз аксини топган. Унда капиталистик иктисодиёт, хусусий мулк идеал деб ҳисобланади. Мехнат таксимоти (вақтдан, малака ошишидан, Машина куллашга имкон яратишдан) уч ютук беришини исботлаган. Давлатнинг иктисодга аралашуви имкони борича кам булиши керак, дейди. Эгоизм хусусияти жамият манфаатларига карама-карши эмас, деган хулоса чиқаради. Халқ бойлиги ишлаётган одамларнинг сонига ва уларнинг мехнат унумдорлиги даражасига боғлиқ деб уйлаган. Мануфактурани саноатнинг энг юксак чуққиси деб билган (бу фикр хато эди, чунки фабрика устунрок). «Смит догмаси» деб аталадиган хатога йул қуйган.

Герцог Баклю — Адам Смит тарбиячилик қилган оила.

Саноат тунтарилиши (инкилоби) - Англияда биринчи бор XVIII аср урталарида кул кучига асосланган мануфактурадан (иккинчи босқичдан) машиналашган завод-фабрикага (учинчи босқичга) ўтиш жараёни (XIX асрнинг урталарида яқунланган). Иктисодий ривожланишда муҳим уринни эгаллайди, ижтимоий-сиёсий соҳаларда катта ўзгаришларга сабаб бўлган.

Рикардо Давид (1772-1823) — А.Смит таълимотининг буюк да-

вомчиси, саноат тунтариши даврининг иктисодчиси. Мехнат таксимотини корхона доирасидан мамлакатларга ҳам жорий этишни таклиф этган, нисбий устунлик, нис-бий чиқимлар устунлиги назарияларига асос солган. Фабрика даврини тугри тушунган, фритрендерликни (эркин савдо) куллаб-кувватлаган.

Протекционизм — лотинча, давлатнинг миллий иктисодиётини чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган иктисодий сиёсат.

Фритрейдерлик — инглизча, эркин савдо сиёсати, протекцио-низмга зид. Бу сиёсатни бозор муносабатларига ўтган дав-латлар ташқи савдода куллайдилар.

Сисмонди Шарл (1773-1842) — Женевада туғилган, Францияда яшаган, майда ишлаб чиқариш иктисодининг асосчиси, йирик капиталистик ишлаб чиқаришга қарши чиқди ва буни «исботлаб бериш»га ҳаракат қилди. Мамлакатдаги барча иллатлар йирик ишлаб чиқариш туфайли деб

хисоблаган, у капитализмни тан олмаган, давлат йули би-лан йирик корхоналарни тугатишни таклиф этган. Классик мактабга мухолиф.

Прудон Пер Жозеф (1809-1865) — франциялик майда ишлаб чиқариш иқтисодчиси ва социологи, майда ишлаб чиқаришни химоя қилди, «ишчи пули» орқали маҳсулот сотишни ҳамда капитализмни ислох қилишни таклиф этди. П. пулга қарши бўлган. Классик мактабга муқобил фикрлар билдирган.

Родбертус Карл Иоганн (1805-1875) — немис иқтисодчиси, уз иқтисодий гояларини «Социал хатлар» шаклида илгари сурди, қушимча қиймат, пул ва рента бўйича майда бур-жуача қарашлар тарафдори. Вулгар қараш — «ута содда-лаштирилган», «сохталаштирилган», деган маъноси бор, гайриилмий иқтисодий назариялар мажмуи, асосий намо-яндалари Сэй (1767-1832) ва Малтусдир (1766-1834). Улар капитализмни химоя қилиш мақсадида иқтисодий жараён-ларнинг ташки қуринишини тавсифлаш ва «хужакурсин»га классификация (таснифлаш) қилиш билан чегараланиб, ходисанинг моҳиятини тадқиқ этмайдилар. Уларга фақат айрим масаланигина олиб, бутун муаммони ҳал қилиш ҳосдир. В.к. намояндалари классик иқтисодий мактабни инкор этадилар.

Апологетика — бирор гоя ёки таълимотни ҳато бўлса ҳам қур-қурона химоя қилиш. Маълум синф, гуруҳлар манфаати химоя қилинади.

Милл Жеймс (1773-1836) — инглиз иқтисодчиси, иш ҳақини ошириш учун қурашмасдик тарафдори, жонли меҳнат билан бирга ишлаб чиқариш воситаларининг меҳнатини ҳам тан олишни талаб қилган.

Мак-Куллох Жон Рамсей (1789-1864) — инглиз олими, Мал-тусни қуллаган, меҳнат билан бирга капитал ҳам бойлик яратишда иштирок этади, деган фикрни илгари сурди.

Сениор А. (1790-1864) — инглиз сиёсий иқтисоди вакили, «Сунгги соат» ва «Тийилиш» назарияларини илгари сур-ган, унга қура гуёки ишчилар ун бир ярим соат иш вақтининг фақат охириги бир соати давомидагина фонда келтирар эканлар.

Сэй Жан Батист (1767-1837) — француз иқтисодчиси, классик мактабга қарши, «компенсация» назариясини илгари сур-ган, «Сэй, қонуни»нинг («Бозорлар қонуни») муаллифи, унга қура таклиф талабни автоматик равишда вужудга кел-тиради, Сэй инкирозларни инкор этган, синфлар уртасидаги қарама-қаршиликни тан олмайди («улар уртасида уйғунлик бор», дейди). Протекционизм урнига савдони тарғиб қилган. Ишлаб чиқаришнинг уч омилини (капитал, ишчи қучи ва ер) илгари сурди.

Малтус Томас Роберт (1766-1834) — инглиз иқтисодчиси, «Ну-фус назарияси», «Тупрок унумдорлигининг пасайиб бориши қонуни»нинг муаллифи. Унингча, аҳоли геометрик прогрессия асосида, нознъматлар эса

арифметик прогрессия асосида ушиб боради, окибатда кашшокликнинг сабаби аҳоли сонига боғлиқ, деб курсатилади. Малтус аҳоли сонининг ушибини чеклаш тарафдори бўлган.

«Учинчи шахслар» — XIX аср бошларида муомалага киритилган тушунча. Хужалик ҳаётини синфий таҳлил қилиш методида қўлланилади. Жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш қўчлари бўлган тадбиркорлар ва ёлланма ишчилардан ташқари катлам бўлиб, олимлар фикри бўйича улар маҳсулотни яратиш ва реализация қилишга имкон беради.

Бастиа Ф. (1801-1850) — француз иқтисодчиси, «Иқтисодий гармониялар» китоби ва гоёси, «манфаатлар уйғунлиги» ва «хизматлар» назарияларининг муаллифи.

Кэри Генри Чарлз (1793-1879) — америкалик иқтисодчи, «Ман-фаатлар уйғунлиги» (1872) асарини ёзган. Шу гоёнинг та-рафдори бўлган, миллатлар уйғунлиги гоёсини илгари сурди, Рикардо ва Малтусга қарши чиқди. Эркин савдони рад этди, протекционизм ва қўчилиқни қўлади.

Эконометрика (Эконометрия) — иқтисодий жараёнларга математик усулларни қўлаш билан боғлиқ иқтисодий математик йўналиш. XIX асрнинг бошларида вужудга келди ва ҳозирги кунда назария ва амалиётда кенг қўлланилади.

Курно Антуан Опостен (1801-1877) - франциялик математик, биринчилардан бўлиб математикани иқтисодий жараёнларга кенг қўлаш услубини ишлаб чиқди. Эконометрика йўналишининг асосчиларидан бири, «талабларнинг эла-стиклиги» функцияси ва графигини яратди.

Йоганн Генрих фон Тьонен (1783-1850) — немис олими, эконо-метрикада математик моделлаштириш бўйича йирик мута-хассис.

Иқтисодий таълим, назария, қонун, категория (тоифа).— меркантилизм, физиократизм, классик иқтисодий мактаб, маржинализм — бу иқтисодий таълимлардир; «нуфус», «сунгги соат», «учинчи шахслар», юқори фойдалилик, умумий бандлик, қийматнинг меҳнат назарияси; қиймат, қўшимча қиймат, талаб ва таклиф қонунлари; товар, меҳнат таксимоти, пул, нарх, иш ҳақи, рента ва бошқалар иқтисодий категориялардир.

Концепция (лотинча тушунча, тизим дегани) — маълум предмет, ҳодиса ва жараёнларни тушунтириш услуби, предмет ва бошқаларга қаратилган асосий қўзқараш; уларни дои-мий равишда ёритиб бериш учун бош гоё; бу матн илмий ва бошқа фаолиятдаги асосий фикрни, конструктив та-моилни белгилаш учун ҳам қўлланилади. Масалан, таби-ий тартиб концепцияси ва бошқалар.

Тарихий мактаб — Германияда (вакиллари: Ф.Лист, В.Рошер, Б.Гилдебранд, К.Книс) вужудга келган сиёсий иқтисод. Унда фойдалилик ва юқори

наф биринчи уринга куйилади. Иктисодий конунлар инкор этилиб, иктисодий тарих билан алмаштирилади.

Фридрих Лист (1789-1846) — немис иктисодчиси, тарихий мактаб асосчиларидан бири, унинг таълимотига кура, киймат «миллатнинг рухи» томонидан яратилади; Ф.Лист та-раккиётни беш боскичга булади: бадавийлик, чупонлик, савдо; уруш ва боскинчиликларнинг тарафдори булган, Ф.Лист фашизмнинг иктисодий назариётчисидир.

Рошер Вилгелм Георг (1817-1894) - Германия тарихий мни мактабининг фаолларидан, иктисодий конунларнинг обь-ективлигини рад этади, иктисодиётни маънавий фан дей-ди, синфий курашнинг мавжудлигини рад этади, урушлар мадхиячиси, Сэй гоёларини куллаб-кувватлайди.

Книс Карл (1821-1892) — немис иктисодчиси, унингча, иктисодий конунлар йук ва табиий конунлар бор. К.Книс хусусий мулк ва капитализмни абадий деб хисоблаган. Иктисодий сиёсатга катта урин берган.

Гилдебранд Бруно (1812-1878) — немис иктисодчиси, иктисодий хрдисаларни тадқиқ қилишнинг уз тарихий ПУЛ усулини илгари сурди (натура,, кредит), унингча, киймат — фойдалиликдир ва хусусий мулк абадийдир.

Сен-Симон Клод Анри (1760-1825) — Франция хаёлий социализмининг вакили, аммо С.Симон хусусий мулкни саклаб қолиш тарафдори булган.

Фуре Франсуа Мари Шарл (1772-1837) — Франция хаёлий социализмининг вакили, келажакни синфсиз курган, унингча, жамият ишлаб чиқариш бирлашмалари — фалангалар-дан иборат булади («Иш рохат бағишлаши зарур»).

Оуэн Роберт (1771-1858) — инглиз хаёлий социализмининг вакили, келажакда хусусий мулкни инкор этган, барча СОР одамлар учун меҳнат зарур деб хисоблаб, «хар кимдан қобилиятига яраша ва хар кимга меҳнатига яраша» тамой-илини илгари сурган.

Маркс Карл (1818-1883), Энгелс Фридрих (1820-1895) - ил-мий социализм назариясининг асосчилари. Капитализм-нинг урнига социализм қилишини башорат этганлар. Хусусий мулкни инкор қилишган. Умумхалқ мулкни асосий деб қарашган (тарих буларни инкор этмокда).

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошлари — янги тарихий мак-таб ва «социал йуналиш» пайдо булди. Унинг вакиллари Г.Шмоллер (1838-1917), Л.Брентано (1844-1931) ва К.Бюхерлардир (1847-1930).

«Неоклассицизм», Австрия мактаби — XIX асрнинг 70-йилларида пайдо булди, унинг асосий максоди Маркснинг кийматнинг меҳнат назариясига қарши кураш эди. Вакиллари: К.Менгер (1840-1920), Е.Бём-Баверк (1851-1914),

Ф.Визер (1951-1926). Маржинализм, энг юкори наф, энг юкори унумдорлик гоялари кулланилади.

Шмоллер Густав (1838-1917) — немис иктисодчиси, янги тарихий мактабнинг асосчиси, сиёсий иктисодни халк хужалиги тарихи билан бир деб карали, тарихий форма-цияга карши чикди, унга эмпиризм хос эди. Иктисодиётда одоб-хукук омилини биринчи уринга куйган.

Брентано Луи (1844-1931) - янги тарихий мактаб вакили, ка-питализмни мадх этган, «Ижтимоий инноклик» тарафдори, «давлат социализми» гояларини илгари сурган.

Вернер Зомбарт (1863-1941) — янги тарихий мактабга якин тур-ган немис иктисодчиси, антагонистик зиддиятлар ва иктисодий инкирозларнинг мукаррарлигини инкор этган, капитализм тартибга солинган ва режали ривожланиб бо-радиган хужалик тарзи деб тасвирланади. Турли тизимлар-ни плюрализм асосида якинлаштириш мумкин, дейди. Вернер Зомбарт шовинизм позицияларида турган ва фашизм мафкурасининг шаклланишига кумаклашган.

Менгер Карл (1840-1921), Бём-Баверк Евгений (1851-1914), Визер Фридрих (1851-1926) - Австрия мактаби вакиллари, истеъмол ишлаб чиқаришдан устун куйилган, тадқиқотнинг Робинзонада усули кенг кулланилган, кадриятлар (юкори фойдалилик) назарияси илгари сурил-ган. Киймат истеъмол киймати билан айнан бир хил деб талкин килинган.

Ленин (Ульянов) Владимир Ильич (1870-1924) — марксизмни ривожлантирган, империализм тугрисидаги таълимотни яратди, Совет давлатининг асосчиси ва рахбари, «Харбий коммунизм», «Янги иктисодий сиёсат» муаллифи, умри-нинг охирида социализмга янгича караш тарафдори булди. Лениннинг асосий гоялари (умумхалк мулки, катъий ре-жалаштириш, шурулар тизими) инкирозга учради.

Маъмурий-буйрукбозлик (режалаштирилган бозор) — собик СССР ва «социалистик» деб аталган давлатларда амалга оширилган бозор тури, унда давлат мулки устун ва хусусий мулк деярли йук императив катъий режа хукмрон, эркин ракобат инкор этилади; катъий бахолар кулланади. Хаёт бозорнинг бу турини инкор этмокда.

«Харбий коммунизм» **сиёсати** (1918-1920) — Совет давлатида кулланилган, товар-пул муносабатлари инкор этилган, катъий таксимот ва тула миллийлаштириш хамда озик-овкат разверсткаси амалга оширилган, бир канча социал сохалар текин булган (транспорт, электр энергияси, коммунал хизматлар). Х.к. даврида мамлакат огир инкирозга учради.

«**Янги иктисодий сиёсат**» (Новая экономическая политика. «НЭП») — Совет давлатида 1921 йилда жорий этилган. Товар-пул муносабатларига кенг урин берилган, денационализация амалга оширилган, хусусий ишлаб чиқариш

ва савдога кенг урин берилган ва ягона озик-овкат солиги жорий этилган. Я.и.с.даги капиталистик муносабатлар иктисодиётни тез тиклаш ва ривожлантиришга имкон бер-ди. Факат огир саноат, банк, темир йул, ташки савдогина давлат монополиясида булган. Молия тизими пул ислохоти оркали кучайтирилган. 1928 йилдан бошлаб инкор этилиб, маъмурий-буйруқбозликка утилди.

Чаянов Александр Васильевич (1888-1937) — таникли иктисодчи, Россияда ташкилий ишлаб чиқариш мактабининг асосчиси, деҳқонни меҳнат хужалигининг асоси деб, оилавий меҳнат ячейкасини ташкил этган (коллективизацияга қарши); кооперация ва аграр соҳаларда 200 га яқин асар ёзган, бош асари «Хужаликнинг нокапиталистик тизимлари назарияси»дир. Ч. 1937 йилда катагон қилиниб, қатл этилган. Илмий гоёлари хозирда ҳам илмий-амалий аҳамият қасб этади.

Монополия — ишлаб чиқариш ва банкларнинг йириклашуви ва марказлашуви, соф рақобат йуқолади (номуқаммал рақобат), монопол баҳо, фонди юзага келади.

Маржинализм — французча «чегаравий» маъносидаги суздан олинган, XIX асрнинг 70-йиллари Жевонс, Менгер, Валь-раслар томонидан очилган иктисодиётнинг методологик тамойилларидан бири, шқтисодий ходисаларни таҳдил этишда энг чекка курсаткичларга суянади. Истеъмолни ишлаб чиқаришдан устун куяди. Қийматнинг меҳнат назарияси инкор этилади. Австрия мактаби вакиллари томонидан қулланилган. XIX асрнинг урталарида француз иқтисодчиси Курно (1821-1877), немис иқтисодчилари Тюнен (1783-1850), Госсен (1810-1858) биринчи булиб маржинал таҳлилни иқтисодий назарияга жорий этишга уринган. Унинг категориялари: қиммат, энг юқори, чегара-ланган наф, ноёблик, ишлаб чиқаришнинг энг юқори унумдорлиги ва бошқалар.

Кембридж мактаби (Англия) - асосий вакили Альфред Маршалл (1842-1924), «қийматсиз баҳо» назариясини илгари сурди, баҳога «энг юқори наф» ва ишлаб чиқариш қимматлари таъсир қилади, деган. Маркснинг «қийматнинг меҳнат назарияси»га қарши. «Сиёсий иқтисод»ни «Экономикс» билан алмаштирди. Асосий асари «Иқтисодиёт принциплари» (1890), 3 жилддан иборат, рус тилига уғирилган.

Лозанна мактаби — Л.Вальрас ва В.Парето (1848-1923) томони-дан иқтисодиётда эконометрика усуллари кенг қуллаш туфайли пайдо булган.

Америка мактаби Жон Бейтс Кларк (1847-1938) - Америка мактаби вакиллари-дан, АКШ ва Колумбия университетлари профессори, Америка мактаби асосчиси, Америка иқтисодий уюшмасини тузиш (1885) ташаббусқорларидан бири. Психологик ва маънавий омиллар ҳал қилувчи деб қаралган. Австрия мактаби принципларига

кушилган. «Мехнат ва капиталнинг пасайиб боровчи унумдорлиги» конунини кашф этган. Маржинализм гоёларини рйвожлантирган.

Бозор иктисодиёти — товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иктисодий конунлар асосида бошқариладиган иктисодиёт. Узок, тарихга эга булиб, сохибкорларнинг эр-кинлиги ва ракобатни такозо этади. Климат конуни, талаб ва таклиф конуни, пул муомаласи конуни Б.и.га хос объектив конунлардир. Бозор эса сотувчи билан харидор уртасида товарни пулга айирбошлаш муносабатидир.

Бозор муносабатларининг щаклланиши — ибтидий жамоа тузумининг емирилиши давридаёк бошланган, аммо товар-пул муносабатларининг ривожии капитализм боскичига тугри келади (Макконелл К.Р., Брю СП., «Экономикс», М.,

1992, 12-бет).

-

Хозирги замон иктисодий таълимотларининг уч асосий йуналиши мавжуд: 1.

Неоклассик (янги классик); 2. Кейн-счилик; 3, Институционал.

Институционализм — лотинча «урф-одат», «муассаса», «курсатма», яъни айрим институтлар (оила, давлат, монополия, касаба уюшмаси) ижтимоий тараккиётнинг асосии деб кабул килган назария. XX асрнинг 20-30-йилларида АКШда кенг таркалди. Т.Веблен (1857-1920), ЖР.Коммонс (1862-1945), У.К.Митчелл (1874-1948), Ж.Гобсон (1858-1940) ва бошқалар бу назариянинг 20-30-йиллардаги вакиллари, кейинчилари эса Кларк, Берли, Г.Минз (50-йиллар), Лоу, Мюрдал, Гельбрейт, Хейлбронер (60-йиллар ва хозирги давр) объектив иктисодий конунларнинг мавжудлигини инкор этадилар.

Буюк депрессия — 1929-1933 йй. ва хатто 1940 йилгача АКШ ва жахондаги йирик иктисодий инкироз, ишлаб чиқариш 50% камайган, ишсизлик 25% ошган (17 млн.).

Кейнс Жон Мейнард (1883-1946) — инглиз иктисодчиси, кейн-счиликнинг асосчиси, 1929-1933 йилларда буюк инкирозни тахлил этиб, жамоат ишлаб чиқариш жараёни-нинг узлуксизлигини таъминлаш максадида давлатни ка-питалистик иктисодиётни бошқаришига асосланган назариясини яратди. Миллий даромад, капитал маблаг, иш би-лан бандлик, истеъмол, жамғариш ва бошка иктисодий микдорларнинг тахлилига алохида эътибор берди. «Бошқариладиган капитализм»нинг тарафдори булди, тур-ли йуналишлари мавжуд. А.Маршаллнинг дустии, мар-ксизмнинг ашаддий душмани, «аралаш иктисодиёт»нинг отаси ва «Иктисодий журнал»нинг мухаррири. Асосий аса-ри «Иш билан бандлик, фоииз ва пулнинг умумий назария-си» (1936). *Мультипликатор* формуласини таклиф этган, инвестицияларнинг ушиби, бандлик ва даромадларнинг ушиби уртасидаги нисбатни курсатган, масалан, АКШ учун уша даврда бу

курсаткич 2.5 булган, яъни инвестиция килинган 1 доллар 2.5 доллар даромад келтирган.

Ликвидлик — моддий неъматлар ва бошка ресурсларнинг тез пулга айлана олиш қобилияти; корхонани уз мажбуриятларини уз вақтида тулай олиш қобилияти балансининг актив пунктларини пулга айлантириш.

Кейнсчилик — Ж.М.Кейнснинг фикрларини илгари сурувчи йуналиш, уч оқими мавжуд: 1. унн оқим — ута реакцион оқим, курулланиш тарафдори, тартибга солиш таклифлари бор. Германия ва Италияда кенг тарқалган; 2. Либерал оқим — монополия манфаатларини химоя қилувчи ва курулланишни инкор этувчи оқим, Унинг асосий вакили Женни Робинсон хоним, бу оқимда қасаба уюшмаларига кенг урин берилган. Францияда «дирижи́зм» (дирижер сузидан олинган) назарияси вужудга келган; 3. Янги кейнсчилик, кейинрок. ортодоксал кейнсчилик — Ж.М.Кейнснинг қоидалари тула қабул қилинган ҳолда А.Хансен томонидан стагнация назарияри билан

тулдирилади. А.Хансен ва К.Кларк мультипликатор та-моийлини *акселератор* тамоийли билан тулдирдилар, ин-дуцирланган инвестиция тушунчасини қиритдилар. *Императив* (зарурий) ва *Индикатив* (таклиф мажбурий эмас) режалаштиришлардан фойдаланиш мумкинлиги айтилади (Франция ва бир қанча мамлакатларда кенг тарқалган). Асосий вакиллари франциялик Г.Ардан, Г.Мендес-Франс, Ф.Перру, С.Харрислардир. Янги кейнсчилик урнига по-сткейнсчилик вужудга келди, унинг вакиллари Ж.Робинсон, Н.Калдор, П.Сраффа (Англия), Л.Эйхнер, Вайнтрауб (АҚШ); бу оқимда узиш ва таксимот марказий деб ҳисобланади. Иқтисодни тартибга солиш механизмининг янада такомиллаштириш таклиф этилади.

Мультипликатор — қупайтирувчи; иқтисодий таълимотларида маълум боғланишларни урганишда, мультипликация эф-фекти бор жойларда қулланилади. Масалан, Кейнс таъли-моти бўйича қуйилган инвестиция ва даромадлар уртасидаги боғланишни курсатувчи коэффициент.

Акселератор — мультипликаторга тесқари булган коэффициент бўлиб, миллий даромад узишининг инвестиция усувига таъсирини курсатади (некейнсчилар қуллаган).

Янги классик (неоклассик) йуналиш -ғарб иқтисодий адабиётида «Янги классик экономика» деб аталади ва бу йуналиш асосида маржинализм қоялари ётади. Буюк инглиз иқтисодчиси А.Маршалл (1842-1894) номи билан боғлиқ, Шу даврда «Сиёсий иқтисод» урнига мафқурасиз «Экономика» матни пайдо булди. Унда соф эркинбозор иқтисодиёти тағриб этилади, давлатнинг роли имқони бо-рича қам булмоғи қерак. Бу йуналишда либерализм ва не-олиберализм оқимлари мавжуд. Америка монетаризми — М.Фридман (1912,

АҚД1) узининг «Капитализм ва эркин-лик» (1960) китобида «эркин ишбилармонлик»ни химоя қилади.«Озодлик йулида қурбон бериш»ни ва «табиий ишсизлик»ни қуллаб-қувватлайди, давлат томонидан бери-ладиган ёрдамга қарши чиқади, иқтисодиётни тугри пул сиёсати билан (давлат қам аралашади) тартибга солиш тарафдори. Бу оқим гоёлари Россия Федерацияси иқтисодиётида қулланилмоқда.

«Маршалл хоҳи» - талаб ва тақлиф эгри қизикларининг қе-сишганлигини қурсатади; қесишган нуқта уларнинг муво-занатини ҳамда тургун баҳони қурсатади.

Фридман Милтон (1912, Нью Йорк) -*истеъмол: пулнинг тари-хи ва назарияси* соҳаларидаги тадқиқотлари учун 1976 йилда Нобел мукофоти билан тақдирланган.Унинг пул тугрисидаги гоёлари (монетаризм) АҚШда Р.Рейган, Буюк Британияда М.Тэтчер иқтисодий сиёсатида қулланилган.

Самуэльсон Пол (1915, АҚШ)- қуп марта қайта нашр этилган «Экономикс» (1948) дарслигини яратди (рус тилига ҳам ағдарилган), 1970- йилда иқтисодиёт фанларида илмий таҳлил даражасини оширишга қушган ҳиссаси учун Нобел мукофотини олган: Иқтисодиётнинг барча соҳаларига оид илмий ишлари бор. «Аралаш иқтисодиётнинг назарияётчи-си. Неоклассик таҳлил буйича таракдаётнинг «турт гилдираги» асосқиси

Неолиберализм — неоклассиканинг бир оқими, классик иқтисодий мактабни ва кейнсчиликни бирга қуллаш тарафдори, бунда давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги тақлиф этилади. Асосий вақиллари Л. фон Мизес (1881-1973), Ф. фон Хайек (1899-1992) бўлиб, бу оқим Австрия мактаби деб ҳам қуритилади. Социалистик (императив) режалаштиришга қатъий қарши, қунки бу режаланган тартибсизликка одиб қелади, меҳнат тақсимоти, ҳусусий мулк за эркин алмашув қивилизадаянинг муқлак асоси деб қаналади. Хайек 1974 йилда Нобел мукофоти совриндори бўлган. Неолиберализм гоёлари асосида «Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти» юзага қелади, унинг асосқилари — немис олимлари В.Рибке (1899-1966), В.Ойкен (1891-1950), Л.Эрхард (1897-1977)лардир. Бу қонцепция ГФР ва Швейцарияда яхши натижа берди, унинг асосий гоёлари муқтақил Ўзбекистон иқтисодиётида қулланилмоқда. Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётигуюшг асосий қоидалари: эркин баҳоларнинг зарурлига; эркин рақобат; талаб ва тақлифнинг мувозанати; иқтисодиётнинг мувозанати; давлат бозор ҳужалигида шу шартларни қафолатлаши ва унинг ижтимоий йуналтирилган қивожини таъминлаш. Н. нафакат маъмурий-буйруқбозлик

тизимидан балки капитализмнинг эркин ракобатларга асосланган давридан ҳам катъиян фарк қилади. Мустакил Ўзбекистонда ундан ижобий фойдаланилмоқда.

Лукас Р.И. — неолиберализмнинг тарафдори, «Рационал қу-тилмалар» назарияси учун 1995 йилда Нобель мукофоти совриндори. Ижтимоий-институционал йуналиш эволюцияси индустриал жамиятдан постиндустриал, супериндустриал (неоиндустриал) жамият сари борадиган конвергенция назарияларида (Гэлбрейт, П.Сорокин — АКШ, Раймон, Арон — Франция, Тинберген — Нидерландия) капитализм ва социализмнинг илгор томонларини олиш ва амалда қуллаш таклиф этилади.

«Халқ капитализми» назарияси — капитализм трансформацияси (узгариши) билан боғлиқ, гуёки ҳозирги капитализм «эски капитализм»дан кескин фарқ қилади, илгариги иллатлар йуқолган. Х.к.нинг вакиллари: Берли, Нидлер, Чэйз, Кларк, Гелбрейт... «Капиталнинг демократизациялашуви» («Мулк диффузияси») йули билан аҳолининг барча қисми мулкка эғалик қилади (акционерлик жамиятлари).

Конвергенция назарияси - бу назариянинг асосида капитали-стик ижтимоий системалар уртасидаги иқтисодий, сиёсий ва мафқуравий тафовутлар гуё аста-секин бартараф этилади, деган гоя ётади. Асосий вакиллари: У.Ростоу, Ж.Тэлбрейт (1908), Я.Тинберген (1903).

Эконометрика концепциялари — иқтисодиётда математика ме-тодларидан кенг фойдаланишга асосланган концепциялар. Асосий вакиллари Л.Вальрас, В.Парето (Лозанна университети), фон Нейман, У.Митчелл, Э. Бароне, М.Пантелеони. 1910 йилда польшалик иқтисодчи П.Чомпа «Эконометрия» («Эконометрика») матнини қуллаган. Ил-мий муомалага (1926) норвегиялик Р.Фриш киритган. АКШ, Буюк Британия, Нидерландия ва бошқа мамлакат-ларда кенг ривож топмоқда. Турли иқтисодий таълимот йуналишларида қулланилади, илмий ва амалий аҳамиятга молик. В.Леонтьев ҳам бу концепциялардан (1906) узининг «чиким-чикариш» услубида фойдаланган (У 1973 йилда Нобель мукофоти совриндори бўлди). 60-70-йилларда бу йуналиш собиқ СССР, хусусан Ўзбекистонда ривож топди. Республикамизнинг олим ва мутахассислари томонидан иқтисодий моделлаштириш ва алгоритмлаш бўйича муҳим тадқиқотлар амалга оширилган.

Жаҳон ҳужалиги — қадимдан вужудга келган, аммо XVI асрдаги буюқ географик кашфиётлар туфайли ривож топган, ай-никса II Жаҳон урушидан кейин авж олган халқаро иқтисодий муносабатлар мажмуи. Халқаро меҳнат тақсимооти бу ҳужаликнинг моддий асосини ташкил этади. Халқаро интеграцияда байналмилаллик ҳос.

Халқаро меҳнат тақсимоти — бутун жаҳон ҳужалигининг таш-кил топиш ва ривожланишининг ҳал қилувчи омили. Би-ринчи бўлиб унинг зарурлигини Д.Рикардо айтган. Айрим ишлаб чиқариш корхоналаридаги каби (А.Смит), жаҳон ҳужалигида ҳам меҳнат тақсимоти нисбий чиқимлар ус-тунлигини беради, яъни айрим мамлакатларнинг маълум соҳада ихтисослашуви юқори самара беради.

Жаҳон иқтисодиёти назариялари — жаҳон бозорида маҳсулот, валюта, ишчи кучи ва бошқаларнинг ҳаракат жараёнларига ҳос қонун ҳамда қонуниятларини урганувчи назариялар. «Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимоти» назарияси типикдир (Э.Хекшер, Б.Олин, П.Самуэльсон); «Маҳсулот ҳаёти цикли» назарияси (Г.Хуфбауэр, Р.Верной, М.Познер); Монополистик рақобат назарияси (Э.Х.Чэмберлин) ва бошқалар.

Абсолют (мутлақ) афзаллик тамойили — А. Смит томонидан ил қари сурилган гоё бўлиб, савдо муносабатларидаги мутлақ афзалликни аңлатади (товарларни ишлаб чиқаришда сарф-ҳаражатларнинг устунлиги ҳал қилувчи ҳисобланади).

Нисбий афзаллик тамойили — Д. Рикардо томонидан изохлаб берилган тамойил бўлиб, ишлаб чиқариш омиллари (капитал, меҳнат, ер) ҳаражатларининг афзаллигини қурсатади, ва ташки иқтисодий алоқаларда қенг қулланилади.

Инсоний ривожланиш концепцияси — БМТ томонидан 90-йилларда илқари сурилган. Унда тараккиёт натижалари-нинг инсон билан ҳамоҳанг бўлиши қузда тутилади, мод-дий бойлик (ялпи миллий маҳсулот) билан бирга соғлом ҳаёт, саводхонлик, демократик институтлар билан биринчи уринга қуилади (айрим давлатлар қамбағал бўлишига қарамай, бу соҳада юқори натижага эришмоқдалар ва ақ-синча) ҳамда «иҷтимоий ривожланиш индекси» (ИРИ) билан улчанади.

Ноқапиталистик (капитализмни четлаб) ривожланиш концепцияси - илқари қолоқ, бўлган, капитализм тараккиёт босқичини тула босиб утмаган мамлакатлар учун тавсия этилган ривожланиш йули. Бир қанча мамлакатлар шу йулдан бориб, социализм қуришмиз, деб уйлаган. Ҳаёт бу-ни инқор этди.

Утиш даври — бу ерда маъмурий-буйруқбозлик (императив ре-жалаштирилган) иқтисодиётдан бозор муносабатларига утиш даври. Уз даврида социалистик деб аталган мамлакатларнинг, ҳусусан, Ўзбекистоннинг бозор муносабатла-рига утиш даври.

Иқтисодий ривожланишнинг «ўзбек модели» — 1991 йил 1 сен-тябрдан мустақил тараккиёт йулига утган Республикамиз-нинг иҷтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Қаримов

томо-нидан илгари сурилган, унинг беш тамойили мавжуд:
Иктисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва бунда
иктисодиётнинг ҳар кандай мафкурадан холи бўлиши.

2. ***Давлат бот ислохотчи.***
3. ***Конуннинг ҳамма нарсадан устун туриши,***
4. ***Кучли ижтимоий сиёсат,***
5. ***Бозорга боскичма-боскич, тадрийжий (эволюцион) йул би-лан бориш***

АДАБИЁТЛАР

1. Аникин А. В. Юность науки. М., Политиздат, 1985.
2. Аникин А. В. Люди казаки. М., 1996.
3. Антология экономической классики. В двух томах. Т. 1. М., Эконов, 1991 (Петти, Смит, Рйкардо).
4. Антология экономической классики. В двух томах. Т. 2. М., Эконов, 1992 (Мальтус, Кейнс, Ларина).
5. Блауг М. Экономические мысли в ретроспективе. М., Дело ЛТД, 1994.
6. Бозор иктисодиёти назарияси. Т., Университет, 1993.
7. Всемирная история экономической мысли. В шести томах. Т. 1. 1987; Т. 2. 1988; Т. 3. 1989; Т. 4. 1989. М., «Мысль».
8. Гулямов С. Г. Экономическая роль государства в создании предпосылок развития в сельском хозяйстве Узбекистана. Т., Фан, 1972.
9. ИЖТИМОЙЙ йуналтирилган бозор иктисодиёти. Т., Шарк. НМК, 1996.
10. Инсоний ривожланиш буйича хисобот. Узбекистон. Тошкент. 1995-2000 (узбек, рус, инглиз тилларида).
11. История экономических учений. Часть 1. Учебник. Под ред. В. А. Жамина. М., МГУ, 1989.
12. История экономических учений. Часть 2. Учебник. Под ред. А. Г. Худокормова. М., МГУ, 1994.
13. История социалистической экономики СССР. В семи томах. Т. 1. М., 1971.
14. Исломов А., Эгамов Э. Т. Иктисодий таълимотлар та-рихи. ТМИ, 2001.
15. Иктисодий таълимотлар тарихи. Маърузалар матни. Проф. С. Р.

Руломов тахрири остида. Тошкент, 1992.

16. Иктисодий таълимотлар тарихи (маърузалар матни). Т., 2001.
17. Иктисодий таълимотлар тарихи курсининг модули. Тошкент, 2000.
18. Иктисодиёт университети олимлари. Т., Шарк, 2001.
19. Жэмс Э. История экономической мысли XX века. М., 1959.
20. Жахон иктисодиёти. Маърузалар матни. Тошкент, 1994.
21. Йулдошев К. ва Муфтайдинов К- Иктисодий таълимотлар тарихидан (Шарк иктисодий тафаккури мисолида). Т., 2000.
- , 22. Каримов И. А. Узбекистоннинг уз истиклол ва та-ракдиёт йули. Тошкент, 1992.
- » 23. Каримов И. А. Янги уй курмай туриб эскисини буз-манг. Тошкент, 1993.
- Р 24. Каримов И. А. Узбекистон иктисодий ислохотларни чукурлаштириш йулида. Тошкент, 1995.
- * 25. Каримов И. А. Узбекистан XXI аср бусагасида: хав-фсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафо-латлари. Тошкент, 1997.
- ♦ 26. Каримов Р. К. Каримова Т. А. Миллий модель муам-молари. Тошкент, 1993.
- * 27. Кондратьев Н. Д. Проблемы экономической динамики. М., Экономика, 1989.
- 1 28. Костюк В. Н. История экономических учений. Курс лекций. Москва, Центр, 1997.
29. Майбурд Е. М. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. М., «Дело», 1996.
30. Марк Блауг. Экономическая мысль в ретроспективе. Москва, Дело ЛТД, 1996.
31. Макконнелл К. Р., Брю С. Л. Экономикс (в двух томах). М., "Республика", 1992.
32. Махмудов Т. Авесто хакида. Т., Шарк, 2000.
33. Мухаммаджонов А. Темур ва, темурийлар салтанати. Тошкент, 1994.
34. Мустакил Узбекистон тарихи. Тошкент^ Шарк^, 2000.
35. Набиев Э. Сфера услуг в национальном воспроизводстве

(Теоретические и методологические аспекты). Т., 1993.

36. Набиев Э: Экономические преобразования и сфера услуг. Т., 1994.

37. Народнонаселение. Энциклопедический словарь. М, БРЭ, 1994.
- . . : ; . ' "

38. Общая экономическая теория (Политэкономия) Учебник. М., «Промо-медиа», 1995.

39. Раззоқров А. Мозийга караб иш тутиш. . . //«Хаёт ва иқтисод», 1992, 4-сон.

40. Раззоқров А. Бой меросимизни урганайлик. //«Иқтисод ва ҳисобот», 1993, 3-сон. . . ;

41. Раззоқров А., Амиров У., Алиматова Н, Улуг мақсадлар. (Бозор иқтисодиётига утиш даврининг тарихий зарурати). //«Иқтисод ва ҳисобот», 1996, 8-сон.

42. Раззоқров А. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти тахлили. Уқув-услубий кулланма. Т., 2001.

43. Раззоқров А., Турахонова Х- Берунийнинг иқтисодий роялари. «Хамкор», 2001 йил июль сони.

44. Раззоқров А., Турахонова Х< Низомулмулкнинг ижтимо-ий-йқтисодий роялари. «Иқтисодиёт ва таълим». 2001, № 1-2.

45. Раззоқров О.А. Бозор иқтисодиёти бешиги (ёки Англия иқтисодиёти ривожига ҳақида). //«Иқтисод ва ҳисобот», 1994, 7, 8-сонлар.

46. Раззоқров О.А. Инсоний ривожланиш концепцияси. //«Иқтисод ва ҳисобот», 1996, 5-сон.

47. Расулов М. Урта Осиё табиатшунослик фанлари тарихи. Тошкент, 1993.

48. Собиров Х. Бизга мерос тижорат. (А. Навоий асарлари-да тижорат масалаларининг ёритилиши); //«Иқтисод ва ҳисобот», 1993, 9-сон.

49. Собиров Х. Маргинийнинг иқтисодий қарашлари. «Хамкор», 2001 йил ноябр.

50. Сиёсатнома: Книга о правлении вазира XII ст. Низам-ул-мулк, М., 1949.

51. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. Тошкент, 1997.

52. Современная экономика. Под ред. проф. Мамедова О. Ю. Ростов-на-Дону, «Феникс», 1995.

53. Титова Н. Е. История экономических учений. Курс лекций. Москва. 1997.
54. Темур тузуклари. Тошкент, 1991.
55. Тухлиев Н. Осиё ва бозор. Тошкент, 1992.
56. Тухлиев Н. Узбекистан иктисодиёти. Тошкент, 1994.
57. Тухлиев Н. Бозорга утишнинг машаккатли йули. Т., Узбекистан, 1999.
58. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. Т., Укитувчи, 2000.
59. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент. Шак, 2000.
60. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Т., Узбекистан, 2001.
61. Фишер С, Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. М., «Дело ЛТД», 1995.
62. Хейлбронер Р., Туроу Л. Экономика для всех. Новосибирск, «Экор», 1994.
63. Худокормов А. Г. История экономических учений. (Современный этап). Учебник. М., Инфра - М., 1998.
64. Чаянов А. В. К вопросу теории некапиталистических систем хозяйства. М., «Экономика», 1988.
65. Шарма Л. П. Бобурийлар салтанати. Тошкент, Маъна-вият, 1998.
66. Экономика переходного периода. М., МГУ, 1995.
67. Юлдашев Н. Теория и практика рыночных отношений Средней Азии. Т., 1992.
68. Ядгаров Я. С. История экономических учений. Москва, 1999.
69. Узбекистон мустакиллик йилларида. 1991-1996 йиллар-нинг иктисодий тахлили. Тошкент, 1996.
70. Улмасов А., Шарифхужаев М. Иктисодиёт назарияси. Тошкент, 1995.
71. Урмонов Н.Т.. Ривожланган мамлакатлар ва Узбекистон ҳамкорлиги. «Хамкор», 2001 йил ноябрь.

72. Гуломов СР. Жамоа хужалиги ва кооперация. Тошкент, 1992.

73. Гуломов С.С., Раззоков А. Япония муъжизасининг си-ри. //«Халк сузи», 1994 йил 4 февраль.

74. Гуломов С.С., Раззоков А. Фаррошлари кулкоп кийиб ишлайдиган юрт (ХХР). //«Халк. сузи», 1994, 10 август.

75. Гуломов СС, Раззоков А. Осиё йулбарси. (Корея Рес-публикаси). // «Халк. сузи», 1995 йил февраль.

76. Гуломов С Ижтимоий йуналтирилган бозор иктисодиёти. Укув кулланма. Т., Мехнат, 1997.

77. Интернет материаллари.

Классик иктисодиёт назарияси фанидан тайерланган кургазмалар.

2-мавзуга оид кургазма.

Классик иктисодий мактаб намояндалари тармок хусусиятдан катъий назар ишлаб чикаришни, шунингдек, неъматларни таксимашни узларининг асосий тадқиқот объектлари килиб олдилар.

Ульям Петти (1623 - 1687) классик иктисодий мактабнинг асосчиси хисобланади.

Ёзган асарлари – «Солиқлар ва йигимлар тугрисида» (1662й), «Сиёсий арифметика» (1676 йилда) «Пул тугрисида айрим нарсалар» (1682).

. Инглизлар Монтеस्कье айтгандек, бошқа халқлардан олдинроқ, жуда катта аҳамиятга эга булган уч нарсадан – **дин, савдо ва эркинлик** - фойдаланиб билдилар.

Англиядаги иктисодий гоёлар тулкинининг энг кузга куринган вакилларидаан бири **Николас Барбон** (1640 - 1698) эди. Унинг машхур помфлети – «Савдо тугрисида очерк» (1690) мавжуд.

Жон Локк (1632 – 1704) уз замонасининг энг йирик файласуфларидаан бири. 1691 йил узининг иктисодий памфлети «Процентни тушириш ва пул кадрили ошириш тугрисида мулохазалар» езд.

Жон Ло (1671 - 1729) нинг «Пул ва савдо тахлили» (1705) асаридаги туб гоё баҳоларда баҳо хиссасини оширишга ва «пулнинг купайиши узига тук одамларни тадбиркорликка жалб этади» деган фикр асосига куйилган.

Пьер Буагильбер (1646 - 1714) француз

Пьер Буагильбер 1707 йилга келиб узининг системасини яратди. **Бу система уз ичига 3 асосий элементини олади:**

- 1) Катта солиқ реформасини утказиш. Масалан, регрессив солиқ системаси урнига, сал - пал прогрессивлашган пропорционал системасини таклиф этади.

- 2) Ички савдони чекланишларидан холос этиш.
- 3) Эркин дон бозорини яратиш ва доннинг нархи усишини ушлаб турмаслик.

Шарль Луи Монтескье (1689 - 1755). Унинг асосий асари 1748 йилда нашр килинган: «Конунлар рухи тугрисида». Бу китоб инжил, курьон каби «дунёни узгартирган китоб» деган ном олган.

Венсан де Гурне (1712 - 1759) янги мактаб, физиократлар мактабининг асосчиларидан бири, Кенэни иктисодчи булишига катта роль уйнаган. У «Лаза-Файе» ни биринчи булиб ишлатган.


«Лаза - файе» формуласи тулик иктисодий эркинлик, давлат эса ишлаб чикариш, савдо, молия сохасида уз фукароларининг ишига аралашмайди. Улар давлатга солик тулайдилар, давлат эса уларнинг хаёти мулки, хукуклари ва эркинлигини таъминлайди.

Физиократлар (физика - табиат, крат эса хукмронлиги) вужудга келатган классик иктисодиётнинг французча варианты эди.

Франсуа Кенэ (1694 - 1774) француз иктисодчиси, физиократлар мактабининг асосчиси

Франсуа Кэненинг иктисодий жадвали.(биринчи варианты)

«йиллик бунак» ер эгаси даромади унумсиз синф бунаклари



Йиллик бунакларнинг

Копланиши. 2 минг


Якун	5 минг	2 минг
------	--------	--------

Изох. Стрелкалар хара-	бундан бир минг келаси
жатларнинг йуналишини	йил айланма капитал
курсатади.	сифатида реинвестиция
	килинади.

Иктисодиетдаги уч тармокнинг узаро богликлиги.

Ишлаб чикариш	Харид 1	Харид 2	Харид 3	Ишлаб чикаришнинг бир йиллик хажми.
Фермерлар	2	1	2	5 2 2 9
Ер эгалари	2	0	0	
Хунармандлар	1	1	0	
Якуний харид	5	2	2	

Франсуа Кэненинг иктисодий жадвали.(2-вариант.)



3-мавзуга оид кургазма.

Адам Смит (1723 - 1790) шотландиялик

1751 йил Смит Глазгога келди ва 13 йил университетда дарс берди.

1759 йилда Смит 1 катта илмий асари – «ахлокий ҳислар азарияси» китобини на. 1765- 1766 йиллар Францияда герцог Баклюнинг тарбиячиси сифатида бўлди. Вольтер, Кенэ, Гюрго ва бошқалар билан мулоқотда бўлди. Герцог унга 300 фунт пенсия берадиган булади ва 10 йил (1766 - 1776) ҳеч қаерда ишламай китоб устида ишлайди.

1776 йил узининг буюк асари « халқлар бойлиги табиати ва сабаблари тугрисида тадқиқот» тугатди ва чроп этди.

Смитнинг буюк ютуқларидан бири меҳнатнинг қиймат назариясидир. Бу масалада унда 4 та қараш бор эди:

- а) қиймат - товарда мужассамлашган зарурий меҳнат миқдори билан улчанади (биринчиси ва асосийси);
- б) шу товарда сотиб олиш мумкин бўлган меҳнат миқдори билан;
- в) ишлаб чиқариш харажатларидан иборат, шу жумладан ишчиларнинг иш ҳаққи ва капиталистларнинг фойдаси;
- г) қиймат меҳнатнинг оғирлиги билан улчанади.

Д) Францияда бўлиб, физиократлар таъсирида бўлмай, аммо уларнинг энг яхши гояларни ола билиш, Франциядан Гельвиций фалсафаси (эгоизм - тараккиёт омили) ни узлаштириб олиши.

Смитнинг иқтисодий дастури ҳеч қаерда алоҳида қилиб езилмаган бўлса ҳам, унинг бу қуйидагилардан иборат:

- 1) Ҳозирги замон термини билан айтганда, иш қучи мобиллигига тусик бўлувчи ҳамма нарсаларни олиб ташлаш;
- 2) Ерни тула эркин савдоси;
- 3) Саноат ва ички савдони давлат томонидан чеклашларни бутунлай бекор қилиш;
- 4) Англия учун эркин ташқи савдони жорий этиш. Фритредерство – эркин савдо А. Смит номи билан боғлиқ.

Давид Риккардо(1772 1823).1809 - 1810 йиллар

Д.Рикардо классик иктисодий мактабни уз асарларида якунлади. Классик мактабнинг асосий белгилари нимадаен иборат:

1) бу мактаб учун иктисодий ходиса ва жараенларнинг чуқур мазмунига кириб (илмий абстракциядан фойдаланиб) очиш хосдир;

2) бу таълимотда кийматнинг меҳнат назарияси иктисодиёт биносининг пойдевори ҳисобланади.

3) ишлаб чиқариш ва тақсимлаш муаммоларини жамиятнинг асосий синфлари нуктаи назаридан қуриб чиққан.


Ижтимоий капитални такрор ишлаб чиқариш иктисодий системадаги табиий мувозанатга асосланган.




Ф.Кенэ бўйича ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш

2-чизма. А.Смит ва Ф.Кенэ бўйича бўйича ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш.

3-чизма. Адам Смит ва Ф.Кенэ бўйича ижтимоий тақдир ишлаб чиқариш.



АДАМ СМИТнинг мамлакат миллий бойлигини купайтириш омиллари чизмаси.



4-мавзуга оид кургазма.

Жан Батист Сей (1767 - 1832) француз,
1803 йилда «Сиесий иктисод трактати, еки бойликни вужудга келиши,
таксимлаш ва истеъмол килиш натижасида йулларни оддий изохлаш»
асарини езди.

1«Сей конуни» - баҳо абсолют мослашувчанлик ва хужаликда конъюктура узгаришига дархол жавоб бера олади. Товар ишлаб чиқаришда вужудга келган мутаносибсизликни баҳонинг узи тузатади.

Томас Роберт Мальтус (1766 - 1834) инглиз, дворян оиласида туғилган. 1788 йил Кембридж университетини битиргач, кишлок рухонийси сифатида ишлай бошлайди, илоҳиёт фанидан илмий даражага эга бўлди. 1807 йилдан бошлаб «Ост - Индия» компанияси коллежида сиесий иқтисод профессори лавозимида лекциялар уқиди. У Давид Рикардонинг 25 йиллик уртоғи, оппоненти бўлган.

Унинг асосий асарлари : Аҳоли нуфуси конуни тугрисидаги тажриба (1798 й), «Ер рентасининг табиати ва узиши тугрисидаги тажриба» (1815), «Сиесий иқтисоднинг бошланиши». У уз асарларида ер эгаларини химоя қилган, ишчилар ахволининг оғирлигини, бу ахволга уларнинг гуноҳи йуклигини айтади.

Мальтусни машҳур қилган нарсаси нуфус конунидир. У аҳоли геометрик прогрессия билан, озик - овқат етиштириш эса арифметик прогрессия билан узиши мумкин. Оқибатда аҳоли шунчалик қупаядики, аҳолини боқиб бўлмай қолади, оқибатда очарчилик, қиргин бошланади, дейди

Т.Р.МАЛЬТУС «НУФУС КОНУНИ»нинг математик ифодаси.

Аҳолининг узиши.	Геометрик прогрессия	1,2,4,8,16,32,64, 128 ва х.оказо
Тирикчилик воситаларининг узиши.	Арифметик прогрессия	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10
200 йилдан сунг	Аҳолининг узиши 256 марта	Тирикчилик воситалари 9 марта.
300 йилдан сунг.	Аҳолининг узиши 9096 марта.	Тирикчилик воситалари 13 марта.

Аҳоли усишини чекловчи омиллар.

Авлодни давом эттириш инстинкти.	Аҳолининг усиш потенциали		Аҳолии усишини чекловчи омиллар	
	Олдини олиш чоралари: тугилиш камайиши.		Реал омиллар: Улим ортиши.	
	Ахлокий хусусиятдаги чеклашлар.	Соғлик пастлиги.	Ноурин хаёт.	Камбагал- лик
	Тирикчилик воситаларининг чекланганлиги.			

Жаҳон мамлакатларида ЯИМнинг жон бошига таксимланиши. 1996 й.

АҚШ S	Мам. сони	ЯММ Млн S	Аҳоли , Млн киши	Жон бошига ЯММ,S
Паст 785дан кам	63	1.596.837	3.236	490
Уртачадан паст 786- 3115.	63	1.962.719	1.125	1.740
Уртачадан юқори	31	2.178.234	473	4.600

3116-9635				
Юкори 9636дан куп	53	23.771.825	919	25.870
Дуне буйича.	210	29.509.614	5.754	5.130

**Манба: Мировая экономика . Экономика зарубежных
стран.М...2000,с.35**

Фридрих Лист (1789 - 1846) немис

Асосий асари: «Сиесий иктисоднинг миллий системаси» (1841) китобнинг асосий гояси – Германиянинг тараккиети ва бирлашувига саноатни ривожлантириш йули билан эришилади, герман саноатини эса чет эл ракобатидан юкори бож соликлари оркали химоя қилиш керак.

Лист ташки савдо ривожланишининг 3 босқичини ажратади:

- 1) эркин савдо шароитида миллатлар варварлик ҳолатидан чиқиб дехкончиликни ривожлантирадилар (Испания, Португалия шу даражада дейди).
- 2) Хар хил савдо чеклашлар билан саноатни ва ташки савдони ривожлантирадилар (АҚШ, Германия, Франция)
- 3) Бойлик ва кудратнинг маълум даражасига етгач, секин эркин савдо ва ракобатга утадилар (бу даражага факат Англия эришган), дейди.

Тарихий мактабнинг 3 буюк вакили бор:

Вильгельм Рошер (1817 - 1894) узок умри давомида куплаб китоблар езган, 50 йил Лейпциг университетида профессорлик қилган, уз замонасининг обрули (ҳукумат ва олимлар орасида) киши. Асосий иктисодий асари: «Тарихий метод нуктаи назарида сиесий иктисод очерки».(1843).

Бруно Гильдебранд (1812 - 1878) у реакцион Гессен ҳукуматидан қочиб Швецарияда яшаган. Цюрих ва Берн университетларида дарс берган. У биринчи бўлиб Швецарияда статистика хизматини ташкил этган. 1861 йил Германияга қайтиб келади ва умрининг охиригача Иен шаҳри университетида профессорлик қилади. Асосий иктисодий асари: - «Хозирги даврнинг ва келажакнинг миллий иктисоди» (1848).

Камералистика - урта аср университетларида вужудга келган бутун ижтимоий фанларни давлат чиновнигига амалиёт учун керак буладиган даражада изхор қилиш методи эди. Асосий иқтисодий доктрина – меркантилизм эди.

«Манфаатлар уйғунлиги» назариясини асослаган. Социал вазифаларни озодлик, эркинлик бериш йули билан ҳал қилинади. Капиталистик ишлаб чиқариш «гармониялар» подшолиги, озодлик ҳукмронлиги, хизматга хизмат принципини реализацияси, деб қарайди. Давлат фақат «тартиб, ҳавфсизлик ва адолатни таъминлаши керак» дейди.

Тарихий мактаб - тарихчилар ҷамиятнинг иқтисодий ривожланишига эволюцион жараён деб қарайдилар. Тарихчилар иқтисодий фан марказига тор маънодаги «шахсий эгоизм» ни эмас, балки мураккаб психика ва ахлоққа эга бўлган, миллий ва тарихий узига ҳосликка эга бўлган инсонни қуядилар.

Демография – аҳолининг ҳаракати (усиш, тугилиш, улиш, қучиш) тугрисидаги фандир.

8- мавзу учун қурғазма

Маркснинг энг муҳим хизмати: у тарихга материалистик қараш, моддий техниканинг ҳал қилувчи роли, ишлаб чиқариш муносабатлари бутун ижтимоий муносабатлар ичида ҳал қилувчи роли, ишлаб чиқарувчи қучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг узаро боғлиқлиги, инсоният таракқиетидаги формациявий қараш қаби муҳим қояларни яратди. Меҳнатнинг қиймат назариясини поёнига етқазди. Шунинг учун ҳам Марксни классик сиесий иқтисодни яқунловчи ҳам деб қарайдилар.

Марксизмнинг узига ҳос хусусиятларидан бири синфий ендашиш, синфий антогонизм буртирилган. Марксизмнинг энг муҳим асоси бу – моддий ишлаб чиқариш ҷамият асоси деб қарашдир.

«Марксизмни реконструкция қилиш» – йигирманчи асрнинг 70 йилларида илғор мамлакатларда Маркснинг илғор қояларини олиб қомонага мослаштиришдир. Япон иқтисодчиси Қозо Уно Маркс иқтисодий таълимотини «реконструкция» қилишнинг япон моделини яратди.

Маркс таълимоти ҳар қил қараш бор: уни инқор этувчилар ҳам, тугри деб ҳисобловчилар ҳам, қамчиликларини қуриб ундаги муҳим қояларини қабул қилувчилар ҳам бор.

9- мавзунинг кургазмаси.

Marginal utility - меъерий нафлик дегани эди.

Маржинализм классик мактаб янги мактабга - неоклассик мактабга усганлигини курсатди, унинг уч асосий хусусияти бор:

А) шартли экстремумга мулжалланган вазифалар (максимум ёки минимум);

Б) меъерий курсаткичлардан фойдаланиш;

В) анализда математик усуллардан фойдаланиш.

Маржинализм бир вақтнинг узида 3 олим томонидан, бир-бири тугрисида ҳеч нарса билмаган ҳолда яратилган:

А) Стенли Джевонс (1835 - 1882) - инглиз, 1862 й.;

Б) Леон Вальрас (1834 - 1910) - швейцариялик, 1874 й.;

В) Карл Менгер (1840 - 1921) – австриялик, 1871 й.
(яъни инглиз, немис, француз тилларида).

Микроиктисодий анализни пайдо булишига ва ривожланишига **Альфред Маршалл** (1842 - 1924) катта хисса қўшди. У Кембридж (1209 йилда асос солинган университет, дунёнинг энг қадимий ва обрўли университетларидан бири) университетнинг профессори. Унинг асосий асарлари: «Иктисодий фан асослари» (1890 й.), «Саноат ва савдо» (1922 й.). У узини Рикардо таълимотининг давомчиси деб ҳисоблаган.

Маршалл «**талабнинг эгилувчанлиги**» (эластиклиги) ни киритди, яъни баҳо узгариши талаб узгаришига олиб келади, улар бир - бирига боғлиқдир.

Маршалл умумий иктисодий мувозанат назариясини ҳам илгари сурган.

Вильфредо Парето (1848 - 1923) Вальрасдан кейин Лозаннадаги сиёсий иктисод кафедраси мудири (1893 йилдан.). У Элита назариясининг аuctори. Китоблари: «Политэкономия курси» (1896 - 97), «Сиёсий иктисод дарслиги» (1900 й.).


Парето оптимуми – бозорнинг шундай ҳолати, ҳеч ким уз аҳволини бошқанинг аҳволини ёмонлаштирмасдан эриша олмайдиган ҳолат.

Маршалл хочи

Бахо

ТАЛАБ

ТАКЛИФ



Бозор мувозанати.

Махсулот микдори.

Америка мактабининг энг кузга куринган вакили **Джон Бейтс Кларк** (1847 - 1938) булиб, у Колумбия университети (АКШ, Нью-Йорк шаҳрида, 1754 йил асос солинган, 15 минг талаба 1979 йил булган) профессори.

Асосий асарлари – «Бойликнинг таксимланиши» (1899 й.), «Иктисодий назария моҳияти» (1907 й.).

Л. Вельрас «соф иктисодий фан элементлари» (1874 й.) асарини ёзган, бу маржинализмни вужудга келтирган асарлардан бири эди.

Вальрас фойдалилик урнига ноёблик тушунчасини киритди ва микдор истеъмолининг камаювчи функциясини таклиф этди. Умумий бозор мувозанати назариясини ишлаб чиқди ва унинг тенгламасини яратди. **Вальрас қонуни** буйича, бозор мувозанати шароитида умумий талаб умумий таклифга тенгдир.

Парето оптимуми – бозорнинг шундай ҳолатики, ҳеч ким уз аҳволини бошқанинг аҳволини ёмонлаштирмасдан эриша олмайдиган ҳолат.

Иктисодий статика «ижтимоий» қонунларни, яъни капитализм қонунларини урганади, у стационар ҳолатда, яъни ҳеч қандай узғариш бўлмайдиган ҳолатда иктисодиётдаги мувозанат қонунларини урганувчи фан дейди.

Стационар ҳолат - фикран тасаввур қилинадиган модель, қонунларни урганиш учун, соф ҳолатда мувозанат шароитини аниқлаш учун зарур.

Иктисодий динамика мувозанатнинг бузилишининг сабабларини аниқлайди, бир мувозанат ҳолатидан иккинчи мувозанат ҳолатига утади.

10- мавзунинг кургазмаси.

Иктисодий модел - бу диаграммалар, жадваллар, графиклар, формулалардан иборатдир. Бу йуналиш классик мактабдек тулик иктисодий карашлар тизим эмас, балки умумий тушунчалар апаратыдир. Унда, позитивизмдан кура нормативлик (таклиф килишлар) кучлидир.

Биринчи иктисодий модел бу – **Р. Харрод – Е. Дамара модели** булиб, унинг максади узок муддатли перспективада равон узишнинг доимий ва узгарувчан шароитларини аниклаш булган.

Иккинчи модел – **Х. Кобб – П. Дугласнинг икки омил моделидир.** Омилларни (меҳнат, капитал) алмаштириш, узиш манбаларини ҳисоблаш, иктисодий узишга технология таъсири, техника таракқиетининг таъсирини ҳисоблашга интилан.

КНУТ ВИКСЕЛЛ (1851 - 1926) узига хос мактаб яратган, аммо юкоридаги позицияда булган. У Швед мактаби деб ном олган мактабни яратди. Унинг китоблари: «Киймат, капитал ва рента» (1893 й.), «Фоиш ва баҳолар» (1898 й.). У австрия мактаби гоиларини математика тилида изхор килди.

Ирвин Фишер (1867 - 1947) америкалик. У ҳам шу позицияда ижод килган олимдир.

Унинг асарлари: «Фоиш назарияси» (1930 й.), «Капитал ва даромад табиати» (1906), «Фоиш нормаси» (1907) ва б.

У ҳозирги замон пул муомаласи қонуни ($MG=PT$) ни яратди.

Артур Пигу (1877 - 1959) – у А.Маршаллнинг шогирди, узидан кейин кафедра мудирлигига куяди (1908 йилдан). Фаровонлик назариясини яқунлаган. 1912 йилда Пигу «**Бойлик ва фаровонлик**» китобини чиқарди. Кенгайтирилган ҳолда фаровонликнинг иктисодий назарияси номи билан 1932 йил чиқди. Унинг теориясининг марказида миллий дивиденд тушунчасидир.

Пигу буйича умумий мувозанат шарти – меъёрий ижтимоий маҳсулот билан омилларнинг ҳамма йуналишида фойдаланишга тенглилигидир.

Пигу ҳозирги замон термини билан айтсак, **хаёт сифатини белгиловчи тушунчаларни** таҳлил килган.

Людовик фон Мизес (1881 - 1973) нинг фикрича, марказлашган бошқарувга асосланган социалистик ҳужалик ва ҳукумат томонидан тартибга солинадиган бозор узок вақт яшаши мумкин эмас, чунки нарх - наво талаб ва таклифни акс эттирмайди. Бу жараён социализмнинг режаларини

узбошимчалик билан тузадиган ташкилотларнинг кулига айланади, режаланган тартибсиз руй беради. Ягона оқил сиёсат - бу **либерализм**дир. Меҳнат тақсимоти, хусусий мулк ва эркин алмашув цивилизациянинг мутлақ асослари ҳисобланади.

Мизеснинг **асосий асарлари**: «Либерализм», «Инсоний ҳаракат: иқтисодий тугрисида трактат», «Иқтисодий фан асослари: методология очерклари» ва бошқалар

Мизес ва Хайек гоёларидан илҳомланган **Вальтер Ойкен** (1891 - 1950) уз мактабини - Фрайбург мактабини яратади. Ойкен узининг социал бозор назариясини яратади. У фашизм шаклидаги тоталитаризм жамиятини ичидан урганади (канцлагерларда ҳам булган), шунинг учун бозор иқтисодиётидан бошқа цивилизация йули йуқлигини тушуниб етади.

Людвиг Эрхард (1897 - 1977) Ғарбий Германияни иккинчи жаҳон урушидан кейин марказлашган планли иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига олиб чиқа олди (Адэнаур даврида Молия вазири булган, ундан кейин эса давлат бошлиғи булган).

Институционализмнинг асосчиси **Торстейн Веблен** (1857-1929) ҳисобланади. У технологик детерминизм автори (иқтисодий ҳодисаларни таҳлил қилишда технологик ендашиш), «инженерлар революцияси» зарурлигини айтиб, «технократлар ҳужайинлигини» қура билган.

Институционалистларнинг ўзига хос хусусиятлари:

- 1) Институционалистлар иқтисодиёт предметини соф иқтисодий муносабатлар билан чегаралаб эмас, балки кенгрок (ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, сиёсий) деб ҳисоблайдилар. Бозор механизмидек, давлатни бошқариш қоидалари ҳам муҳим деб ҳисоблайдилар.
- 2) Капиталистик жамият ҳаракат қилишини эмас, балки ривожланишни трансформациясини урганиш керак, деб ҳисоблайдилар.
- 3) Бозор нейтрал ва ресурсларни тақсимлашнинг универсал механизми эмас, деб ҳисоблайдилар.
- 4) Иқтисодий муносабатларни таҳлил қилишда «иқтисодий одам» нуктаи назаридан эмас, балки уларнинг ташкилоти нуктаи назаридан ендашиш керак. Шунинг учун бу йуналиш номи институт (ташкилот маъносида) сузидан олиниб, институционалистлар дейилади.

Джон Мейнард Кейнс (1884 - 1946) инглиз иқтисодчиси. У Итон ва Кембрижда маълумот олган. Олдин математика ва эҳтимоллар назарияси билан қизиққан, сунг иқтисодиётни урганишга берилиб кетган.

Уни машҳур қилган асар: «Версаль тинчлик шартномасининг иқтисодий оқибатлари» (1919 й.) булди.

Аммо уни XX асрнинг энг буюк иктисодчиси килган асари «Иш билан таъминланганлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» (1936й.) асари булди. Бу асарни «янги иктисодий фан», иктисодий тахлилда килинган революция деб баҳоладилар.

Кейнс концепцияси нимадан иборат эди?

- 1) самарали талаб назарияси. Ялпи талабни фаоллаштириш ва рағбатлантириш, шу оркали ишлаб чиқаришнинг кенгайиши товарлар таклифини ошишига таъсир этиш.
- 2) Инвестицияларга катта аҳамият бериш. Унинг фойдалилиги ва кутилатган даромад канча катта булса, инвестиция хажми шунча катта булади, ишлаб чиқаришнинг хажми ва ишлаб чиқаришнинг усиш даражаси юкори булади.
- 3) Давлат фоиз даражасини тартибга солиш оркали, ижтимоий ишлар ва бошка соҳалардаги инвестицияни амалга ошириш оркали инвестицияга таъсир килиш мумкин.

Кейнс иктисодий ҳаётга давлат фаол аралашishi керак деб қарайди. У уз-узини тартибга солувчи бозор механизмига ишонмас эди. Кейнс олдинги формула – «таклиф талабни вужудга келтиради» ни тесқари қилди, яъни «талаб таклифни яратади».

Кейнс таклиф қилган иктисодиётни тартибга солиш қуроллари:

А) кредит фоизини қамайтириш, бунда нисбатан капитал маблағлар самарадорлиги усади, инвестиция ошади;

Б) давлат харажатларини ошириш, давлат капитал маблағларини қутариш, давлат харидорларини қенгайтириш;

В) капитал маблағлар самарадорлигини ошириш.

Кейнс **инвестиция мультипликаторини** таклиф этади. Мультипликатор – бу даромад усиши билан шу даромад усишининг инвестиция хажминини ошириш уртасидаги нисбатни қурсатувчи коэффициентдир.

У АКШ учун ҳисоблаб дейдики, бу мультипликатор 2,5 тенг, яъни даромад 2,5 фоиз устанда, инвестиция 1 % усади.

Йозеф Шумпетер (1883 -1950) – «дуне қражданини», асосий умри АКШда утган булса ҳам, австриялик булиб қолди.

Дунёқараш жихатдан у неолиберализм позициясида эди.

У жуда қуп қитоблар ёзган, лекин **3 та асарининг** урни катта: «Иктисодий ривожланиш назарияси» (1912 й.), «Капитализм, социализм ва демократия» (1942 й.), «Иктисодий анализ тарихи» (1954 й. Тугалланмаган 1260 бетдан иборат катта асар).

Шумпетер **тадбирқорлик идеологи** ҳисобланади. Унинг асосий гоёси: «тадбирқор - иктисодиётнинг асосий двигатели» эди.

XX асрнинг 40 - 50 йилларида америкалик олим **Поль Самуэльсон** (1920 йилда тугилган) раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар «кейнсчилик» нинг

макроназариясини неоклассикларнинг микроанализ билан кушмокчи булганлар.

11- мавзунинг кургазмаси.

Кейинги пайтларда **янги институционализм** рухидаги назариялар пайдо булмокда. Бу назариялар техник омиллари мутлаклаштиришдан чекинилган ва асосий эътиборни инсонга, социал муаммоларга каратилади. Буларга **Рональд Коузэйс** (АКШ лик олим, 1991 йил Нобель мукофоти лауреати.) мулк хукуки тугрисида ва **Жеймс Бьюкенен** (АКШ лик олим, 1919 йил тугилган, 1986 йил Нобель мукофоти берилган) жамият танлови назарияларни мисол келтириш мумкин. Бу карашлар ривожланган мамлакатлар сиёсатига таъсир килмокда ва у ижтимоий томонга бурилмокда. Бу назарияларнинг асосий гоёси – «XXI аср – инсон асри», ишлаб чикаришни инсонпарварлаштиришдир.

Ж.М.Кейнс гоёлари унинг издошлари томонидан давом эттирилди ва **уч окимга** ажралди:

а) **унг кейнсчилик** – реакцион оким, агрессив харбий миллий корпорациялар манфаатини химоя килади, куролланиш иктисодиётни фашистик (социалистик) йул билан тартибга солиш тарафдори.

б) **либерал оким** – куролланишни инкон этади, йирик компаниялар манфаатини химоя килади.

В) **сул кейнсчилик** – асосий гоёси миллий даромадни тугри таксимлаш йулидир, чунки бу талаб даражасига самарали таъсир этади, деб хисоблайдиганлардир.

Бу учинчи оким сардори **Женни (хоним) Робинсон** (1903 -1983) инглиз, ягона машхур аёл иктисодчидир. Унинг машхур **асарилари:** - «**Номукамал ракобатнинг иктисодий назарияси**» (1933), **Капитал жамгарилиши** (1956 й.).

АКШда Кейнс таълимоти катта шухрат козонди. Гарвард университети профессорлари **А.Х.Хансен** (1887-1975 й.) ва **С.Хоррис** (1887-1974) уз асарларида Кейнс гоёларини ривожлантирдилар.

Хансен асарлари: «Иктисодий цикллар ва миллий даромад», «Кейнс назариясига кулланма», «Америка иктисодиети», «60 йилларнинг иктисодий муаммолари».

Хоррис асари: «Ж.М.Кейнс: иктисодчи ва сиёсий арбоб».

Кейинчалик янги кенйсчилик урнига **посткейнсчилик** вужудга келди. Бунга инглиз иктисодчиларидан - Ж.Робинсон, И.Колдор, П.Сраффа, америкалик А.Эйхнер, С. Войнтраублар киради.

Фридрих Фон Хайек (1899 - 1992) неолиберализм асосчиси, бош назариётчиси ҳисобланади.

1933 йилда «**Пул назарияси ва иқтисодий цикл**» асарини ёзади, бу асар монетаризм пайдо бўлишига тўртки бўлади.

«**Фойда, фойиз ва инвестиция**» (1939 й.). «**Капиталнинг соф назарияси**» (1941), «**Кулликка йул**» (1944 й.), «**Индивидуализм ва ижтимоий тузум**» (1948 й.), «**Озодлик Конституцияси**» (1960 й.).

Хайекнинг энг муҳим хулосаларидан, яна бири **пулни давлат тасарруфидан чиқариш** ҳисобланади. Бу ҳали келажакнинг иши.

Монетарчилар асосчиси **Милтон Фридман** (1912 - 1998) - америкалик, Чикаго мактаби (монетарчилар мактаби) асосчиси.

Асарлари: «Позитив назария очерклари» (1953 йил), «Монетар барқарорлаштириш дастури» (1959 й.), «Пул назарияси ва сиёсатида урушдан кейинги тенденциялар» (1963 й.), «Пул ва фискаль сиёсат» (1969), «Пул назарияси контрреволюцияси» (1970), «Пул ва иқтисодий ривожланиш» (1973 й.) ва бошқалар.

Фридман ва унинг тарафдорларининг асосий концептуал томонлари:

- 1) Хусусий бозор ҳужалигининг барқарорлиги. Бозор ҳужалигида ички кучлар стабилликка, уз-узини тартибга солишга интилади;
- 2) Маъмурий ҳисобланувчи бюджет, солиқ каби тартибга солиш усуллариининг сонини минимумга келтириш;
- 3) Бош регулятор «пул импульслари», «пул эмиссияси» дир; 4) Пул массасининг узгариши дарров эмас, қандайдир вақт (лага) утгач уз таъсирини утказишини инобатга олиб «қиска муддатли пул сиёсати»дан воз кечиш. Уни узок муддатли сиёсат билан алмаштириш керак.


Фридменнинг пул қоидаси шундан иборатки, миллий даромаднинг усиши, баҳонинг усиши ва пул массасининг талаб ва таклифи бир хил бўлиши керак.

Монетарчилар жуда катта бўлиб кетган (АҚШ бюджетининг 50%) социал дастурларни камайтириш тарафдорлари бўлиб чиққанлар. М.Фридман 1976 йил Нобель мукофотини олган.

«**Таклиф иқтисодиёти**» ҳам неолиберал, неоклассик позициядаги оқим ҳисобланади. Унинг тарафдорлари иқтисодиётни бошқаришнинг либерал услублари тарафдордирлар, давлат иқтисодиётга тугридан - тугри аралашувга қарши, яъни таклифни ҳар хил йуллар билан рағбатлантириш тарафдорларидирлар,

«Таклиф иқтисодиёти» тарафдорларидан бири **Артур Лаффер** ҳисобланади.

Дастлаб 1961 йилда пайдо булган «рационал кутиш назарияси» (РКН) хозирги даврда кенг тарғиб килинмокда. Ж.Ф.Мут товарлар ва кимматли коғозлар бозорига бағишланган маколасида «нима учун бирон бир коида ёки формула ҳеч қачон нархларнинг узғаришини тугри прогноз кила олмайди?» деган саволга жавоб беришга ҳаракат килди. Унинг фикрича, амалда барча мавжуд информациялар савдогарлар томонидан дарҳол қайта ишланади ва уларнинг кура билиши, демак «кутилмалар» рационал бўлиб чиқади.



Лаффер эгри чизиги

**Жахон мамлакатларида ЯИМнинг жон
бошига тақсимланиши. 1996 й.**

АҚШ S	Мам. сони	ЯИМ Млн S	Аҳоли , Млн киши	Жон бошига ЯИМ,S
Паст 785дан кам	63	1.596.837	3.236	490
Уртачадан паст 786- 3115.	63	1.962.719	1.125	1.740
Уртачадан юкори 3116-9635	31	2.178.234	473	4.600
Юкори 9636дан куп	53	23.771.825	919	25.870
Дуне буйича.	210	29.509.614	5.754	5.130

**Манба: Мировая экономика . Экономика зарубежных
стран.М...2000,с.35**

**Ижтимоий- иқтисодий факультет
1-курс талабалари учун**

« классик иқтисодиёт назарияси»

**фанидан таркатма материаллар
мажмуи.**

3-мавзуга оид таркатма материал.

Меркантилизм урнига классик иктисодий мактаб вужудга келди. Чунки меркантилизм замон талабига жавоб бермай колди.

Замонда кандай узгариш содир булди?

Капитал савдо сохасидан ишлаб чикариш сохасига кириб борган сари капитални такрор ишлаб чикариш механизмини ва капиталистик жамият хужалик хаётининг бошка томонларини объектив тахлил этиш учун эхтиёж ушиб борди.

Меркантилизмдан фаркли уларок классик иктисодий мактаб, асосан 2 давлатда – Англия ва Францияда яратилди, нега? Чунки уша даврнинг бошка йирик давлатлари Испания ва Португалия

(1600 йилда 10 млн киши яшаган) денгиз орти ерларни талаш билан овора, Италия эса (1600 йилда 10 млн.киши) Усмонийлар империяси тазйики ва буюк географик кашфиётлар туфайли камбагаллашиб колган майда давлатлардан иборат эди. Германия эса (1600 йилда Европанинг энг халки куп мамлакати – 20 млн киши) таркок, узаро урушлар билан овора. Колган кичик давлатлар эса

(Голландия, Швецария кабилар) капитални концентрация килишда чекланганлиги учун куп илмий - техникавий муаммоларни ечиш даражасида эмас. Шунинг учун хам Англияда, кейинрок Францияда бу жараёнлар содир булди (1600 йилда Францияда 16 млн, Англияда 4,5 млн киши яшаган).

Классик иктисодий мактаб намояндалари тармок хусусиятдан катъий назар ишлаб чикаришни, шунингдек, неъматларни таксимашни узларининг асосий тадқиқот объектлари килиб олдилар.

Ульям Петти (1623 - 1687) классик иктисодий мактабнинг асосчиси хисобланади.

Ёзган асарлари – «Соликлар ва йигимлар тугрисида» (1662й), «Сиёсий арифметика» (1676 йилда) «Пул тугрисида айрим нарсалар» (1682).

У замондошларида уч томонлама шахс сифатида колди

а) Олим езувчи , эрудит;

б) келажакни кура оладиган, хаелпараст;

в) чаккон алдовчи, хасис, уз максадларига эришиш учун хар кандай

воситани кулловчи.

У.Петтининг иктисодий тушунчалари. У иктисодий конунларни, киши

хохиш - истагига боглик булмаганлигини тан олади.

Гражданлар урушининг сабаби «бировларнинг хаддан ташкари

бойлиги, бошқаларнинг очдан улаётганлиги» дейди.

У уз ишларида, 1 чи булиб микдорий анализ методидан фойдланган. У бу ҳақда шундай ёзади, мен уз фикрларимни аргумент (сузлар) билан эмас, ракамлар, огирликлар, улчовлар тилида ифода этаман. У уз дусту Джон Граунт билан биргаликда ҳозирги замон статистиканинг асосчисидир.

У 1чи булиб, Англиянинг миллий бойлигини ҳисоблаб чиққан.

Петти иш ҳақида меҳнатнинг қийматини куради ва у қонун томондан тартибга солиниши керак дейди, у биринчи булиб иш ҳақи минимуми тушунчасини киритган.

. У 1чи булиб дифференциял рента тушунчасини киритган. У ернинг капиталлашган рента эканлигини биринчи булиб изохлаб берди.

Инглизлар қуп масалада биринчи эди, шунинг учун ҳаётнинг мураккаб муаммоларига биринчи булиб жавоб беришга тугри келар эди. Инглизлар Монтескье айтгандек, бошқа халқлардан олдинроқ, жуда катта аҳамиятга эга бўлган уч нарсадан – **дин, савдо ва эркинлик** - фойдаланиб билдилар.

Англиядаги иқтисодий гоёлар тулкинининг энг қузга қуринган вакилларида бири **Николас Барбон** (1640 - 1698) эди. Унинг машҳур помфлети – «Савдо тугрисида очерк» (1690) мавжуд.

Дадли Норс (1641 - 1690) узининг «савдро тугрисидаги очерклар» асарида (улгандан кейин 1 йил утгач, 1691 йил нашр қилинган) уз гоёларини беради,

Бойлик нима? Бу нарсалар, ҳатто тилло, қумуш омбори эмас, мулки ҳаракатда, усишда бўлган одам бой дейди.

Жон Локк (1632 – 1704) уз замонасининг энг йирик файласуфларида бири. 1691 йил узининг иқтисодий памфлети «Процентни тушириш ва пул қадрини ошириш тугрисида мулоҳазалар» ёзди.

Жон Ло (1671 - 1729) нинг «Пул ва савдо тахлили» (1705) асаридаги туб гоё баҳоларда баҳо ҳиссасини оширишга ва «пулнинг купайиши узига тук одамларни тадбиркорликка жалб этади» деган фикр асосига қуйилган.

1719 йилда Лонинг иккинчи гоёси капитални ассоциациялаш ва марказлаштириш гоёсини амалга ошириш учун Франциянинг Миссисипи компаниясида акциядор жамият тузди.

Лонинг машҳур «пул пирамида»си қулади. Россиядаги, Гермес, МММ ёки биздаги Тойирбанк сингари.

XVII аср феодал – абсолютизм Франциясини Англия билан солиштирганда, биринчи навбатда барқарорлик даражаси билан фарқ қилади. Англия барқарор ривожланаётган мамлакат бўлса, Франция беқарорлик мамлакатиди.

Пьер Буагильбер (1646 - 1714) француз, Руан шаҳрида Норманд дворянлари оиласида тутилган.

Пьер Буагильбер 1707 йилга қелиб узининг системасини яратди. **Бу система уз ичига 3 асосий элементини олади:**

- 4) Катта солиқ реформасини ўтказиш. Масалан, регрессив солиқ системаси ўрнига, сал - пал прогрессивлашган пропорционал системасини тақлиф этади.
- 5) Ички савдони чекланишларидан ҳолос этиш.
- 6) Эркин дон бозорини яратиш ва доннинг нархи ўсишини ўшлаб турмаслик.

П.Буагильбер 1695 - 96 йилда «Франция аҳолининг тулик изоҳи» китобини ёзган. «Бойлик пул ва туловларнинг табиати тугриси»даги асари асосий назарий асаридир.

Шарль Луи Монтескье (1689 - 1755). Унинг асосий асари 1748 йилда нашр қилинган: «Қонунлар руҳи тугрисида». Бу китоб инжил, қуръон каби «дунёни ўзгартирган китоб» деган ном олган.

Унинг айрим фикрлари: энг огири, давлат бутун ерни уз мулки деб эълон килишидир. Окибат ер даромад бермай куяди. Агар давлат савдо билан шугулланса, хар кандай саноат хонавайрон булади. давлат мулки хужайинларнинг очкузлигини камайтирмайди, балки кучайтиради. Кишлок хужалигининг ривожланиши даражаси, ернинг унумдорлигига эмас, эркинлик даражасига боглик.

Иктисодчи (экономист) термини иктисодий масалаларни урганувчи олим

маъносини беради. Бу термин 18 асрнинг урталарида Францияда пайдо

булди. Доктор Кенэ атрофида тупланган бир гурух олимлар узларини

экономист деб атай бошладилар. Булар: Виктор Миробо, Дюпон де Немур,

Мерсье де Ларивьер, Гурне, Тюрго.

Венсан де Гурне (1712 - 1759) янги мактаб, физиократлар мактабининг асосчиларидан бири, Кенэни иктисодчи булишига катта роль уйнаган. У «Лаза-Файе» ни биринчи булиб ишлатган.

«Лаза - файе» формуласи тулик иктисодий эркинлик, давлат эса ишлаб чиқариш, савдо, молия соҳасида уз фуқароларининг ишига аралашмайди. Улар давлатга солиқ тулайдилар, давлат эса уларнинг ҳаёти мулки, ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлайди.

Физиократлар (физика - табиат, крат эса ҳукмронлиги) вужудга келатган классик иктисодиётнинг французча варианты эди.

Франсуа Кенэ (1694 - 1774) француз иктисодчиси, физиократлар мактабининг асосчиси

Биринчи иктисодий асарлари: «Фермерлар» (1756), «Дон» (1757). Асосий асари: 1758 йилда узининг «Иктисодий жадваллар» асарини езд.

Ф.Кенэ соф маҳсулот тушунчасини киритади. Бу қушимча қийматга яқин эди. Физиократларнинг фикрича қушимча маҳсулот қишлоқ хужалигида қилинган ҳаражатлардан ортиқча қисмидир. Ф.Кэне капиталнинг меҳнат процессида жисман 2 қисмга булинишини 1 чи булиб қурган (асосий ва айланма капитал терминлари лекин ҳали йук эди).

Франсуа Кэненинг иктисодий жадвали.(биринчи варианты)

«йиллик бунак» ер эгаси даромади унумсиз синф бунаклари

Ер эгаси даромади 2 минг 2 минг 1 минг

ва бошлангич бу- 1 минг 1 минг

нак фоизларини 1 минг

тулаш учун фой- 1 минг 1 минг

даланилган сум-

малар.

Йиллик бунакларнинг

Копланиши. 2 минг

Якун	5 минг	2 минг
------	--------	--------

Изох. Стрелкалар хара- бундан бир минг келаси

жатларнинг йуналишини йил айланма капитал

курсатади. сифатида реинвестиция

килинади.

Иктисодиетдаги уч тармокнинг узаро богликлиги.

Ишлаб чикариш	Харид 1	Харид 2	Харид 3	Ишлаб чикаришнинг бир йиллик хажми.
Фермерлар	2	1	2	5 2 2 9
Ер эгалари	2	0	0	
Хунармандлар	1	1	0	
Якуний харид	5	2	2	

Франсуа Кэненинг иктисодий жадвали.(2-вариант.)

Фермерлар	мулкдорлар	саноатчилар
(унумли синф)	(ер эгалари)	(унумсиз синф)
5 млрд	2 млрд	2 млрд
	Пул	пул
1 млрд	Кишлок х-ги мах-ти	саноат моллари
		1 млрд
	пул	Кишлок х-ги мах-ти
1 млрд	пул	
	Ишлаб чикариш во-	
	ситалари.	
1 млрд	пул	1 млрд
	Кишлок х-ги мах-ти	

Ани Роберт Жак Тюрго (1727 - 1781) француз, давлат арбоби, эски норманд дворян оиласида Парижда тугилган. Унинг асосий иктисодий асари «Бойликнинг вужудга келиши ва таксимланиши тугрисида фикрлар» (1766).

Тюрго биринчи булиб даромаднинг алохида тури - капиталдан олинадиган фойда тушунчасини киритади. У биринчи булиб, фойда, фоиз ва рентанинг узаро алокасини тахлил килган.

У биринчи булиб, прогресс терминини хозирги замонда кандай тушунилса, шундай куллайди.

Эдинбург якинидаги кичкина, Керкольди шахрида тугилди 14 ешида Глазго университетига кирди. 17 ешида уни аъло бахоларда тугатиб, Оксфорд университетига бепул укиш учун стипендия олди. Оксфордда 6 йил укиди.

1751 йил Смит Глазгога келди ва 13 йил университетда дарс берди.

1759 йилда Смит 1 катта илмий асари – «ахлокий хислар азарияси» китобини на. 1765- 1766 йиллар Францияда герцог Баклюнинг тарбиячиси сифатида булди. Вольтер, Кенэ, Гюрго ва бошқалар билан мулоқотда булди. Герцог унга 300 фунт пенсия берадиган булади ва 10 йил (1766 - 1776) ҳеч қаерда ишламай китоб устида ишлайди.

1776 йил узининг буюк асари « халқлар бойлиги табиати ва сабаблари тугрисида тадқиқот» тугатди ва чроп этди. Китоб чиккач, 2 йилдан кейин герцог Баклю ердамида божхона комиссариатида (Шотландия) 600 фунт стерлинг йиллик маоши булган ишга утиб, умрининг охиригача – 1790 йилга шу мансабда ишлади.

. Адам Смит жаҳон иқтисодий фанида энг йирик шахси деса булади. А.Смит китобининг 200 йиллик юбилейида (1976) унга бағишлаб унлаб китоблар, 100лаб мақолалар езилди, у ҳозир ҳам иқтисодиёт фанининг жонли фигурасидир. «Адам Смит XVIII асрнинг энг буюк сиймоларидан бири эди ва у XIX асрда уз мамлакати ва бутун дунега жуда катта таъсир кўрсатган эди» деб езган эди инглиз олими Александр Грей 1948 йил.

Куйидагилар Адам Смит билимларига пойдевор булган:

а) меркантилизм мактаби ва уни танқид қилувчиларнинг асарлари (У.Петти, МанDEVИЛЛ...)

б) 1707 йил Англия билан Шотландия уртасида давалт унияси тузилган эди, утган 70 йил ичида Шотландияда, биринчи навбатда А.Смит умри утган шаҳар атрофларида (Керкольди, Эдинбург, Глазго) капитализм жадал ривожланди;

в) Черков университетлар устидан уз назоратини йукотди, Шотландия университетлари анча эркин фикрлилиги билан ажралиб турар эди.

г) 50 йилларда Шотландия маданият кутаринкиликни бошидан кечирмокда эди. Буг машинасини яратган Джемс Уатт, ҳозирги замон химия фанининг асосчиси Джозеф Блэк, иқтисодчи Джемс Стюарт, файласуф Давид Юм, тарихчи Уильям Робертсон, иқтисодчи Адам Фергюсон, геолог Джемс Адам

хаттон ва бошқалар. Булар Адам Смитнинг замондошлари, купи эса унинг дустлари эди.

Смитнинг буюк ютуқларидан бири меҳнатнинг қиймат назариясидир. Бу масалада унда 4 та қараш бор эди:

а) қиймат - товарда мужассамлашган зарурий меҳнат миқдори билан улчанади (биринчиси ва асосийси);

б) шу товарда сотиб олиш мумкин булган меҳнат миқдори билан;

в) ишлаб чиқариш харажатларидан иборат, шу жумладан ишчиларнинг иш ҳаққи ва капиталистларнинг фойдаси;

г) киймат меҳнатнинг оғирлиги билан улчанади.

Д) Францияда бўлиб, физиократлар таъсирида бўлмай, аммо уларнинг энг яхши гояларни ола билиш, Франциядан Гельвиций фалсафаси (эгоизм - тараккиёт омили) ни узлаштириб олиши.

Смитнинг иқтисодий дастури ҳеч қаерда алоҳида қилиб езилмаган бўлса ҳам, унинг бу қуйидагилардан иборат:

- 5) Ҳозирги замон термини билан айтганда, иш кучи мобиллигига тусик бўлувчи ҳамма нарсаларни олиб ташлаш;
- 6) Ерни тула эркин савдоси;
- 7) Саноат ва ички савдони давлат томонидан чеклашларни бутунлай бекор қилиш;
- 8) Англия учун эркин ташқи савдони жорий этиш. Фритредерство – эркин савдо А. Смит номи билан боғлиқ.

Давид Риккардо(1772 1823).1809 - 1810 йиллар

Давид Риккардо Лондоннинг молия оламида энг катта киши эди. Кейин у 1 млн. фунт стерлинглик бойлик йиғгач, йирик ер эгаси ва рантьега айланади. 26 ёшидан бошлаб Риккардо кундузлари биржада ишласа, кечкурунлари фан билан (табиатшунослик, математика, кейинчалик сиёсий иқтисод билан) шугулланади.

1810 - 1811 йилларда банкнотни олтинга алмаштиришни тарафини олиб, бир неча мақолалар ёзади. 1815 йил – «Ноннинг паст баҳоси капиталдан олинadиган фойдага таъсири тугрисида тажриба» мақоласини ёзади.


1817 йил апрелда «Сиёсий иқтисоднинг ва солиқ солишнинг бошланиши». (Аммо бу китоб Адам Смитнинг китоби сингари бестселлер бўлмади).

1819 йил Давид Риккардо парламентга сайланади (аниқроғи жойни сотиб олади). У парламентда катта роль уйнаган, мустақил бўлиб, ўз позициясини ҳимоя қилиш учун консерваторларга ҳам, лейбористларга ҳам қарши овоз бера билган. У 51 ёшида (1823 йил) оламдан ўтган.

Д.Риккардо классик иқтисодий мактабни ўз асарларида яқунлади. Классик мактабнинг асосий белгилари нимадаен иборат:

- 1) бу мактаб учун иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг чуқур мазмунига қириб (илмий абстракциядан фойдаланиб) очиш ҳосилдир;
- 2) бу таълимотда кийматнинг меҳнат назарияси иқтисодиёт биносининг пойдевори ҳисобланади.
- 3) ишлаб чиқариш ва тақсимлаш муаммоларини жамиятнинг асосий синфлари нуқтаи назаридан қуриб чиққан.


- 7) Ижтимоий капитални такрор ишлаб чиқариш иқтисодий системадаги табиий мувозанатга асосланган.



Ф.Кенэ бўйича ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш

2-чизма. А.Смит ва Ф.Кенэ бўйича ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш.

3-чизма. Адам Смит ва Ф.Кенэ бўйича ижтимоий тақдир ишлаб чиқариш.



5- мавзуга оид таркатма материал

Жан Батист Сей (1767 - 1832) француз, Лион шаҳрида гугенотлар оиласида туғилган. У замонаси нуктаи назаридан яхши маълумот олди, аммо жуда еш савдо канторасига ишга киради, узи устида куп ишлайди, Смитнинг «халклар бойлиги»ни жуда яхши урганади.

1803 йилда «Сиесий иктисод трактати, еки бойликни вужудга келиши, тақсимлаш ва истеъмол қилиш натижасида йулларни оддий изохлаш» асарини езди.

1«**Сей қонуни**» - баҳо абсолют мослашувчанлик ва хужаликда қонъюктура узғаришига дарҳол жавоб бера олади. Товар ишлаб чиқаришда вужудга келган мутаносибсизликни баҳонинг узи тузатади.

1828 - 1829 йилларда у «Сиесий иктисоднинг тулик курси» ни нашр этди,

Сей буйича ишлаб чиқариш 3 омилига мос, даромад 3 га тақсимланади: меҳнат иш ҳақини яратади, капитал фойзини, ер эса ер рентасини дейди. Тадбиркор оладиган фойдани у 2 қисмга бўлади: тадбиркор оладиган даромад (ишлаб чиқариш омилларини рационал қушганлиги учун оладиган ҳақи) ва фойзини (капитал эгаси бўлгани учун).

Ҳами талаб ҳами тақлифга тенг. Қисман мутаносибсизлик бўлиши мумкин, бу эса умумий қризиссиз тузалиб кетади, дейди.

Томас Роберт Мальтус (1766 - 1834) инглиз, дворян оиласида туғилган. 1788 йил Кембридж университетини битиргач, қишлоқ руҳонийси сифатида ишлаб бошлайди, илоҳиёт фанидан илмий даражага эга бўлди. 1807 йилдан бошлаб «Ост - Индия» компанияси коллежида сиесий иктисод профессори лавозимида лекциялар ўқиди. У Давид Рикардонинг 25 йиллик ўртоғи, оппоненти бўлган.

Унинг асосий асарлари: Аҳоли нўфуси қонуни тўғрисидаги тажриба (1798 й), «Ер рентасининг табиати ва ўсиши тўғрисидаги тажриба» (1815), «Сиесий иктисоднинг бошланиши». У ўз асарларида ер эгаларини ҳимоя қилган, ишчилар аҳолининг оғирлигини, бу аҳолга ўларнинг гуноҳи йўқлигини айтади.

Мальтусни машҳур қилган нарсаси нўфус қонунидир. У аҳоли геометрик прогрессия билан, озик - овқат етиштириш эса арифметик прогрессия билан ўсиши мумкин. Оқибатда аҳоли шунчалик қўпаядики, аҳолини боқиб бўлмай қолади, оқибатда очарчилик, қирғин бошланади, дейди. Бу ғояни у ўзининг

асарида умрининг охиригача муаммони хал килиш учун таклифлар бериш билан такомиллаштиради. Унинг асари 1798, 1806, 1807, 1817 ва 1826 йилда чиқади, охирги нашр биринчисидан хажм жихатдан 10 марта катта эди. Унинг таклифлари: ахлокий тарбия, кеч уйланиш, абортга рухсат бериш (рухоний була туриб шу таклифни беради), оилани бока олиш курбига караб режалаштириш.

Фридрих Лист (1789 - 1846) немис, жанубий Германияда узига тук хунарманд оиласида туғилди. 15 ешигача маълумот олади, кейин 2 йил отасининг устахонасида ишлайди. У шогирдлар орасида хаёлпараст ва дангаса деб ном чикарди. Унинг оиласи Листни уқишга беришга қарор қилади. Уқишдан кейин, Лист 10 йил турли давлат мансабларида ишлайди.

1817 йил Тюбинген университетида «давлатни бошқариш тажрибаси» профессори бўлади. 1819 йил савдо - саноат иттифоқини тузади, иттифокнинг асосий вазифаси – бутун Германиянинг иктисодий бирлиги учун кураш эди.

Асосий асари: «Сиесий иктисоднинг миллий системаси» (1841) китобнинг асосий гояси – Германиянинг таракқиети ва бирлашувига саноатни ривожлантириш йули билан эришилади, герман саноатини эса чет эл рақобатидан юкори бож солиқлари орқали химоя қилиш керак.

Лист ташки савдо ривожланишининг 3 босқичини ажратади:

- 4) эркин савдо шароитида миллатлар варварлик ҳолатидан чиқиб дехкончиликни ривожлантирадилар (Испания, Португалия шу даражада дейди).
- 5) Хар хил савдо чеклашлар билан саноатни ва ташки савдони ривожлантирадилар (АҚШ, Германия, Франция)
- 6) Бойлик ва кудратнинг маълум даражасига етгач, секин эркин савдо ва рақобатга утадилар (бу даражага факат Англия эришган), дейди.

Тарихий мактабнинг 3 буюк вакили бор:

Вильгельм Рошер (1817 - 1894) узок умри давомида куплаб китоблар езган, 50 йил Лейпциг университетида профессорлик қилган, уз замонасининг обрули (ҳукумат ва олимлар орасида) киши. Асосий иктисодий асари: «Тарихий метод нуктаи назарида сиесий иктисод очерки».(1843).

Бруно Гильдебранд (1812 - 1878) у реакцион Гессен ҳукуматидан қочиб Швецарияда яшаган. Цюрих ва Берн университетларида дарс берган. У биринчи бўлиб Швецарияда статистика хизматини ташкил этган. 1861 йил Германияга қайтиб келади ва умрининг охиригача Йен шаҳри университетида профессорлик қилади. Асосий иктисодий асари: - «Хозирги даврнинг ва келажакнинг миллий иктисоди» (1848).

Гильдебранд хужалик ривожланиш тарихини 3 даврга бўлади :

- а) табиий хужалик (натурал хужалик);

- б) пул хужалиги;
- в) кредит хужалиги.

Карл Книс (1821 - 1898) 30 йилдан куп Гейдельбергда профессорлик килган. Тарихий мактабга оид асосий асари – «Сиесий иктисод тарихий метод нуктаи назаридан» (1853). Кейинчалик (70 йилларда) Шмоллер билан янги тарихий мактабни яратди.

Ушбу мактабнинг «тарихий» усулига хос хусусиятларни В.Рошер куйидагича белгилайди:

- 1) Халklar иктисодий масала деганда нимани тушунади? Улар иктисодий сохада нималарга эришганлигини амалда курсатиш;
- 2) Факат замонавий иктисодий муносабатларни кузатиш билан чекланмаслик;
- 3) Барча халklarга хос иктисодий ходиса ва харакатларни таккослаб танкид килиш. Бу сохада айникса кадимги халklarга эътибор бериш;
- 4) Иктисодий муассасаларни мактамаслик ва хакорат килмаслик, чунки уларни айримларигина барча халklar учун фойдали еки зарарлидир.

Антуан Огюстен Курно (1801 - 1877) Шаркий Франциянинг Гренобль шахрида, анчагина бой майда буржуа оиласида тугилди, яхши маълумот олди. 1823 - 33 йилларда Маршал Сен - Сир оиласида унинг фарзандига тарбиячи ва маршалл котиби булиб хизмат килди, бир канча маколалар езди. У 1829 йилда Париж университетида математикадан докторлик унвонини олди. Лионда оддий математика профессори, Гренобль университети ректори булиб ишлади, кейин олий мактаблар бош инспектори булди.

Асосий иктисодий асари: «Бойлик назариясинин математик принципларини тадқиқоти» (1838). У уз асарида биринчи булиб математик усулларни иктисодиётга куллади (масалан, талаб функцияси, таклиф эластиклиги ва бошқалар). Аммо уни замондошлари на математиклар (иктисодий муаммолар ёритилганлиги учун), на иктисодчилар (мураккаб математика тили кулланилганлиги учун) тушуна олмадилар.

Генри Чарльз Кэри (1793 - 1879) йирик ноширни угли булган, коммерция соҳасида катта ютукка эришди. Бойиб олгач, йирик фабрикантга айланди ва иктисодий тадқиқотларга киришди. Унинг асарлари «Сиесий иктисод принциплари» (1837 - 40) ва «ижтимоий фанларнинг асослари» (1857-59), «Манфаатлар уйғунлиги» (1872).

Камералистика - урта аср университетларида вужудга келган бутун ижтимоий фанларни давлат чиновнигига амалиёт учун керак буладиган даражада изхор килиш методи эди. Асосий иктисодий доктрина – меркантилизм эди.

«**Манфаатлар уйғунлиги**» назариясини асослаган. Социал вазифаларни озодлик, эркинлик бериш йули билан хал килинади. Капиталистик ишлаб чиқариш «гармониялар» подшолиги, озодлик ҳукмронлиги, хизматга хизмат принципини реализацияси, деб қарайди. Давлат фақат «тартиб, ҳавфсизлик ва адолатни таъминлаши керак» дейди.

Тарихий мактаб - тарихчилар жамиятнинг иқтисодий ривожланишига эволюцион жараён деб қарайдилар. Тарихчилар иқтисодий фан марказига тор маънодаги «шахсий эгоизм» ни эмас, балки мураккаб психика ва ахлоққа эга бўлган, миллий ва тарихий узига хосликка эга бўлган инсонни қўядилар.

Демография – аҳолининг ҳаракати (усиш, тугилиш, улиш, қучиш) тугрисидаги фандир.

8- мавзуга оид таркатма материал.

Марксизм унинг асосчилари К.Маркс ва Ф.Энгельс томонидан бир неча ун йилликлар давомида (1840 - 1880 йилларда) яратилди.

Карл Маркс 1818 йил 5 май адвокат оиласида Трир (Рейн вилояти) шаҳрида туғилди. 1835 йил гимназияни тугатгач, олдин Бонн, сунгра Берлин университетида ўқиди ва 1841 йил уни тугатди, у ҳуқуқ билан фалсафани чуқур ўрганади

Фридрих Энгельс 1820 йил 28 ноябрь Бармен шаҳрида фабриконт оиласида туғилди. Энгельс гимназияни тугата олмай қолади, уни отаси 1838 йил Бремен савдо уйига тижорат билан шугулланишига қўяди. Аммо ўз ўстида мустақил қўй ишлайди.

Энг муҳим асарлари:

«**Сиёсий иқтисодни танқидига оид ҳомаки лойиҳалари**» (Энгельс, 1844 йил). Бу асар иқтисодиётга бағишлаб ёзилган ва биринчи асар (мақола) дир.

«**1844 йилнинг иқтисодий - фалсафий қўлезмаси**» (Карл Маркс). Бу Маркснинг катта ишининг ҳомаки лойиҳаси эди. У капиталистик тузумнинг қамчиликлари иқтисодий муносабатларни, ҳуқуқни, ахлоқни қескин танқид остига олади.

«**Муқаддас оила**» (1845«Англияда ишчилар синфининг аҳволи» (1844 - 45 йиллар, Ф.Энгельс). йил, биргаликда).

«**Фалсафанинг қашшоқлиги**» (К.Маркс, 1847 йил), 1846 йил Прудоннинг «Иқтисодий зиддиятлар системаси еки қашшоқли фалсафаси» китоби чиқади. Шу асардаги майда буржуача гоёларини танқид қилиш, уларнинг қамчиликларини қўрсатиш учун К.Маркс ўзининг шу асарини ёзди.

«**Ёлланма меҳнат ва капитал**» (Маркс, 1849).

Марксизмнинг энг муқаммал асари - «**Капитал**» асаридир. «Капитал» асарини ёзишга актив қиришиш **1851 йил** бошланган.

Бу асар устида К.Маркс то умрининг охиригача ишлайди. К.Маркс фаол ишлаган пайтларда кунига 4 соат ухлаб, 18 соат ишлаган. У улгандан кейин хам, бу асарни тугатиш учун Ф. Энгельс 10 йил ишлаган. Шундай қилиб, асар 43 йил давомида езилган.

Капиталнинг биринчи томи 1867 йил Лейпцигда нашр қилинган. Биринчи томда капитализмнинг хужайраси бўлган товарни урганишдан бошланади, бу томда пул, пулнинг капиталга айланиши, елланма ишчини эксплуатация қилиниши, қушимча қиймат, доимий ва узгарувчи капитал, иш хақи, унинг шакллари, капиталистик жамғариш жараёни чуқур анализ қилган. Биринчи том 7 бўлимдан иборат.

Иккинчи томни 1885 йил Ф.Энгельс нашрга тайерлаб, нашр қилдиради. Иккинчи том капиталнинг айланиши жараёнига бағишланган. У 3 бўлимдан иборат:

- биринчи бўлим - капитал ва уларнинг доиравий айланиши,
- иккинчи бўлим - капиталнинг айланиши,
- учинчи бўлим - ижтимоий капиталнинг такрор ишлаб чиқарилиши ва айланиши.

Бу томда капитал доиравий оборотининг 3 босқичи, пул, товар, унумли капиталнинг доиравий айланиши, асосий ва айланма капитал, иш даври, оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш биринчи ва иккинчи бўлимларининг муаммолари анализ қилинган.

Капиталнинг учинчи томини Ф.Энгельс 1894 йил нашр қилдирган, у бу том устида анча ишлаган. Учинчи том ҳам 7 бўлимдан иборат. Бунда ишлаб чиқариш жараёни билан муомала жараёнининг диалектик бирлиги ёритилади.

Ш томда қушимча қийматнинг узгарган шакллари, уларнинг гуруҳ ва синфлар уртасида тақсимланиши, фойданинг уртача фойдага, қийматнинг баҳога айланиши, савдо капитали, савдо фойдаси, ссуда капитали, ссуда проценти, ер рентаси чуқур ёритилган.

К.Маркс «Қушимча қиймат назарияси» номи билан капиталнинг туртинчи томини езиш нияти бор эди, бунда у буржуа иқтисодчилари гоёларини танқидий урганиш ниятида ишлаган. Аммо туртинчи томни на у, на Ф.Энгельс поёнига етказа олишган. Уни факат К. Каутский XX аср бошларида (1905 - 1910 йй.) Маркс қулезмаларини айрим жойларини тушириб, айрим жойларига қушимча қилиб нашр қилинган. Туртинчи том факат 1954-1961 йилларда марксизм - ленинизм институти томонидан тулиқ ҳолда нашр қилинди ва у туртинчи том деб ном олди. Бу томда Дж. Сюарт, А.Смит, Д. Рикардо ва бошқа иқтисодчиларнинг асарлари танқидий анализ қилинган.

Савол тугилади, нега Маркснинг гоёлари бунчалик машҳур эди?

Адам Смит уз замонасида ижтимоий фикр булиши керак бўлган нарсани ифодалади, шунинг учун унинг «Халқлар бойлиги» асари ХҮШ

асрда бестселлер булади. К.Маркс ҳам уз замонасининг ижтимоий фикрини - интеллигентларда булган кучли адолат хиссасини ифода этди. Шунинг учун «Капитал» XIX асрда бестселлер булди.

Факат шунга хайрон коласизки, икки замонада икки хил ижтимоий фикр, ижтимоий эҳтиёж.

Маркснинг энг муҳим хизмати: у тарихга материалистик караш, моддий техниканинг хал килувчи роли, ишлаб чиқариш муносабатлари бутун ижтимоий муносабатлар ичида хал килувчи роли, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг узаро боғликлиги, инсоният таракқиетидаги формациявий караш каби муҳим гоёларни яратди. Меҳнатнинг қиймат назариясини поёнига етказди. Шунинг учун ҳам Марксни классик сиёсий иқтисодни яқунловчи ҳам деб қарайдилар.

Марксизмнинг узига хос хусусиятларидан бири синфий ендашиш, синфий антогонизм буртирилган. Марксизмнинг энг муҳим асоси бу – моддий ишлаб чиқариш жамият асоси деб қарашдир.

«Марксизмни реконструкция қилиш» – йигирманчи асрнинг 70 йилларида илгор мамлакатларда Маркснинг илгор гоёларини олиб замонага мослаштиришдир. Япон иқтисодчиси Козо Уно Маркс иқтисодий таълимотини «реконструкция» қилишнинг япон моделини яратди.

Маркс таълимоти ҳар хил қараш бор: уни инкор этувчилар ҳам, тугри деб ҳисобловчилар ҳам, қамчиликларини қуриб ундаги муҳим гоёларини қабул қилувчилар ҳам бор.

9- мавзуга оид тарқатма материал

Marginal utility - меъерий нафлик дегани эди. Бу тушунча, у билан боғлиқ назария иқтисодий гоёлар ривожланишида бурилиш эди. Меъерий ан **Маржинализм** оғирлик марказини уртача қатталиклардан меъерийга қучирди, чегараланган ресурслар шароитида оптимал вариантни қидиришга қучирди. Ишлаб чиқариш омилларининг шундай комбинациясини топиш қеракки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг нафлиги максимал булсин.

Маржинализм классик мактаб янги мактабга - неоклассик мактабга усганлигини қурсатди, **унинг үч асосий хусусияти** бор:

А) шартли экстремумга мулжалланган вазиқалар (максимум ёки минимум);

Б) меъерий қурсатқичлардан фойдаланиш;

В) анализда математик усуллардан фойдаланиш.

Маржинализм бир вақтнинг узида 3 олим томонидан, бир-бири тугрисида ҳеч нарса билмаган ҳолда яратилган:

А) Стенли Джевонс (1835 - 1882) - инглиз, 1862 й.;

Б) Леон Вальрас (1834 - 1910) - швейцариялик, 1874 й.;

В) Карл Менгер (1840 - 1921) – австриялик, 1871 й.
(яъни инглиз, немис, француз тилларида).

Аммо бу назарияларнинг асосини бу уч олимгача яратилган эди. Буларнинг ҳам 3 тасини айтиш мумкин: бири биз биладиган математик **Курно**, француз (1838 йилда уз фикрларини ёзган.) ва иккинчиси немис **Тюнен** (1929 йилда уз фикрларини баён этган.) эди. Учинчиси эса немис **Герман Генрих Госсен** (1810-1858й.).

У 1854 йилда «Кишилар узаро таъсирининг эволюцион конунлари» асарини ёзади. У Коперник астрономияда нима килган булса, иктисодиётда мен шу ишни килдим, деб узига тугри баҳо беради. Аммо китобни ҳеч ким тушунмайди. Госсен бор китобларни сотиб олиб ёкиб ташлайди. Факат 1887 йил Джевонс ва Вальрас (энди улар бир-бирини билар эди) бир неча экземплярнигина топиб олишади.

Унинг номи билан у кашф килган 2 конунни айтадилар:

1 чи Госсен конуни - меъерий нафликнинг пасайиш конуни;

2 чи Госсен конуни – «шахс узининг ялпи нафлигини максимумга чиқаради, агар унда булган ресурсларни ҳар хил неъматлар уртасида шундай тақсимлайдики, ҳар бир неъмат учун сарфланган охириги сарфланган ресурс бир хил кониктириш беради».

ализ номини олган.

Янги тарихий мактабнинг асосчиси (консерватив оқим вакили) **Густав Шмоллер** (1838 - 1917) эди. У Галл, Страсбург ва Берлин университетларида профессорлик килган.

Унинг **асосий асарлари**: «XIX аср Германиясида майда хунармандчилик ишлаб чиқариши тарихи» (1870 й.), «Халқ хужалиги, халқ хужалиги тугрисидаги фан ва унинг услублари» (1897) ва бошқалар.

ЛУЙО БРЕНТАНО (1844 - 1931) янги тарихий мактабнинг либерал оқими вакилидир. У Берлин университетида доцент, Мюнхен университетида профессор булиб ишлаган.

Брентанонинг **асосий асарлари**: «Хозирги замон ишчи гильдиялари» (1871-1872 й.), «Иш хақи ва иш вақтининг меҳнат унумдорлигига муносабати тугрисида» (1877 й.), «Аграр сиёсет» (1897 й.).

ВЕРНЕР ЗОМБЕРТ (1863 - 1941) Бреславль ва Берлин университетлари профессори.

Асосий асарлари: «Социализм ва XIX асрда ижтимоий ҳаракат» (1897), «Хозирги замон капитализми» (1902 й.), «Хужалик ҳаёти тузуми» (1926 й.).

Карл Брюхер (1847 - 1930) немис, у ҳам уз умрини университетларда утказган.

К.Брюхер халқ хужалиги тарихини классификация қилишга катта ҳисса қушган.

МАКС ВЕБЕР (1864 - 1920) ҳар томонлама маълумотли, универсал олим, ҳам философ, иктисодчи, социолог

Карл Менгер (1840 - 1921) эди. У Вена университетининг профессори булган.

Унинг **асосий асарлари:** «Сиёсий иктисод асослари» (1871 й.), «Ижтимоий фанлар ва биринчи навбатда сиёсий иктисонинг методи тугрисида тадқиқот» (1883 й.).

ЭЙГЕН БЕМ - БАВЕРК (1851-1914) олдин Инсбург, кейин Вена университети профессори булиб ишлаган.

Асосий асарлари: - «Хужалик неъматлари қиймати назарияси асослари» (1886 й.), «Капитал ва фойда» (1884 - 1889 й.), «Карл Маркс назарияси ва уни танқид» (1896 й.) ва бошқалар.

«**Меъёрий фойдалилик**» назарияси Австрия мактабининг назариясининг асосини ташкил этади. Меъёрий фойдалалик назариясини Австрия мактабининг вакиллари Маркснинг қийматнинг меҳнат назариясига қарши қуядилар. Улар «товар» ва «қиймат» урнига «неъмат» ва «қиммат» категорияларини ишлатадилар. Улар неъмат қимматини субъектив (шу субъект нуктаи назаридан) ва объектив (товарнинг бозор баҳоси) турларини ажратадилар.

ФРИДРИХ ВИЗЕР (1851 - 1926) Вена университети профессори булиб ишлаган.

Асосий асарлари: «Хужалик қийматларнинг келиб чиқиши ва бош қонуни тугрисида» (1884 й.), «Табиий қиймат» (1889 й.), «Хукмронлик қонуни» (1926 й.).

Микроиктисодий анализни пайдо булишига ва ривожланишига **Альфред Маршалл** (1842 - 1924) катта ҳисса қушди. У Кембридж (1209 йилда асос солинган университет, дунёнинг энг қадимий ва обрули университетларидан бири) университетнинг профессори. Унинг **асосий асарлари:** «Иктисодий фан асослари» (1890 й.), «Саноат ва савдо» (1922 й.). У узини Рикардо таълимотининг давомчиси деб ҳисоблаган.

Маршалл «**талабнинг эгилувчанлиги**» (эластиклиги) ни қиритди, яъни баҳо узғариши талаб узғаришига олиб келади, улар бир - бирига боглиқдир.

Маршалл **умумий иктисодий мувозанат назариясини** ҳам илғари сурган. Бу назарияга асосан эркин рақобат механизми нафакат даромадларни «адолатли» (яъни ишчилар меҳнатига яраша иш хақи, капиталистлар – фойдани, ер эгалари – рентани) тақсимлашни таъминлайди, балки иктисодий ресурслардан тула фойдаланади («тулик иш билан таъминланганлик»). Бу

назария капиталистик иктисодиётнинг ички баркарорлиги, эркин тадбиркорликда бозор механизмининг автоматизми, иктисодиётга давлатнинг аралашмаслиги сиёсатини уз ичига олган концепцияга асос булди. Бу концепция XX асрнинг 30 - йилларигача ривожланган мамлакатларда хукмрон йуналиш булиб келди.

Америка мактабининг энг кузга куринган вакили **Джон Бейтс Кларк** (1847 - 1938) булиб, у Колумбия университети (АКШ, Нью-Йорк шаҳрида, 1754 йил асос солинган, 15 минг талаба 1979 йил булган) профессори.

Асосий асарлари – «Бойликнинг таксимланиши» (1899 й.), «Иктисодий назария мохияти» (1907 й.).

Л. Вельрас «соф иктисодий фан элементлари» (1874 й.) асарини ёзган, бу маржинализмни вужудга келтирган асарлардан бири эди.

Вальрас фойдалилик урнига ноёблик тушунчасини киритди ва микдор истеъмолининг камаювчи функциясини таклиф этди. Умумий бозор мувозанати назариясини ишлаб чиқди ва унинг тенгламасини яратди. **Вальрас конуни** буйича, бозор мувозанати шароитида умумий талаб умумий таклифга тенгдир.

Вильфредо Парето (1848 - 1923) Вальрасдан кейин Лозаннадаги сиёсий иктисод кафедраси мудири (1893 йилдан.). У Элита назариясининг автори. **Китоблари:** «Политэкономия курси» (1896 - 97), «Сиёсий иктисод дарслиги» (1900 й.).

Парето оптимуми – бозорнинг шундай ҳолати, ҳеч ким уз аҳволини бошқанинг аҳволини ёмонлаштирмасдан эриша олмайдиган ҳолат.

Иктисодий статика «ижтимоий» конунларни, яъни капитализм конунларини урганади, у стационар ҳолатда, яъни ҳеч қандай узғариш булмайдиган ҳолатда иктисодиётдаги мувозанат конунларини урганувчи фан дейди.

Стационар ҳолат - фикран тасаввур қилинадиган модель, конунларни урганиш учун, соф ҳолатда мувозанат шароитини аниқлаш учун зарур.

Иктисодий динамика мувозанатнинг бузилишининг сабабларини аниқлайди, бир мувозанат ҳолатидан иккинчи мувозанат ҳолатига утади.